при выполнении следующих условий (ограничений):

площадь севооборотных массивов с K -й схемой не должна превышать площади земель l -й почвой:

$$\sum_{k=1}^K \sum_{j \in J} x_{lj}^k \leq A_l; \quad l = \overline{1, L},$$

площадь посева j -й культуры в севооборотных массивах должна иметь размеры предусмотренные схемой севооборота:

$$x_{lj}^k - \alpha_j^k x_l^k = 0,$$

площади повторных посевов в севообороте определяются соотношением

$$\sum_{k=1}^K \sum_{j=1}^{J_0} x_{lj}^k - \sum_{j \in J} y_{lj} \geq 0 \quad l = \overline{1, L},$$

поголовье скота или птиц определяется соотношениями

$$z_j \leq B_j; \quad j = J_0 + 1, \dots, J_1; \quad - \sum_{t=1}^T z_j^t + \beta^v \cdot z_j \geq 0; \quad \beta_j^v < 1;$$

площадь пастбищ и сенокосов, используемых на кормовые цели, не должна превышать искомой

$$\bar{x}^1 \leq A^1; \quad x^z \leq A^z,$$

объем производства хлопка и других видов товарной продукции растениеводства и животноводства не должен быть меньше установленного сверху

$$a) \sum_{k=1}^K \sum_{l=1}^L u_{lj}^k x_{lj}^k + \sum_{l=1}^L u_{lj}^0 y_{lj} \geq Q_j; \quad j = 1, 2, \dots, J_0;$$

$$b) \sum_{t=1}^T u_j^t z_j^t \geq Q_j; \quad j = J_0 + 1, \dots, J_1$$

если $Q_j = 0$, то решение само определяет объем производства;

между производством (включая покупные) и использованием кормов для откармливания скота и птиц должен соблюдаться баланс:

$$\sum_{j=1}^{J_0} \sum_{k=1}^K \sum_{l=1}^L v_{lj}^{ik} x_{lj}^k + \sum_{j=1}^{J_0} \sum_{l=1}^L v_{lj}^i y_{lj} + \sum_{\lambda=1}^z \bar{v}^\lambda \bar{x}^\lambda \sum_{t=1}^T \sum_{j=J_0+1}^{J_1} q_j^t z_j^t \geq D_i,$$

$i = \overline{1, m}$, где i - номер вида корма; используемый объем трудовых ресурсов не должен превышать их наличия, в наиболее напряженные периоды года предусматривается привлечение их со стороны:

$$\sum_{k=1}^K \sum_{j=1}^{J_0} \sum_{l=1}^L h_{lj} x_{lj}^k + \sum_{l=1}^L \sum_{j=1}^{J_0} h_{lj}^0 y_{lj} + \sum_{t=1}^T \sum_{j=J_0+1}^{J_1} h_j^t z_j^t + \bar{h} \bar{x}^1 - W \leq T^*,$$

Значение переменных не должно быть отрицательными

$$\left(\{x_{lj}^k\}, \{x_l^k\}, \{y_{lj}\}, \{z_j\}, \{z_j^t\}, \{\bar{x}^1\}, \{\bar{x}^2\} \right) \geq 0.$$

Принятые обозначения в модели:

$l = 1, 2, \dots, L$ - номера видов почвенных разностей; $j = 1, 2, \dots, J_0$ - номера видов товарных культур; $j = J_0 + 1, \dots, J_1$ - номера видов скота и птиц; $k = 1, 2, \dots, K$ - номера схем севооборота; $i = 1, 2, \dots, m$ - номера видов кормов или питательных веществ; $t = 1, 2, \dots, T$ - уровень продуктивности скота и птиц;

x_{lj}^k - площадь посева j -й культуры на землях с l -й почвенной разностью при K -й схеме севооборота;

x_l^k - площадь севооборота с K -й схемой, размещаемого на землях с l -й почвенной разностью;

y_{lj} - площадь повторного посева j -й культуры на землях с l -й почвенной разностью; z_j - общее поголовье j -го вида скота или птицы;

z_j^t - поголовье j -го вида скота или птицы с уровнем продуктивности t ; \bar{x}^1 - искомая площадь сенокосов;

\bar{x}^2 - искомая площадь пастбищ;

c_{lj}^k - стоимость валовой продукции с 1 га j -й культуры, возделываемой на l -й почвенной разности при K -й схеме севооборота;

c_j^t - стоимость валовой продукции, получаемой от 1 головы скота или птицы j -го вида при уровне продуктивности t ;

u_{lj}^k - урожайность j -й культуры на l -й почвенной разности при K -й схеме севооборота;

u_{lj}^0 - урожайность j -й культуры на землях с l -й почвенной разностью при повторном посеве;

u_j^t - продуктивность j -го вида скота или птицы уровня t ;

\bar{v}^1 - урожайность сена с 1 га сенокоса;

\bar{v}^2 - урожайность зеленой массы с 1 га пастбища;

v_{lj}^{ik}, v_{lj}^k - выход кормов i -го вида (или питательных веществ i -го вида) с 1 га посева j -й культуры на почвах l -й почвенной разности при K -й схеме севооборота или при повторном посеве;

q_j^i - потребность одной структурной головы скота j -го вида в i -м корме или питательном веществе при уровне продуктивности t ;

h_{lj} и h_{lj}^0 - нормативы затрат труда в расчете на 1 га j -й культуры, возделываемой на l -й почвенной разности соответственно при первичном и повторном посевах;

\bar{h} - затраты труда на I га сенокоса;

h_j^t - затраты труда на I га голову скота j -го вида при уровне продуктивности t ;

W - количество привлекаемых трудовых ресурсов;

T^* - наличие трудовых ресурсов;

D_i - объем покупных кормов; β_j^v - доля v -й полувозрастной группы скота в общем поголовье j -го вида скота;

B_j - количество голов скота ш птиц j -го вида, обозначающее верхнюю границу роста данного поголовья;

A^l - площадь земель с l -й почвенной разностью;

A^1 - наличие площади сенокосов;

A^2 - наличие площади пастбищ;

Q_j - объем необходимого выпуска продукции j -го вида.

Предложенная модель реализуется генетическим алгоритмом линейного программирования, важнейшим этапом которого являются получение исходных данных и расчет технико-экономических показателей развернутой матрицы задачи. Основным источником информации по земельным ресурсам служит агропочвенная карта, по которой устанавливаются тип и размеры земли. Схемы типа севооборотов берутся из научно-обоснованных рекомендаций.

Для решения задачи оптимизации используем генетический алгоритм с искусственным отбором [3].

Работа такого алгоритма образована последовательностью следующих шагов:

- создание начальной популяции, образованной $P(0)$ особями хромосомами – вершинами комплекса;

- операция скрещивание с увеличением популяции $P_{CR}(0) > P(0)$;

- операция мутации $P_M(0) > P_{CR}(0)$;

- первая селекция (определение наихудших особей) без сокращения популяции $P_{SEL1}(0) = P_M(0)$;

- операция выбора заменяем значения наилучшему во всей популяции;

- операция отражения с удалением P наихудших особей $P_M(0) < P_{SEL1}(0)$;

- операция растяжения без увеличения популяции $P_E(0) = P_R(0)$;

- операция сжатия без увеличения популяции $P_I(0) = P_E(0)$;

вторая селекция с удалением $P_W(0)$ наихудших особей $P_{SEL2}(0) = P_I(0) - P_W(0) = P(1)$ и формирование популяции $P(1)$ следующей итерации алгоритма.

3. Результат

Результаты решения задачи по первому варианту показали, что наиболее эффективным для условий хозяйств области является 10-польный хлопковый севооборот со схемами 1:2:7; 2:4:1:3; 1:4:1:4; 2:8. При этом в структуре посевов хозяйств удельный вес хлопчатника будет колебаться в пределах 70-80%. В соответствии с решением, 16% площади орошаемой пашни хлопководческих хозяйств области должны быть заняты севооборотом со схемами 1:2:7 и 2:4:1:3. На остальной части (около 80% или около 170,0 тыс га) должен быть размещен хлопковый севооборот со схемами 2:8 и 1:4:1:4. Лишь 4\$ земли или 8,5 тыс. га должны быть заняты другими севооборотами со схемами 2:4:1:3, 2:6:1:3 и 2:4.

Анализ выполнения данного условия после решения задачи показал возможность увеличения продуктивности коров от 2000 до 2200 кг при сохранении существующей структуры стада.

Это позволяет получить дополнительно 1260 ц молока при продуктивности коров 2200 кг. Кроме того, за счет увеличения нормы кормов можно получить дополнительно 45,2 (445,2-400) ц мяса крупного рогатого скота, 14,7 (114,7-100) ц мяса птиц. Соответственно возрастет производство зерна и других культур, что ведет к повышению объема реализации

4. Заключение

В условиях углубления хозяйственной специализации в зоне хлопководства и концентрации сельскохозяйственного производства дальнейшее повышение эффективности производства и урожайности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур в большой степени зависит от полного освоения хлопковых севооборотов. Насущными задачами ускорения темпов освоения хлопковых севооборотов являются расширение посевов люцерны, зерно-бобовых и других кормовых культур на посевной площади хлопководческих хозяйств, корректировка существующих севооборотов в связи с организацией севооборотных агроучастков на основе оптимальных схем с доведением их числа до минимума, а также совершенствование структуры посевных площадей хозяйств с учетом требований хлопкового севооборота.

Список литературы

- [1]. Романов, В.Н. Влияние приемов основной обработки почвы в севообороте на динамику влажности и агрофизические свойства чернозема выщелоченно-го / В.Н. Романов, В.К. Ивченко, И.О. Ильченко, М.В. Луганцева. // Достижения науки и техники АПК. – 2018. – № 5. – С. 32-34.
- [2]. Ниязалиев, Б.И. Влияние органо-минеральных компостов на продуктивность хлопчатника. / Б.И. Ниязалиев // Аграрная наука. – 2016. – № 2. – С. 5-6.
- [3]. Hulugalle, N. R. Soil properties under cotton-corn rotations in australian cotton farms / N. R. Hulugalle, B. McCorkell, V. F. Heimoana, L. A. Finlay // Journal of Cotton Science. – 2016. – Vol. 20. – Is. 4. – P. 294-298.
- [4]. Naqvi R. Z., Transcriptomics reveals multiple resistance mechanisms against cotton leaf curl disease in a naturally immune cotton species, *Gossypium arboreum* / R. Z. Naqvi, S. S. E. A. Zaidi, K. P. Akhtar, et al. // Scientific reports. – 2017. – Vol. 7. – Art. Number 15880.
- [5]. Kazemeini, S. A. Effect of nitrogen and wheat residue on cotton (*Gossypium hirsutum* L.) yield and weed control / S. A. Kazemeini, R. Moradi Talebbeigi, M. Valizade // Archives of Agronomy and Soil Science. – 2016. – Vol. 62. – Is. 3. – P. 395-412.
- [6]. Locke, M. A. Conservation management improves runoff water quality: Implications for environmental sustainability in a glyphosate-resistant cotton production system / M. A. Locke, L. J. Krutz, Steinriede R.W., S. Testa // Soil Science Society of America Journal. – 2015. – Vol. 79. – Is. 2. – P. 660-671.
- [7]. Zhang, D. M. Lint yield and nitrogen use efficiency of field-grown cotton vary with soil salinity and nitrogen application rate / D. M. Zhang, W. J. Li, C. S. Xin et al. // Field crops research. – 2012. – Vol. 138. – P. 63-70.
- [8]. Lofton, J. Utilization of poultry litter, tillage, and cover crops for cotton production on highly degraded soils in northeast Louisiana / J. Lofton, B. Haggard, D. Fromme, B. Tubana // Journal of Cotton Science. – 2014. – Vol. 18. – Is. 3. – P. 376-384.
- [9]. Pettigrew, W. T. Growth and agronomic performance of cotton when grown in rotation with soybean / W. T. Pettigrew, H. A. Bruns, K. N. Reddy // Journal of Cotton Science. – 2016. – Vol. 20. – Is. 4. – P. 299-308.
- [10]. Zhang H. Root Development of Transplanted Cotton and Simulation of Soil Water Movement under Different Irrigation Methods / H. Zhang, H. Liu, C Sun et al. // Water. – 2017. – Vol. 9. – Is. 7. – Art. Number 503.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИГА АДСОРБЦИОН ЭФФЕКТНИ ҚЎЛЛАШ ОРҚАЛИ МУСТАҲКАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИБ, МАЙДАЛАНИШИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ

Р.Ж. Тожиев, Н.Р. Ражабова, А. Раҳмонов

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 29.09.2022 й.)*

Мақолада қурилиш материалларини майдалаш учун сарфланадиган энергия қувватини камайтириш, электр энергиясини тежаш, майдалаш даврида физик-кимёвий усул бўлган адсорбцион-эффектний қўллаш орқали мустаҳкамлигини камайтириб майдалаш жараёнини фаоллаштириш тўғрисида ёзилган.

Калит сўзлар: майдалаш, адсорбцион-эффект, аморф, кристалл, фаза, микро, макро, локал шикастланиш, нуқсон, ион, атом, молекула, тортиш, энергия, элактор, элемент, эластик, пластик.

В статье рассматриваются методы снижения энергозатрат на измельчение строительных материалов, экономии электроэнергии, активизации процесса измельчения за счет снижения его прочности при использовании адсорбционно-воздействия, представляющего собой физико-химический метод при измельчении.

Ключевые слова: измельчение, адсорбционный эффект, аморфный, кристалл, фаза, микро, макро, локальное повреждение, дефект, ион, атом, молекула, гравитация, энергия, электор, элемент, упругий, пластический.

The article discusses methods for reducing energy consumption for grinding building materials, saving electricity, activating the grinding process by reducing its strength when using adsorption action, which is a physical and chemical method during grinding.

Key words: grinding, adsorption effect, amorphous, crystal, phase, micro, macro, local damage, defect, ion, atom, molecule, gravity, energy, elector, element, elastic, plastic.

Муҳандислик амалиётига кўра, намуна ёки конструкцияда мавжуд бўлган ҳар қандай материалларнинг парчаланиши улардаги турли хил локал шикастланиш ёки нуқсонларга боғлиқ бўлади. Бироқ, материалда у ёки бу нуқсонларни мавжуд бўлиши қай даражада уларнинг мустаҳкамлигини камайтиради деган саволга жавоб очиқ қолади.


Қурилиш материалларининг тузилиши уларнинг хусусиятига, шунингдек, мустаҳкамлигига катта таъсир кўрсатади. Тузилиши деганда, газли, шишасимон (аморф) ва кристал фазаларни тақсимланиши ва ўзаро бирикуви, уларнинг физик-кимёвий табиати ва микдорий муносабатлари тушунилади. Ҳар қандай қурилиш материалларини тузилиш хусусиятлари унинг микро ва макро тузилиши билан баҳоланади. Микротузилма кристал фазанинг табиати, шишасимон фаза ва ғоваклар билан бирикуви ҳамда уларнинг тузилиш характери билан аниқланади. Макротузилма эса ғоваклар ҳажми, тузилиши, шакли, материалда ўзаро жойлашувини аниқлайди [1].

Кўп ҳолларда анорганик материалларнинг хусусиятлари фазали таркибий хусусиятлари ва фазанинг тузилиш характери билан ифодаланади. Фазали таркиб асосида кристалли фазанинг тузилиш характери ва табиати ҳамда уларнинг шишасимон фазалар билан микдорий муносабати назарда тутилади.

Органик таркибли материаллар учун уларнинг асосий хусусиятларини белгилаб берадиган омил бу аморф фазанинг мавжудлиги ва унинг кристал ҳамда шишасимон фазалар (тўлдирувчилар) билан боғлиқлиги ҳисобланади. Хусусиятлар зич материаллар учун асосан микро тузилма билан, ғовак материаллар учун эса макротузилма билан аниқланади. 1-расм.


Аниқ материалларнинг мустаҳкамлигини идеал тузилишга эга бўлган, зичлигини (назарий зичлик) ҳисоби билан аниқланадиган қаттиқ жисмлар билан таққослаш лозим.

Назарий мустаҳкамлик шундай кескин кучланганликни ўзида намоён этадики, қайтмайдиган материални диссоциаланишини олди олиш мақсадида унга идеал нуқсонсиз материални етарли бўлган қуйи ҳароратларда секин берилади. Қаттиқ жисмларнинг зичлиги жисмни ташкил этадиган атом ва ионларнинг ўзаро таъсир кучлари ифодаланадиган якуний ҳисобга асосланади.



1-расм. Тузилмаларнинг асосий турлари.

Қаттиқ жисмлар қоидага кўра, атом, ион элементларини мавжуд бўлган кристал тузилишга эга, молекулалар эса геометрик шаклни тўғри такрорланувчи фазовий тузилиши ҳосил қиладиган кристал панжаранинг тугунларида жойлашган молекулалардан иборат. Кристал тузилишга эга бўлмаган қаттиқ жисмлар шу тузилишга яқинроқ ҳолатга эга. Мувозанат маркази атрофидаги молекулалар, атом, ионларни ушлаб турувчи куч табиатига кўра, одатда кристал тузилмалар 4 турга бўлинади: атомли, молекулали, ионли ва металл. Ион кристаллари тугунларида қарама-қарши зарядланган ионлар жойлашади ва уларнинг ҳар бири атрофдаги қарама-қарши белгили ионлар билан мукамал бир хил нисбатда бўлади. Ионлар ўзаро Кулон қонунига асосан ҳаракатланади. Турли зарядланган зарраларни тортишишига бир хил зарядланган электронли қобик ўртасидаги итариш кучи таъсир кўрсатади. Сўнгилари кичик масофаларда пайдо бўлади ва ушбу масофанинг камайиши ҳисобига жуда тезда катталашади.



2-расм. Тортиш ва итариш кучлари энергиялари схемаси. 1-итариш энергияси; 2-тортиш энергияси; 3-натижавий энергия; r_0 - мувознат масофаси.

2-расмда ионли кристаллар учун энергия боғлиқлиги графиги келтирилган. Эгрилик 3 $r=r_0$ бўлганда, натижавий энергиянинг характери минимум кўринишдаги катталиқка эга бўлади. Айнан ушбу катталик молекуладаги ионларни ўртасидаги r_0 масофани мувозанат марказидаги қаттиқ жисм элементларини ушлаб қолиши билан тушунилади. $r=r_0$ бўлганда, тортишиш кучи итаришиш кучига, зарраларнинг ўзаро натижавий таъсир кучи эса 0 га тенг бўлади [1].

Тортишиш энергиясини Кулон қонуни бўйича ҳисоблаш мумкин.

$$E = \frac{-e^2}{(4\pi\epsilon_0 r)} \quad (1)$$

бу ерда e -ион заряди; ϵ_0 - электр ўзгармас катталик; r -ионлар ўртасидаги масофа.

Тортишиш кучи

$$F_n = \frac{-\partial E}{\partial r} = \frac{-e^2}{(4\pi\epsilon_0 r^2)} \quad \text{га тенг бўлади.}$$

Итаришиш кучи Борн бўйича ҳисобланади:

$$E = \frac{B}{r^n} \quad (2)$$

бу ерда B ва n -ўзгармас катталиклар; итаришиш кучи

$$F_n = \frac{-\partial E_{om}}{\partial r} = \frac{nB}{r^{n+1}} \quad \text{га тенг бўлади.}$$

Ионларнинг натижавий ўзаро энергия таъсири қуйидагича бўлади:

$$E = E_n + E_{om} = \frac{B}{r^n} - \frac{e^2}{(4\pi\epsilon_0 r)} \quad (3)$$

Ион боғлиқлик NaCl , KCl , NaBr ва бошқа кристал панжарага эга бўлган тузлар турига хос ҳисобланади.

Атом боғлиқликда электронлар бир вақтнинг ўзида H_2 , O_2 , N_2 каби икки ядроли молекулалар турига тегишли бўлади. Агар умумлашган электронларнинг кучлари қарама-қарши томонга

йўналтирилган бўлса, у ҳолда тортишиш кучи юзага келади ва боғлиқлик энергиясини Лондон тенглиги бўйича ҳисобланади:

$$E_s = 2E_0 + \frac{(K + W)}{(1 + S^2)} \quad (4)$$

бу ерда $2E_0$ - иккита алоҳида атомларнинг жамланган энергияси; K -электростатик энергия боғлиқлиги; S - 0 дан 1 гача ўзгарадиган ноортогонал интеграл.

Атом боғлиқлик силикат материаллари ва кўплаб тоғ жинслари учун характерли ҳисобланади. (4) тенгликка кўра, энергия графигининг характери 2-расмда келтирилганга ўхшаш, бироқ катта катталикда потенциал чуқурликни ҳосил қилади.

Металли тузилма метал атомлари ядроларидаги ташқи валентли электронлар билан нисбатан кичик алоқа билан тавсифланади. Моддаларнинг суяқ ва қаттиқ ҳолатларидаги атомлар бир-бирига шу даражада яқин жойлашадики, валентли электронлар ўзларининг атомларини тарк этиб, панжара ичида эркин ҳаракатланадилар. Металл панжарасида боғланиш мусбат ионларни газ электронлари билан ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Электронлар ионлар ўртасида жойлашиб, мусбат зарядланган ионлар ўртасидаги таъсирдан уларни тортишга, тортишиш кучини мувозанатини сақлашга ҳаракат қиладилар.

Ионлар ўртасидаги масофанинг камайиши ҳисобига, газ электрони зичлиги катталашади, бу билан тортишиш кучини ортишига олиб келади. Бошқа томондан, мусбат зарядланган ионлар ўртасидаги масофанинг камайиши ҳисобига ионларни бир-бирдан ажратишга ҳаракат қиладиган тортишиш кучи катталашади. Қачонки, тортишиш ва итаришиш кучлари мувозаналатганда бундай ионлар ўртасидаги масофадан панжара барқарор бўлади.

Металл боғлиқлик валентликка мос бўлиши лозим. Ушбу боғлиқликлар асосида ташқи электрон валентликларини умумлаштириш ётади, лекин валентли боғлиқликда яқин атрофда жойлашган атомлар жуфтларидан жуфт электронлар, металл боғлиқликда эса кристалнинг барча атомлари иштирок этади, бунда эркин электронлар ўзларининг атомларида эмас, балки бутун панжаранинг ичида жойлашади.

Атомлар ва молекулалар ўртасида ҳосил бўладиган боғлиқликнинг умумий кўриниши Ван-дер-Вальс кучларига асосланади. Улар электрик моментга эга бўлмаган электрик нейтрал тизимлар ўртасида вужудга келади.

Молекулалар ўртасида Ван-Дер-Вальс ўзаро таъсирнинг 3 тури ажратилади: йўналтирилган-дипол молекулали ҳолатда; индукцияли – йўналтирилган электрик моментларни вужудга келишида; дисперсияли-электронларни нейтрал молекулалар орасида синхрон ҳаракатидан ва спинларнинг қарама-қарши йўналишида.

Ван-дер-Вальс ўзаро таъсир йўналишининг хилма-хиллиги бошқа турдаги молекуляр боғлиқликка қараганда, юқори энергия боғлиқлигига эга бўлган юқори водород боғланиш ҳисобланади.

Ван-дер-Вальс боғлиқликдаги молекулалар ўртасидаги ўзаро таъсир характери, шунингдек, водородли боғланишда 1.5-расмга мос равишда потенциал чуқурлик катталигига етарлича кам бўлади. Шундай қилиб, эгриликлар характери ушбу графикда келтирилган барча турдаги боғлиқликларда қаттиқ жисмларнинг ўртасидаги ўзаро таъсир ҳаракати билан тавсифланади.

Қаттиқ жисмлардаги атом энергиясининг буғ энергияси ўзаро таъсирдан иккита изоляцияланган атомларнинг маълум мустаҳкамлигида қийинчилик туғдиради, шунинг учун етарли даражада назарий мустаҳкамликни ҳисобини амалга ошириш мумкин эмас.

Қуйидаги формула бўйича Орован назарий мустаҳкамликни ҳисоблашни тавсия этди:


$$\sigma_m = \left(\frac{E\alpha_{нов}}{r_0} \right)^{1/2} \quad (5)$$

бу ерда E - Юнгнинг модуль таранглиги; $\alpha_{нов}$ - қаттиқ жисмнинг эркин энергия сирти; r_0 - атомлар ўртасидаги масофавий мувозанат.


Юқорида келтирилган барча фикрлар идеал материалларга тегишли. Ҳақиқий композицион материаллар кристалл панжара нуқсонлари ва Гриффитс майда ёриқлари билан боғлиқ бўлган турли нуқсонларга эга.

Кристаллардаги нуқсонлар нуқтали, бир ва икки ўлчамлиларга бўлинади.

Нуқтали нуқсонларнинг энергетик, электрон ва атомли турларга бўлинади. Кристал панжаранинг шакл бузилишини ростлаш ёруғлик, рентген ва бошқа нурланишларни, яъни турли радиациянинг таъсири ёки иссиқлик таъсирида юза келадиган нуқсонлар энергетик нуқсонлар ҳисобланади. Электрон нуқсонларга кулон кучлари билан боғланган электрон ва туйнукдан ташкил топган буғли нуқсонлар ва ортиқча электронлар киради. 3-расмда атомли нуқсонларнинг уч тури келтирилган. Улар вақантли тугунлар шаклида оралиқ тугунга атом тугунига силжиши ҳамда панжарага бегона атом ёки ионни киритиш жорий қилиш кўринишида намоён бўлади.



3-расм. Кристал панжарадаги атомли нуқсонлар.



4-расм. Жойлашиш схемаси: а-идеал кристал тузилма; б,с-қирравий жойлашиши; в-винтли жойлашуви; ядроли жойлашув.

Бир ўлчамли (чизикли) нуқсонларга дислокация киради. Оддий дислокациянинг қирравий ва винтли турлари мавжуд. 4-расмда а кўринишида

атомли теккисликларни бир-бирига параллел турдаги кўринишли идеал кристаллнинг тузилиши келтирилган. Агар кристал ичида улардан бири узиладиган бўлса, узилган жойнинг

ўрнида қирравий дислокацияни ҳосил қилинади. Максимал яқин жойлашувда панжаранинг бузилиши унинг йўқолиш ўлчамига кўра тезда сўрилади (4-расм, б). Винтли дислокация ҳолатида атомли теккисликларда кристалнинг ичида узилиш бўлмайди, лекин, атомли теккисликларнинг ўзи винтли зинапоя кўринишидаги тизимни ўзида акс эттиради. Амалда бу битта атом теккислик винтли линияга буралган. Винтли дислокацияда дезориентация блоклари (4-расм, в) кўринишида акс этиши мумкин. Жойлашув ўқига туташган майдон иккита блок кўринишида тасвирланади, бунда улардан бири қўшни блокка муносабатига кўра бир босқичга олдин силжиши кузатилади. Панжаранинг катта қисмининг бузилиши ядро жойлашуви деб номланади. Ҳар қандай аниқ жойлашув қирравий ва винтли жойлашув шаклида келтирилади.

Икки ўлчамли (теккислик) нуқсонларга чизикли жойлашув йўллари кристал доналари орасидаги чегара киради. Кристалнинг сиртини икки ўлчамли нуқсон сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Вакансия туридаги нуқтали нуқсонлар ҳар бир панжарада мавжуд бўлиб, улар иссиқлик флуктуацияси таъсирида йўқолади ва доимий пайдо бўлади. Т белгиланган ҳароратда панжарадаги вакансия n_v мувозанат концентрацияси Больцман формуласига кўра куйидагича аниқланади:

$$n_g = ne^{-E_g/(RT)} \quad (6)$$

бу ерда: n -кристал ҳажм бирлигидаги атомлар сони; E_g -вакансияларни ҳосил қилувчи энергия; R -Больцман доимийси.

Кўп кристаллар учун $E_g=1$ эВ га тенг бўлади. Хона ҳароратида $RT \approx 0,025$ эВ ни ташкил этади, бундан $n_g/n = e^{-1/0,025} \approx 10^{-14}$.


Ҳароратни ортиши билан вакансиянинг нисбий концентрацияси тез ўсади ва $T=600\text{K}$ да 10^{-5} га, $T=900\text{K}$ да 10^{-2} га етади.

Ўхшаш фикрларни нисбий концентрацияга жорий этиш билан Френкель нуқсонлари энергияси $3 \dots 5$ эВ ни ташкил этади.

Агар атом нуқсонларининг нисбий концентрацияси унча катта бўлмаса ҳам, кристалнинг физик хусусиятларини ўзгариши билан катта бўлиши мумкин бўлади.

Дислокация кристал нуқсонларини сидириш ҳисобланади, атомли нуқсонларга қараганда анча катта тугунларни қамраб олади. Дислокация энергияси 1 м ли дислокация узунлигига $4 \cdot 10^{-19}$ Дж га тенг катталик тартиби билан баҳоланади. Дислокацияни яратиш учун бундай катта энергия уларни амалда ҳароратга боғлиқ бўлмайдиган атермик ҳолатга келтиради. Модданинг кристал ҳолатидаги бутун интервал учун иссиқлик флукуациясидан дислокацияни пайдо бўлиши вакансиясидан фарқли ўлароқ камроқ йўқолади.


Ҳақиқий кристаллдаги дислокация унинг аралашма ёки эритмада ўсишидан ҳосил бўлади. Ҳақиқий кристалларни тузилишини ўрганишдан кўриш мумкинки, уларнинг тузилиши идеал кристалларнинг тузилишидан фарқ қилади. Ҳақиқий кристаллар бир-бирига параллел яқинроқ жойлашган тўғри тузилишли блоклардан ташкил топган. Шунини айтиш лозимки, ҳақиқий кристаллар мозаик тузилишга эга. Блокларнинг ўлчами 10^{-4} дан 10^{-6} гача оралиқда тебранади. 5-расмда бир-бирига φ бурчак муносабатда ёйилган ва бир-бирининг қаршисига ўсадиган иккита блок келтирилган. Қўшилиб кетишда кристал панжара текислик қаршилигида турли хил йўналишга эга бўлади. Шундай экан, ўтиш қатлами юза келади, унда бир блокдаги йўналишдан панжара бошқа йўналишли блокка ўтади.



5-расм. а-бир-бирининг қаршисига ўсувчи блоклар; φ -улар орасидаги бурчак; б-блокларни қўшилиб кетишидан ҳосил бўладиган дислокация.

Нодеформацияланган кристалда дислокация манбаси вакансияларни тўпланишига (6-расм) олиб келади.

Кристалда силжишни ҳосил бўлиши ташқи таъсир кучи таъсирида ривожланади, текислик бўйича сирпаниш таъсирини намоён этади ва кристал сиртига чиқади. Агар силжиш фақат дислокация чиқиши ҳисобига рўй берадиган бўлса, пластик деформацияни камайишига ва кристални мукамал ҳолатига айланишига олиб келади.



6-расм. а-кристалда вакансияларни тўпланиши; б-ушбу тўпланишдан ҳосил бўлган вакансиялар.

Тажрибадан кўриш мумкинки, деформациянинг ўсиши билан панжаранинг бузилиши ортади, бундан дислокация зичлиги ҳам ортади. Масалан, яхши куйдирилган металлларда дислокация зичлиги $10^7 \dots 10^8 \text{ см}^{-2}$ ни ташкил этади. Совуқлайин ишлов берилгандан кейин дислокация зичлиги $10^{11} \dots 10^{12} \text{ см}^{-2}$ гача ортади. Ушбу дислокацияда пластик деформацияда металл билан ютилган барча энергия концентрацияланади.

Ҳозирги вақтда ташқи кучлар таъсирида силжишни ҳосил қилиш жараёнида дислокация пайдо бўлади. Бошқа томондан, маълумки, пластик деформацияни ривожланиш ўлчамига кўра, кристал нуқсонларини ўсиш миқдори мустақамланади. Ушбу мустақамликнинг моҳияти панжара кристаллида ҳаракатланишда қийинчилик туғдирадиган дислокацияларни бир-билан ва бошқа панжарадаги нуқсонлар ўзаро таъсирдан ташкил топган. Дислокация панжаранинг таранглигини бузилишига олиб келади, ўзининг атрофида куч майдонини ҳосил қилади ва ҳар бир нуқтада аниқ уринма ва нормал кучланишни намоён этади. Унга бошқа дислокациянинг келиб тушишидан кучлар ҳосил бўлади, улар дислокацияни бир-бирига яқинлашиши ёки интилишини таъминлайди. Агар дислокация битта текисликда жойлашган бўлса, бунда бир ишорали дислокациялар бир-биридан итарилади, турли ишоралилари бир-бирига тортишади. Берилган сирпаниш текислигида дислокацияни тўлдириш даражасига кўра, силжиш қаршилиги ортади ва кристал мустақамланади.

Ҳарорат ҳисобига ёриқ олдидаги атомлар кинетик энергия ҳисобига бир биридан қочишга ёки бир-бири билан яқинлашишга ҳаракат қилишади. Бу жараён потенциал энергия E ва E^1 тўсиқларни енгиб ўтиш учун энергия сарф қилади. Заррачаларнинг кинетик энергияси фаол энергия бўлиб, атомларни яқинлашига ёки химиявий боғланиш, тикланиш жараёнларини вужудга келтиради. $E-E^1$ - айирмаси потенциал текислик энергияси бўлиб, айрим чекинишлар билан, заррачалар билан сиқиш кучланиш орасидаги функция десак бўлаверади, яъни $f(x)-f(x^1)$.

Юк юкланмаган жисмда $X=\gamma_0$ ва $X^1=\gamma_0^1$, шу ҳолатда текислик қатламидаги атомлар орасидаги масофа бир хил тақсимланган. Эгри чизикдаги максимал потенциал энергияси вужудга келиши атомлар ажралиш жараёнида узилишлар қўшни атом боғланишларига таъсир этар экан. Юк олинган ҳолда эҳтимол заррачани турган ҳолатида X зонасида X^1 зонасига караганда кўпроқ. Юк олингандан сўнг ёриқ ўзини биринчи ҳолатидаги ёриқ ҳолатига қайтади.

Ҳозирги пайтда жисмларни майдаланиш механизмини тушинтиришни 2 хил варианты мавжуд:

-ёриқларни биринчи бошланишида атомлар ёриқлар олдида вақти-вақти билан кинетик энергия ҳисобига атомлар бир-биридан қочиши ёки бир-бирига яқинлашишига ҳаракат қилишликлари:

-иккинчиси ёриқларни ўсиши қаттиқ жисмларни эластик хусусиятига боғлиқлиги ва ундаги захирадаги энергия борлиги учун:

Гриффитсни айтишича, майдаланиш жараёни ҳароратга боғлиқ эмаслик тўғрисидаги назарияси ва ҳозирги замонавий олимларнинг майдаланишни молекуляр назариялари бир овоздан айтадиларки, майдаланишни бошланиши аниқ материаллар текислик сиртида ёриқнинг борлиги. Бу ёриқларни қандай вужудга келганлиги номаълум. Сабаблар балки бир нечтадир. Шулардан асосийлари куйидагилар:

- а). Тайёр маҳсулот олиш технологияси жараёнида олган механик шикастланиш;
- б). Поликристал материал фазаларнинг термик кенгайтириш коэффициентининг ҳар хиллиги;
- в). Материалларни ишлатиш ва ишлаб чиқариш пайтида кимёвий коррозияга учраганлиги;
- г). Материалнинг пластик деформацияси жараёнида дислокацияни қўшилиши, (аралашши);


Ҳақиқатдан ҳам тайёр маҳсулотни олиш учун, олдиндан механик ишлов бериш бошланади. Ҳом ашё материаллар тайёрлашда, карьер ишлари яъни ковлаб олиш, кейин майдалаш ва саралаш, материални шакллантириш компонентларни аралаштириш жараёнлари ва уларни қолиплашдир. Бу барча қилинган кетма-кетлик натижасида компонентлар механик шикастланадилар, натижада микро, айрим пайтларда макро ёриқлар пайдо бўлади.

Бу ерда тайёр маҳсулотни олиш технологиясида ҳосил бўладиган ёриқлар тўғрисида

эмас, балким маҳсулотни ташкилловчилари, яъни компонентларда бўлаётган ёриқлар тўғрисида гап кетаяпти. Кўпинча қурилиш материалларни олишда уларга термик ишлов берилади. Ишлов бериш жараёнида қатнашаётган компонентларни термик кенгайиши коэффициентларини ҳар хиллиги ҳисобига маҳсулот сиртида ёриқлар пайдо бўлади, лекин яна бир бор қайтарамизки бу маҳсулотни ҳосил бўлишидаги ёриқлар эмас, балким уни ташкиллаётган компонентлардаги ёриқлар тўғрисида кетаяпти.

Маълумки янги ҳосил бўлган заррача юза текислигидаги минераллар кимёвий фаолиятини ошириб юборади. Адсорбер жараёнида шу сиртдаги бегона ионлар ёки молекулалар балким, кимёвий коррозияга олиб келишлари мумкин.

Диспокация сабабли ҳосил бўладиган ёриқлар тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз: майли кристалл диспокация жараёни орқали дефект олмасин. Фараз қилайлик икки қаторлик кристалл атомларини биринчи қаватини, иккинчисига нисбатан бир атом масофага сўрмоқчимиз (7-расм). Бунинг учун ўша қатордаги атомларни бир-бирини устидан қатор бўйлаб юмалатиш текислигида силжитамиз.



7-расм. Идеал кристаллларни силжитиш схемаси (а) ва диспокатцияси бор кристалл (б).

Дислокатцияси бор кристалларда умуман бошқача ҳолат юз беради.(7-расм.б) Енгиллаштириш учун, диспокатция минимал санок қаторини эгаллаши мумкин, ёки Френклин нуктали дефекти бўлиши мумкин. Шундан келиб чикиб айтиш керакки диспокацияни борлиги икки қаторни юкорисидаги

текислигидаги қаторида чизикли диспокация чизикли бўшлик вужудга келяпти.

Пастдаги (сиқилган) текисликнинг чекка қирғокдаги жойларда ортикча атом қатори вужудга келяпти, натижада бўшлик остида юқори сиқилиш мавжуд бўляпти.

Маълум бир ҳолатда бўшлик 4 ва 5 оралиғида бўлиб, 4^1 ва 5^1 атомлар сиқилган. 4 ва 5 ларни F кучи орқали сиқиб бўшлиққа суриб қўямиз. Нима ҳодиса юз беради. Барча диспокация ўнг томонга силжийди ва у силжиш давом этаверади. Қачонки диспокация кристалл қатордан кетмагунча давом этаверади. Натижада силжиб-силжиб битта атом чиқиб қолади, худди идеал кристалл қаторига ўхшаб, бу ҳолатда яъни иккинчи ҳолатда силжитиш кучи жуда оз, биринчи ҳолатда кристалл ҳолатдаги бир қатор атомларни силжитиш керак эди. Кейинги иккинчи ҳолатда эса бир қисм атомларни силжитади ҳолос.

Бир қаторда бўлган диспокацияларни силжитиши аралашиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ёриқни шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки бошланишдаги текисликдаги механик шкастланиш, қаттик фазалар структурасида термик кенгайиш коэффициентининг ҳар хил бўлишлиги, кимёвий каррозия ва диспокацияни борлиги ёриқни вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ёриқларни бўлишлиги, тепада кўриб чикканимиздек материални механик мустаҳкамлигини пасайишини келтириб чиқарар экан. Бу ўз навбатида майдалаш учун сарф бўладиган кучни озайишига олиб келар экан.

Майдалаш учун сарфланадиган энергия қувватини камайтириш, электр энергиясини тежаш мумкин экан. Майдалаш жараёнида физик кимёвий фаоллик. Қаттик жисмларга адсорбцион эффектини қўллаб мустаҳкамлигини камайтириб майдалашни фаоллаштириш мумкин. Бу эффект А.Рибендер томонидан таклиф қилинган бўлиб, амалиётда кенг масштабда қўлланиб келди.

Ҳар қандай қаттик жисм текис юза сиртида ва ичида дефекти бўлади. Жисмга юк қўядиган бўлсак, у эластик ва пластик деформациялари натижасида бор ёриқларни кучайтиради ва янгиларини шакллантиради. Қандайдир усуллар билан бор ёриқларни ривожлантирсак қаттик жисмни майдаланиши осонлашади. Адсорбцион эффекти

мустаҳкамликни камайтиради, бу эса кам кучланиш билан ёриқларни катталашишини кўпайтиради. Материал сиртидаги озгина ёриқни схемада понали оралик қилиб кўрсатиш мумкин. Аста секинлик билан микрооралиққа кириб бориш натижасида эркин текислик энергияси камайиб бориб α дан 0 гача тушиш мумкин бўлган ёриқ охиригача боради.

Материалда микроёриқни бўлишлиги ўраб турган муҳит секин асталик текислик катламига кириб кетиши мумкин. Агарда ўраб турган муҳит суюқлик бўлса, у ёриқ орасига кириб юпка плёнка ҳосил қилиниб, эркин энергия жуда ошиб кетиши мумкин. Эркин энергияни камайтириш учун суюқлик плёнкасини ёриқда семиртириш керак, яъни понасимон босим ҳосил қилиш керак. Ушбу босим ёриқ охирида максимум қийматга эришади. Пона ҳолатида кириб олган суюқлик босими катта қийматга эришади (сув учун 250 МПа ёриқни энг тор жойида) ва шу жисмда намлаш энергиясини ҳосил қилади. $(\alpha_c)^0$ капиляр босим P_k , кучни сўриб олишлигини характерлайди.

$$P_k = 2\alpha_c \cos \frac{\theta}{r} \quad (7)$$

бу ерда: θ -чегара бурчак намланиши;

r -оралик радиуси;

Сўриб олиш кинетикаси суюқликни ёпишқоклигига боғлиқ.

$$\frac{dl}{dt} = \left[\frac{r^2 \rho}{8\mu} \right] \cdot [(\rho l) - g \sin \varphi] \quad (8)$$

бу ерда: l -капилярдаги суюқлик найчаси узунлиги; t -сўриш вақти; ρ -суюқлик зичлиги; φ -горизонт билан капиляр орасидаги оғма бурчакбўлиб, у ўртача кучланиши σ дан, анча катта бўлиб кетар экан. Агарда юқори кучланиш рўй берса, хавфли ёриқ ёнида назарий мустаҳкамлик билан жуда катталашиб ёриқ тезда ривожланиб иккига бўлиниб кетади.

Ўртача кучланиш шу ҳолатда критик кучланишга тенглашиб қолади σ_k кучланиш кучайса, лекин назарий кучланишдан пастроқ бўлса ёриқ катталашмайди, натижада материал ёрилиб кетмайли. Концентрация кучланиши коэффиценти микро-ёриқ олдида тенг. $\beta = \frac{\sigma^*}{\sigma}$

У куйидагиларга боғлиқ: шаклига, ўлчамларига ва қўйилган кучга нисбатан ёриқни ҳолатига. Гриффитс ўзининг формуласини тушинтириш учун критик кучланишни ҳисоблашда куйидагиларга этибор бериш кераклигини айтди:

а) ойнаксимон материллар майдаланишда ҳароратга боғлиқ бўлмайди.

б) материалдаги микроёриқни катталашиши шу ҳолатларда юз берадики, қачонки жисмдаги эластик энергия эркин текисликдаги энергия, янги ҳосил бўлаётган заррача юза сиртининг камайишига тенг бўлса.

$$-da = d\epsilon$$

бу ерда: da -эркин текислик энергияси; $d\epsilon$ -эластик энергияни ўсиши;

в) микроёриқни узунлиги намунани кўндаланг кесилган қисмидан ва ёриқ қисмдаги кучланиш нормал мустаҳкамлик билан ҳисобланган ўртача кучланишдан жуда кичик

У ҳолда Гриффитс критик кучланишни аниқлайдиган формуласи куйидагидан иборат.

$$\sigma_k = \sqrt{2\alpha E/l_0} \quad (9)$$

бу ерда: α -эластик жисмни эркин текислик энергияси; E -эластиклик модули; l_0 -жисм чеккасидаги ёриқнинг узунлиги.

Гриффитснинг назарий қарашини ҳозирги замон билан таққослаш натижасидаги камчиликлари:

1) критик кучланиш билан ҳисоблашда эластиклик энергиясини ўзгаришлиги ва эркин текислик энергияси тенг эканлиги ($-da = d\epsilon$), нотўғри, чунки энергияни сақланиш қонунига биноан ойнаксимон жисмни майдалаганда механик энергияни йўқотилишини ҳисобга олиш керак,

$$da=d\epsilon+dQ;$$

2) Гриффитсн назарияси мустаҳкамликни вақтинча эканлигини;

3) Молекуляр структурани ҳисобга олмаганлиги.

Гриффитс назариясининг моҳияти шундан иборатки, материалларда микро ёриқларни ҳосил бўлиши ва ривожланиши, ёриқлар миқдорини сиртига боғлиқлиги билан ифодаланadi. Уларни ҳосил бўлиши сабабларини аниқлашдан иборат дейилади. Мана уларнинг асосийлари:

а) тайёр материалларни олиш жараёнида сиртини механик шикастланиши;

б) поликристал материалнинг алоҳида фазаларидаги турли коэффициентларда тешик кенгайиши;

в) таркибида шамот ва лой зарралари орасидаги ҳосил бўладиган кўп фазали тузилишга эга бўлган материалларга тешик ишлов берилганда, уларнинг ҳар бирининг термик кенгайиш коэффициенти фарқи ҳисобига сирт микро ёриқларини ҳосил бўлишига олиб келар экан.

Адабиётлар

- [1]. Шарапов, Р. Р. Методика аппроксимации кривых зерновых составов порошков аналитическими выражениями / Р. Р. Шарапов, В. П. Воронов, Д. М. Анненко, Р. Р. Шарапов // Машины и аппараты для производства строительных материалов: межвуз. сб. ст. / Белгор. гос. технол. ун-т. - Белгород, 2008. - С. 140-143.
- [2]. Шарапов, Р. Р. Моделирование процесса сепарации цемента в диффузионном приближении / Р. Р. Шарапов, В. Г. Шаптала Д. М. Анненко // Машины и аппараты для производства строительных материалов : межвуз. сб. ст. /Белгор. гос. технол. ун-т. - Белгород, 2008. - С. 152-156.
- [3]. Шарапов, Р. Р. Моделирование систем осаждения цемента и пылеочистки в помольных агрегатах с шаровыми мельницами / Р. Р. Шарапов // Известия высших учебных заведений. Северокавказский регион. Технические науки. - 2008. - № 6.

POLIMER MATERIALLARNING YUZA SIFATINI OSHIRISH MAQSADIDIDA DASTLABKI DUMALATISH ASOSIDA TOKARLIK ISHLOV BERISH

Sh.N. Fayzimatov, D.A. Valixonov

*Farg‘ona politexnika instituti
(Qabul qilindi 19.10.2022 y.)*

Ushbu maqolada polimer materiallardan detal olish usullari keltirilgan. Yuqori yuza tozaligiga ega detal olish uchun tokarlik ishlov berish zarurati tug‘iladi. Polimer materiallarga tokarlik ishlov berishda yuza tozaligi ko‘plab omillarga bog‘liq bo‘lib ushbu maqolada eng maqbuli keltirilgan. Polimer detallarga dastlabki dumalatish asosida tokarlik ishlov berish usuli tavsiya etilgan. Bu usulning oddiy usullardan afzalliklari shundaki polimer detalga rolik orqali kuch berilganda detal yuzasi deformatsiyalanadi bundan keyin keskich yordamida kesilganda qirindi uzilib-uzilib chiqadi bu esa kesish o‘chog‘ida kesish kuchini kamayishiga olib keladi va yuza tozaligi yuqori detal olishga yordam beradi.

Kalit so‘zlar: *polimer, keskich, dastgox, deformatsiya, yelastik, press, mexanizm, o‘simta, qirindi, plastmassa, bosim.*

В данной статье представлены способы получения деталей из полимерных материалов. Для получения детали с высокой чистотой поверхности необходима токарная обработка. Чистота поверхности при токарной обработке полимерных материалов зависит от многих факторов, наиболее оптимальные из которых представлены в данной статье. Рекомендуется метод токарной обработки, основанный на предварительной прокатке полимерных деталей. Преимущества этого метода перед обычными методами заключаются в том, что при приложении усилия к полимерной детали через валик поверхность детали деформируется, а затем при резке стамеской стружка отрывается, что приводит к уменьшению в силе резания в центре резания и помогает получить качественную поверхность детали.

Ключевые слова: *полимер, резец, скамья, чашка, деформация, упругость, прокатка, шабрение, опухоль, механизм, пресс, давление, пластик.*

This article presents methods for obtaining details from polymer materials. In order to obtain a detail with high surface cleanliness, turning is necessary. The surface cleanliness during turning processing of

polymer materials depends on many factors, the most optimal ones are presented in this article. A method of lathe processing based on preliminary rolling of polymer parts is recommended. The advantages of this method over ordinary methods are that when force is applied to the polymer part through a roller, the surface of the part is deformed, and then when it is cut with a chisel, the chip breaks off, which leads to a decrease in the cutting force in the cutting center, and helps to obtain a high-quality surface detail.

Keywords: *polymer, cutter, bench, cup, deformation, elasticity, rolling, scraping, swelling, mechanism, press, pressure, plastic.*

1. Kirish

Asosan tokarlik ehtiyot qismlar va mexanizmlarning ishlash muddati sifati va ishonchliligi katta darajada bog'liq bo'lgan polimer materiallarning aniq afzalliklariga qaramasdan, plastmassa qismlarini zamonaviy usullar bilan (bosim quyish, bosish, ekstruziya) ishlab chiqarishda ularning qattiqlashishi va sovutish vaqtida materialning qisqarishi bilan bog'liq o'lchamlari va geometrik parametrlari o'zgaradi va ko'pincha qismning funksional sirtlarining kerakli sifat parametrlari ta'minlanmaydi, bu esa qo'shimcha ishlov berish zarurligiga olib keladi.

Shunday qilib, polimer materiallarga ishlov berish samaradorligini oshirish vazifasi zamonaviy muhandislik uchun juda muhimdir, chunki uning yechimi ishlab chiqarilayotgan mahsulotning sifat ko'rsatkichlarini oshiradi va ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytiradi.

2. Tadqiqot usullari

Tadqiqotlar natijalari [1,3] shuni ko'rsatadiki, zamonaviy mashinasozlik, asbobsozlik va boshqa sanoat tarmoqlarining ravnaqi sintetik polimer materiallarsiz mumkin emas. Polimerni konstruksion materiallar sifatida ishlatish nafaqat detallar va mexanizmlar qismlarini yengillatish uchun, balki detal tayyorlash mexnat xajmini va tannarxini kamaytirishni, metall va boshqa materiallarni sezilarli darajada iqtisod qilish imkoniyatini beradi. Umumiy foydalanish xususiyatlariga ega bo'lgan va qayta ishlash imkoniyatiga ega bo'lgan termoplastlar keng miqiyosida qo'llaniladi.

Plastmassalarni konstruksion material sifatida qo'llashning yuqoriligi sababli ularni qayta ishlash masalasi o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Amaliy tavsiyalarga muvofiq [4,5] polimer materiallarning fizik holatidan, mexanik xususiyatlaridan va boshqa faktlaridan kelib chiqib, plastmassalardan detal ishlab chiqarish usullarini quyidagi asosiy guruxlarga bo'lish maqsadga muvofiqdir:

- qayishqoqlik, eruvchanlik holatida qayta ishlash (presslash, bosim ostida quyish va siqib chiqarish bilan);
- mutanosiblik xolatida ishlov berish (shakl berish, shtampovkalash va boshqalar);
- shakl berishning turli usullaridan foydalanib suyuq polimerdan detallar tayyorlash;
- qattiq holatdagi plastmassadan bo'lib qoliplash va kesib ishlov berish;
- payvandlash, yelimlash bilan yaxlit birikmalar olish;

Ko'p sonli tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki qator usullar bilan: presslash, quyish va siqib chiqarish. Kompression presslash reaktoplastlarni detalga aylantirishning asosiy usullaridan biridir. Bu usulning mohiyati quyidagicha: materialni pressforma qolipining bo'shlig'iga solinadi, keyin press kuchi ta'sirida bosim hosil bo'ladi, uning ta'siri ostida, issiqlik ta'sirida material yumshaydi va press fo'rmani to'ldiradi, keyin press fo'rma ochiladi va tayyor detal chiqariladi. Kompression presslash usuli bilan o'rtacha murakkablikdagi va uncha katta bo'lmagan gabarit o'lchamdagi detallar kukunsimon va tolali to'ldirgichlar yordamida termoreaktiv materiallardan olinadi.

3. Ishlov berish taxlili

Zamonaviy usul bilan polimer materiallardan tayyorlangan detallar bir qator kamchiliklarga ega. Mavjud kamchiliklarni bartaraf etishda qo'shimcha mexanik ishlov berish zarur. Bunday ishlov berish oddiy va aralash usullar yordamida amalga oshiriladi. Murakkab ishlov berish usullari bir qancha fizik-kimyoviy xodisalarning ta'sirini va ularni yetkazib berish usullarini birlashtiradi. Oddiy ishlov berish usullari, bundan farqli o'laroq bir turdagi energiyadan foydalanadi, bir usul bilan uni ish joyiga yetkazib beradi.

Metallar va plastmassalarni qayta ishlash texnologiyasida fizik-kimyoviy usullardan keng foydalaniladi.

Fizik-kimyoviy ishlov berish usullari quyidagilardan iborat: termik ishlov berish; yedirish bilan ishlov berish; mexanik-kimyoviy ishlov berish; texnologik muxit bilan ishlov berish.

Texnologik muxit bilan ishlov usullarini ikki katta guruxga bo'lish maqsadga muvofiqdir [5,7]: muxitning mexanik ta'siri bilan ishlov berish usullari va muxitning fizik-kimyoviy ta'siri bilan ishlov berish usullari. Birinchi gurux usullari asosida detallarning o'zaro urilishidan va muxitning mayda donador zarralar bilan urilishidan xosil bo'luvchi mexanik ta'sirlar yotadi. Bular oqibatida, yo'qotilishi zarur bo'lgan nuqsonlarning sindirilishi va kesilishi yuz beradi. Buyumlarning muxit zarralari bilan o'zaro urilishi xar doim buyumlar cheti, burchaklari va detallar tepasini ezilishiga olib keladi. Buyumlarning o'zaro urilishi buyumlar chetlarining ezilishiga, yumaloqlanishiga, yuzasining mustaxkamlanishiga, yuzadagi mayda notekisliklarni ezilishiga olib keladi. Buyumlar konteyner devorlariga va tubiga faqat chetlari, burchaklari va uchlari bilan uriladi, bunda g'adir-budurlar yo'qoladi, detallarning chetlari va burchaklari yumaloqlanadi.

Buyumlarga bunday ishlov berish –texnologik jarayonlarni mexanizatsiyalashning ancha oddiy va unumdor usuli. Bunda 0,3 mm dan yuqori bo'lmagan grat ketkaziladi. Gratning 0,3 mm dan yuqori bo'lishida sifatli ishlov ta'minlanmaydi va qo'shimcha ishlov talab qilinadi.

Buyumga ishlov berish muxitining oqimini olib keladigan kinetik inersiyani qo'llash usullari ma'lum. Muxit sifatida bitta to'ldirgich yoki siqilgan (suyuqlik) gaz oqimi, to'ldirgich bilan (gaz va gidrodinamik ishlov, obraziv-siqilgan xavo bilan ishlov berish) qo'llanishi mumkin. Bu xollarda ishlov berish sifati to'ldirgichning razmeri, qattiqligi, zarralar shakliga shuningdek bosimning o'lchamiga, gaz yoki suyuqlik oqimi tezligiga bog'liq bo'ladi.

Gaz yoki suyuqlik oqimi to'ldirgichi sifatida po'lat donalari yoki pitra, alyuminiy donalari, alyuminiy yoki bronza pitra, obrazivlar, polimer materiallar (poliamid, polistrol, polivinylorid, polikorbanat), shuningdek shu materiallarning xar xil aralashmalari xizmat qilishi mumkin.

Ishlov berishning gazodinamik usullarining mohiyati shundan iboratki bunda ishlov berilayotgan buyum kameraga joylashtiriladi, keyin unga kamerada konus naychalardan to'ldirgichsiz siqilgan gaz oqimi xaydaladi (pnevmatik usul) yoki to'ldirgich bilan (obraziv-pnevmatik usul). Siqilgan gaz oqimining kinetik energiyasi grat materialining zarbali ta'siriga va plastik deformatsiyalanishiga sarflanadi.

Ko'p qo'llaniladigan gidrodinamik usullar sirasiga plastmassa buyumlariga ishlov berishda qo'llaniladigan kavitatsion usullarni kiritish zarur. Ular gidrokavitatsion va ultratovush turlariga bo'linadi.

Shunday qilib polimer detallarga ishlov berishning ma'lum usullari nazariiy taxlili quyidagi xulosalarni qilish imkonini beradi:

-hozirgi zamonda polimer buyumlar olish texnologik jarayoni nuqsonlarini bartaraf etish uchun mo'ljallangan ma'lum usullar buyumlarni grat va g'adir-budurlardan, bo'rtmalardan tozalash uchun, chetlarini ezish va yumaloq xolga keltirish, yuzasini mustaxkamlash va yuzaga chiroylik ko'rinish berish uchun qo'llaniladi;

-ma'lum usullarni tadbir qilish murakkab va qimmatbaxo maxsus jixozlar mavjudligiga bog'liq: ulardan foydalanish yong'in xavfsizligi, portlash xavfsizligi va jadallik muxitlarini qo'llash bilan amalga oshiriladi;

Amaliyotga polimer materiallarga dastlabki ishlov berish usullarining polimer materiallarga keng mexanik ishlov sifatini oshirishga yo'naltirgan, yuzaga dastlabki ishlov berishning ya'ni, ancha samarali usullarini ishlab chiqish zaruriyatiga olib keladigan arzimas qismigina amal qiladi.

4. Eksperimental va nazariy tadqiqotlar

Yuqorida ta'kidlanganidek, plastmassa buyumlarini qoliplash, quyish (bosim ostida quyish, presslash va bosh) usullari bilan olinadi. Biroq qattiq talab bo'yicha chiqarilayotgan yuqori aniqlikdagi detallarning ko'plab turlariga polimer materiallarga kesib ishlov berish orqaligina erishish mumkin [1,2]. Ishlov usullari foydalanilayotgan jixozlar va asboblarga bog'liq. Ko'pincha metall va yog'ochga ishlov berish uchun yasalgan asbobdan, dastgoxdan foydalaniladi. Bu bilan plastmassani kesib samarali qayta ishlash turlarining xilma-xilligi, istemoldagi plastmassaning

qayta ishlanishidagi o'ziga xos xususiyatlari haqidagi tasavvurning yetarli emasligi belgilanadi. Masalan kesish bilan ishlov berilgan plastmassa yuzasi ko'pincha tiralgan bo'ladi, yoriqlar va chiziqlar bilan, kesuvchi asbobning izlari bilan qoplangan bo'ladi. Kesish natijasida ortiqcha xaroratning xosil bo'lishidan reaktoplastlar yuzasida kuyishlar va termoplastlar yuzasida erishdan xosil bo'lgan bo'rtmalar kuzatiladi, oqibatda detallarga qo'shimcha pardoqlash ishlari bajarish zaruriyati paydo bo'ladi. Shuningdek, material chetini kesuvchi asbobning uqalanishi (sinish) ni va xaddan tashqari yeyilishini kuzatish mumkin. Bu qiyinchiliklarning sababi plastmassalarning reologik (taranglik, yopishqoqlik, egiluvchanlik) va termik xossalarini (solishtirma issiqlik sig'imi, issiqlikni o'tkazish, issiqlikda kengayish ko'fitsienti) ni yaxshi bilmaslik va xisobga olmaslikdandir.


Kesish jarayoniga ta'sir qiluvchi omillarga bag'ishlangan tadqiqotlar natijalari [2,3] ishlarda keltirilgan. Tadqiqotchilar fikriga ko'ra, polimer materiallarni kesish jarayoniga ta'sir qiluvchi asosiy omillar 1- jadvalda keltirilgan.

Plastmassalarni kesish jarayoniga ta'sir etuvchi omillar:

1-jadval

Omillar	Axamiyatli ta'sir soxasi
Kesuvchi asbobning tuzilishi; Asbob geometriyasi: oldingi burchak γ , orqangi burchak α , tepadagi (cho'qqidagi) aylana radiusi r .	Qirindi xosil bo'lishi. Asbobning siyqalanishi, yeyilishi. Ishlov berilgan yuzaning g'adir-budurligi.
Asbob materiali	Asbobning yeyilishi
Kesish rejimi: kesishning chuqurligi, kesishning tezligi, uzatishi.	Qirindi xosil bo'lishi, ishlov berilgan yuzaning g'adir-budurligi.
Atrof muxitning ish xarorati, sovutish turi.	Issiqlik ajralishi, erish va quyishning paydo bo'lishi.

Qirindi xosil bo'lish jarayoniga kesuvchi asbobning old tomonidagi burchagi, kesish rejimlari (kesish tezligining kattaligi, bo'ylama surish va kesish chuqurligi) kata ta'sir qiladi. Yuzaning g'adir-budurligi asbobning o'tkirlash geometriyasiga va kesish rejimlariga bog'liq. Asbobning yeyilish tezligiga va kesish jarayonining unumdorligiga asbob materiali xal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi. Polimer materiallarni yo'nishda qattiq qotishmalarning kesish xususiyatlarini o'rganishga ko'plab olimlarning ilmiy ishlari bag'ishlangan. Quyidagi markalardagi qattiq qotishmalarning kesish xususiyatlari o'rganilgan: VK (VK2, VK3, VK3M, VK4, VK6, VK6M, VK8, VK8M, VK8V) guruxining qattiq qotishmalari; TK (T5K10, T14K8, T15K6, T30K4, T60K6) guruxining qattiq qotishmalari; TT7K12 qattiq qotishmasi.



1-grafik. Qattiq qotishmali keskichlarning eFB-P shisha plastikni kesishda chidamlilik diagrammasi (kesish tezligi-V=90m/min, bo'ylama surish-S=0,21 mm/ob, kesish chuqurligi-t=1,5mm).

VK va TK guruxlar qotishmalarini taqqoslash (rasm 1.2) shuni ko'rsatadiki, birinchi guruxdagilar yuqori chidamlilikga ega. TK guruxi qattiq qotishmalarini VK guruxi qotishmalari bilan solishtirganda TK guruxi qattiq qotishmalarining yeyilishi yuqoriligining sababi ishlov berilayotgan materialning o'ziga xosligi va qattiq qotishmalarning fizik-mexanik xossalarining farqi

xisoblanadi. Tadqiqotlar natijalari bo'yicha [1,3,4] plastmassaga ishlov berishda foydalaniladigan asbobsozlik materiallariga qo'yiladigan quyidagi umumiy talablar aniqlangan:

- 1) Old burchak γ kata bo'lmasligi va $\gamma=10+15^\circ$ miqdordan oshib ketmasligi kerak, ayrim xolatlarda esa, bu miqdor 0 ga yaqin bo'lishi mumkin, bu asosan qirindi xosil bo'lish shartlari bilan aniqlanadi.
- 2) Orqa burchak α ning o'lchamini mumkin qadar kattalashtirish zarur, bu asbobni chidamliligini oshirishga, asbobning ord yuzasidagi tutash maydonning kichrayishiga olib keladi, kesishning siqiq sharoitida plandagi ϕ , yordamchi burchak miqdorini oshirish kerak bo'ladi.
- 3) Asbob o'tkir charxlangan bo'lishi kerak, kesuvchi qirraning mayda radiusli aylanasi bilan, asbobning ko'p yeyilishiga yo'l qo'yilmaydi.
- 4) Plastmassaga ishlov beruvchi asbobning mustaxkamligi metallga ishlov beruvchi shu turdagi asbob mustaxkamligiga qaraganda ancha pasaytirilishi mumkin, bu kesish uchun sariflanayotgan kuchning ancha (bir necha o'n marta) kamligi bilan izoxlanadi.

Asbobning qirindi ariqchalari puxta ishlov berilgan (sayqallangan) bo'lishi kerak; ularning xajmi kattalashtirilgan bo'lishi kerak; bu asbob yuzasiga polimer parda yopishishining oldini olish, shuningdek xosil bo'ladigan qirindini ko'p miqdorda joylashishi uchun zarur.

Tajribalardan ma'lumki [2,4], TK guruxidagi tezkesar po'latlardan plastmassaga ishlov berishda foydalanish maqsadga muvofiq emas, chunki asbobning chidamliligi bu xolatda juda past bo'ladi.

Ishlov berilgan yuzaning g'adir-budurligi quyidagilarga bog'liq:

- ishlov berilayotgan materialning xususiyatlariga;
- kesish rejimiga;
- kesuvchi asbobning geometrik ko'rsatkichlariga;
- kesuvchi asbobning yeyilishiga;
- ishlov turiga;
- kesish paytidagi silkinishga va boshqalarga.

Sanab o'tilgan barcha omillar ta'sirini xisobga olish qiyin. Biroq, muayyan materialga optimal geometrik asbobi bilan ishlov berish xisobga olinsa, g'adir-budirlik ko'rsatkichlari darajasini belgilovchi omillar miqdorini eng quyyi ko'rsatkichga tushirish mumkun (kesish tezligi, uzatish va kesishning chuqurligi).

Polimer materiallarni kesish rejimlari, amaliy tavsiyalarga muvofiq, detalga qo'yilgan talablarni qondirgan xolda keskichlarning yuqori darajadagi chidamliligini va ishlovning unumdorligini taminlashlari zarur. Keskichlarni yeyilishiga va chidamliligiga sezilarli darajada kesish tezligi ta'sir ko'rsatadi, keyin surish va kesish chuqurligi eng kam darajada chidamlilikga ta'sir ko'rsatadi [4,5]. Shuning uchun avval kesish chuqurligi tanlanadi keyin surishni va eng so'ngida kesish tezligi tanlanadi [3,2]. Kesish rejimlarini belgilash qayta ishlov berishga tushirishni va kesish chuqurligini aniqlashdan boshlanadi. Odatda kesish chuqurligini texnologik shart-sharoitlardan, detalning qattiqligidan, charxlashning turidan, detalning tavsiya qilingan o'lchamlarining aniqligidan kelib chiqib belgilaydilar. 2 jadvalda kesish chuqurligining asbob va qayta ishlanayotgan material markalarining xilma-xilligidan kelib chiqib, yuza tozaligining aniq klasslari uchun tavsiya qilingan miqdorlari keltirilgan [2,5].

Kesishning optimal (eng maqbul) tezligini (asbobning chidamliligi bo'yicha) empirik fo'rmular [2] orqali chidamlilik davri, kesish chuqurligi va surish, asbob materialiga bog'liq xolda xisoblash mumkin. Bu fo'rmular kesish jarayonining turli xil omillarini kesish tezligiga ta'siri darajasini aniqlaydi. Masalan VK8 qattiq qotishmadan tayyorlangan keskich bilan yo'nishda kesish tezligi $V(m/min)$ ni

$$V = \frac{5640}{T^{0.8} S^{0.55} t^{0.55}} \quad (1)$$

fo'rmula bilan xisoblash mumkin.

Tezkesar po'lat keskichlar bilan yo'nganda kesish tezligini

$$V = \frac{1500}{T^{0.82} S^{0.55} t^{0.55}} \quad (2)$$

fo'rmulasi bilan xisoblash mumkin

bunda: T-asbobning chidamliligi, min;

S-bo'ylama surish, mm/ob;

t-kesish chuqurligi, mm.

bog'liqlik taxlili (1) va (2) quyidagilarni ko'rsatadiki:

- 1) Tezkesar keskichlar bilan kesishning ruxsat etilgan tezligi qattiq qotishmali asbob bilan ishlov berishda ruxsat etilgan tezlikdan 2,5-3 marta kam;
- 2) Surishni, masalan 4 marta oshirganda kesish tezligi 2 marta kamaytiriladi;
- 3) Kesish chuqurligini 4-marta oshirish kesish tezligini 2 marta kamaytiradi;
- 4) Mustaxkamlikni 2 marta oshirish (masalan 60 dan 120 min gacha) kesish tezligini 90% ga yoki deyarli 2 marta pasaytiradi.


Termoplastik plastmassalarni yo'nishda tavsiya qilingan rejimlar.

2-jadval

Yuzaning tozalik darajasi.	Asboblari materiali va kesish chuqurligi.							
	R18, t=1mm		VK6M, t=0,25÷0,5mm		Rubin, t=0,25÷0,5mm		Almaz t=0,25÷0,5mm	
	v,m/min	S,mm/ob	v,m/min	S,mm/ob	v,m/min	S,mm/ob	v,m/min	S,mm/ob
Organik shisha								
8	25	0,03	50	0,01	300	0,03	300	0,03
7	200	0,03	350	0,03	300	0,074	300	0,074
6	300	0,078	150	0,195	300	0,15	300	0,11
5	300	0,11	300	0,195	300	0,195	-	-
Polietilen								
7	150	0,03	200	0,05	200	0,074	200	0,074
6	300	0,11	350	0,11	300	0,15	300	0,15
Ftoroplast-4								
7	150	0,03	200	0,03	250	0,03	250	0,03
6	300	0,073	250	0,11	300	0,11	300	0,11

Polimer materiallarni mexanik qayta ishlashdagi tajribalar natijalarini taxlil qilib [3,4] shunday xulosa qilish mumkin: qayta ishlov berilgan yuzaning g'adir budurligiga surish eng yuqori ta'sir ko'rsatadi. Deyarli barcha plastmassalar 0,2-0,35 mm/ob surishda eng past g'adir-budurlikka ega bo'ladi. Barcha plastmassalarga ishlov berishda 0,3-0,35 mm/ob surish oralig'ida notekisliklar balandligining birdan yiriklashuvi kuzatiladi, sababi bunday uzatishlar qora yo'nishda tavsiya qilingan bo'lishi mumkin [4].

Kesish tezligi ishlov berilgan yuzaning g'adir-budurligiga jiddiy ta'sir ko'rsatmaydi [2]. Notekisliklar balandligi bir sinf chegarasida o'zgarib turadi yoki shu sinf chegarasidan arziyas miqdorda chiqadi. Xar bir material uchun tezlik chegarasi o'rnatilgan, unga ko'ra, ishlov berilgan yuzaga g'adir-budurligi eng yuqori va eng past bo'ladi. Bu xarorat omili va u bilan bog'liq qirindi xosil bo'lish xarakteri bilan izoxlanadi. 3 va 4 grafiklarda yuzaga g'adir-budurligi kesish tezligiga bog'liqligi grafiklari keltirilgan.




3-grafik. Shisha plastik yuzasining g'adir-budurligi kesish tezligiga bog'liqligi: 1-yo'nish charxlash; 2-ko'ndalang frezerlash; 3-parmalash; 4-bo'ylama frezerlash.

3 grafikdan ko'rinadiki, ishlovning hamma turlarida kesish tezligining oshirilishi bilan yuzaga g'adir-budurligi ortadi, biroq bu o'sish kesish tezligining o'sishidan ancha past bo'ladi.

4 grafikdan ko'rinadiki, o'rganilayotgan plastmassalar uchun yuzaga tozaligining kesish tezligiga bog'liqligi aniq ifodalangan minimum bilan o'rkachsimon tasvirlarda berilgan.

Plastmassalarni yo'nishda kesish tezligi oshirilganda yuzaga g'adir-budurligi dastlab kamayadi,



4-grafik. Ishlov berilgan yuza g'adir-budirligining kesish tezligiga bog'liqligi: 1-organik shisha; 2-voloknit K-21-22; 3-voloknit K-18-2; 4-tekistalit (plastmassa).

Ishlov berilgan yuza g'adir-budirligining oshishiga olib keladi, -5° dan yuqori old burchakli keskichlarni qo'llash xam ustki sinishga va yuza g'adir-budirligining oshishiga olib keladi. Plastmassalarni yo'nishda qo'llaniladigan keskichlar orqa burchaklarining maqbul miqdori 15° dan 25° gacha bo'lgan oraliqda yotadi. Orqa burchak kattalashtirilsa keskich orqa yuzasining ishlov berilayotgan yuzaga ishqalanishi kamayadi. Oqibatda yuza g'adir-budirligi xam kamayadi. Biroq, orqa burchagi 30° dan yuqori keskichlarda kesuvchi qismning issiqlik ajratish xususiyati va uning mustaxkamligi pasayadi.

30° dan 60° gacha bo'lgan planda bosh burchak yuqori klassli g'adir-budirlilikga erishish imkonini beradi. Planda burchakning kichrayishi (30° dan kamroq) xomaki detalning siqilishini oshiradi, bu shakl ko'rinishining buzilishiga, tebranish xosil bo'lishiga olib kelishi mumkin. Plandagi yordamchi burchak 10° dan 25° gacha o'stirilganda notekislik balandligini $1,2 \div 1,7$ marta oshishiga olib keladi. Yuqori klass tozaligidagi yuza g'adir-budirligini olish uchun plastmassani ingichka (yupqa, nafis) yo'nishda $f=1 \div 2$ mm faskali keskichlar bilan ishlashga to'g'ri keladi.

Bir qator mualliflarning [2,3] fikriga ko'ra, qirindi xosil bo'lishi sezilarli darajada to'laligicha kesish jarayoni va uning natijalarini belgilaydi. Qirindi xosil bo'lish jarayoniga kesish kuchi, energiya sarfi va ajralayotgan issiqlik miqdori, ishlov berishning aniqligi va sifati, asbob va dastgoxning ishlash sharoitlariga bog'liq.

Qirindi xosil qilish mexanizmi deformatsiya va yemirilish qonuniyatlari bilan shakllanadi. Taranglik va yopishqoqlikni o'zida birlashtirish polimerlarning o'ziga xos xususiyatidir. Polimerlar bir xolatda qattiq, tarang jismdek bo'lsalar, boshqa bir xolatda xuddi yopishqoq suyuqlikdek bo'ladi, lekin qayishqoqlik va suyuqlik o'zaro birbirini to'ldiradi. Polimer jismlar sof qayishqoq xam, sof yopishqoq xam bo'lmaydi va ularning ko'rsatkichlari na Guk qonuniga, na Nyutonning yopishqoqlik qonuniga bo'ysunmaydi. Bir material kesish payitidagi taranglik xolati xarakteriga va deformatsiya tezligiga qarab mo'rt yoki egiluvchan bo'lishi mumkin, buni xosil bo'layotgan qirindi ko'rsatadi [4,6].

Plastmassalarni kesishda xosil bo'ladigan qirindi turlarining tasnifi

3- jadval

Qirindi	Qirindi paydo bo'lish omillari.
Uzluksiz tasmasimon	Jadal qayishqoq deformatsiya.
Uzluksiz parchalanishlar	Kuchlanish va siljish ta'sirida to'xtovsiz sirg'anish
Uzuq-uziq oddiy qirindi	Kuchlanish ta'sirida plastik parchalanish.
Uziq-uziq parchalanishlar	Oddiy siljish ta'sirida plastik parchalanish.
Murakkab parchalanishlar	Siljish zo'riqishi yoki cho'zilishdagi kuchlanish ta'sirida plastik yemirilish
Yoriqlar bilan	Tarang yemirilish, mo'rt yemirilish.

Uzluksiz tasmasimon qirindining xosil bo'lishi odatda rezinkaga o'xshab yuqori qayishqoqligi va o'ta uzayishi bilan ajralib turuvchi materiallarni past tezlikda kesishda kuzatiladi. Qirindi deformatsiyasi asosan elastik va uning qalinligi taxminan kesish chuqurligiga teng. Bu turdagi qirindi metallni kesishda paydo bo'ladigan tasmasimon qirindidan farq qiladi, chunki u metallning plastik deformatsiyalanishidan emas, balki jadal elastik deformatsiya natijasida xosil bo'ladi.

Qirindi xosil qilishda kesish kuchining tebranishi va yuzaning g'adir-budirligi unchalik katta emas, detallarning aniqligi esa yuqori.

Uzluksiz parchalanishlar qirindisi siljish kuchlanishi material mustaxkamligidan kam bo'lganda paydo bo'ladi. Siljish tekisligi (parchalanishlar) kesuvchi asbob cho'qqisidan yuqoriga yo'naltirilgan, qirindi bu tekislik bo'ylab yo'naltirilgan parchalovchi xarakter bilan ishlab chiqariladi. Uzluksiz qirindi siljish elementlari o'rtasidagi kichik interval natijasida xosil bo'ladi. Oddiy uziq-uziq qirindi siljishning tekislik bo'ylab parchalovchi xarakati bilan xosil qilinadi, biroq surish elementlari orasidagi intervallar ancha kata va shuning uchun ular uzilib-uzilib xosil bo'ladi.

Murakkab uziq-uziq qirindi murakkab kuchlanish natijasida vujudga keladi. Bunda kuchli siquvchi kuchlanish siljish kuchlanishi bilan qo'shiladi, kesish old o'tmas burchakli keskich bilan bajariladi.

Yoriqli uziq-uziq qirindi mo'rt reaktoplast materiallarni va bir qancha termoplastlarni xaddan tashqari katta old burchakli asbob bilan va o'ta chuqur kesish bilan xosil qilinadi. Ilgarilab boruvchi yoriq burchak ostida pastga yo'naltirilgan. Yoriq bir qancha uzunlikkacha eguvchi mament ta'sirida o'sganda uziq-uziq qirindi xosil bo'ladi. Qirindi xosil qilishning bu turi mo'rt sinuvchilarga taaluqli. Qirindi elastik yemirilishda olinadi, shuning uchun qirindi yuzasida mayda tishchalar kuzatiladi.

Ta'kidlash kerakki polimer materiallarga ishlov berishda kesish jarayonini oqilona tashkil qilish nuqtai nazaridan, tasmasimon qirindi ancha maqbul xisoblanadi, chunki u texnologik tizimning dinamik turg'un ko'rsatkichi bo'lib ishlov berilgan yuzaning yuqori sifatli bo'lishini ta'minlaydi [4,2,1].

Uzluksiz parchalanish qirindisini xosil qilishda ishlov berilgan yuza sifati juda yaxshi, shuning uchun uzluksiz parchalanish qirindisini xosil qiluvchi material eng yaxshi ishlov beriladigan material sifatida qaraladi. Bu qirindi metallarni kesishda olinadigan tasmasimon qirindiga mos keladi.

Parchalanishning oddiy uzilib-uzilib turuvchi qirindisi olishda ishlov berilgan yuzaning g'adir-budirligi eng yuqori ahamiyat kasb etadi, detallar o'lchamlari aniqligi esa past bo'ladi.

Yoriqli uzilib turuvchi qirindi xosil qilishda ishlov berilgan yuzada ko'plab kata yoriqlar paydo bo'ladi, g'adir-budurlik yuqori, ishlov aniqligi esa past bo'ladi.

Plastmassalarni kesish jarayonida asbobning kesuvchi qismiga asbobning old va orqa yuzalariga berilgan kuchlar ta'sir qiladi, bunda ularning o'zaro nisbati va kattaligi metallarni kesishda ishlatiladigan kuchdan farq qiladi. Polimerlar past qattqlikka ega.

Plastmassalarni kesishda metallarni kesgandagiga qaraganda ancha kam kuch talab qilinadi. Masalan, termoreaktiv plastmassalarni yo'nishda P_z 10-15 marta, termoplastlarni yo'nishda 10-20 marta kam, metallarni kesishdagiga qaraganda kam kuch sarflanadi.

Plastmassalarga ishlov berishda kesish rejimlarining kuchga ta'siri umumiy qonuniyatlari [3]:

-kesish tezligining keng ko'lamda o'zgarishi kuchga kam ta'sir qiladi; kesish tezligining oshirilishi bilan kuchlar bir oz ortadi, keyin esa ancha pasayadi;

-kesish chuqurligining va surishning o'sishi bilan kuch P_z ortadi;

-asbobning yeyilishi ortishi bilan kuchlar jadal ortadi, ayniqsa P_x va P_y yeyilish payitida $h_3=0,1-0,15$ mm.

Kesishning o'zgaruvchan xolatlarida polimerlarga ishlov berishda kesish kuchini eksperimental yo'l bilan aniqlanadi, chunki hozirgi vaqtda ularni taxliliy xisoblash qiyin.

5. Xulosa

1. Polimer materiallarga kesib ishlov berish metallar va qotishmalarga ishlov berishga mo'ljallangan oddiy kesuvchi asboblarda amalga oshiriladi; plastmassalarga ishlov berish uchun VK8 va VK6 qattiq qotishmalardan tayyorlangan asboblarni qo'llash maqsadga muvofiqdir, shunda ishlov berish jarayonining unumdorligi va kesuvchi asbobning chidamliligi ta'minlanadi;

2. Surish yuzaning g'adir budirligiga eng ko'p ta'sir ko'rsatadi, bunda surishning ortishi g'adir-budirlilikning ortishiga deyarli mutanosiblikni keltirib chiqaradi; kesish tezligi yuza g'adir-budirligiga jiddiy ta'sir ko'rsatmaydi, ishlovning barcha turlarida kesish tezligi ortishi bilan g'adir-budirlilik ortadi, biroq uning ortishi kesish tezligining o'sishidan ancha ortda qoladi; kesish chuqurligi g'adir-budirlilikning kattaligiga kam ta'sir ko'rsatadi;

3. Tokarlik ishlovini uzluksiz tasmasimon va uzluksiz parchalanishi qirindisi xosil qilinayotgan sharoitlarda o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Bu past o'lchamli g'adir-budirlikka ega bo'lgan yuza xosil qilishning dastlabki shart sharoiti xisoblanadi;

4. Polimer materiallarga mexanik ishlov berish soxasida mashxur nazariy tadqiqotlar taxlili shuni ko'rsatadiki, hozirgi zamonda yuza g'adir-budirligi o'lchamlari kesish rejimlariga bog'liq, deb taqribiy baxolashga imkon beruvchi empirik darajali qaramliklar ko'rsatilgan.

Adabiyotlar

- [1]. Fayzimatov B. N., Numanovich F. S., Khusanov Y. Y. Perspective drilling methods, non- technological holes in polymeric composite materials //International Journal of Engineering Research and Technology. – 2021. – T. 13. – №. 12. – S. 4823-4831.
- [2]. Fayzimatov, S. N., Xusanov, Y. Y., & Valixonov, D. A. (2021). Optimization Conditions Of Drilling Polymeric Composite Materials. The American Journal of Engineering and Technology, 3, 22-30.
- [3]. Yunusali Yuldashalievich Xusanov, & Dostonbek Azim O'G'Li Valixonov (2021). POLIMER KOMPOZITSION MATERIALLARDAN TAYYORLANGAN DETALLARNI PARMALASHNI ASOSIY KO'RINISHLARI. Scientific progress, 1 (6), 1169-1174.
- [4]. Dostonbek, V., & Salimaxon, N. (2021). The effect of scraping and surface cleaning on the scraping of scraping to be dressing in the cutting of polymer materials. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(6), 717-721.
- [5]. Dostonbek, V., Nizomiddin, J., & Jurabek, S. (2021). EXPERIMENTAL AND THEORETICAL STUDIES OF THE PROCESS OF CUTTING POLYMER MATERIALS. Academicia Globe: Inderscience Research, 2(05), 485-490.
- [6]. Fayzimatov Shukhrat Nomonovich, Ergashev Ilhomjon Olimjonovich, & Valikhonov Dostonbek Azim o'g'li. (2022). Effects Of Crushing on Cutting and Cleaning of Surface Facilities in Cutting and
- [7]. Абдуллаева, Д. Т., Каримов, Р. Х., & Умарова, М. О. (2021). Мактаб таълим тизимида чизмачилик фанини ривожлантириш ва билим бериш жараёнини такомиллаштириш. Scientific progress, 2(1), 323-327.
- [8]. Ergashev, I. O. Rustam Jaxongir o'g'li Karimov, Ravshan Xikmatullayevich Karimov, & Salimaxon Sobirovna
- [9]. Nurmatova (2021). Kolosnik almashinuvchi mashinasi elementi egilishining nazariy tadqiqotlari. Scientific progress, 2(3), 83-87.
- [10]. Karimov, Ravshan Khikmatulaevich (2021). Conducting research on identification and elimination of errors arising when processing complex shaped parts on cnc machines. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (11), 465-475.
- [11].
- [12].

MODELING OF OSCILLATORY PROCESSES IN HYDRAULIC UNITS OF MACHINES

K.A. Igamberdiev

Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorazmi

igamberdiyev@tuit.uz

(Received on January 4th, 2023)

Investigation of transient regimes of dynamical systems by the Poincare perturbation method

Non-linear problem on the motion of flowing theologically complex medium is considered in the paper. Mathematical models of the stabilization process have been developed based on the laws describing the dynamic processes of motion of controlled hydraulic systems.

Key words: nonlinear analysis, rheodynamic system, elasticity of the medium, linear combination, the biquadrate equation, dynamic viscosity.

В статье рассмотрена нелинейная задача о движении текущей реологически сложной среды. На основе законов описания динамических процессов движения управляемых гидравлических систем разработаны математические модели процесса стабилизации.

Ключевые слова: нелинейный анализ, гемодинамическая система, эластичность среды, линейная комбинация, биквадратичное уравнение, динамическая вязкость.

Maqolada oquvchan murakkab reododinamik muhit harakati tug'risidagi chiziqsiz masala ko'rilgan. Boshqariladigan gidravlik tizimlarning dinamik harakatlanish jarayonlarini tavsiflash qonunlari asosida stabilizatsiya jarayonining matematik modellari ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar. chizikli bo'lmagan tahlil, remodinamik tizim, muhitning elastikligi, chizikli birlikma, biquadratik tenglama, dinamik yopishqoqlik.

1. INTRODUCTION

In the world, a special place is given to the creation of competitive technical systems in modern conditions, as well as the use of advanced information technologies that allow solving problems of increasing the efficiency of public production, driving reliable vehicles associated with the development and improvement of technical, in particular hydraulic, systems. In this regard, in a number of countries around the world, including the USA, Japan, Germany, India, South Korea, Mexico, Spain, Brazil, France and Uzbekistan, research is underway on the use of modern technical systems, in particular hydraulic systems, in accordance with the intensive development of machines and mechanisms and the development of advanced ways to control them in dynamic solutions.

2. THE MAIN PART

There are two main directions in the modern development of nonlinear analysis, analytical methods of successive approximations and the topological method. One of the most important methods for solving nonlinear differential equations is the Poincare perturbation method, which is used to find periodic solutions corresponding to limit cycles or special points, as well as to study transient regimes of dynamical systems [1,3].

The movement of rheologically complex media, which include high viscosity oils, concentrated clay and other solutions, are subject to various rheodynamic models depending on the types of liquids [2].

Consider the properties of the movements of the current medium, the stress-strain state of which is represented by the equation

$$\ddot{x} + x = \eta [\alpha \dot{x} + \beta \dot{x}^3 + \delta \dot{x}^5] \quad (1.1)$$

Where η - a small parameter characterizing the proximity of the system under consideration to the linear conservative; $\alpha = \tau' / \mu - 1$ - the excitation coefficient of the geodynamic system;

$$\beta = \frac{1}{6} \frac{G\tau'''}{\mu m_l}; \quad \delta = \frac{1}{120} \frac{G^2}{m_l^2} \tau^{(5)};$$

G - the coefficient of elasticity of the medium; m_l - linear density of the medium; μ - dynamic viscosity coefficient; τ - a nonlinear stress function depending on the strain components and strain rates of the medium.

When $\eta = 0$ the periodic solution of equation (1.1) is easily obtained as a linear combination of functions $\sin t$ и $\cos t$, i.e., the solution period is equal to 2π . However, when $\eta \neq 0$ the frequency of the periodic solution becomes unknown, so we replace the independent variable t variable $\tau = \omega t$, where ω - unknown frequency of the periodic solution. Now the variable t will have a period 2π regarding τ . Equation (1) after this substitution takes the form

$$\omega^2 \ddot{x} + x = \eta (\alpha \omega \dot{x} + \beta \omega^3 \dot{x}^3 + \delta \omega^5 \dot{x}^5) \quad (1.2)$$

The desired solution $x(\tau)$ decompose into a power series with respect to a small parameter η , moreover, the coefficients of the series are periodic functions τ [4]. Therefore

$$x(\tau) = x_0 + \eta x_1(\tau) + \eta^2 x_2(\tau) + \eta^2 x_2 + \dots \quad (1.3)$$

where $x_i(\tau)$ – function τ with a period 2π . Except decomposition x , it is necessary to decompose by degrees η unknown quantity ω , i.e.

$$\omega = \omega_0 + \eta \omega_1 + \eta^2 \omega_2 + \dots \quad (1.4)$$

Substitute expressions (1.3) и (1.4) into the equation (1.2) and we equate the coefficients at the same degrees η . As a result, we obtain a system of linear differential equations of the second order with respect to $x_i(\tau)$, which also contains unknown quantities ω_i . Since only the periodic solution is considered, the starting point is τ can be selected arbitrarily.

Therefore, we will choose it so that $\dot{x}(\tau) = 0$ by $\tau = 0$.

Using the generalized Newton binomial formula, for the relations (1.3) and (1.4) ($n=3$ и $n=5$) substituting into the equation (1.2), and equating the coefficients at the same degrees η , we obtain the following system of equations

$$\eta^0: \quad \omega_0^2 \ddot{x}_0 + x_0 = 0, \quad (1.5)$$

$$\eta^1: \quad \omega_0^2 \ddot{x}_1 + x_1 = -2\omega_0 \omega_1 \ddot{x}_0 + \alpha \omega_0 \dot{x}_0 + \beta \omega_0^3 \dot{x}_0^3 + \delta \omega_0^5 \dot{x}_0^5, \quad (1.6)$$

$$\eta^2: \quad \omega_0^2 \ddot{x}_2 + x_2 = -(\omega_0^2 + \omega_0 \omega_2) \ddot{x}_0 + 2\omega_0 \omega_1 \ddot{x}_1 + \alpha(\omega_1 \dot{x}_0 + \omega_0 \dot{x}_1) + 3\beta(\omega_0^2 \omega_1 \dot{x}_0^3 + \omega_0^3 \dot{x}_0^2 \dot{x}_1) + \delta[\alpha(2\omega_0 \omega_1 + 3\omega_0^4 \omega_1) \dot{x}_0^5 + (2\omega_0 + 3\omega_0^5) \dot{x}_0^4 \dot{x}_1], \quad (1.7)$$

The initial conditions are determined by the formulas

$$x(0) = a, \quad \dot{x}(0) = 0 \quad (1.8)$$

Because $x(\tau + 2\pi) = x(\tau)$, we have the following conditions for determining unknown quantities in the equations (1.5) – (1.7)

$$x_i(\tau + 2\pi) = x_i(\tau) \quad (1.9)$$

$$x_0(0) = a, \quad x_{i+1}(0) = 0 \quad x_i(0) = 0, \quad i = 0, 1, 2 \quad (1.10)$$

taking into account these conditions, the solution of equation (1.5) has the form [1

$$x_0 = a \cos t \quad (1.11)$$

$$\omega_0 = 1 \quad (1.12)$$

decision (1.11) is a generative solution. By virtue of the ratios (1.11) and (1.12) the equation (1.6) takes the form

$$\ddot{x}_1 + x_1 = -2\omega_1 a \cos \tau - \frac{8\alpha a + 6a^3 \beta + a^5 \delta}{8} \sin \tau + \frac{4a^3 \beta - \delta a^5}{16} \sin 3\tau - \frac{a^5 \delta}{16} \sin 5\tau \quad (1.13)$$

If the coefficients at $\cos \tau$ and $\sin \tau$ were not equal to zero, then the solution of the equation (4.13) would contain members of the form $\tau \cos \tau$ и $\tau \sin \tau$ i.e. age-old members [5]. Therefore, the periodicity condition $x_1(\tau)$ requires that the coefficients for $\cos \tau$ и $\sin \tau$ were equal to zero, i.e.

$$\omega_0 = 0 \quad (8\alpha + 6a^2 \beta + a^4 \delta) a / 8 \quad (1.14)$$

from here

$$a^4 + \frac{6\beta}{\delta} a^2 + \frac{8\alpha}{\delta} = 0, \dots, a^5 = 0 \quad (1.15)$$

Solving the biquadrate equation (1.15) we have

$$(a)_{1,2,3,4} = \pm \sqrt{\frac{-3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 8\alpha\delta}}{\delta}}. \quad (1.16)$$

The general solution of equation (1.13) is defined in the form

$$x_1 = a_1 \cos \tau + b_1 \sin \tau - \chi_1 \sin 3\tau + \chi_2 \sin 5\tau \quad (1.17)$$

where

$$\chi_1 = \frac{i}{16} \left[\left(4\beta \sqrt{\frac{-3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 16\alpha\delta}}{2\delta}} \right)^3 - \delta \left(\sqrt{\frac{3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 16\alpha\delta}}{2\delta}} \right)^5 \right] \quad (1.18)$$

$$\chi_2 = \frac{i\delta}{16} \left(\sqrt{\frac{3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 16\alpha\delta}}{2\delta}} \right)^5$$

The coefficient b_1 is found from the condition $\dot{x}_1(0) = 0$, then

$$b_1 \cos \tau - 3\chi_1 \cos 3\tau + 5\chi_2 \cos 5\tau = 0, \quad (1.19)$$

from here

$$b_1 = 3\chi_1 - 5\chi_2 \quad (1.20)$$

We define the constant in (1.17) as follows: taking into account the ratios (1.11), (1.12), (1.14), (1.17) and (1.20), equation (1.7) takes the form

$$\begin{aligned} \omega_0^2 \ddot{x}_2 + x_2 = & \left[(3\alpha + 3\beta_1 + 10\delta_1) + 5\chi_2 \left(\alpha - \frac{\beta_1}{2} - \delta_1 \right) - \omega_2 a_1 \right] \cos \tau - \\ & - (\alpha + 3\beta_1 + 5\delta_1) a_1 \sin \tau - \left[3\chi_1 \left(\alpha + \frac{3}{2}\beta_1 + \frac{9}{2}\delta_1 \right) - \frac{5}{2}\delta\chi_2 \right] \cos 5\tau + \\ & + \frac{a_1}{2} (\beta_1 + 5\delta_1) \sin 3\tau + \left[\frac{3\chi_1}{2} (7\delta_1 + \beta_1) + 5\chi_2 \left(\alpha + \beta_1 + \frac{5}{2}\delta_1 \right) \right] \cos 5\tau - \\ & - \frac{\delta_1}{2} a_1 \sin 5\tau - \left[\frac{3}{2}\delta_1 \chi_1 + \frac{5}{2}(\beta_1 - 2\delta_1)\chi_2 \right] \cos 7\tau + \frac{5}{2}\delta_1 \chi_2 \cos 9\tau \end{aligned} \quad (1.21)$$

where are the designations introduced $\beta_1 = 3\beta a^2/4$, $\delta_1 = 3\delta a^4/8$.

Periodicity condition $x_2(\tau)$ gives the following relations

$$\omega_2 = \left[3\alpha + 3\beta_1 + 10\delta_1 + 5\chi_2 \left(\alpha - \frac{\beta_1}{2} - \delta_1 \right) \right] \frac{1}{a_1}, \quad a_1^4 + \frac{6\beta}{5\delta} a_1^2 + \frac{8}{5\delta} = 0, \quad (1.22)$$

resolving the second relation (1.22) with respect to a_1 , we have

$$(a_1)_{1,2,3,4} = \pm \sqrt{\frac{-3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 40\delta}}{5\delta}} \quad (1.23)$$

therefore, from the ratio (1.17) and (1.20) we obtain

$$x_1 = (3\chi_1 - 5\chi_2) \sin \tau - \chi_1 \sin 3\tau + \chi_2 \sin 5\tau \quad (1.24)$$

By virtue of the expressions (1.22), the general solution of equation (1.21) takes the

$$\begin{aligned} x_2 = & a_2 \cos \tau + b_2 \sin \tau + \left[3\chi_1 \left(\alpha + \frac{3}{2}\beta_1 + \frac{9}{2}\delta_1 \right) \right] \cos 3\tau - \\ \text{form} - & \left[\frac{3\chi_1}{2} (7\delta_1 + \beta_1) + 5\chi_2 \left(\alpha + \beta_1 + \frac{5}{2}\delta_1 \right) \right] \cos 5\tau + \\ & + \left[\frac{3}{2}\delta_1 \chi_1 + \frac{5}{2}(\beta_1 - 2\delta_1)\chi_2 \right] \cos 7\tau - \frac{5}{2}\delta_1 \chi_2 \cos 9\tau \end{aligned} \quad (1.25)$$

Permanent a_2 and b_2 determined from the condition $x_2(0) = 0$, from here $b_2 = 0$,

$$a_2 = \alpha(5\chi_2 - 3\chi_1) + \beta_1(3\chi_1 + \frac{5}{2}\chi_2) + \delta_1(\frac{51}{2}\chi_1 + 20\chi_2). \quad (1.26)$$

Therefore,

$$\begin{aligned}
 x_2 = & \left[\alpha(5\chi_2 - 3\chi_1) + \beta_1(3\chi_1 + \frac{5}{2}\chi_2) + \delta_1(\frac{51}{2}\chi_1 + 20\chi_2) \right] \cos \tau + \\
 & \left[3\chi_1(\alpha + \frac{3}{2}\beta_1 + \frac{9}{2}\delta_1) \right] \cos 3\tau + \left[\frac{3}{2}\delta_1\chi_1 + \frac{5}{2}(\beta_1 - 2\delta_1)\chi_2 \right] \cos 7\tau - \\
 & \frac{5}{2}\delta_1\chi_2 \cos 9\tau.
 \end{aligned}
 \tag{1.27}$$

Taking into account (1.3), (1.16), (1.24) and (1.27) the solution of equation (1.1), including terms up to the second order with respect to η , can be written as

$$\begin{aligned}
 x(t) = & \left\{ \sqrt{\frac{-3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 16\alpha\delta}}{2\delta}} + \right. \\
 & + \eta^2 \left\{ \alpha(5\chi_2 - 3\chi_1) + \beta_1(3\chi_1 + \frac{5}{2}\chi_2) + \delta_1(\frac{51}{2}\chi_1 + 20\chi_2) \right\} \cos \omega t + \\
 & + \eta(3\chi_1 - 5\chi_2) \sin \omega t + \eta^2 \left[3\chi_1(\alpha + \frac{3}{2}\beta_1 + \frac{9}{2}\delta_1) \right] \cos 3\omega t - \eta\chi_1 \sin 3\omega t - \\
 & - \eta^2 \left[\frac{3\chi_1}{2}(7\delta_1 + \beta_1) + 5\chi_2(\alpha + \beta_1 + \frac{5}{2}\delta_1) \right] \cos 5\omega t + \eta\chi_2 \sin 5\omega t + \\
 & + \eta^2 \left[\frac{3}{2}\delta_1\chi_1 + \frac{5}{2}(\beta_1 - 2\delta_1)\chi_2 \right] \cos 7\omega t - \eta^2 \frac{5}{2}\delta_1\chi_2 \cos 9\omega t
 \end{aligned}
 \tag{4.28}$$

Using the ratios (1.4), (1.11), (1.13) and (1.21) we determine the frequency

$$\omega = 1 + \eta^2 \left[3\alpha + 3\beta_1 + 10\delta_1 + 5\chi_2(\alpha - 0.5\beta - \delta_1) \right] \left(\sqrt{\frac{-3\beta \pm \sqrt{9\beta^2 - 16\alpha\delta}}{2\delta}} \right)^{-1}
 \tag{1.29}$$




Figure 1. Time realization and diagrams of phase trajectories for parameter values $\alpha = 0.2$, $\beta = 0.04$, $\delta = 0.1$, $\eta = 0.02$:
 a) oscillatory process – Poincare method; b) oscillatory process – Runge-Kutta method;
 c) phase trajectories – Poincare method; d) phase trajectories – Runge-Kutta method.




Figure.2. Time realization and diagrams of phase trajectories for parameter values $\alpha = 0.8, \beta = 0.4, \delta = 0.93, \eta = 0.1$:
 a) oscillatory process – Poincare method; b) oscillatory process – Runge-Kutta method;
 c) phase trajectories – Poincare method; d) phase trajectories – Runge-Kutta method.

Figures 1 and 2 show a comparison of the time realization of periodic oscillations and diagrams of phase trajectories constructed numerically using the Mathcad 13 software package, the Runge-Kutta method and the Poincare perturbation analytical method. The figures show transients from stable focus to self-oscillating mode, corresponding limit cycles at different parameter values $\alpha, \beta, \delta, \eta$.

Thus, the Runge-Kutta numerical method and the Poincare analytical method have established the modes of occurrence of self-oscillations depending on the excitation coefficients and other parameters of the rheodynamic system. Despite the qualitative differences in the phase diagrams, the numerical values of the solutions obtained are close.

3. CONCLUSION

Based on the conducted research on articles on the topic "Mathematical modeling of stabilization of oscillatory behavior of hydraulic systems of machines", the following conclusions are presented:

Based on the laws of description of dynamic processes, a mathematical model of stabilization of a hydraulic drive with a nonlinear load (nonlinear damping of the negative resistance type) has been developed. The Lyapunov function providing the asymptotic stability of the system is obtained. The obtained control laws allow for stabilization and optimal forced stabilization.

Using the method of Lyapunov functions, the area of attraction (stability margin) of a hydraulic shock absorber is estimated. Diagrams of the estimation of the area of attraction (stability) of the oscillatory motion of the system with damping for various parameter values are constructed.

They can be implemented by studying the effect of the regulator mechanism on the stability margin of the stationary mode of the hydraulic system.

References

- [1]. Александров А.Ю., Косов А.А. Об устойчивости в многомерных системах // ПММ. - 2010. - Т.74, вып. 5. - С. 714-717.
- [2]. Агафонов С.А. Об устойчивости и стабилизации движения неконсервативных механических систем // ПММ. - 2010. - Т. 74, вып. 4. -С. 560-567.
- [3]. Андронов А.А., Витт А.А., Хайкин С.Э. Теория колебаний. – М.: Наука, 1981. – 568 с.
- [4]. Аннакулова Г.К., Абдуллаева М.Г., Игамбердиев К.А. Построение функций Ляпунова для сильно нелинейных автоколебательных систем // Проблемы вычислительной и прикладной математики. – Ташкент, 2016. - № 2. – С. 71-74.
- [5]. Хаяси Т. Нелинейные колебания в физических системах. М. Мир, 1968. –432 с.

УДК. 66.061.5(088.8)

**БАРБОТАЖЛИ ЭКСТРАКТОРДА ОҒИР СУЮҚЛИК САРФИНИ ҲИСОБЛАШ
УСУЛИ**

И.Т. Каримов, А.Т. Рахмонов

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 24.01.2023 й.)*

Мақолада аппаратнинг аралаштириш зоналарига берилаётган оғир суюқликни оқиш тезлигини аппаратнинг аралаштириш зоналарининг гидродинамик параметрларига боғлиқ ҳолда ҳисоблаш формуласи тавсия этилган. Тадқиқот натижаларига асосан тешик ўлчами ва сонига боғлиқ ҳолда массаалмашинув жараёнини самарали амалга ошириш учун экстрагент сарфини аниқлаш ва фазалар нисбатини тўғри танлаш учун имконият яратилган.

Таянч сўзлар: *оғир суюқлик, оқиш, тезлик, босим, газ миқдори, газ тезлиги, қаршилик коэффициенти, сарф, зичлик, суюқлик тезлиги.*

В статье рекомендована формула расчета расхода тяжелой жидкости, подаваемой в зоны смешения аппарата в зависимости от гидродинамических параметров зон смешения аппарата. По результатам исследований в зависимости от размера и количества отверстий можно определить расход экстрагента и выбрать соотношение фаз для эффективного массообменного процесса.

Ключевые слова: *тяжелая жидкость, расход, скорость, давление, объем газа, скорость газа, коэффициент сопротивления, расход, плотность, скорость жидкости.*

The article recommends a formula for calculating the flow rate of heavy liquid supplied to the mixing zones of the apparatus, depending on the hydrodynamic parameters of the mixing zones of the apparatus. According to the research results, depending on the size and number of holes, it is possible to determine the flow rate of the extractant and choose the phase ratio for an effective mass transfer process.

Key words: *heavy liquid, flow rate, velocity, pressure, gas volume, gas velocity, drag coefficient, flow rate, density, liquid velocity.*

Кириш

Гидродинамик ва массаалмашинув жараёнлари нуқтаи назаридан энг қизиқарли ва саноат учун кенг истиқболли бўлган тизим бу мураккаб гетероген “С-С-Г” тизимлари ҳисобланади. Унда учинчи қатнашувчи фаза газ фазаси бўлиб, асосан иккита ўзаро аралашмайдиган суюқликларни пневматик аралаштириш учун иштирок этади.

Бошқача қилиб айтганда, суюқлик экстракцияси жараёнларида тизимга киритилган учинчи газ фазасининг энергиясини қўллаш орқали жараён жадалаштирилади. Газ фазаси экстракцияда қатнашаётган суюқликларга нисбатан инерт бўлиб, фақат аралаштириш учун иштирок этади. Бундай жараён пневматик аралаштириш деб номланади ва ушбу усулдан фойдаланадиган кимёвий аппаратлар барботаж экстракторлар деб аталади [1,2,4,5].

Ҳозирги вақтда дунёда бу аппаратларга нисбатан қизиқиш катта бўлиб, асосан, биотехнологиянинг ривожланишида, кимё, фармацевтика, гидрометаллургия ва бошқа саноат тармоқларининг эҳтиёжларини қондиришда кенг фойдаланиб келинмоқда [2,3].

Барботаж экстракторларининг асосий афзаллиги унинг конструкциясининг соддалиги, шунингдек, суюқликларни аралаштиришда ички ҳаракатланадиган механизмларнинг йўқлиги туфайли юқори технологик ишончлиликка эгалигидир [4].

Биринчидан, бу аппаратларни корхоналарни таъмирлаш механика цехлари шароитида ҳам тайёрлаш мумкин, иккинчидан эса ҳаддан ташқари кимёвий захарли ва хавфли бўлган суюқликларни экстракциялашда қўллаш имкониятига эга. Бундан ташқари, қурилманинг габарит ўлчамларининг кичиклиги учун уни тайёрлашда танқис, легирланган металллар кам сарфланади [4,5,6]. Биз томонимиздан бундай барботажли экстракторларни бир неча конструкциялари яратилган бўлиб, барботажли экстракторнинг гидродинамик ва массаалмашинув жараёнлари ўрганилмоқда [1,6]. Бу барботажли экстракторни ички ва ташқи аралаштириш зоналарига бериладиган инерт газ пуфакларини майдалаш учун, майда тешикли тарелкалар ўрнатилиб, конструкцияси такомиллаштирилган. Натижада суюқлик фазаларини аралаштириш жараёнлари жадаллаштирилган. Қуйида бу экстракторни гидродинамик жараёнларини назарий тадқиқ қилиш натижасида оғир суюқликни оқиб чиқиш тезлиги ва сарфини ҳисоблаш тенгламаси келтириб чиқарилган.


Тадқиқот объекти

Барботажли экстракторлардан фойдаланиш долзарб бўлиб, кўп тоннали ишлаб чиқаришларда экстракция жараёнини тўлақонли амалга ошириш учун унга берилаётган инерт газ миқдорини ўзгартириш орқали осон эришиш мумкин. Қуйида биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва таклиф этилаётган барботажли экстракторни тузилиши ва ишлаш принципи келтирилган (1-расм) [6].

Экстракторнинг тузилиши қуйидагича. Экстрактор корпуси 1-тўсиқ 2-лар ёрдамида алоҳида-алоҳида аралаштириш ва тиндириш поғоналарига бўлинган. Аралаштирувчи қурилмалар ички 3 ва ташқи 4 концентрик патрубклардан тузилган бўлиб, тўсиқ 2 ларга ўрнатилган. Патрубклар 3, тўсиқ 2 ларга шундай ўрнатиладики, унинг пастки қисмлари 5, тўсиқлар 2 остидан чиқиб туради ва ён деворидаги очилган тешиклар 6 орқали газ тақсимловчи насадкалар вазифасини ўтайди. Шунингдек, тўсиқ 2 ларга оғир суюқликни оқизувчи қувур 7 лар ўрнатилган. Бу қувурларнинг пастки қисмларида тешик 8 лар очилган. Қувур 7 ларнинг устки қисми қалпоқча 9 лар билан ёпилган. Қалпоқча 9 ларда остки 10 ва устки тешик 11 лар мавжуд. Тўсиқ 2 ларга газ узатувчи қувурча 12 лар ўрнатилган. Бу қувурчаларнинг усти берк бўлиб, унинг ён деворларида инерт газни чиқариш учун тешик 13 лар очилган, бу тешиклар орқали инерт газ аралаштирувчи қурилмаларнинг патрубккалари 3 ва 4 лар орасидаги ҳалқали каналга чиқади. Тўсиқ 2 ларга ўрнатилган патрубкка 4 ларда ҳалқали каналга газ узатувчи қувурчаларда очилган тешик 13 лар

марказларининг остки қисмидан диаметри бўйлаб махсус тешик 14 лар очилган ва унга оғир суюқликни яхши шимувчи толали материалдан тайёрланган қоплама (фильтр) 15 ўрнатилган. Патрубкка 4 ларнинг тўсиқ 2 ларга ўрнатишда тиндирилган оғир суюқликнинг кейинги поғонага оқиб чиқишини таъминлаш учун тиркиш 16 лар ҳосил қилинган. Газ тақсимловчи насадка 5даги тешикларнинг ва тўсиқ 2 ларга ўрнатилган қувурча 12 лардаги тешикларнинг марказий кесимидан тепа қисмига бу тешиклардан чиқаётган пуфакларни янада майдалаш учун думалок тешикли тарелкалар 17 ва 18 ўрнатилган.

Экстрактор қуйидагича ишлайди. Енгил суюқлик (ЕС) газ тақсимловчи




1-расм. Кўп поғонали барботажли экстрактор схемаси.

насадка 5 лар орқали патрубкка 3 ларга киради. Худди шу патрубккаларга кувур 7 ларнинг тешиклари 8 орқали оғир суюқлик (ОС) оқиб чиқади. Патрубкка 3 ичида пастдан юқорига қараб биргаликда ҳаракатланаётган суюқлик фазалари аралашмаси, газ тақсимловчи насадка 5 лардаги тешик 6 лар орқали барботажловчи инерт газ пуфак кўринишида киради ва тепага кўтарилиб тешик тепасига ўрнатилган майда тешикли тарелка 17 да янада майдаланиб суюқлик фазалари жадал аралаштирилади. Газнинг бу қисми суюқликларни аралаштириб бўлгандан кейин тўсиқ 2 лар остидаги газ ёстиғига тўпланади.

Бир вақтнинг ўзида инерт газнинг қолган қисми газ узатувчи кувурча 12 ларда очилган тешик 13 лардан чиқаётган газ пуфаклари бу тешик тепасига ўрнатилган майда тешикли тарелка 18 да яна қўшимча майдаланиб, 3 ва 4 патрубккалар орасидаги ҳалқали каналларга чиқарилади. Ҳалқали каналларда пастдан юқорига ҳаракатланаётган пуфак кўринишидаги инерт газнинг бу қисми, юқоридан пастга ҳаракатланаётган суюқликлар аралашмаси оқими ичидан ўтади. Бу ўтишда у суюқлик фазалари оқимини жадал аралаштиради ва тўсиқ 2 лар остидаги газ ёстиғига тўпланади. Енгил суюқлик патрубкка 4 нинг пастки қисмида ҳосил қилинган тешик 14 лар ва унга қопланган толали материал (фильтр) 15 лардан оқиб ўтиши жараёнида, унга қўшилиб чиқиб кетаётган майда заррачали оғир фаза томчилари толали материал (фильтр) да ушлаб қолинади ва уларнинг ўзаро қўшилиши натижасида йирик томчиларга айланади ва гравитация ҳамда инерцион кучлар таъсирида чўка бошлайди. Оғир суюқликдан тозаланган енгил суюқлик эса юқори поғонага ҳаракатини давом эттиради. Оғир суюқлик томчилари патрубккалар 3 ва 4 лар ҳосил қилган ҳалқали каналнинг пастки қисмида тинади ҳамда патрубкка 4 нинг остки қисмидаги тирқиш 16 лар орқали оқиб чиқиб, тўсиқ 2 устида бир жинсли қатлам ҳосил қилади.

Патрубкка 4 нинг тўсиқ 2 ларга бундай ўрнатилиш ҳолати, ҳалқали каналнинг хажмидан максимал фойдаланишни, енгил суюқликнинг фақат тешик 14 лар ва уларга қопланган толали материал (фильтр) 15 лар орқали ўтишини таъминлайди. Унинг остки қисмидаги тирқишлари 16 эса фақат оғир суюқликлар ҳаракатини таъминлайди.

Газ тақсимловчи насадка 5 даги тешик 6 ларнинг ўлчамлари ва сони тўсиқ 2 остида ҳосил қилинадиган газ ёстиғи қийматига боғлиқ ҳолда аниқланади. Ҳалқали каналга газ узатувчи тешиклар 13 нинг ўлчамлари эса хар икки тешиклар орасидаги баландлик бўйича босимлар фарқига кўра, инерт газни тенг тақсимлаш шарти орқали аниқланади. Тешикли тарелка 17 нинг тешиги ўлчамлари тешик 6 ларнинг ўлчамларидан 4 мартагача ва тешикли тарелка 18 нинг тешиги ўлчамлари эса, тешик 13 ларнинг ўлчамларидан 2 мартагача кичик ҳолатда танланади. Бунда ички барботаж патрубккаси ва ҳалқали каналда суюқлик фазаларини барқарор оқиши ҳисобга олинади.



2-расм. Ҳисоблаш схемаси.

Олинган натижалар.

Кўп поғонали барботажли экстракторнинг поғоналарида жойлашган бир неча аралаштиручи ва тиндирувчи контакт элементларига енгил суюқлик қурилманинг иш унумдорлигига боғлиқ ҳолда, энг остки қисмидан насослар ёрдамида узатилади [1,7,8]. Оғир суюқлик эса, қурилманинг юқори қисмидан махсус оқизувчи кувурларда очилган тешиклар орқали берилади. Бу суюқликни тешикдан оқиб чиқиш тезлиги, тешик ўлчамига ва унинг қаршилиқ коэффициентига, суюқликларнинг зичликлар фарқига, берилаётган газ сарфига яъни газ микдорининг қийматларига боғлиқ бўлади (2-расм).

Қурилманинг аралаштириш

зонасига оғир суюқликни оқизувчи қувури диаметрини, унга очилган тешик диаметрига боғлиқ ҳолда $d_i = d_1(3 \div 5)$ мм оралиғида танлаш тавсия этилади. Қурилмани лойиҳалашда ички аралаштириш зонаси ўлчамини ёки кўндаланг кесим юзасини ҳисоблашда, оғир суюқликни оқизувчи қувур ўлчамини ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки суюқлик ва газ тезликлари ички аралаштириш зонасининг кесим юзасига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Бу тезликлар қурилмани гидродинамик жараёнларини асосини ташкил қилади. Бу юзалар фарқи қуйидагича аниқланади, м²;

$$S = S_1 - S_2 \text{ ёки } S = \pi R_1^2 - \pi R_2^2, \quad (1)$$

бунда R_1 - ички аралаштириш зонаси радиуси, м; R_2 - оғир суюқликни оқизувчи қувурини ташқи радиуси, м;

Қувурдан оқиб чиқаётган оғир суюқлик тезлиги ҳам ички аралаштириш зонасидаги газ ва суюқлик тезликларидан ҳосил бўладиган газ миқдори φ_0 га боғлиқ бўлади.

Қурилманинг аралаштириш зоналарида газ миқдорининг белгиланган чегарадаги максимал қийматиға яқинлашиши ($\varphi \rightarrow 0,3$) орқали, ички барботаж патрубкasiда геометрик босимни максимал қийматга камайтиришга эришиш мумкин [68].

Бу эса ўз навбатида қувурдан оғир суюқликни оқиб чиқишини тезлаштиради. Натижада қурилмани оғир суюқлик бўйича иш унумдорлиги ортади. Буни назарий томондан таҳлил қиламиз. (2.5- расм)

Оқизувчи қувур тешикларининг марказига тушаётган умумий босим қуйидагича тенг бўлади, Па;

$$P_0 + P_1 + \Delta P_c \quad (2)$$

бунда; P_0 – ички барботаж патрубкasiдаги суюқликнинг тешик марказига тушаётган босими бўлиб, қуйидаги тенглама орқали аниқланади, Па;

$$P_0 = \rho_{ap} g(1 - \varphi_0)H_0 \quad (3)$$

бунда ρ_{ap} –енгил ва оғир суюқликлар аралашмалари зичлиги бўлиб, қуйидагича аниқланади, кг/м³;

$$\rho_{ap} = \rho_0 a + \rho_c (1 - a), \quad (4)$$

бунда φ_0 - ички аралаштириш зонасидаги газ миқдори, H_0 - аралаштириш зонаси баландлиги, м; a -аралашма таркибидаги оғир ва энгил суюқликлар улуши, %; P_1 – оқизувчи қувур ичидаги оғир суюқликдан патрубкa тешигининг марказига тушаётган босим бўлиб қуйидагича аниқланади, Па;

$$P_1 = \rho_o gH_2 \quad (5)$$

бунда H_2 –оғир суюқликни тешик марказигача бўлган сатҳи баландлиги, м; ΔP_c – оқизувчи қувур тешигидан оғир суюқликни оқиб чиқишидаги босимнинг йўқотилиши бўлиб, қуйидагича аниқланади, Па;

$$\Delta P_c = \xi_0 \frac{\omega_o^2 \cdot \rho_o}{2} \quad (6)$$

бунда ξ_0 - оғир суюқликни тешикдан оқиб чиқишидаги қаршилик коэффиценти бўлиб тажрибалар орқали аниқланади, ω_o – оғир суюқликни тешикдан оқиб чиқиш тезлиги, м/с.

(3), (5) ва(6) тенгламаларни (2.) тенглама асосида ифодаласак қуйидаги кўринишни олади, Па;

$$\rho_c g(1 - \varphi_0)H_0 + \rho_o gH_2 + \xi \frac{w_0 \rho_o}{2} \quad (7)$$

(7) ифодада керакли математик амалларни бажариб, оғир суюқликнинг оқиб чиқиш тезлигини топамиз. м/с;

$$w_0 = \sqrt{\frac{2g(\rho_o \cdot H_2 - \rho_{ap} \cdot (1 - \varphi_0)H_0)}{\xi_0 \rho_o}} \quad (8)$$

Бу тезликка боғлиқ ҳолда битта тешиқдан оқиб чиқаётган оғир суюқлик сарфини топиш мумкин.

$$Q'_c = \pi R^2 \omega_0 3600 \quad (9)$$

Қурилмада массаалмашинув жараёнлари самарали амалга оширилиши-да оғир суюқлик билан енгил суюқлик нисбатлари танланади [30]. Қурилмани лойиҳаланаётганда бу нисбатни инобатга олиш ўта муҳимдир. Бунга боғлиқ ҳолда оғир суюқлик оқувчи тешиқлар сони ҳам аниқланади.

Хулоса

Мақолада аппаратнинг аралаштириш зоналарига берилаётган оғир суюқликни оқиш тезлигини аппаратнинг аралаштириш зоналарининг гидродинамик параметрларига боғлиқ ҳолда ҳисоблаш формуласи тавсия этилди. Тадқиқот натижаларига асосан тешиқ ўлчами ва сонига боғлиқ ҳолда массаалмашинув жараёнини самарали амалга ошириш учун экстрагент сарфини аниқлаш ва фазалар нисбатини тўғри танлаш учун имконият яратилди.

Адабиётлар

- [1]. Патент. № IAP 06714 (Ўзбекистон) Кўп поғонали барботажли экстрактор.
- [2]. Алиматов Б.А., Каримов И.Т., Тожиёв Р.Ж., Садуллаев. 2022 йил.
- [3]. Алиматов Б.А., Соколов В.Н., Саъдуллаев Х.М., Каримов И.Т. Многоступенчатый барботажный экстрактор. А.С. №1607859 (СССР), БИ №43, 1990.
- [4]. Соколов В.Н., Доманский И.В. Газожидкостные реакторы Л.: «Машиностроение», 1976. -216 с.
- [5]. Каримов И.Т. «Разработка и применение в химической промышленности аппаратов для переработки гетерогенных систем «жидкость-жидкость-газ» дисс.Д.т.н. Т.ТХТИ, 2021.С-278.
- [6]. Алиматов Б.А., Садуллаев Х.М., Каримов И.Т., Хурсанов Б.Ж. Методы расчета и конструирования для переработки сложных гетерогенных систем «жидкость-газ-жидкость» / Монография. – Белгород: БГТУ, 2019. – 191с.
- [7]. Каримов И.Т., Алиматов Б.А., Садуллаев Х.М., Хурсанов Б.Ж. Гетероген тизимларга ишлов берувчи барботажли экстракторларни саноатда қўллашнинг илмий-техник асослари/ Монография. – Фарғона: ФарПИ, 2021. – 226 б.
- [8]. Каримов И.Т. «Разработка и применение в химической промышленности аппаратов для переработки гетерогенных систем «жидкость-жидкость-газ» дисс.Д.т.н. Т.ТХТИ, 2021.С-278.
- [9]. Каримов И.Т., Алиматов Б.А., Раҳмонов А.Х. Суюқлик фазаларини инерт газ билан аралаштирувчи экстракторда оғир суюқликни томчиларга майдаланиши ва ўлчамлар бўйича тақсимланиши // «Интернаука» Сборник статей по материалам XXX международной научно-практической конференции. Технические науки: проблемы и решения.- Москва, 2019. -№12(28) – С.76-86.

UDK 621.791.927.55

YEYILGAN DETALLARNI QAYTA TIKLASH VA MUSTAHKAMLASH TEKNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGINI TAQQOSLASH

M. Ergashev, Z.Sh. Sadullayev, L.M. Raufov, A.A. Abdukaxxarov

*Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti Olmaliq filiali
(Qabul qilindi 4.02.2023 y.)*

Mashinalar, texnologik jihozlardan foydalanish davrida kam sarf-xarajat qilib ularni sifatli ta'mirlash va ishlash resurlarini oshirish kerak bo'ladi. Kerakli ehtiyot qismlarga ketadigan harajatlarni kamaytirishning asosiy usullaridan biri yeyilgan detallarning o'lchamlarini qayta tiklash va ishlovchi yuzalarining mustahkamligini oshirish hisoblanadi. Ishning maqsadi qayta tiklash usullarining texnik iqtisodiy ko'rsatkichlari bilan birgalikda detallarning ishlash resurslarini oshiruvchi usulni taqqoslashdan iborat.

Tayanch so'zlar: qayta tiklash, yeyilish, birikma, ishonchlilik, qoplama, tiklash usullari.

При эксплуатации машин и технологического оборудования, их необходимо будет качественно ремонтировать и восстановить ресурсы работы с небольшими затратами. Одним из основных способов уменьшения затрат на необходимые запасные части для обслуживания является восстановление изношенных размеров деталей и упрочнение их рабочих поверхностей. Цель работы

состоит в сравнении методов восстановления с технико-экономическими показателями, увеличивающих ресурс работы деталей.

Ключевые слова: *восстановление, износ, соединение, надежность, покрытие, методы восстановления.*

During the operation of machines and technological equipment, they will need to be repaired with high quality and restored work resources at low cost. One of the main ways to reduce the cost of the necessary spare parts for maintenance is to restore the worn dimensions of parts and harden their working surfaces. The purpose of the work is to compare restoration methods with technical and economic indicators that increase the service life of parts.

Key words: *restoration, wear, connection, reliability, coating, restoration methods.*

Kirish. Dunyo miqyosida bo'layotgan siyosiy va iqtisodiy o'zgarishlar mashinasozlik va boshqa ishlab chiqarish sohalalariga ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. O'zgarishlar sanoatning turli sohalarida energo va resurstejamkorlikning, texnologik jihozlar, qo'llanilayotgan material va texnologiyalarga bo'lgan talablarning eng samarali usullaridan foydalanishni taqozo etadi. Bu sohada asosiy muammolardan biri qo'llanilayotgan mexanizm, mashinalarning ishlash davrini oshirishdan iborat [1-4]. Muammoni ayni paytda yechilishi mumkin bo'lgan uchta yo'nalishini qo'llash mumkin:

- mukammal bo'lgan yangi texnologik jihoz va materiallardan foydalanish;
- qo'llanilayotgan materiallarning texnologik va mexanik xossalarini qo'shimcha ishlov berish bilan oshirish (mustahkamligi, yeyilishga va korroziyaga chidamliligi, qattiqligi va boshqalar);
- ishlash paytida yeyilgan detallarning o'lchamlarini qayta tiklash, ishlovchi sirtlarni mustahkamlash.

Bu yo'nalishlarning uchinchi, ya'ni yeyilgan detallarning o'lchamlarini qayta tiklash va ishlovchi sirtlarni mustahkamlash turli texnologiyalarni qo'llash bilan mustahkamligini oshirish ko'p mablag' talab qilmaydi.

Ishning maqsadi – hozirgi paytda sanoatning turli sohalarida qo'llanilayotgan yeyilgan detallarning o'lchamlarini qayta tiklash usullarining iqtisodiy va texnologik ko'rsatkichlari asosida tahlil qilish va samarador usullarni tanlash. Iqtisodiy samaradorlik, energiya va material tejamkorlik, usulning yangi detallarni tayyorlashda va o'lchamlarni qayta tiklashdagi imkoniyatlarini hisobga olgan holda solishtirish.

Tadqiqotlar usuli. Qo'yilgan maqsadni amalga oshirish uchun qabul qilingan umumiy sinflash bo'yicha hozirgi paytda ta'mirlash ishlarida keng qo'llanilayotgan qayta tiklash va mustahkamlash usullari o'rganilgan. Ularning asosiy ko'rsatkichlari ishlab chiqarish samaradorligi, qo'llanilishi mumkin bo'lgan material va uning detal o'lchamlarini tiklashda ekspluatatsiya talablarini ta'minlash imkoniyati, tiklanayotgan detallarning geometrik shakli va o'lcham o'zgarishlari chegarasi, usulning detal deformatsiyasi va struktura o'zgarishlariga ta'siri, energetik ko'rsatkichlari bo'yicha taqqoslangan. Bundan tashqari usulda qo'llaniladigan texnologik jihozning narxi, unga xizmat ko'rsatish va ta'mirlash ishlari xarajatlari ham yuqoridagi ko'rsatkichlar bilan birga kompleks ravishda tahlil qilingan.

Tadqiqot natijalari. Yeyilgan o'lchamlarni qayta tiklashda qilinadigan xarajatlar ko'p hollarda yangi detal tayyorlashga sarf qilinadigan xarajatlarga qaraganda 30-70% ni tashkil etadi. O'lchamlarni qayta tiklash usullarining turlari va imkoniyatlari sanoatning barcha sohalarida qo'llanilayotgan po'lat va boshqa materiallardan yasalgan detallarni ta'mirlabgina qolmay, ularning ishlash resursini ham oshirishi mumkin. Keyingi paytlarda elektrod ishlab chiqarish hajmi va qo'lda payvandlash va eritib qoplash usulining dunyo miqyosida qo'llanilish ko'lami kamayib bormoqda. Usulning o'rniga mexanizatsiyalangan, avtomatlashtirilgan va robototexnik qurilmalar ulushi ortib bormoqda. Qo'llanilayotgan usullarning deyarli barcha holatlarda o'lchamlarini qayta tiklash va mustahkamlash imkoniyatiga ega bo'lishiga qaramay, sanoati rivojlangan mamlakatlarda ishlab chiqarish sohalarida detallarni ta'mirlash va mustahkamlash ishlarining hajmi kamayib, o'z funktsiyasini bajarmay qolgan detal yangisi bilan almashtiriladi. Ammo hozirgi paytda qo'llanilishi mumkin bo'lgan texnologiya va jihozlar, yangi materiallar tiklash va mustahkamlashning iqtisodiy tomondan maqsadga muvofiqligini ko'rsatadi.

Ishlovchi sirtlarning yeyilgan o'lchamlarining geometrik kattaliklarini qoplash usuli bilan tiklash mumkin, mustahkamlovchi qoplama esa geometrik o'lchamlarni tiklash bilan birga maxsus xossalarga ega bo'lgan material bilan qoplab, detalning ishlash resursini uzaytiradi [1-3].


Bugungi kunda qo‘llanilayotgan qayta tiklash usullarida bir qator kamchiliklar mavjud:

- yoy yordamida payvandlanganda ko‘p issiqlik ta’sirida tiklanayotgan detallarda deformatsiyalar hosil bo‘lishi, struktura o‘zgarishi;
- gazotermik usullardan foydalanilganda qoplamaning birikish mustahkamligi past bo‘lishi;
- ayniqsa yupqa qalinlik qoplamalarda yoriqlar paydo bo‘lishi, cho‘zuvchi kuchlanishlar paydo bo‘lishi; qoplama materialining o‘ziga hos xususiyatlari yo‘qolishi.

Ammo ko‘p korxonalarda talablarga kompleks javob beradigan usullar sustkashlik bilan amalga oshirilmoqda. Buning birinchi sababi hozirgi zamon usullarining jihozlari va materiallari narxi nisbatan qimmatligi, ularning imkoniyatlaridan to‘liq foydalana olmaslik. Bu iqtisodiy omil bo‘lsa yana biri inson omilidir. Murakkab jihozlar ma’lum darajada mutaxassis malakaga ega bo‘lishini talab qiladi. Malakali mutaxassisni tayyorlash va unga maosh berish oddiy mutaxassisga qaraganda qimmatga tushadi. Qoplash usullarining keng tarqalgan an’anaviy usullari jarayonning xossalariga bog‘liq holda 1-rasmda texnik ko‘rsatkichlari keltirilgan.



1-rasm. Qoplash va mustahkamlash usullari.



2-rasm. Lazer yordamida tiklash va mustahkamlash usullari.

Bu tasniflashda ko'rsatilmagan va nisbatan kam qo'llaniladigan elektrofizik va elektrokimyoviy, hamda ultratovush, portlatib payvandlash, diffusion va elektron nur yordamida payvandlash usullarini alohida sinfga ajratilishi mumkin.

Keyingi paytlarda lazerlardan mashinasozlikning turli texnologik jarayonlarida qo'llanilishi tobora ortib bormoqda. Lazer texnologiyasi bilan bir paytda boshqa texnologiyalar va jarayonlarni birgalikda olib borish qoplash va mustahkamlashda, issiqlik bilan ishlov berishda, metallarni legirashda va boshqa texnologik jarayonlarni mukammallashtirish imkoniyatlarini yaratmoqda (2-rasm).

Yuzalarga lazerli texnologiyalar bilan ishlov berishning ko'plab imkoniyat va variantlari mavjud. Kam yeyilgan o'lchamlarni qayta tiklashda keng tarqalayotgan va oxirgi paytlarda e'tibor kuchaygan usullardan biri lazerli texnologiya hisoblanadi [2].

Imkoniyatlari ko'p bo'lishiga qaramay lazerli texnologiyalarning faqatgina ishlab chiqarishda qo'llash katta va yuqori texnologiyalarga ega bo'lgan korxonalaridagina foydalanishga asosiy sabab lazerli texnologik jihozlarning narxi balandligida. Lazerli texnologiyalardan Yaponiya, AQSH, Germaniya kabi sanoati rivojlangan mamlakatlarda foydalanish yil sayin ortib boryapti. Ta'mirlanayotgan detallarning sifat ko'rsatkichlari, ishlab chiqarish madaniyati o'sishi va unumdorligi ta'minlanayapti.

Lazerli payvandlash va qoplashning afzalliklaridan quyidagilarni alohida ta'kidlab o'tish lozim:


- energiyaning yuqori konsentratsiyasi, bu eritilgan metallning hajmi va termik ta'sir zonasining o'lchamlari kichkina bo'lishini, payvandlash qizish va sovutish tezliklarining katta bo'lishini ta'minlaydi;

- payvand konstruksiyaning deformatsiyasi past bo'lishi;

- payvand zonasini himoya qilish uchun vakuum kerak bo'lmasligi;

- lazer nuriga payvandlanayotgan metallning magnit maydoni ta'sir ko'rsatmasligi.

Yuqorida ko'rsatiganidek, lazerli texnologiyalarning keng qo'llanmasligiga sabab u lazerlarning narxi balandligida. Chiqish quvvati 1kVt bo'lgan lazerlarga ketadigan kapital xarajat o'rtacha 0.1 mln evro atrofida himoya gazlari muhitida va lazerli qoplash usullarining ko'rsatkichlari 1- jadvolda ko'rsatilgan [11].



3-rasm. Flyus ostida gibridli lazerli yoyli payvandlash sxemasi. 1-flyus uchun bunker; 2-kontakt mundshutugi; 3-flyus; 4-suyuq metall vannasi; 5-shlak qoplami; 6-payvand choki metalli; 7-payvandlash simi; 8-yoyning yonish zonasi; 9-geliy uzatish soplosi; 10-bug'gaz kanali; 11-erigan flyus; 12-chiqib ketayotgan plazma va metall bug'lari; 13-ajratib turuvchi plastina; 14-lazer nuri;

1-jadval

Usul/ko'rsatkich	Himoya gazlar muhitida	Lazerli
Issiqlik miqdori	25 Dj/mm	25 Dj/mm
Ishlash unumdorligi	5-8 kg/soat	4-10 kg/soat
Asosiy metallning erishi	20-30%	< 5%
Qoplama materiali	Sim	Kukun
Mexanik ishlov berishga qo'yim	3-4 mm	1-2 mm
Qoplash uchun ketgan material	600 kg	350 kg

Respublikada mashinasozlikda texnologik jihozlar, avtomobillar, tog'-kon texnikasi, energetika va qurilish, qishloq xo'jalik sohasidagi texnikaning turli rusumi va modellari nomekalaturalari ko'payib bormoqda. Ko'rsatilgan sohalarda jihozlarni sifatli ta'mirlash texnologik bazalari hozircha yetarli emas. Bu holat texnikaning ishchi holatini saqlab turish uchun ketadigan sarf-harajatlarni ko'paytiradi, ta'mirlashda mavjud bo'lgan jihozdan foydalanib nomutanosib

usullar qo‘llaniladi yoki yangi ehtiyot qism sotib olishga to‘g‘ri keladi. Yangi sotib olingan ehtiyot qismlar esa kapital ta‘mirlashga ketadigan sarf-harajatlarning 45-65 % ini tashkil etishi mumkin. Qoplash usullari turlariga ko‘ra qoplash xarakteristikalari 2-jadvalda ko‘rsatilgan.

2-jadval

Qoplash usuli	Bir o‘tishda qoplash, mm	Ish unumdorligi kg/soat	Qoplamaning minimal qalinligi, mm	Qoplash tezligi, m/soat	Qoplama materiali sarfi
Lazerli payvandlash va qoplash	0,1-3,0	1,5 gacha	0,2	30-150	0,85-0,95
Himoya gazlar muhitida MIG, MAG	3,0-5,0	1,5-9,0	2,0-3,0	20-60	0,93
Plazma yordamida	0,3-6,0	12,0 gacha	1,0-2,0	1,0-5,0	0,9
Gazlar yordamida purkash	0,3-3,0	0,5-3,0	1,5	1-20	0,75
Qo‘lda dastakli payvandlash	2,0-5,0	0,5-3,0	2,0	20 gacha	0,74
Elektrokontaktli usulda qoplash	0,1	0,4	0,1	1,0-1,2	0,99

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, kapital ta‘mirlash paytida qayta tiklash usullari bilan 40-60 % detalni yaroqli holatga keltirish mumkin, ba‘zi hollarda bu ko‘rsatkich 80% ni tashkil etadi. Detallarning o‘lchamlarini qayta tiklash samaradorligini quyida keltirilgan formula bilan aniqlash mumkin [3]:

$$\frac{C_T + E_n \cdot K_{sol}}{T_T} \leq \frac{H_{ya}}{T_{ya}},$$

bu yerda $C_T + E_n \cdot K_{sol}$ - qayta tiklash uchun ketgan to‘liq harajat; C_T - detalni o‘lchamlarini qayta tiklash tannarxi; E_n - samaradorlikning normativ koeffitsenti; K_{sol} - solishtirma kapital mablag‘; H_{ya} - yangi detalning narxi; T_T - qayta tiklangan detalning ishlash muddati; T_{ya} - yangi detalning ishlash muddati, (soatda).

Joriy yoki kapital ta‘mirlangan mashina, texnologik jihoz tarkibida yangi, qayta tiklangan va ishlashga yaroqli almashtirilmay qoldirilgan detallar bir paytda ish jarayonida bo‘ladi. Bu holat shakl va o‘lchamlardagi qo‘yimlarni aniq amalga oshirish bilan ta‘minlanadi. Ishlash resursining asosan qayta tiklangan detallarning va almashtirilmasdan qoldirilgan detallarning ish davri uzunligi bilan belgilanadi. Shunga yarasha ta‘mirlash oralig‘i vaqti, almashtiriladigan detallarning sarfi o‘zgaradi. Ta‘mirlash paytida qayta tiklangan detallarning ishlovchi yuzalari yangi yoki qayta tiklangan detallarning ishlovchi yuzalari bilan xarakatlanuvchi birikma xosil qilishi mumkin. Izlanishlari bo‘yicha yangi va qayta tiklangan detallarning birga ishlashida jihozning ishlash resursi 10÷55% gacha kamayishi mumkin [6].

Texnologik jihozlar va mashinalarning ta‘mirlash sifatini oshirish va ta‘mirlashning qiymatini tiklash bilan uzviy bog‘liq. Qayta tiklangan detallarning ishonchliligi va konstruktiv-texnologik tavsiflari va o‘lchamlarni aniq ta‘minlash ta‘mirlangan jihoz yoki mashinaning sifat ko‘rsatkichlarining asosiy omillaridan bo‘ladi.

Rossiya ilmiy tadqiqot markazining (ГОСНИТИ) ma‘lumotlari bo‘yicha avtomobil, traktor va ko‘p texnologik jihozlarning ta‘mirlashga kelgan detallarning ishqalanish yuzalari yeyilishi 0.1-0.5 mm bo‘lishi aniqlangan. Kam yeyilgan bunday o‘lchamlarni qayta tiklash ma‘lum texnologiyalar bilangina detalga katta ta‘sir ko‘rsatmasdan amalga oshirish mumkin.

Ko‘p olimlarning olib borgan tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, yangi texnologik jihozning faqat qiymatining hisobga olmay, yana qo‘shimcha ravishda jihozning ishlash paytida ketadigan

harajatlar, ishlab chiqarish unumdorligi, qayta tiklangan detalning tannarxi va ishlash resursini alohida hisobga olish kerak bo'ladi.

Iqtisodiy va texnologik ko'rsatkichlari bo'yicha yeyilishi 0.5 mm gacha bo'lgan detallarni qayta tiklashda yuzalarni xrom bilan qoplash usuli bir qancha afzalliklarga ega. Xrom bilan qoplangan yuza qattiqligi, yeyilishga, korroziyaga va issiqqa chidamli bo'ladi. Usulning keng qo'llanmasligiga sabab jarayonning sekinligi – 25-60 mkm/c, xromning tok bo'yicha chiqishi kamligi – 12÷15 %, sifatli qoplamning yupqaligi – 0.2 mm atrofida, elektrolitning yuqori darajada zararliligi va barqaror bo'lmasligi hisoblanadi. Bu yo'nalishda galvanik usulda qoplashning yana bir yo'nalishi – temir va uning qotishmalari bilan qoplash texnologiyasi ham rivojlanib bormoqda. O'tkazilgan ko'plab tadqiqotlar natijasida shu narsa aniqlandiki xrom bilan qoplash avtomobil, traktor va turli xildagi dvigatellarning ta'mirlar aro vaqtini uzaytirish imkonini beradi. Ichki yonuv dvigatellarining silindri yuzalarini xrom bilan qoplash ularning ishlash resursini 2 martagacha oshirish, yog' ushlovchi xalqalarning ishlash muddatini yonuvchi-yog'lovchi materiallar tarkibida oltingugurt bo'lgan taqdirida ham 3 barobarga oshishi aniqlangan. Yoqilg'i haydovchi nasoslarning plunjeri yuzalarini xrom bilan qoplash ham ishlash resursini 2-3 barobar oshirgan. Xrom bilan qoplash XBF po'latidan tayyorlangan qimmat po'lat o'rniga po'lat 45 dan plunjer tayyorlash va foydalanish imkoniyatini yaratadi. Ayniqsa gidroabraziv sharoitda ishlovchi gidravlik tizimlar boshqaruvchi elementlar detallarini xrom bilan qoplash ularni ishonchli ta'mirlash imkonini beradi [7,8].

Yeyilgan o'lchamlarni qayta tiklashda yana bir yo'nalish – bu elektrokontakt usulida qoplash usuli. Texnologik jihozlarning oddiyligi, sim va tasma shaklidagi, hamda kukun holida bo'lgan materiallardan foydalanish imkoniyati keng bo'lgan bu usul ham ta'mirlash korxonalarida yetarli darajada qo'llanilmayapti. Sababi hali texnologik jarayonda bo'ladigan struktura o'zgarishlari, qoplash mustahkamligi, texnologik rejimlarning to'liq o'rganilmaganligi [10,11].

Elektrokontakt usulida qoplovchi materiallarning fizik, mexanik va kimyoviy xossalari saqlanib qolishi ta'mirlash ishlarining sifatini oshirishda muhim ahamiyatga ega. An'anaviy usullar bilan turli xildagi metallarni ajralmas birikma hosil qilish qiyin yoki maxsus qurilmalardan foydalanish kerak bo'ladi. Elektrokontakt usulida esa bunday birikmalarni istalgan turdagi metallardan hosil qilish mumkin.

Yuqorida ko'rsatilgan omillarni hisobga olgan holda detallarning o'lchamlarini qayta tiklash texnologiyasini tanlashda quyidagicha xulosa qilish mumkin:

1. Qayta tiklash texnologiyasini tanlashda qoplanadigan sirtning qalinligini, bajariladigan ishlarining umumiy hajmi, qoplash materiali va energiyaning minimal bo'lishiga e'tibor berish kerak.

2. Sarf-xarajatlarning qiymati va tiklangan detallarning ishlash resursi qoplamaning sifat ko'rsatkichlarini ta'minlash asosida tanlanishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

3. Yuqori texnologiyalarga asoslangan lazerli texnologiyalar ko'p seriyali ishlab chiqarishda yoki boshqa usullar maxsus materiallar bilan qoplash imkoniyatini bermagan hollarda samarali bo'ladi.

Adabiyotlar

- [1]. Плазменная наплавка металлов./А.Е.Вайнерман, М.Х.Шоршоров, В.С.Новосадов / Ленинград: Машиностроение, 1969.-192 с.
- [2]. Хаскин В.Ю. Научно-технические основы лазерных и гибридных процессов наплавки и модификации поверхностей металлических изделий: дис. докт. техн.наук: 05.03.07 - процессы физико-механической обработки. /Хаскин Владислав Юрьевич/ Киев: НГТУ «КПИ». 2010.-491 с.
- [3]. Черноиванов В.И. Восстановление деталей машин. Состояние и перспективы. М.: ФГНУ "Росинформгротех", 2010. -376 с.
- [4]. Мрочек Ж.А., Кожуро П.М., Филонов И.П. Прогрессивные технологии восстановления и упрочнения деталей машин Мн.: УП „Технопринт“ 2010. -286 с.
- [5]. Лащенко Г.И. Тенденции развития технологий сварочного производства. //Сварщик в России/ 1 (35) 2012.С.8-13
- [6]. Катомчин А.Н., Кoryтчук Н.И., Влияние условий эксплуатации дорожно-строительных машин и специализированного автотранспорта на ресурс их узлов и агрегатов // Технический сервис машин. 2019 N:2(135). С. 135-142

- [7]. Катомчин А.Н., Ляхов Е.Ю. Восстановление деталей узлов и агрегатов техники, работающих при гидроабразивном изнашивании.// Ремонт. Восстановление. Модернизация. 2019 N:5 С.5-12.
- [8]. Елинек Т.В. Успехи гальванотехники. Обзор мировой специальной литературы за 2017-2018 годы // Гальванотехника и обработка поверхности. Том 27, 2019.N:3. С. 4 -14
- [9]. Эргашев Махмуд, Зарип Шарипович Садуллаев, Убайдулла Абдуллаевич Абдувалиев, Рахмонкулов Раимкул. Применение электроконтактного припекания при восстановлении и упрочнении деталей. //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES Tom 2/12 С. 397-403 2021/12/30
- [10]. Соловых Е.К., Волков Ю.В., Ворона Т.В., Лопата Л.А., Николайчук В.Я., Дуган А.В. Определение оптимальных режимов электроконтактного припекания дискретных покрытий при восстановлении и упрочнении валов двигателей.//Проблемы трибологии.(Problems of tribology) 2017. N:1, С. 79-89
- [11]. Ingrid Hauer, Nicholas Kompanis, Денис Ощепков. Cladding of large components: comparing conventional and new technologies and materials. 12 th International Specialized Exhibition "Weldex/Rossvarka", October 23-26, 2012.

АРРА ТИШЛАРИДАН ПАХТА ТОЛАСИНИ ЕЧИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ш.А. Хусанова

*Фаргона политехника институту
(Қабул қилинди 8.02.2023 й.)*

Арра тишлари ёрдамида пахта чигитини дастлабки сифат кўрсаткичларини максимал даражада сақлаб қолиш ҳамда арралардан фойдаланиш ресурсини 2-3 баробар ошириш учун арра тишлари баландлигини 2 мм га ва арра тишларидан толани кафолатли ечиб олиш ҳамда бунинг учун сарфланадиган энергия сарфини камайтириш учун арра тишлари олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини 20^0 га келтириш.

Kalit so'zlar: арра, тиш, қирра, оғиш бурчак, тола, пахта, жинлаш, самарадорлик, чигит, сифат, максимал, арра, энергия, радиус.

С целью максимального исходного качества семян хлопчатника с помощью зубьев пилы и увеличения ресурса использования пил в 2-3 раза высота зубьев пилы увеличены на 2 мм, а радиус пилы передней кромки зубьев пилы увеличен до радиуса передней кромки зубьев пилы, чтобы гарантировать удаление волокна с зубьев пилы и снизить энергозатраты, доведя угол относительного отклонения до 200.

Ключевые слова: пила, зуб, край, скос, волокно, хлопок, джин, эффективность, семена, качество, максимум, пила, энергия, радиус.

In order to maximize the initial quality of cotton seeds with saw teeth and increase the life of saws by 2-3 times, the height of the saw teeth is increased by 2 mm, and the radius of the saw of the leading edge of the saw teeth is increased to the radius of the leading edge of the saw teeth to ensure the removal of fiber from the teeth saws and reduce energy costs by bringing the angle of relative deviation up to 200.

Keywords: aw, tooth, edge, bevel, fiber, cotton, gin, efficiency, seeds, quality, maximum, saw, energy, radius.

Бизга маълумки, жин машинаси ишчи камерасида ҳосил бўлган хомашё валиги 2-2.2 m/s чизиқли тезлик билан айланма ҳаракат қилади. Ишлаш жараёнида арралаи цилиндр арраси тишлари 12.0 m/s тезликда хомашё валигига келиб урилади. Хомашё валиги камерага янги кириб келган пахта бўлақлари ва қисман жинланган, шунингдек, толаси тўлиқ юлиб олинган чигитлардан таркиб топган бўлиб, арра тишлари валикнинг толадор қисмига ёки толасиз чигитга, унинг мустаҳкамлиги паст бўлган уч қисмига ёки пишиқлиги юқорироқ бўлган шарсимон қисмига урилиши мумкин. Бу ерда тишларнинг нима билан тўқнашиши эҳтимолли ҳодиса ҳисобланади.

Аммо, кузатишлар 60-70% ҳолатларда тишлар янги кириб келган пахта, яъни толадор масса билан учрашишини кўрсатмоқда. Чунки, хомашё валигининг юқорисидан тушиб келаётган пахта валик атрофида толадор қатлам ҳосил қилади ва ишчи камеранинг олд

фартуги ички деворига сирғалиб келиб, аррали цилиндрга рўбарў бўлади. Шундай бўлсада, 30-40% ҳолатларда арра тишлари чала тозаланган ёки тўлиқ тозаланган чигит қобиғи билан учрашиши мумкин

Арра тишларидан пахта толасини ечиб олиш жараёни параметрларини асослаш

Юқорида таъкидлангани каби, зарба давомида кучнинг чигит оғирлик марказидан ўтган ўқдаги проекцияси чигитни деформациялайди. кучнинг айтилган ўққа тик ўқдаги проекцияси билан чигит оғирлик марказигача бўлган масофа (елка) билан куч қўпайтмаси М куч моментини ҳосил қилади ва у чигитни айлантиришга ҳаракат қилади. Куч қиймати ўзгармас бўлганда, унинг битта ўқдаги, масалан радиусга тик йўналган ўқдаги проекциясининг ошиши унинг радиус бўйлаб йўналган ўқдаги проекциясининг камайишига олиб келади. Яъни, зарба кучи тўлиғича чигитни айлантирувчи кучга айланади. Биз учун ушбу ҳолат аҳамиятли. Чунки, чигит арра тиши билан контактда бўлган нуқта атрофида айланса, унинг орқа томонларидаги толаларнинг арра тишлари билан учрашишига имконият туғилади ва чигит толаси тўлароқ ечиб олинади. Ушбу куч momenti қийматини оширсак, чигит тезроқ айланади ва унинг толаларини ечиб олиш имконияти ошади. Бунинг учун куч елкасини ошириш мумкин, аммо, бу объектив ходиса бўлиб, биз унга таъсир кўрсата олмаимиз. 2-йўл – куч проекцияси F_x нинг қийматини оширишдир. Бунинг учун арра тишлари олд бурчаги қиялигини муайян миқдоргача камайтириш керак бўлади. Бу проекция қуйидагича топилади:

$$F_x = F \cos \frac{\gamma + \alpha}{2}, \tag{1}$$

Бу ерда γ арра тиши олд томонининг контакт нуқтасида раиусга тик текисликка нисбатан оғиш бурчаги, α – арра тиши орқа томонининг контакт нуқтасида раиусга тик текисликка нисбатан оғиш бурчаги.

Арра тишининг орқа бурчаги тишнинг қалинлигини, яъни мустаҳкамлигини ифодалайди. Шунинг учун уни олд бурчакка нисбатан амалдаги 20 граусга кўп бўлган даражада сақлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, бу бурчак толани илиб олишга хизмат қилмайди.

Косинус функцияси бурчак 0 га тенг бўлганда 1 га тенг бўлади. Бунда таъсир кучи ва унинг проекцияси ўзаро тенглашади, аммо бу ҳолда тиш ҳам, толани илиб олиш ҳам бўлмайди. У 90 градусда 0 га тенг бўлса, бу ҳолда таъсир кучининг радиусга тик текисликдаги проекцияси нолга тенг бўлиб, тишнинг толани тутиб туриш хусусияти йўқолади. Тиш қиялигининг амалдаги қиймати радиусга нисбатан 40° , унга тик текисликка нисбатан 50° ни ташкил қилади. Бу қиймат тишнинг 3.46 mm бўлган баландлигини таъминлаб беради.

Рационал оғиш бурчагини аниқлаш учун биз тишнинг баландлигини қандай қийматгача туширишимиз лозимлигини билишимиз керак. Аввалроқ, тишга илашган толалар қалинлигини таҳлил қилганимизда, унинг толани илиб олиш хусусияти ва пишиқлигини таъминлаган ҳолда тиш баландлигини 2 mm гача пасайтириш мумкинлигини айтган эдик. Шу нуқтаи назардан, тиш баландлигини 2 mm қабул қиламиз ва унинг қиялигини топамиз. Аррали жинларда жинлаш жараёнларини адабиётлар орқали ўрганиш шуни кўрсатдики, жинлаш самарадорлигини орттириш хомашё валиги зичлигининг ортишига олиб келади, бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг сифатини ёмонлаштиради. Бундан кўринадики, хомашё валигининг зичлиги аррали диск тишларига, арра тишлари эса чигитга таъсир этади, натижада, тола ва чигитнинг шикастланиши ортади. Бунда зичланиш массаси бевосита жинлаш зонасида икки мартага ортади, бу эса жинлаш жараёнида нуқсонларнинг ортишига сабаб бўлади (1.1-жадвал.).

1.1-жадвал.

Хом ашё валиги ҳолати	Зичлиги, кг/м ³	Механик шикастланган толалар, %
Дастлабки	72,8	2,0
Хомашё валигидан ўтганидан сўнг:		
Зич	94,2	25,5
Ўргача	82,4	18,5
Бўш	70,7	9,0

Жинлаш зонасида толанинг шикастланишининг ортиши хомашё валигининг зичлигини ортиши билан боғлиқ.

Тишнинг учида тезлик йўналишида кучни ўлчанганда унинг қиймати кўрсатдики, хомашё валигининг зичлиги ортиши билан кучнинг қиймати мос ҳолда хомашё валигининг энг кичик зичликда 25 Н, хомашё валигининг ўртача зичлигида 42 Н ва хомашё валигининг юқори зичликда 67 Н ни ташкил этди.

Бу албатта катта юкланишлар (якка толанинг нисбий мустаҳкамлигига нисбатан) ва арра тиши ва колосник юзаси сифатининг ёмонлашиши тола сифатини жиддий шикастланишига ва баъзи ҳолларда юзанинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Айрим тадқиқотчилар ҳисоблашадики, узилган тола кўринишидаги нуқсонларнинг ҳосил бўлишига асосий сабаб арра юзаси текислиги билан колосник кўндаланг кесими оралиғидаги масофани етарлича бўлмаслигида, яъни арра диски билан колосниклар орасидаги тирқиш (зазор) марказлаштирилмаганлиги сабабли юз беради.

Бироқ, арра тиши билан колосниклар оралиғига тортилган толалар сонига мос келмаслиги мумкин, чунки тирқишга бир вақтни ўзида бир неча тиш билан тортилган толалар бўлиши мумкин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда арра тиши қалинлигини рационал қийматини танлаш толага кучнинг таъсирини сезиларли даражада камайтириш билан бирга унинг шикастланишини камайтиради.

Тадқиқот ишининг мақсади, арра тиши профилини такомиллаштириш билан биргаликда тиш арраси ишчи юзасининг сифатини пахта толаси сифатига боғлиқ тишнинг ён юзалари тозаллиги 6-7 класс орлиғида ўрнатилди. Намланган толасимон материалнинг энг яхши кўрсаткичи хром ёки полимер билан қоплашган юзаларда кузатилди.

Синов вақтида аниқландики, жин арраси ишчи юзаси ён томонларининг мослашиш интенсивлиги колосник билан арра орасидаги тирқиш (зазор) ўлчамига боғлиқ. Тирқиш ўз навбатида арранинг ўзи бўйлаб титраб айланишига, ўрнатиш ноаниқлигига, арра валининг титрашига ва бошқа сабабларига боғлиқ.

Бунда, агар ишқаланиш арра тишининг ён ёқларида фақат толасимон масса билан бўлиб ўтадиган бўлса, у ҳолда емирилиш узок вақт оралиғида бўлиб ўтади. Бироқ, тиш ён ёқлари билан аррали дискни марказлаштирилмаганлиги учун колосникка тегадиган бўлса, тез емирилиш содир бўлади.


Жин арраси ва колосник иш зоналари оралиғидаги тирқишни уларнинг емирилиши натижасида ортиши жин қурилмасини инструкцияда белгиланган ишлаш режимини таъминлай олмайди.

Янги замонавий пахта тозалаш машинасини яратиш ва амалдагисини такомиллаштириш назарий ва амалий синовларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бир қатор муаммолар мавжудки, уларни бу босқичда фақат назарий йўл билан ечиб бўлмайди. Шунинг учун замонавий усуллар ёрдамида тажриба-синов ишларини ўтказиш муҳим рол ўйнайди.

Ш.Т.Эргашев диссертациясида арра тиши олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчаги рационал қийматини топиш бўйича изланишлар олиб борилган [1].


1.1-расмда арра тишлари билан колосник учрашиш зонаси схемаси келтирилган.

Арра тишларига илашган тола тутами мувозанат тенгламасига кўра, арра тиши олд қиррасининг колосник билан учрашиш бурчаги $\theta > 2^{\circ}$ бўлиши, олд қирранинг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини эса $\gamma = 20^{\circ}$ гача камайтириш толани ажратиш жараёни кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмаслиги, аммо, толани арра тишларидан ечиб олишда энергия сарфини камайтириш ва толани тишлардан кафолатли ечиб олишни таъминлаши таъкидлаб ўтилган.



1.1-расм. Арра тишлари билан колосник учрашиш нуқтаси.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз ўз ишимизда муаллифлар томонидан таъкидлаб ўтилган 2 та самарани бирлаштириб, умумий самарадорликни янада оширишни тавсия қиламиз: арра тишлари ёрдамида пахта чигити дастлабки сифат кўрсаткичларини максимал даражада сақлаб қолиш ҳамда арралардан фойдаланиш ресурсини 2-3 баробар ошириш учун арра тишлари баландлигини 2 mm га ва арра тишларидан толани кафолатли ечиб олиш ҳамда бунинг учун сарфланадиган энергия сарфини камайтириш учун арра тишлари олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини 20^0 га келтириш.



1.2-расм. Тиш баландлиги бўйича унинг қиялигини топиш схемаси.

$$= 2/a ; 2/B = 3.59 \times 0.34 / 3.59 \Rightarrow$$

$$2/B = 0.34 \Rightarrow B = 2/0.34 = 5.89 \text{ mm} \Rightarrow a = 2/(0.095 \times 5.89) = 3.57 \text{ mm}$$

$\Rightarrow \gamma = \arccos(0.56) = 0.98 = 56.2^0$ ёки радиусга тик текисликка нисбатан олганда $90 - 56.2 = 33.9^0$. Тиш орқасининг оғиши эса $39.9 + 20 = 59.9^0$.

Тишлар орасидаги майдон, Герон тенгламасига кўра:

$$S = \sqrt{p(p-a)(p-b)(p-c)} = \sqrt{6.525(6.525 - 3.57)(6.525 - 5.89)(6.525 - 3.59)} = 5.99 \text{ mm}^2$$

$$\text{Ярим периметр } p = 0.5(3.57 + 5.89 + 3.59) = 6.525 \text{ mm}$$

Тола тутамининг арра тишлари орасидаги майдоннинг қанча қисми эгаллашини кўрсатувчи коэффициент e қуйидагича аниқланиши мумкин:


$$e = (S_t/S) \times 100\% = (0.25/5.99) \times 100\% = 4.17\%$$

амалдаги вариантда 4.03% эди. Бизнинг вариантда 4.2% га кўтарилди. Аммо, тишлар орасидаги майдондан фойдаланиш даражасини ошириш учун яна катта захира мавжудлигини айтиб ўтиш лозим.

Арра тишлари баландлигининг камайтирилиши, назарий жиҳатдан, унинг томонидан илиб олинадиган толалар сонини камайтирмайди.

Аммо, амалий томондан бу фикрни қандай тасдиқлаш мумкин? Бунинг учун бир қатор тадқиқотлар ўтказишимиз керак.

Пахта толасининг колосник панжараси ортидаги ҳаракати қонуниятини кўриб чиқамиз. 1.3-расмда пахта толасининг колосникли панжара ортидаги ҳаракати схемаси келтирилган.



1.3-расм. Пахта толасининг колосникли панжара ортидаги ҳаракати схемаси.


Унга кўра, арра тишларига илинган толалар арра ёйи бўйлаб ҳаракатлана бориб, толани арра тишларидан ечиб олувчи қурилма таъсир зонасига киради. Айрим АҚШ жинларида чўткали ечиш қурилмалари ишлатилади. Бошқаларида, шунингдек, барча маҳаллий жин машиналарида ҳаво оқими билан ишловчи тола ечиш қурилмалари қўлланади.

Пахта толасининг колосникли панжара ортидаги ҳаракат траекториясини Ш.Т.Эргашев қўллаган назария асосида кўриб чиқамиз [1].

1.4-расмда тола тутамининг арра тишларида колосникли панжара ортидаги ҳаракати ҳисоб схемаси келтирилган.

Пахта толасини тўртбурчак кесимга эга бўлган L узунликдаги призма, деб қабул қиламиз. У m - массага, J -арра тишларига нисбатан инерция моментига, t – қалинликка эга бўлсин. Унинг эгилишини ҳисобга олмаймиз, чунки ҳодисани вақтнинг жуда кичик оралиғи учун кўрамиз ва бундаги жуда кичик миқдордаги эгилиш аҳамиятга эга эмас.

Арра радиуси R тола узунлигидан 10 баробар катта. Шу ҳолат учун бошланғич ҳолатда толанинг оғирлик маркази радиусини арра радиусига тенг, деб оламиз: $\rho = R$. Тола оғирлик маркази унинг узунлигининг $1/4$ бўлагига тўғри келади (чунки тола узунлигининг марказида тишга илинган, деб қабул қиламиз). Бу оғирлик марказига марказдан қочма куч ва аэродинамик қаршилиқ кучининг тенг таъсир этувчиси қўйилган, деб фараз қиламиз. Шунга кўра:



1.4-расм. Тола тутамининг колосник ортидаги ҳаракати ҳисоб схемаси.

$$P_m = mw^2 \rho \approx mw^2 R, \quad (4)$$

$$F_a = cw^2 \rho^2 \approx cw^2 R^2, \quad (5)$$

Толанинг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагининг амалдаги қиймати α унинг оғирлик марказидан кейинги қисмига тўғри келадиган қиймати α^1 билан қуйидагича боғланишда:

$$\alpha^1 = \alpha + \varphi = \alpha + \arcsin \frac{L \sin \alpha}{2\sqrt{R^2 + 0.25L^2} - RL \cos \alpha}, \quad (6)$$

P_m ва F_a кучлар йиғинди векторининг йўналиши γ бурчакнинг қийматига боғлиқ:

$$\gamma = \frac{\arctg mw^2 R}{mw^2 R^2} = \arctg \frac{m}{cR} \quad (7)$$

Йиғинди куч вектори P аррали цилиндр бурчак тезлигига боғлиқ эмас:

$$P = w^2 R \sqrt{m^2 + c^2 R^2} \quad (8)$$

Шундай қилиб, исталган вақт оралиғида тола тутамига унинг ўқиға нисбатан β бурчак остида йўналган куч таъсир кўрсатади:

$$\beta = \gamma + \alpha^1 - \frac{\pi}{2} = -\arctg \frac{m}{cR} + \alpha^1 + \arcsin \frac{L \sin \alpha}{2\sqrt{R^2 + 0.25L^2} - RL \cos \alpha} - \frac{\pi}{2} \quad (9)$$

$\beta \neq 0$ бўлса тола тутами мувозанатга келмайди. P кучни 2 та ташкил этувчига ажратамиз. Бири тола тутамини чўзишга интилувчи бўйлама куч:

$$P_6 = P \cos \beta, \quad (10)$$

Иккинчиси, тола тутамини мувозанат ҳолатига келтиришга интилувчи тангенциал куч:

$$P_t = P \sin \beta, \quad (11)$$

Даламбер принципига кўра, тола тутамининг мувозанатга келишига инерция кучлари моменти қаршилик кўрсатади:

$$M_i = -J \frac{d^2 \alpha}{dt^2} = -J \alpha'' \quad (12)$$

Ҳавонинг қаршилик кучи:

$$M_v = C_v \dot{\alpha}^2 \quad (13)$$

Агар, толанинг аррага илинган нуқтасига нисбатан олинган моментлар суммаси нолга тенг бўлса, тола тутами мувозанатда бўлади:

$$\sum M = \frac{P_t L}{4} + M_v - M_i = 0 \quad (14)$$

Тола тутами оғирлик марказининг ҳаракат қонуни қуйидагича:

$$J \alpha'' + C_v \dot{\alpha}^2 + \frac{L \omega^2 R \sqrt{m + cR^2}}{4} \sin \left\{ \alpha^1 - \arctg \frac{m}{cR} + \arcsin \frac{L \sin \alpha}{2\sqrt{R^2 + 0.25L^2 - RL \cos \alpha}} - \frac{\pi}{2} \right\} = 0.$$

Ёки, уни қуйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$J \left(\frac{d^2 \alpha}{dt^2} \right) = C_v \dot{\alpha}^2 + \frac{(L \omega^2 R \sqrt{m + cR^2})}{4} \sin \left\{ \alpha^1 - \arctg \frac{m}{cR} + \arcsin \frac{L \sin \alpha}{2\sqrt{R^2 + 0.25L^2 - RL \cos \alpha}} - \frac{\pi}{2} \right\} \quad (15)$$

ХУЛОСА

Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, арра тишлари баландлигини пасайтириш ва тишлар олд қирраси оғиш бурчагини камайтишириш арра тишларидан толани кафолатли ечиб олишни таъминлайди, пахтани аррали жинлаш жараёни самарадорлигини янада ошириш, пахта чигити ва толаси дастлабки сифат кўрсаткичларини максимал даражада сақлаб қолиш ҳамда арралардан фойдаланиш ресурсини 2-3 баробар ошириш, шунингдек, жараёнга сарфланадиган энергия сарфини камайтириш имконини беради. Шунга кўра, учун арра тишлари баландлигини 2 мм га, олд қиррасининг арра радиусига нисбатан оғиш бурчагини 20° га келтириш тавсия қилинади.

Адабиётлар

- [1]. М.Х.Ахмедов, Т.О.Туйчиев, А.А.Исмоилов, Ш.А.Кхусанова. "Algorithm of the estimation of the moving the raw cotton on surfaces of the pallet of the mechanism of the presenting ginning machines." Scientific-technical journal <https://uzjournals.edu.uz/ferpi> 2021, В.4, №3 pp 69-74
- [2]. Ш.Хусанова С.Эсонзода, Б.Мирзаев, И.Ҳақимов. (2021). Methods of control of air pressure in the working chamber of arrali demon machine International Engineering Journal For Research & Development 6(3), 5-5.
- [3]. O.A.Salimov, Sh.A.Husanova, M.Salimov, A.R.Rakhimzhonov, (2022). Studio of Factors Affecting i.e. Quality of Raw Cotton During Storage and Processing. Central Asian Journal of Theoretical Applied Sciences,

3(3), 40-46.

- [4]. Ш.А.Хусанова Д.Р.Ахмаджонов (2021). Аррали жин пд таъминлагичини такомиллаштириш орқали унумдорликни ошириш. Scientific progress, 2(8), 426-430.
- [5]. О.Саримсаков Н.Сатторов анд З.Сиддиқов Ш.Хусанова Improvement of the Process in Disassembling of Cotton Stack and Transferring the Cotton into Pneumotransport" International Journal of Advanced Science and Technology 29 (7), 10849-10857 29.7 (2020): 10849-10857.
- [6]. Ш.А.Хусанова, И.Ҳақимов. (2020). Increasing Work Efficiency by Improving the Working Camera and Construction of Saw and Roller Mechanism. JournalNX, 6(06), 740-742.
- [7]. М.М.Очилов Ш.А.Хусанова И.Ш.Ҳақимов. (2021). Такомиллашган ҳаволи мосламада арра юзасидаги момикни ажратишда ҳаво оқими таъсир этиш зонасида момикни чиқариш каналида унинг ҳаракатланиш жараёнини изоҳлаш. Экономика и социум, (2-2), 113-116.
- [8]. A. Salimov, Sh. Husanova, O. Salimov, Q. Toshtemirov, N. Yakubov, A. Rakhimjanov "Research of the Process of Preparation and Storage of Raw Cotton" Journal of Optoelectronics Laser 2022/7/15. 612-618 st.
- [9]. Yu Ergashev, Sh Khusanova, D Akhmadjonov. Research of the Process of Preparation and Storage of Raw Cotton". Journal of Optoelectronics Laser. 2022/3/23 242-244 st.
- [10]. Sh Khusanova, M Nematova, F Rasulova Foreign experience in improving the efficiency of processes of removing cotton fiber from saw teeth. Gospodarka i Innovacje. 2022/7/22 118-124 st.
- [11]. Ш Хусанова, Ф.Маҳмуджонова, Д.Анварова, Г.Тоиржоннова Determination of the forces of interaction of the raw material with the saw cylinder. Gospodarka i Innovacje. 2022/7/22 113-117 st.
- [12]. Ш Хусанова, М Сирождинова, Д Гофуржоннова Problems of fiber removal processes from saw teeth in fiber separation. Gospodarka i Innovacje. 2022/7/22 125-128 st.

УДК 677.025

БЎЙЛАМА ЙЎЛ-ЙЎЛ НАҚШЛИ ПАХТА-ИПАКЛИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИНИ ШАКЛ САҚЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАДҚИҚИ

Н.М. Мусаев, М.М. Мусаева, М.М. Муқимов

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, differ1505@mail.ru
(Қабул қилинди 10.02.2023 й.)*

The article presents studies of the dimensional stability indicators of a new range of patterned cotton-silk knitted fabrics, developed with the aim of effective use of local raw materials. Produced knitted fabrics allow you to expand the range of light upper knitwear.

Keywords: raw materials, knitting, product, dimensional stability, indicator, quality.

Мақолада маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқарилган пахта-ипакли нақшли трикотааж тўқима намуналарининг шакл сақлаш хусусиятлари тадқиқ этилган. Ишлаб чиқарилган трикотааж тўқималари енгил устки трикотааж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириши имконини беради.

Таянч сўз ва иборалар: хом ашё, трикотааж, маҳсулот, шакл сақлаш, хусусият, сифат.

В статье приведены исследования показателей формоустойчивости нового ассортимента рисунчатых хлопко-шелковых трикотажных полотен, разработанных с целью эффективного использования местного сырья. Выпускаемые трикотажные полотна позволяют расширить ассортимент легких верхних трикотажных изделий.

Ключевые слова: сырьё, трикотааж, продукция, формоустойчивость, свойства, качества.

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотааж маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [1].

Ўтган давр мобайнида тўқимачилик ва тикув-трикотааж саноатини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асос ва қулай шароитлар шакллантирилди.

Юқори технология ва илм талаб қиладиган тармоқлардан бири бу тўқимачилик саноати бўлиб, ишлаб чиқаришда кластер тизимининг йўлга қўйилганлиги туфайли саноатнинг ўсиши, инвестицион жозибadorлиги ва ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлиги учун юқори салоҳиятга эга бўлди. Саноат соҳасида амалга оширилган ислохотлар туфайли тўқимачилик саноати Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг стратегик муҳим ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланди. Шу муносабат билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзбек тўқимачилик саноатининг барқарор ўсиш суръатларига қаратмоқда [2].

Ҳозирда ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш, инвестициялар ва инновацион технологиялар, шунингдек ишлаб чиқаришни доимий технологик ва техник жиҳатдан янгилаб боришни ҳамда модернизация ва диверсификация қилиш учун доимий ички захираларни излаш, иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш долзарб муаммолар сирасига киради. Бироқ бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик саноати олдида тизимли ёндашувга асосланган янги улкан вазифалар турибди – яъни илмий, технологик ва ижтимоий йўналтирилган ривожланишни шакллантиришдир. Шунингдек, мамлакатимизда тўқимачилик ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, савдо бозорларида маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш орқали импорт ўрнини босувчи, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришдир. Дунёда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда табиий хом ашёлардан оқилона фойдаланиш, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган трикотаж тўқималарининг янги ассортиментларини ишлаб чиқишда янги техника ва технологияларни қўллаш бўйича илмий ишлар бажарилмоқда.

Бу борада пахта-ипакли трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ривожлантириш, янги тузилишли кўндаланг ва бўйлама нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарини технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш ва назарий жиҳатдан асослаш, хом ашё сарфи кам, юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарининг янги ассортиментини олиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Трикотаж тўқималарининг шакл сақлаш хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар орасида қуйидаги кўрсаткичлар: узилиш кучидан кам бўлган кучланиш таъсирида чўзилиши, бир марталик ва такрор чўзилишга чидамлилик, қайтар ва қайтмас деформация, ғижимланиш, иссиқ-нам шароитда ишлов берилганда киришиши кабилар қабул қилинган [3,4]. Кўпинча трикотаж тўқималарининг физик хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичларига ҳаво ўтказувчанлик, сув ютувчанлик, гигроскопиклик, иссиқликка қаршилиги, иссиқлик сақловчанлик, шунингдек, электрланувчанлик каби кўрсаткичлар киради [5,6].

Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарида тўқима раппорти ва хом ашё таркибининг ўзгариши нафақат унинг технологик кўрсаткичларига, балки шакл сақлаш хусусиятларига ҳам таъсир этади.

Маҳаллий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш ва янги технологияларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали хом ашё сарфини камайтириш ва сифат кўрсаткичларини ошириш мақсадида бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарини 4 хил варианты ясси икки игнадонли 14-класс трикотаж тўқув машинасида тўқиб олинди.

Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқима намуналари чизиқли зичлиги 20 x 3 тех пахта ипидан, 14,3 x 4 тех йигирилган ипак ипидан ва 8 тех ли лайкра ипларидан фойдаланиб тўқиб олинди. Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималари бир-биридан хом ашё тури ва тўқима раппортларини ўзгариши билан фарқ қилади [7-10].

Қуйида, ясси игнадонли трикотаж машинасида ишлаб чиқарилган бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқимасининг биринчи вариантини графикли ёзуви келтирилган [11].



1-расм. Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқимасининг графикли ёзуви.

Тадқиқот ишида бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарининг шакл сақлаш хусусиятлари стандарт усулда замонавий ускуналарда синовдан ўтказилди [12] ва олинган натижалар жадвалда келтирилиб, таҳлил этилди.

Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарини шакл сақлаш хусусиятлари

Кўрсаткичлар		Вариантлар			
		I	II	III	IV
Ипларни тури, чизикли зичликлари ва матодаги % миқдори	пахта ипи 20 текс x 3	52	48,5	49	49,5
	йигирилган ипак ипи 14,3 текс x 4	48	47,4	48,7	49,2
	лайкра ипи 8 текс	-	4,1	2,3	1,3
Қайтмас деформация ϵ_n , %	Бўйи бўйича	20	14	15	17
	Эни бўйича	18	17	16	14
Қайтар деформация ϵ_o , %	Бўйи бўйича	80	86	85	83
	Эни бўйича	82	83	84	86
Матони киришиши K, %	Бўйи бўйича	4	4	3	2
	Эни бўйича	2	2	2	1
Ишқаланишга чидамлилиги II минг айлана		24,4	25,4	25,3	25,6

Маҳсулотларни лойиҳалашда трикотаж матолари қандай қайишқоқлик хусусиятларга эга бўлишини билиш муҳим омил саналади.

Трикотаж буюмлари ва матолар шакл сақлаш хусусиятини тавсифлаш учун умумий кўрсаткичларга нисбатан фақатгина битта қайтар деформация улуши кўрсаткичининг ўзидан фойдаланиш етарли эмас. Ушбу ҳолатда маҳсулотнинг дастлабки ўлчамига нисбатан фарқини кўрсатадиган қайтмас деформация катталиги, трикотаж матоларини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Намуналарнинг қайтар деформация улуши ϵ_o аниқланди, унинг таркибига қайишқоқ деформация - тажриба ўтказилаётган намунадан юк олиб ташлангандан сўнг, юқори тезликда қайтади; эластик деформация-кичик тезликда ривожланади; пластик деформация-намуналардан юк олиб ташлангандан сўнг, қайтмайдиган қайтмас деформация улуши киради [13].

Трикотаж тўқималарини турли деформацияларга учраб, ўзининг аввалги ҳолатига қайтиши шакл сақлаш хусусиятларини ўзида ифода этади.

Ушбу илмий тадқиқот ишида тўқима таркибида йигирилган ипак ипини қўллаш, ҳом ашё миқдори ҳамда тўқима раппорти ўзгаришини бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли

трикотаж тўқималарининг қайтар ва қайтмас деформация хусусиятларига таъсир этиши тадқиқ этилди.

Стандарт услуб бўйича трикотаж матоларининг қайтар ва қайтмас деформация миқдорини аниқлаш, юқорида келтирилган узиш кучидан кичик бўлган кучлар таъсиридаги чўзилувчанлик кўрсаткичини аниқлаш билан бирга олиб борилади [14].

Тажрибавий пахта-ипакли нақшли трикотаж тўқима намуналарнинг бўйи бўйича қайтар деформация миқдори 80% дан то 86% гача ўзгарди, эни бўйича қайтар деформация миқдори эса, 82% дан то 86% гача ўзгарди.

Трикотаж намуналари ичида бўйи бўйича энг кам қайтар деформация миқдорига эга бўлган намуна I вариант бўлиб, у 80% ни ташкил этди. Энг юқори қайтар деформация миқдори тўқима таркиби 48,5% пахта, 47,4% йигирилган ипак ҳамда 4,1% лайкра ипидан ташкил топган II-вариантга тегишли бўлиб, у 86% ни ташкил этди ва бу энг кам қайтар деформация миқдоридан 7,5% га кўпдир.

Эни бўйича ҳам энг кам қайтар деформация миқдори I вариантга тегишли бўлиб, у 82% ни ташкил этди. Тўқима таркиби 49,5% пахта, 49,2% йигирилган ипак ҳамда 1,3% лайкра ипларидан ташкил топган IV-вариант намунаси эни бўйича энг катта 86% қайтар деформация миқдорига эга бўлди. Бу кўрсаткич энг кам эни бўйича қайтар деформация миқдоридан 4,8% га кўп эканлиги тадқиқотлар давомида маълум бўлди (2-расм).

Қайтар деф. бўйи бўйича %	<ul style="list-style-type: none"> • I=80 • II=86 • III=85 • IV=83 	Қайтмас деф. бўйи бўйича %	<ul style="list-style-type: none"> • I=20 • II=14 • III=15 • IV=17
Қайтар деф. эни бўйича %	<ul style="list-style-type: none"> • I=82 • II=83 • III=84 • IV=86 	Қайтмас деф. эни бўйича %	<ul style="list-style-type: none"> • I=18 • II=17 • III=16 • IV=14

2-расм. Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқима намуналарининг қайтар ва қайтмас деформация миқдори кўрсаткичлари.

Тўқима намуналарининг бўйи бўйича қайтмас деформация миқдори 14% дан то 20% гача ўзгарган бўлса, эни бўйича бу кўрсаткич қийматлари 14% дан то 18% гача ўзгарди.

Трикотаж намуналари ичида бўйи ва эни бўйича энг юқори қайтмас деформация миқдори I вариантда кузатилиб, мос равишда 20% ва 18% ни ташкил этди. Бўйи бўйича қайтмас деформациянинг энг яхши кўрсаткичи 14% га тенг бўлиб, у II-вариант намунасида кузатилди. Эни бўйича қайтмас деформациянинг энг яхши кўрсаткичи 14%га тенг бўлиб, у IV-вариант намунасида кузатилди.

Устки трикотаж буюмлари учун мўлжалланган трикотаж матоларининг қолдиқ деформацияси 5-20 % дан ошмаслиги керак [15].

Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарининг деформация хусусиятларини тадқиқ этиб, шундай хулосага келиш мумкинки, тўқима таркибида ҳам ашё сифатида пахта ва йигирилган ипак иплари билан бирга лайкра ипидан фойдаланиш, шунингдек тўқима раппорти (қатор сони)нинг ўзгариши ҳисобига, намуналарининг қайтар деформация миқдорини ортишига ва аксинча қайтмас деформация миқдорини камайишига эришиш мумкинлиги аниқланди. Демак, тадқиқ қиланаётган намуналарнинг қолдиқ деформацияси қўйилган талабларга жавоб беради.

Тўқимачилик матолари учун шакл сақлаш хусусияти аҳамиятли кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибига қайтар ва қайтмас деформация миқдоридан ташқари киришувчанлик хусусияти ҳам киради.

Маҳсулот ювилганда, хўлланганда, намлаб дазмолланганда ва пресланганда киришади [16].

Ушбу илмий ишда трикотаж тўқима таркибида ҳам ашё сифатида фойдаланилган пахта, йигирилган ипак ва лайкра иплари миқдори ва тўқима раппорти ўзгаришини бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарининг киришувчанлик хусусиятларига таъсири тадқиқ этилди.

Пахта-ипакли нақшли трикотаж тўқима намуналарининг бўйи бўйича киришиш кўрсаткичлари +2% дан +4% гача, эни бўйича эса +1% дан +2% гача оралиқда ўзгарди (3-расм).

Намуналарнинг бўйи ва эни бўйича энг кичик киришиш кўрсаткичи тўқима таркиби 49,5% пахта, 49,2% йигирилган ипак ҳамда 1,3% лайкра ипларидан ташкил топган, IV-вариантга тегишли бўлиб, бўйи ва эни бўйича мос равишда +2% ва +1% ни ташкил этди. Бўйи бўйича энг катта кўрсаткич I ва II-вариантларда кузатилиб, у энг кичик бўйи бўйича киришувчанлик кўрсаткичидан 2%га кўпдир. Эни бўйича олинган киришувчанлик кўрсаткичлари вариантлар орасида катта бўлмаган ўзгаришларда номоён бўлиб, умумий олинган қийматлар фарқи 1% дан ортмади.



3-расм. Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқима намуналарининг эни ва бўйи бўйича киришиш кўрсаткичлари.

Бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқималарининг киришувчанлик кўрсаткичлари таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, бунда тўқима таркибида ҳам ашё миқдори ва раппортининг ўзгариши, шунингдек лайкра ипини қўллаш ҳисобига намуналарнинг киришувчанлик кўрсаткичлари камайди.

Шунга қарамай, ишлаб чиқарилган бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқима намуналарининг киришувчанлик кўрсаткичлари стандарт талабларига мувофиқ келди.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида сифат кўрсаткичлари юқори бўлган бўйлама йўл-йўл нақшли пахта-ипакли трикотаж тўқима ва маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга эришилди.

Нақшли пахта-ипакли нақшли трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичлари таҳлилидан шундай хулосага келиш мумкинки, тўқима таркибида йигирилган ипак ва лайкра иплари миқдорини ортиши ҳамда тўқима тузилишини ўзгариши ҳисобига намуналарнинг шакл сақлаш хусусиятлари ҳам ортиб бориши аниқланди. Ушбу трикотаж тўқималарини энгил устки кийим ишлаб чиқариш корхоналарида кенг қўламда ишлаб чиқариш орқали трикотаж маҳсулотлар ассортиментларини ортишига эришиш мумкин.

Адабиётлар

- [1]. <https://uzts.uz/yil-tendensiyasi-ozbek-toqimachiligi-halqaro-hamjamiyat-prizmasida/>
- [2]. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “To‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 14.12.2017 yildagi PF-5285-son Farmoni.
- [3]. Sentil Kumar, T. Ramachandran. Influence of parameters of the knitting process on the thermal properties of silk knitwear. // Scientific-practical journal. “Fibers and textiles in Eastern Europe”. Volume 26, Issue 5, 2018. —47-53 p.p.
- [4]. W. Chen, M. He, M. Zhang, Z. Tang. Wearing performances of floret silk / cotton blended sports socks. // “Advanced Materials Research”. Volume. 2011. —284-287 p.p.
- [5]. C.Prakash. Effect of loop length on the dimensional properties of silk and model union knitted fabric. “Journal of the Institution of Engineers (India), Part TX: Textile Engineering Division”. Volume 89, Issue AUG., 2008. — p.p. 11-15.

- [6]. Yang L.a, Jin Z., Tao J. Appcarance an d performance of mulberry silk seamless knitted fabric. Journal of Silk. Volume 54, Issue 8, 20-25 p. (2017).
В данной работе представлены результаты исследования факторов, влияющих на коконирование китайских и отечественных промышленных гибридов. Летучесть гибридов по сортировочным показателям показала, что она также снижается с уменьшением сортов. Изучение влияния влажности и температуры на коконирование при коконировании показало, что результат был выше при открытом воздухе и умеренной температуре. Было обнаружено, что фумигация ухудшится из-за отсутствия вентиляции кокона в начальной операции. Установлено, что ворсистость кокона со временем ухудшается, и предложен физический метод обнаружения ворсистости кокона.

Ключевые слова: кокон, шелковистость, метрический номер, гибридный, время года, температура, влажность, климат.

This paper presents the results of a study of factors affecting the cocooning of Chinese and domestic industrial hybrids. The volatility of hybrids according to sorting indicators showed that it also decreases with a decrease in varieties. A study of the influence of humidity and temperature on cocooning in cocooning showed that the result was higher in open air and moderate temperature. It was found that fumigation would deteriorate due to the lack of ventilation of the cocoon in the initial operation. It has been established that cocoon hairiness deteriorates over time, and a physical method for detecting cocoon hairiness has been proposed.

Keywords: cocoon, silkiness, metric number, hybrid, season, temperature, humidity, climate.

Қириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони асосан “Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тўқимачилик саноати маҳсулотларини икки баробар ошириш муҳим аҳамият касб этмокда [1].

Дунёда 20 га яқин давлатлар пилла етиштириш ва хом ипак ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси пилла етиштириш бўйича жаҳонда 4- ва уни қайта ишлаш бўйича эса 5-ўринни эгаллаб турибди. Лекин 1 кг хом ипак ишлаб чиқаришдаги маҳаллий пилла зотлардан етиштирилган қуруқ пиллалар сарфи 3,0-3,2 кг бўлса, илғор мамлакатларда бу кўрсаткич 2,4-2,8 кг ни ташкил этади.

Тадқиқот ишимизнинг асосий мақсади Хитой ва маҳаллий саноат дурагайлари пилласи чувилишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш ҳисобланади.

Пилла чувилишига бир неча омиллар пилла навларининг бир хил эмаслиги, пилла ўрашдаги клематик шароит намлик ва қуруқликни ипак чиқишига таъсири, дастлабки ишлов бериш, пиллани сақланиши таъсир қилади. Бу омиллар пилла чувил кўрсаткичларига таъсир этиб технологик параметрларни ўрнатишини талаб этади.

Тадқиқот услуби ва воситаси. Пилладан хом ипак ажратиш олишда пиллаларни чувилга дастлабки тайёрлаш, пиллаларни чувилга тайёрлаш, чувил ва назорат йиғувдан иборат технологик жараёнлардан ўтилади. Пиллани чувилга дастлабки тайёрлашда пиллаларни саралаш энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Пиллаларни саралашдан асосий мақсад, пиллани чувилга тайёрлашни тўғри ташкил қилишда пиллакашлик корхоналарининг бир хил режимда ишлашини, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни, иш унумдорлигини ошириш ва хомашёнинг тежамкор ишлатилишини таъминлашдан иборат.

Хитой ва маҳаллий дурагай пиллалари давлатлараро стандарт (ГОСТ 31256-2004) талабларига мувофиқ қобиқ тавсифи ва ипак чиқишига қараб, I нав, II нав, навсиз ва ностандарт пиллаларга ZD-102 маркали механизациялашган пиллаларни саралаш конвейерида саралаб ажратилади.

Стандартга кўра I нав пиллаларга ажратишда қобиғи шикастланмаган, доғли жойи

диаметри 5,0 mm.гача, даста изи 10 mm.гача, силлиқ ялтироқ жойи узунлиги 10mm.гача бўлган пиллалар саралаб олинди;

II нав пиллаларга ажратишда доғлар пилла юзасининг 1/4 дан ошмаган, даста изи 15mm.дан ошмаган, силлиқ ялтироқ жойи узунлиги 15 mm.дан катта бўлмаган, бир кутби ўткир учли, эзилган, юпқа қобикли, бузук шаклли ва ичи кўринмайдиган пиллалар саралаб олинди;

Навсиз пиллаларга доғлар пиллаларнинг 1/4 дан юқори, силлиқ ва даста изи 15 mm.дан юқори, ўта эзилган, қобиғи ёпишган, доғлари ичидан ташқарига чиққан, кигизсимон, пахтасимон, кўшалок, тешик, чала ўралган, моғорлаган, бузук шаклли пиллалар ажратилди [2].

Пилла чувиш-пилла ўраш жараёнини тескариси бўлиб, ипак қурти ўраган пилла ипини юмшатиб қайта ўраб олинади. Пилла чувиш учун пиллалар қайнаган сувга солиниб буғлашга берилади (буғлаш тозининг ҳарорати 95-98°C), буғланган пиллалар лосдан ажратилади ва якка учи топилади (лосдан ажратиш ва якка учи топиш тозидаги сувни ҳарорати 65-70°C). Якка учи топилган пиллалар илгич тагига ташланади. Илгич орқали пиллалар юқориги ва пастки роликлардан ўтади ва 10-15 см чирмовуқ ҳосил қилиб, йўналтиргичдан ўтиб, тахлагич кўзчаси орқали чархга ўралади (чувиш тозидаги сувнинг ҳарорати 41-42°C бўлади) [3].

Ишлаб чиқаришда пиллани чувилишини аниқлаш юқори технологик кўрсаткич бўлиб, уни аниқлашни бир неча усуллари мавжуд. Биз тадқиқот ишида физик усулдан фойдаландик. Бу усул қобикдан сувни ўтишига асосланган бўлиб диаметри 1 см узунлиги 7 см шиша идишнинг 1/3 қисмига сув солиб пилла қобиғи бўлаги билан ёпилади. Уни ўлчаб 16 соат қуритиш шкафига солинади. 16 соатдан кейин яна олиниб тарозида тортилади.

Олинган натижалар ва усулларнинг таҳлили. Хитой ва маҳаллий дурагай пиллалари сараланди ва саралашдан кейин чиқиши, чувилишга таъсири ўрганилди. Натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Пилла навларининг чиқиши ва уларни чувилишга таъсири

Нави	Хитой пилла дурагайи		Маҳаллий пилла дурагайи	
	чиқиш миқдори %	чувилувчанлик %	чиқиш миқдори %	чувилувчанлик %
1	58,6	82,5	56,7	80,2
2	27,5	68,3	27,3	67,9
Навсиз	10,8	50,7	11,4	49,8
Ностандарт	3,1	46,3	4,6	46,2

Жадвалдаги саралаш натижаларидан шуни кўриш мумкинки, Хитой дурагайидан навли пиллалар чиқиши 86,1 % ни ташкил қилган бўлса, маҳаллий пилла дурагайларида 84% ни ташкил қилди. Навсиз пиллалар эса Хитой дурагайида 10,8% ни, маҳаллий дурагайда 11,4% ни ташкил қилди. Чувилувчанлик эса навлар кесимида 82,5-50,7 % гача Хитой дурагайида бўлса, маҳаллий дурагайда эса 80,2-49,8% ни ташкил қилди. Ностандарт пиллаларнинг чиқиши эса 3,1-4,6% ни, уларнинг чувилувчанлиги эса 46,2-46,3% ни ташкил қилди.

Пиллаларнинг биологик ва технологик хоссалари ирсиятга боғлиқ бўлиб, улардан ташқари пилла ўрашга ҳарорат, намлик, ёруғлик, шамоллатиш шароитлари, дасталар тури, миқдори ва сифати ҳам катта таъсир этади. Пилла ўраш вақтида ҳароратнинг ўзгариши натижасида қуртнинг пилла ўраш тезлиги ва ҳаракати ҳам ўзгаради. Пилла ўрашнинг ҳарорат шароити ипак толаси метрик номерининг ҳар хил бўлишига, пиллаларнинг ипакдорлиги ва ипак чиқиши каби технологик кўрсаткичларига таъсир этади. Пилла ўраш даврида ҳарорат 25-26°C гача кўтарилса, пилла ўраш муддати умуман қисқаради, ипак толасининг ўртача метрик номери катталашади, унинг ҳар хиллиги камаяди, пилла ипакдор бўлиб, ипак толаси кўп чиқади. Ҳарорат 28-29°C гача кўтарилганда ипак толасининг метрик

номери янада катталашади ва ҳар хиллиги камайиб боради, аммо бунинг эвазига пилланинг ипаги анчагина камайиб кетади ва ипак толаси жуда кам чиқади. Шундай қилиб, пилла ўраш даврида паст (21-23°C) ҳарорат ҳам, юқори (28-29°C) ҳарорат ҳам пиллаларнинг биологик кўрсаткичлари ва технологик хоссаларини пасайтириб юборади.

Биз тадқиқот ишимизда клематик шароит-намлик ва қуруқ ҳавони чувилувчанликка таъсирини ўргандик.

2-жадвал

Пилла ўрашдаги намлик ва ҳароратни чувилувчанликка таъсири

Ташқи муҳит шароити	Ҳарорат, °C	Хитой дурагай пилласи чувилиши, %	Маҳаллий дурагай пилласи чувилиши, %
Хаво очик бўлганда	23	81,9%	82,5
	39	69,1%	68,4
Ёғингарчилик бўлганда	15	65,1%	64,4
	19	64,2%	65,1

Натижалардан шуни кўриш мумкинки, яъни хаво очик бўлганда юқори ҳарорат 39°C га нисбатан мўътадил ҳарорат 23°C да ўраган пиллаларнинг чувилувчанлиги 12,8-14,1% га фарқ қилишини кўришимиз мумкин. Ёғингарчилик бўлган даврда қурт пилла ўраганда чувилувчанлик 16,8-18,1% га камайиб кетганини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики пилла ўрашдаги клематик шароит муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Сифатли пилла етиштириш тут ипак қуртининг зоти ёки дурагайи, уни боқиш шароити ҳамда етиштирилган пиллаларни тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш усуллари каби омилларга боғлиқдир, юқори ҳарорат ва шамоллатмаслик чувилувчанликни ёмонлаштиради.

Тайёрлов базаларига қабул қилинган пиллаларнинг ичидаги ғумбаги тирик ҳолда бўлади. Пилла чувиш корхоналарининг йил давомида узлуксиз ишлаши учун, унинг ғумбагини жонсизлантириб қуритиш зарур, шундагина пиллани йил давомида сақлаш мумкин бўлади. Акс ҳолда, тирик ғумбак капалакка айланиб, қобикни тешиб чиқиб, пиллани чувишга яроқсиз ҳолга келтириши ёки жонсизлантирилса-ю қуритилмаса, хўл пилла тезда моғорлаб, пилла сифатсиз бўлиб қолиши мумкин. Шу боис, пилла чувиш корхоналарида янги йилги мавсум пиллалари келтирилгунга қадар, ушбу пиллалардан йил мобайнида узлуксиз чувилиб хом ипак олинади [4].

Пиллаларга дастлабки ишлов бериш технологияси, у қандай усул бўлмасин, тирик пиллаларга нисбатан хом ипак чиқиш миқдорини камайтиради. Пилла қобиғининг бошланғич табиий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, унинг таркибида мавжуд бўлган 92-95 % намликни йўқотиш зарур бўлади. Қолган намлик пилланинг қобиғида сақланиб, у ҳаводаги намликка яқин бўлади. Шунинг учун пилла ғумбагини қуритиб, унинг намлигини 10-15 % га келтириляётганда, пилла қобиғидаги ҳаво намлигига яқин намлик қуриб, 2-3 % га келиб қолади, натижада пилладан ипак чиқиш миқдори камаяди.

Пилланинг қобиғида 15 % намликни сақлаш учун, уни 0,1 соат давомида қуритиш зарур бўлади. Табиийки, иссиқлик манбаи ҳароратини бир хил ҳолатда сақланганда ҳам, пилла қобиғи ғумбакка нисбатан тезроқ қурийд.

Пиллаларни юқори ҳароратда қисқа муддатда қуритилса, унинг ғумбагидан газ ҳолатида ажраб чиққан аммиак ҳисобига пилла қобиғи қизғиш жигарранг тус олиб, ўзининг табиий ялтироқлигини йўқотади. Айниқса бундай ҳолат пиллаларни қуритиш жараёнидаги ҳарорат 120 градус ва ундан юқори бўлганда яққол намоён бўлади.

Тут ипак қурти ғумбагини турли усулларда (кислородсиз вакуум, совуткич, суюлтирилган азот, юқори частотали электр токи, иссиқ ҳаво, турли кимёвий моддалар билан захарлаш) ўлдириб, конвейерли қуритгичлардан сўнг кўп қаватли сояли сўриларда қуритилади. Пиллаларни қуритиш учун СК-150К, КСК-4,5"Ямато-Санко" қуритиш

конвейерларидан фойдаланилади. Маълумки, ушбу агрегатларда 110÷120°C ва юқори иссиқ ҳаво таъсирида пиллаларга дастлабки ишлов берилади [5].

Биз тадқиқот ишимизда пиллага дастлабки ишлов беришда СК-150К агрегатида турли ҳарорат ва намликларни пилла чувилувчанлигига таъсирини ўргандик.

3-жадвал

Дастлабки ишлов беришда қуритиш ва шамоллатишнинг чувилувчанликка таъсири

Ишлов бериш агрегатидаги			Хитой дурагай пилласи	Маҳаллий дурагай пилласи
Ҳарорат, °C	Намлик, %	Чиқишдаги ҳарорат, °C	чувилувчанлик, %	
180	30	80	60,4	61,3
150		70	65,1	65,8
120		60	68,5	67,1
90		50	82,6	80,9
180	50	80	60,1	60,5
150		70	61,8	59,8
120		60	67,1	66,1
90		50	78,9	78,1

Жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки пиллани дастлабки ишлашда иккала дурагайда ҳам ҳарорат ва намликни ўзгариши пиллани чувилувчанликка таъсирини кўришимиз мумкин. Ҳарорат юқори бўлганда чувилувчанлик иккала дурагай учун 60,4-61,3% ни ташкил қилган бўлса, 90°C ҳароратда 82,6-80,9% ни ташкил қилган. Ҳарорат 180°C дан 90°C гача бўлиб, намлик юқори бўлганда эса чувилувчанлик пасайиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Қуритилган пиллалар 10-12% намликда қопларга ва яшиқларга солиниб сақланади. Ўзбекистонда пиллаларни оғирлиги 30 кгдан қилиб қопларда 2-3 секцияли ёпиқ омборларда сақланади. Секцияда стеляжлар бўлиб, девор ва ердан 0,5 м ораликда бўлиши керак, стеляжлар орасидаги масофа 3 м, аравача юриши учун 4 м бўлиши керак. Ҳар битта стеляжда энига 2-4 та қоп, узунасига 12 та, баландлигига 6-9 та қоп жойлаштирилади. Ипак қурти пилласи мавсумий маҳсулот бўлиб, уларни тўғри сақлаш фабрикани йил давомида узлуксиз ишлашини таъминлайди [6]. Лекин вақт ўтиши билан пиллани сифати ёмонлашишини ҳисобга олиш керак. Илмий изланишларни кўрсатишича, сақлаш мобайнида ҳаводаги кислород таъсирида серициннинг кимёвий-технологик хусусияти ўзгаради. Хусусияти ўзгарган серицинни сувда эриши ёмонлашади, чувилувчанлиги пасаяди ва лос, қазноқ, чувилмай қолган пиллаларга ўхшаш чиқиндилар кўпаяди.

Пиллаларни вақт ўтиши билан технологик кўрсаткичларини яхши ушлаб туриш мумкин, агар пиллаларга ташқи кислородли ҳаво таъсири камроқ бўлса. Бунинг учун ҳаво ўтказмайдиган тара ёки герметик ёпиладиган омборлардан фойдаланиш керак. Пиллаларни сақланиш хусусияти яхшиланиши билан бирга пиллани сақлаш жараёнида пилла қобиғига куя тушиши, моғор босиши ва хашаротлар таъсир қилиши натижасида пилла қобиғи технологик хусусиятларининг бузилишига сабаб бўлади.

Тадқиқот ишларининг кўрсатишича пиллани сақлаш жараёнларида иқлим шароитлар ва атроф муҳитнинг доимий ўзгариши ҳисобига пилла қобиғидаги серицин қатламига нам ҳаво, ўзгарувчан ҳарорат ва ҳаводаги кислород таъсир қилиб, унинг кимёвий хусусиятларини ўзгартиради ва вақт ўтиши билан пилла қобиғида эскириш содир бўлади.

Натижада серициннинг сувда юмшаши ёмонлашиб, пилланинг чувалишига салбий таъсир қилади ва кўп миқдорда толали чиқинди (лос, қазноқ, чувалмайдиган пиллалар) чиқишига олиб келади.

Тадқиқот ишида сақлаш давомийлигини чувилувчанликка таъсири ўрганилди.

4-жадвал

Пиллани сақланишини чувилувчанликка таъсири

Сақлаш давомийлиги	Хитой пилла дурагайи	Маҳаллий пилла дурагайи
	чувилувчанлик, %	
2 ой	82,5	82,1
4 ой	80,6	79,2
8 ой	75,1	74,8
10 ой	72,9	71,9

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики вақт ўтиши билан иккала дурагайда ҳам чувилувчанлик камайиб борар экан. Икки ойдан кейин чувилувчанлик 82,5-82,1% бўлса, 10 ойдан кейин 72,9-71,9% гача камайдиганини аниқладик. Бу кўрсаткичлар пиллани чувишга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришни тақазо этади.

Пиллани чувилувчанлигини аниқлаш корхона учун катта аҳамиятга эга жараён ҳисобланиб бу орқали цехларда иш режимларини тўғри танлаш имкониятига эга бўлинади. Чувилувчанликни аниқлаш пилла навларининг бир хил эмаслигига, пилла ўрашдаги клематик шароит намлик ва қуруқликка, дастлабки ишлов беришга, пиллани сақланишига таъсир кўрсатади шунинг учун биз пиллани чувилувчанлигини аниқлашда физик усулдан фойдаланди. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

Қобикдан сувнинг ўтиши

5-жадвал

Чувилиш кўрсаткичи	16 соат ичида сувнинг ўтиши, гр	1 соатдаги сувни ўтиши, гр
Ёмон чувилаётган пилла	0.04590	0.00282
Ўртача чувилаётган пилла	0.04892	0.00307
Яхши чувилаётган пилла	0.07375	0.00461

Ёмон чувилаётган пилладан 16 соат давомида 0,04590 гр сув ўтган бўлса, яхши чувилаётган пилладан 0,07375 гр сув ўтди. Бу ерда пилла чувилиши сувни кўп миқдорда ўтиши билан изоҳланмоқда.

Хулоса. Пилла чувилувчанлигига пилла навларининг бир хил эмаслиги, пилла ўрашдаги намлик ва қуруқлик, дастлабки ишлов беришда қуритиш ва шамоллатиш, пиллани сақланиши каби омилларнинг таъсири аниқланиб шу билан бирга чувилувчанликни аниқлаш усули кўриб чиқилди. Хитой дурагайида навли пиллалар чиқиши 86,1 % ни ташкил қилган бўлса, маҳаллий пилла дурагайларида 84% ни ташкил қилди. Ёғингарчилик бўлган даврда қурт пилла ўраганда чувилувчанлик 16,8-18,1% га камайиб кетгани аниқланди. Ҳарорат юқори бўлганда чувилувчанлик иккала дурагай учун 60,4-61,3% ни ташкил қилиб, намлик юқори бўлганда эса чувилувчанлик пасайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Вақт ўтиши билан иккала дурагайда ҳам чувилувчанлик камайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Икки ойдан кейин чувилувчанлик 82,5-82,1% бўлса, 10 ойдан кейин 72,9-71,9% гача камайдиганини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли Фармони. 2-б.
- [2]. Ж.А.Ахмедов, Ш.Қ.Эрматов, Қ.Э. Собиров “Хом ипакни сифатини аниқлаш”//Тўқимачилик саноатининг ривожланиш тенденциялари: муаммо ва ечимлари халқаро илмий-амалий конференцияси (Термиз) 2021 йил 23-24 апрель -Б.647.

- [3]. Ахмедов Ж.А., Эрматов Ш.К., Ортиқова Э., Турсунов Т. «Хитой дурагай пилларининг якка чувиш натижалари», Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида инновацион технологияларни жорий этишда олий таълим ва ишлаб чиқариш корхоналарининг тутган ўрни мавзусида халқаро илмий-амалий конференция.
- [4]. Исламбекова Н.М. Бобохонов Ф. О. Республика илмий-амалий конференцияси. Маърузалар тезиси. Тошкент-2003, б. 96. Пиллаларни яхши ҳолатда ва зараркунандалардан сақлаш йўлларини ўрганиш].
- [5]. Авазов К.Р., Қодиров Ш.А., Юсупходжаева Г.А. Пилла ғумбагини инфракизил нурлар ёрдамида жонсизлантиришни тадқиқ қилиш // Ж. Тўқимачилик муаммолари. 2006.-№1.
- [6]. Раҳимов А.Ю., Сулаймонов Ш.А., Исроилов Ж.А. Пиллани сақлаш ва чувиллиш хусусиятларини яхшилаш// Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини, истикболлари Республика илмий-амалий конференция. - Андижон. - 2011 йил. - Анд.МИИ.

УДК 628.28

ҚАТТИҚ ЗАРРАЧАЛАРНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ГИДРАТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИДАГИ ҲАРАКАТИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

У.Р. Чоршанбиев, А. Ибадуллаев, А.Р. Бабаев, Б.Б. Кахаров

*Тошкент давлат транспорт университети
(Қабул қилинди. 23.03.2023 й.)*

Ушбу мақолада гидроаралашма таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг ҳаракати жараёнида қувурларнинг гидравлик ҳисоблари, қаттиқ заррачаларни модификациялашнинг гидротранспорт тизимларига таъсири ўрганилган. Қаттиқ заррачалар йириклигининг оқим тезлигига, босим йўқотилишига таъсири, қаттиқ заррачаларнинг ички ишқаланиш кучлари таъсири натижасида тезликнинг камайиши, қаттиқ заррачали гидроаралашмалар оқимида ишқаланиш, қаршилиқ кучлари таъсири натижасида босим йўқотилиши, қувурда кузатиладиган ички коррозия жараёни, энергия сарфини ортишининг модификациялашдан аввалги ва кейинги ҳолати рудаларни қазини ва қайта ишлаш заводларида фойдаланилаётган гидротранспорт тизимлари мисолида таҳлил қилинган. Гидроаралашма оқимидаги қаттиқ заррачалар ҳаракати туфайли тезлик камайиши ва босим йўқотилиши муаммоларини модификация усули орқали ечиши бўйича тавсиялар берилган. Қаттиқ заррачаларнинг қувурдаги модификациялашдан аввалги ва кейинги ҳаракати таққослаш графиклари орқали кўрсатиб ўтилган. Модификатор сифатида танланган госсипол смоласи ҳақида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: *Қаттиқ заррача, ишқаланиш кучи, нисбий тезлик, госсипол смоласи, модификация, гидротранспорт, гидроаралашма, босим, қаршилиқ кучи.*

В данной статье исследуются гидравлические расчеты труб при движении твердых частиц в гидросмеси, влияние модификации твердых частиц на гидравлические транспортные системы. Влияние размера твердых частиц на расход, потери давления, снижение скорости из-за действия сил внутреннего трения твердых частиц, трение в потоке гидросмесей с твердыми частицами, потери давления из-за действия сил сопротивления, внутренняя коррозия процесс, наблюдаемый в трубе, состояние до и после модификации увеличения энергозатрат при добыче руды и анализируется на примере гидротранспортных систем, используемых на обогатительных фабриках. Даны рекомендации по решению задач снижения скорости и потерь давления за счет движения твердых частиц в потоке гидросмеси методом модифицирования. Поведение твердых частиц в трубе до и после модификации показано на сравнительных графиках. Приведены сведения о госсиполовой смоле, выбранной в качестве модификатора.

Ключевые слова: *твердая частица, сила трения, относительная скорость, госсиполовая смола, модификация, гидротранспорт, гидроперемешивание, давление, сила сопротивления.*

In this article, the hydraulic calculations of pipes during the movement of solid particles in the hydraulic mixture, the effect of modification of solid particles on hydraulic transport systems are studied. Effect of solid particle size on flow rate, pressure loss, reduction of speed due to the effect of internal friction forces of solid particles, friction in the flow of hydromixes with solid particles, pressure loss due to the effect of resistance forces, the internal corrosion process observed in the pipe, the state before and after the modification of the increase in energy consumption in ore mining and analyzed on the example of hydraulic transport systems used in processing plants. Recommendations are given for solving the problems of velocity reduction and pressure loss due to the movement of solid particles in the hydromix flow through the

modification method. The behavior of solid particles in the pipe before and after modification is shown by comparison graphs. Information on gossypol resin selected as a modifier is given

Key words: Solid particle, frictional force, relative velocity, gossypol resin, modification, hydrotransport, hydromixing, pressure, drag force.

Кириш.

Тоғ-кон саноати ва қурилиш жараёнларида қаттиқ хомашёларни узлуксиз тарзда етказиб беришнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, энг қулай усули гидротранспорт ҳисобланади, гидротранспорт жараёнида қаттиқ хомашё гидроаралашма ҳолатида узатилади, узатилаётган гидроаралашма таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг оқимга таъсирини ўрганиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Олиб борилган изланишлар натижаси шуни кўрсатдики гидротранспортнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга гидроаралашма таркибидаги қаттиқ заррачаларнинг гидротранспорт тизимлари ишчи қурилмаларига таъсирини камайтириш орқали эришилади [1]. Гидроаралашмаларнинг гидротранспортида қаттиқ заррачаларнинг ҳаракати таъсирида технологик тизимлар ва машиналарнинг ишқаланиш ошиши ҳисобига едирилиши ва тез ишдан чиқиши кузатилади, бундан ташқари гидроаралашма оқимидаги қаттиқ заррачалар миқдорининг ошиши гидравлик қаршилиқнинг ошишига олиб келади. Натижада гидротранспорт жараёнида энергия сарфи ва босим йўқотилиши ортади. Қаттиқ заррачаларни модификациялаш орқали гидротранспорт тизимлари технологик тизимлар ва машиналарнинг едирилишини, гидравлик қаршилиқларни, энергия сарфи ва босим йўқотилишини камайтириш ишнинг вазифаси ҳисобланади [2-3].

Қаттиқ заррачаларни модификациялаш орқали ҳаракати давомида оқимга, гидротранспорт тизимларига бераётган таъсири ўрганилди, ишқаланиш, едирилиш, босим йўқотилиши, энергия сарфи ва оқим тезлиги бўйича ўзгаришлар таққосланади. Модификацияланган қаттиқ заррачаларнинг гидроаралашма оқимидаги ҳаракатининг оқим режимига таъсири ҳисобланди.

Юқоридагиларни эътиборга олиб бу мақолада металлургия саноати чиқиндиларининг гидротранспортга модификациялаш усулининг таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган [4, 5].

Тадқиқот объекти ва методи.

Тадқиқот объекти металлургия заводининг чиқиндилари бўлиб, модификатор сифатида ёғ-мой заводининг ишлаб чиқаришдан олинган қолдиғи госсипол смоласидан фойдаландик.

Тадқиқот ишида модификацияланган қаттиқ заррачаларнинг ҳаракатини ўрганишда “ГОСТ 32388-2013 Қувурўтказгичлар технологияси, Чидамлилик, тебраниш ва сейсмик таъсирларни ҳисоблаш нормалари ва методлари” да белгиланган параметр кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Модификацияланган қаттиқ заррачалар ҳаракатининг гидравлик қаршилиқларга, босим йўқотилиши ва энергия сарфига таъсирини ҳисоблашда Навье-Стокс методидан фойдаланилади, Навье-Стокс методидан гидроаралашма оқимида қаттиқ заррачалар ҳаракатини, ковшқоқликни оқим тезлигини аниқлашда кенг қўлланилди. Қаттиқ заррачалар ҳаракатининг гидротранспорт тизимларига бераётган деформацияси, заррачаларнинг муаллақ ҳолатида Архимед қонунига бўйсиниши ва кучланиш ҳолатида бўлишини аниқлашда графо-аналитик методдан фойдаланилди [6,7].

Тадқиқот натижалари.

Қаттиқ заррачалар ҳаракати давомида рудаларни қазий ва қайта ишлаш заводларида фойдаланилаётган гидротранспорт тизимларидаги юқори оқим тезлигида фаза тезлиги амалда мувозанатланади. Гидроаралашма оқимидаги қаттиқ заррачаларга таъсир қилувчи кучларни таҳлил қилиш натижасида нисбий тезлик формуласи қуйидагича аниқланди [8].

$$v = v_m - v_s = \sqrt{\frac{\pi \cdot d \cdot g}{6 \cdot \psi_r \cdot \rho_l} * \left(\frac{\rho_s - \rho_l}{\rho_l} \right) - (k' - v_m)^2} \quad (1)$$

бу ерда v_m – гидроаралашманинг ўртача оқим тезлиги, м/с; v_s – қаттиқ заррачалар тезлиги, м/с; ψ_r – гидроаралашма оқимининг қаршилик коэффиценти; d – қаттиқ заррачалар диаметри, м; ρ_s, ρ_l – мос равишда қаттиқ заррачалар ва оқимдаги гидроаралашма зичлиги, кг/м³; (бу ерда гидроаралашманинг зичлиги сувнинг зичлиги ρ_w га тенг эмас, чунки қаттиқ заррачалар таркибининг ҳисобига сув билан гидроаралашмалар зичлиги фарқ қилади); $k' = \frac{U_m}{v_m} = 0,05-0,08$ – пропорционаллик коэффиценти; U_m – Гидроаралашма оқимининг ўртача вертикал тезлигининг таркибий қисми. Гидроаралашма оқимида қаттиқ заррачалар зичлиги, қувур бўйлаб тарқалиши, нисбий тезликлари, қаршиликлари оқимнинг ҳаракат динамикасига таъсир кўрсатиши кузатилди [9, 10].

Модификациялаш натижасида, қаттиқ заррачаларнинг фазалараро ишқаланиш коэффиценти камайиб боради, чунки қаттиқ заррачаларнинг тезлиги суюқлик тезлигига яқинлашади. Бу жараён қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$\frac{\rho_s - \rho_w}{\rho_w} > \frac{\rho_s - \rho_l}{\rho_l} \quad (2)$$

Бу ерда: ρ_w – Сув зичлиги, кг/м³.

Фазалараро тезликнинг қийматига таъсир қилувчи муҳим параметр қаттиқ заррача шаклининг коэффиценти - b бўлиб, гидроаралашманинг қаршилик коэффицентини қиймати ψ_r ни белгилайди.

$$b = \frac{w_p}{f_{\min} - l_{\min}} \quad (3)$$

бу ерда w_p – қаттиқ заррача ҳажми, м³; f_{\min} – қаттиқ заррачанинг минимал юзаси, м²; l_{\min} – қаттиқ заррачанинг минимал узунлиги, м.

Қаттиқ заррачаларни модификациялаш натижасида қувурнинг ички сиртига гидродинамик таъсири камайди, лекин қаттиқ заррачалар орасидаги умумий механик ишқаланиш кучайди. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, қаттиқ фазанинг нисбий тезлиги учун қуйидаги формула қўлланилди:

$$v = \sqrt{\frac{\pi \cdot d \cdot g}{6 \cdot \psi_r \cdot \rho_l} \cdot \frac{\rho_s}{\rho_l} \cdot \left(\frac{\rho_s - \rho_l}{\rho_l} \right) + (1 - f \cdot k) - (k' \cdot v_m)^2} \quad (4)$$

Бу ерда $f=0,1 - 0,6$ қатламлараро ишқаланиш коэффиценти, k - қаттиқ заррачаларнинг тўқнашув эҳтимолини ҳисобга олувчи коэффицент [11, 12].

Қаттиқ заррачаларнинг нисбий тезлиги уларнинг оқимдаги ҳаракат хусусиятини белгилайди, шунинг сабабли унинг қиймати гидравлик қаршилик қийматига таъсир қилади ва ўртача тезлик қийматлари билан белгиланади.


$$v = \bar{v} + v' \quad (5)$$

Бу ерда v -нисбий тезлик, $\bar{v} \geq 0$ – нисбий тезликнинг ўртача қиймати, $v' \neq 0$ – нисбий тезликнинг пулсация компоненти.

Шунга кўра, заррачалар ва улар атрофида оқибатган суюқлик ўртасидаги ўзаро таъсир кучини кучларнинг йиғиндиси сифатида ифодаланди:

$$p = \bar{p} + p' \quad (6)$$

Қаттиқ заррачаларнинг ҳаракатини ўрганишда (4) ва (5) формулалардан аниқлаш мумкин, қаттиқ заррачаларнинг ҳаракатида ишқаланиш ортган сари тезлик камайиб кузатилди, модификацияланган қаттиқ заррачаларнинг ҳаракати билан таққослаганимизда ишқаланиш кучи таъсир этаётган модификацияланган қаттиқ заррачаларнинг тезлиги ортиши бўйича экспериментал натижалар олинди (1-расм).



1-расм. ишқаланиш кучлари таъсирида қаттиқ заррачалар тезлигининг камайиши.

Гидроаралашманинг ҳажмига тааллуқли ташқи кучлар ва x, y координаталар системасида уларни мувозанатлаштирувчи ҳаракатга қаршилик кучлари ўртасидаги динамик мувозанат тенгламаси (x - ҳаракат йўналишига тўғри келадиган координата, y - оқимнинг вертикал координатаси) қуйидаги кўринишга эга:

$$p = p_w + p_{min} + p_{max} \quad (7)$$

Бу ерда: $p = \pi r^2 L \frac{dp}{dx}$ - ташқи таъсир этувчи куч; $\frac{dp}{dx}$ - ҳаракат йўналиши бўйича босим градиенти, $p_w = 2\pi r L \tau_w$ - турбулент ҳаракат туфайли қаршилик кучи, τ_w - гидроаралашма оқимининг турбулент ҳаракатидан келиб чиққан қувур линияси деворидаги деформация кучланиши; $p_{min} = 2\pi r L \tau_{min}$ - гидроаралашма оқимида кичик заррачалар мавжудлиги сабабли қаршилик кучи, p_{max} - суюқлик атрофидаги қатта зарралар оқими натижасида юзага келадиган қаршилик кучи, бу қиймат қуйидаги формула орқали аниқланди:

$$p_{max} = gL \int_0^D c_v (\rho_s - \rho_w) \frac{d'_0}{d_s} D \left[1 - \left(1 - \frac{y}{r} \right)^2 \right]^{0.5} dy \quad (8)$$

Юқори концентрацияли турли фраксияли гидроаралашмалар учун қаршилик кучлари гидроаралашмани ўта тўйинган қатламнинг қўшни оқим қатламларига нисбатан ишқаланиши туфайли кўпроқ бўлади, яъни:


$$p = p_w + p_{min} + p_{max} + p_b \quad (9)$$

Бу ерда: $p_b = 0,9gf c_b (\rho_s - \rho_w) \left(\frac{S_b}{S} \right) L \pi r^2$ - чўкувчан қатламнинг модификацияланган қаттиқ заррачалар ҳаракатига қаршилик кучи, S_b - чўкувчан қатламнинг кўндаланг кесим юзаси, S - гидроаралашма оқимининг кўндаланг кесим юзаси, c_b - оқимнинг чўкувчан қатламидаги қаттиқ заррачаларнинг ҳажм концентрацияси, f - қувурнинг деворларига қаттиқ заррачаларнинг ишқаланиш коэффициенти [5, 6].

Динамик мувозанат тенгламасидан гидроаралашма оқимининг босим йўқотилиши қуйидагича аниқланди:


$$i_h = \frac{1}{\pi r^2 \rho h g} \frac{dp}{dx} = \frac{p}{\pi r^2 L g \rho h} \quad (10)$$

Қаттиқ заррачаларнинг ҳаракати давомида ҳосил бўладиган қаршилик кучлари ва бу кучлар таъсирида босим йўқолишининг боғлиқлик формуллари юқорида кўриб ўтилди, бу формулаларнинг экспериментал ечимларидан маълум бўлдики қувур узунлиги бўйича гидроаралашма зичлиги, қувур юзаси ва оқимнинг мавжуд босими туфайли қаршилик кучи ортган сари босим йўқотилиши ҳам ортиб бориши аниқланди (2-расм).



2-расм. Қаршилик кучи таъсирида босим йўқотилиши.

Қаттиқ заррачалар ҳаракати давомида оқимнинг тезлигига, босимига, энергия сарфига ва қувурнинг ички деворларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Модификациялаш натижасида ички ишқаланиш кучларининг таъсири камайиши орқали оқим тезлиги (1-расм) ортди, қаршилик кучларининг таъсиридаги босим йўқотилиши (2-расм) камайди.



а) модификацияланмаган қаттиқ заррачаларнинг қувурдаги ҳаракати,
 б) модификацияланган қаттиқ заррачаларнинг қувурдаги ҳаракати.

3-расм. Қаттиқ заррачаларнинг қувурдаги ҳаракати.

ишқаланиш ва қаршилик кучлари таъсири камайиши кузатилди. Қуйидаги расмда қаттиқ заррачаларнинг модификацияланишидан аввалги ва кейинги ҳолатини таққослаш мумкин (3-расм).

Қаттиқ заррачалар модификациялангандан сўнг гидроаралашма оқимида тезлик ортиши, босим йўқотилишининг камайиши натижасида энергия сарфи камайди, гидротранспорт тизимларида ишқаланиш камайиши туфайли фойдаланиш муддати ошиши аниқланди [4, 12-15].

Хулоса. Қаттиқ заррачаларнинг гидротранспорт тизимларида ички юзаларга ишқаланиши, турбулент режимда тартибсиз ҳаракати натижасида оқим тезлиги камайиши, қаршилик кучлари туфайли босим йўқотилиши, қаттиқ заррачаларнинг чўкувчанлиги туфайли энергия сарфи ортиши каби муаммолар аниқланди, натижада гидротранспорт

тизимларида оқим тезлигини ошириш, босим ва энергия йўқотилишини камайтириш, иш унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, фойдаланиш муддатини узайтириш асосий вазифалар ҳисобланди. Модификация жараёнида гидроаралашма оқимида модификацияланган қаттиқ заррача тезлиги суюқлик тезлигига яқинлашишини аниқлаш формуласи (2), босим ва энергия йўқотилиши, қувурнинг тури ва ички ишқаланиш коэффициентларини ҳам ҳисобга олинган ҳолда динамик мувозанат тенгламасидан гидроаралашма оқимининг босим йўқотилишини аниқлаш формуласи (10) ва модификациялашдан кейинги тезлик ва босим ўзгаришлари графиклари яратилди. Натижада қаттиқ заррачаларнинг гидротранспорт тизимларидаги ҳаракатида модификациялаш гидротранспорт жараёнининг самарадорлигини ошириш ва жараён муаммоларини ҳал қилишда асосий рол ўйнаши кўрсатилди.

Адабиётлар

- [1]. Антонов В.А. и др. Техника и экономика непрерывного транспорта на горных предприятиях. М., "Недра", 1967.
- [2]. Баренблат Г.И. О движении взвешенных частиц в турбулентном потоке. "Прикладная математика и механика", т. 19, 1958.
- [3]. Покровская В.Н. Пути повышения эффективности гидротранспорта. Сб. "Гидродобыча угля". ЦНИИТЭИ угля, 1968, № 5.
- [4]. Chorshanбиеv Umar, Ibadullaev Akhmadjan, Babaev Askar, Kurbanov Sultanmurod\\ Theoretical analysis of reduction of pressure and energy loss due to pipe friction through modification of dispers systems\\ Universum: технические науки\\ 8-3 (101). 2022. 6 с
- [5]. Rakhimov, K., Babaev, A., Chorshanбиеv, U., & Obidjonov, A. (2021). Modification of dispersion systems and its motion in cylindrical pipes. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 264, p. 03026). EDP Sciences.
- [6]. Александров Виктор Иванович. Снижение энергоёмкости гидравлического транспортирования гидросмесей при высоких концентрациях твердой фазы//диссертация. 358 с. Санкт-Петербург 2000
- [7]. Великанов М.А., Михайлова Н.А. Влияние крупномасштабной турбулентности на пульсацию мутности. Изв. АН СССР, серия геогр. и геофиз., 1950, т. XIV , № 5.
- [8]. И.Гончаров В.Н. Основы динамики русловых потоков.Л. Гидрометеиздат, 1954. 288
- [9]. Покровская В.Н. Исследование процесса транспортирования гидросмесей высокой консистенции. Сб. "Гидродобыча угля", ЦНИИТЭИ угля, 1968.
- [10]. Чоршанбиев, У. Р., Ибадуллаев, А., Бабаев, А. Р., & Махкамов, Д. А. У. (2022). дисперс системалар ковушқоклигининг гидротранспорт тизимларидаги ишчи қурилмаларга таъсирини ҳисоблаш. *academic research in educational sciences*, 3(tstu conference 1), 678-681.
- [11]. Teshabayeva, E., Ibadullayev, A., Chorshanбиеv, U., & Vapayev, M. (2022, June). Modification of composite elastomeric materials for polyfunctional purposes. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030082). AIP Publishing LLC.
- [12]. Покровская В.Н. Пути повышения эффективности гидротранспорта. Изд-во "Недра", 1972.
- [13]. Ibadullaev, A., Teshabayeva, E., Kakharov, B., & Babaev, A. (2022, June). Elastomeric materials based on new ingredients. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 030021). AIP Publishing LLC.
- [14]. Тешабаева, Э. У., Вапаев, М. Д., & Ибадуллаев, А. (2016). Модификация минеральных наполнителей и их влияние на свойства резин. *Austrian Journal of Technical and Natural Sciences*, (3-4), 125-128.
- [15]. Chorshanбиеv, U. (2022). dispers sistemali gidroaralashmalarni organik moddalar bilan modifikatsiyalash orqali quvurlarning ichki korroziyasi va ishqalanish qarshiligini kamaytirish. me'morchilik va qurilish muammolari.

УДК 631.3

ИЗУЧЕНИЕ СЕПАРАЦИИ ПОЧВЫ, КАК СЛУЧАЙНЫЙ МАРКОВСКИЙ ПРОЦЕСС

Н.Г. Байбобоев¹, А.Л. Муминов², Х.Т. Рахманов²

¹Наманганский инженерно-строительный институт,

²Кокандский государственный педагогический университет.

ngbayboboev@gmail.com, +998975945770,

azamsher1983@gmail.com, +998939417020, Hrt@gmail.com, +998916844973.

(Получена 1.04.2023 г.)

В работе крошение сепарации почвы с рыхлительными барабанами на прутковых

элеваторах почвообрабатывающих машин изучались как случайный процесс. Для вычисления числовые характеристики случайного процесса крошения и сепарации почвы разработаны вероятностную модель этого процесса, отражающую действие основных случайных факторов.

Предложенная вероятностная модель процесса крошения и сепарации почвы позволяет с единых позиций проанализировать этот процесс при полной и неполной загрузке пруткового элеватора с почвами.

Ключевые слова. почва, крошения, сепарация, математический модель, случайный процесс, элеватор.

In the work, crumbling of soil separation with loosening drums on bar elevators of tillage machines was studied as a random process. To calculate the numerical characteristics of the random process of crumbling and separating the soil, a probabilistic model of this process has been developed that reflects the action of the main random factors.

The proposed probabilistic model of the process of crumbling and separating the soil makes it possible to analyze this process from a unified standpoint with full and incomplete loading of a rod elevator with soils.

Keywords. soil, crumbling, separation, mathematical model, random process, elevator.

Ishda annotatsiya, ishlov berish mashinalarining bar elevatorlarida tuproqni bo'shatish barabanlari bilan parchalanishi tasodifiy jarayon sifatida o'rganildi. Tuproqni maydalash va ajratishning tasodifiy jarayonining raqamli xususiyatlarini hisoblash uchun ushbu jarayonning asosiy tasodifiy omillar ta'sirini aks ettiruvchi ehtimollik modeli ishlab chiqilgan.

Tuproqni maydalash va ajratish jarayonining tavsia etilgan ehtimollik modeli bu jarayonni novdali elevatorni tuproq bilan to'liq va to'liq yuklanmagan holda tahlil qilish imkonini beradi.

Kalit so'zlar. Tuproq, parchalanish, ajratish, matematik model, tasodifiy jarayon, элеватор.

Введение

Несмотря на большое число исследований [1,2,3,4,5,6] по сепарации почвы и сыпучих материалов на сепарирующих рабочих органов сельскохозяйственных машин остаются недостаточно изученным многие вопросы в виду сложности процессов и разнообразия сопровождающих их явлений. На наш взгляд, применительно к процессу сепарации почвы на прутковых элеваторах оснащенных рыхлительными барабанами почвообрабатывающих машин, требует дополнительных исследований такие явление как: изменение высоты слоя почвы подлине сепаратора, неоднородность почвенного слоя как по длине элеватора, так и по высоте слоя, разрушение почвенных комков интенсифицирующими процесс сепарации рабочими органами, установленными прутковым плотном. Кроме того в настоящее время отсутствует математическая модель процесса сепарации почвы, которая бы позволила с единых позиции описать процесс на всей длина сепарирующих рабочих органов, т.е. при полной и неполной нагрузке их.

Поэтому целью настоящей работы являются разработка математической модели закономерностей процесса крошения и сепарации почвы на прутковом элеваторе при полном и неполном загрузки их с почвами.

Материалы исследований.

Крошение и сепарацию почвы на прутковом элеваторе картофелеуборочного комбайне следует рассматривать как случайный процесс, протекание которого зависит от ряда случайных факторов. Для математического описание этого процесса может быть применен, разработанный в теории вероятностей, аппарат марковский случайный процесс [7,8].

Случайный процесс, протекающий в физической системе, называется марковским (или «процессом без последствие»), если он обладает следующим свойством: для каждого момента времени t_0 вероятность любого состояние системы в будущем (при $t > t_0$) зависит только от ее состояние в настоящем (при $t = t_0$) и не зависит от того, когда каким образом система пришла в это состояние (т.е. как развивался в процесс в прошлом) [7].

Для того чтобы вычислить числовые характеристики случайного процесса крошения и сепарации почвы на прутковом элеваторе, необходимо построит вероятностную модель этого процесса, отражающую действие основных случайных факторов.

Почвенный комок, поступивший на прутковый эlevator, в зависимости от своего размера и места расположения относительно поверхности элеватора может находиться в различных состояниях. На рисунке 1 изображена геометрическая схема или иначе граф состояний почвенного комка при полной загрузке пруткового элеватора.

Стрелками на графе показаны возможные переходы почвенного комка из одного состояния в другое. Состоянию M_p соответствует нахождение почвенного комка мелкой или проходной фракции (размером менее 25 мм), а K_p - комка крупной фракции почвы непосредственно расположенное на поверхности пруткового элеватора. Аналогично, состояниям M_c и K_c соответствует нахождение почвенных комков проходной и непроходной фракций в верхнем почвенном слое элеватора. В состоянии Q находится почвенный комок мелкой фракции, просеивавшийся между прутками элеватора.




Рис. 1. Граф возможных состояний почвенного комка при полной загрузке элеватора.

Переход почвенного комка из одного состояния в другое может происходить в любой момент времени. Для описание такого процесса может быть применена схема марковского случайного процесса с дискретными состояниями и непрерывным временем [7]. Присвоим каждому возможному состоянию почвенного комка (рис.1.) порядковый номер $i = 1, \dots, 5$ и обозначим $p_i(t)$ - вероятность того, что в момент времени t выбранный для рассмотрения почвенный комок находится в состоянии S_i . Очевидно, что для любого момента времени t сумма вероятностей состояний равна 1

$$\sum_{i=1}^5 p_i(t) = 1 \quad (1)$$

Для того, чтобы найти для любого момента времени t вероятность состояний $p_1(t), p_2(t), p_3(t), p_4(t), p_5(t)$ необходимо знать интенсивности или иначе плотность вероятностей переходов почвенных комков λ_{ij} . Плотностью вероятности перехода λ_{ij} называется предел отношения вероятности перехода почвенного комка за время Δt из состояния S_i в состояние S_j к длине промежутка времени Δt

$$\lambda_{ij} = \lim_{\Delta t \rightarrow 0} \frac{P_{ij}(\Delta t)}{\Delta t} \quad (2)$$

где $P_{ij}(\Delta t)$ - вероятность того, почвенный комок, находившийся в момент времени t в состоянии S_i , за время Δt перейдет в состояние S_j .

Результаты исследований и обсуждения

Поставив интенсивности переходов λ_{ij} стрелок графа состояний почвенного комка (рис.1.), получим размеченный граф состояний. Интенсивности переходов почвенных комков имеют следующий физический смысл:

- v_c, v_p - интенсивности разрушения крупных комков соответственно в верхнем и нижнем почвенных слоях;
- λ_m, λ_k - интенсивности переходов почвенных комков соответственно мелкой и крупной фракции из верхнего почвенного слоя на поверхность пруткового элеватора;
- λ_p - интенсивность сепарации почвенных комков мелкой фракции между прутками элеватора.

Если известны все интенсивности переходов, то для вероятностей состояний

почвенного комка $p_i(t)$ может быть записана система дифференциальных уравнений Колмогорова[7]:

$$\begin{cases} \frac{dp_1}{dt} = \lambda_p p_2, \\ \frac{dp_2}{dt} = \lambda_M p_4 + \nu_p p_3 - \lambda_p p_2, \\ \frac{dp_3}{dt} = \lambda_K p_5 - \lambda_p p_3, \\ \frac{dp_4}{dt} = \nu_c p_5 - \lambda_M p_4, \\ \frac{dp_5}{dt} = -\nu_c p_5 - \lambda_K p_5, \end{cases} \quad (3)$$

Начальные условия берутся в зависимости от того, в каком состоянии находился в начальный момент времени рассматриваемый почвенный комок. Кроме того, к системе дифференциальных уравнений может быть добавлено условие (1), которое позволяет исключить из системы одно из уравнений. Правило составления дифференциальных уравнений может быть сформулировано следующим образом.

В левой части каждого уравнения стоит производная вероятности состояния почвенного комка, а правая часть содержит столько членов, сколько стрелок графа связано с данным состоянием. Если стрелка направлена из состояния, соответствующий член имеет знак «минус», если в данное состояние, - то «плюс». Каждый член равен произведению интенсивности перехода, соответствующей данной стрелке, умноженной на вероятность того состояния, из которого исходить стрелка.

Переходы почвенного комка из одного состояния в другое происходит под действием потоков событий. Поток событий называется последовательность однородных событий, следующих одно за другим в какие-то случайные моменты времени. Например, разрушение почвенного комка, т.е. переход из состояния K_c в состояние M_c происходит под действием потока соударений с другими комками. Переход почвенного комка проходной фракции из верхнего слоя в нижний (из состояния M_c в состояние M_p) происходит при появлении «вакансий» в нижнем почвенном слое вследствие сепарации почвы.

Если поток событий, вызывающий переход почвенного комка из одного состояния в другое, не имеет после действия, ординарен и стационарен, то он называется стационарным пуассоновским потоком. Для такого потока интенсивность λ_{ij} (среднее число событий в единицу времени) не зависит от времени

$$\lambda_{ij} = const$$

Для нестационарного пуассоновского потока событий интенсивность есть функция времени

$$\lambda_{ij} = f_{\lambda}(t).$$

где W_0 - общая подача почвы на прутковый элеватор.

Интенсивности переходов почвенных комков λ_{ij} , в общем случае, также являются случайными функциями, так как зависят от случайных величин. Например, интенсивности переходов почвенных комков проходной и непроходной фракции из верхнего почвенного слоя на поверхность элеватора λ_M и λ_K зависят от наличия «вакансий» в нижнем слое. Интенсивность сепарации почвенных комков между прутками элеватора λ_p зависит от количества непроходных комков в нижнем почвенном слое, затрудняющих процесс сепарации, т.е. от величины подачи K_p . Для того, чтобы записать систему дифференциальных уравнений для математических ожиданий подач, аналогичную систему

уравнений (3), при учете того, что интенсивности переходов являются случайными функциями соответствующих подач, необходимо воспользоваться принципом квазирегулярности [8]. Который для процесса крошения и сепарации почвы на прутковом элеваторе можно сформулировать следующим образом: интенсивности переходов почвенных комков из одного состояния в другое зависят не от самых случайных подач, а от их математических ожиданий. При этом погрешность, с которой уравнения динамики средних будут изображать процесс крошения и сепарации почвы, уменьшается с увеличением величины общей подачи почвы W_0 и с приближением к линейным функциям, выражающих зависимости интенсивностей переходов почвенных комков от математических ожиданий соответствующих подач.

Для описания математическое ожидание и остальных числовых характеристики, будем найти вероятности распределения. Для того чтобы найти решения система (3) будем использовать начальное условие

$$p_1(0) = p_2(0) = p_3(0) = p_4(0) = 0 \text{ и } p_5(0) = 1.$$

Тогда финальные вероятности состояний выражаются формулами:

$$\begin{aligned} p_5(t) &= e^{-(v_c + \lambda_k)t}, \\ p_4(t) &= \frac{v_c}{\lambda_m} e^{-(v_c + \lambda_k)t}, \\ p_3(t) &= \frac{\lambda_k}{\lambda_p} e^{-(v_c + \lambda_k)t}, \\ p_2(t) &= \frac{v_c \lambda_p + v_p \lambda_k}{\lambda_p^2} e^{-(v_c + \lambda_k)t}, \\ p_1(t) &= \frac{v_p \lambda_k + \lambda_p v_c}{\lambda_p v_c + \lambda_p \lambda_k} e^{-(v_c + \lambda_k)t}. \end{aligned}$$

которое можно сформулировать так: вероятность любого состояния приведенная в схеме равна отношения интенсивностей, умноженной на экспоненциальному функции.

Если процесс описывается схемой гибели которое приведено выше, то можно записать дифференциальные уравнения для математического ожидания и дисперсии случайной функции $X(t)$ — числа единиц в системе в момент времени t [9]:

$$\frac{dm_x(t)}{dt} = \lambda_p p_1(t) + (\lambda_m + v_p - \lambda_p) p_2(t) + (\lambda_k - v_p) p_3(t) + (v_c - \lambda_m) p_4(t) - (\lambda_k + v_c) p_5(t) \quad (4)$$

$$\begin{aligned} \frac{dD_x(t)}{dt} &= [2\lambda_p - \lambda_p m_x(t) + 2(\lambda_m + v_p - \lambda_p) - (\lambda_m + v_p - \lambda_p) m_x(t) + \\ &+ 2(\lambda_k - v_p) - (\lambda_k - v_p) m_x(t) + 2(v_c - \lambda_m) - (v_c - \lambda_m) m_x(t) - 2(\lambda_k + v_c) + (\lambda_k + v_c) m_x(t)]. \quad (5) \end{aligned}$$

Введем отклонения $\sigma_x(t) = \sqrt{D_x(t)}$. При достаточно больших значениях $m_x(t)$ ($m_x(t) > 20$) и выполнении условия $0 < m_x(t) \pm 3\sigma_x(t) < 5$ можно приближенно полагать, что сечение случайной функции $X(t)$ представляет собой нормальную случайную величину с параметрами $m_x(t)$, $\sigma_x(t)$, полученными решением уравнений (4) и (5).

Выводы

1. Предложенная вероятностная модель процесса крошения и сепарации почвы позволяет с единых позиций проанализировать этот процесс при полной и неполной загрузке пруткового элеватора .
2. Полученные зависимости математического ожидания и среднеквадратического отклонения полноты сепарации почвы по длине элеватора дают возможность указать диапазон практически возможных значений полноты сепарации почвы.

3. Вероятностная модель процесса крошения и сепарации почвы позволяет учесть воздействие встряхивающих и других интенсифицирующих рабочих органов на процесс сепарации почвы.

Список литературы

- [1]. Байбобоев, А. Н., Кодиров, С. Т., Акбаров, Ш. Б., Гоипов, У. Г. Хамзаев, А.А. Расчёт технологического процесса сепарации почвы с рыхлительным барабаном //Комплексный подход к научно-техническому обеспечению сельского хозяйства. – 2019. – С. 60-64.
- [2]. N. G. Bayboboev, U. G. Goyipov, A. X. Hamzayev, S. B. Akbarov, и A. A. Tursunov, «Substantiation and calculation of gaps of the separating working bodies of machines for cleaning the tubers», в IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2021, т. 659, вып. 1, с. 12022.
- [3]. Bayboboev, N. G., Muxamedov, J. M., Goyipov, U. G., Akbarov, S. B. Design of small potato diggers //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1010. – №. 1. – С. 012080.
- [4]. N. G. Bayboboev, U. G. Goyipov, X. X. Nishonov, and others, «Justification of the cinematic parameters of the oscillating lattice of potato harvesters», Am. J. Eng. Technol., т. 2, вып. 08, сс. 7–18, 2020.
- [5]. Гойипов У. Г., Байбобоев У. Н., Алихонов А. А., Мамадалиев А. М. Обоснование режима работы упругофрикционного сепаратора картофелекопателя кст-1, 4 //Механика ва технология илимий журнали. – 2021. – №. 1. – С. 89.
- [6]. Bayboboev, N. G., Goyipov, U. G., Tursunov, A. A., Akbarov, S.B. Calculation of the chain drum with elastic fingers of potato harvesting machines //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2021. – Т. 845. – №. 1. – С. 012133.
- [7]. Вентцель Е.С., Овчаров Л.А. Теория вероятностей. //Москва “Наука ”-1969, 319-326 стр.
- [8]. Боев В.Д., Сыпченко Р.П. Компьютерное моделирование// Рязанский государственный радиотехнический университет “Наука ”- 46-49 стр.
- [9]. Вентцель Е.С., Овчаров Л.А. Задачи и упражнения по теории вероятностей. //Москва “Академия ”-2003, 318-360 стр.

УДК 621.383.8:621.315.592

**ИССЛЕДОВАНИЕ СТЕПЕНИ ВЛИЯНИЯ ТЕПЛОПРОВОДНОГО
ВКЛЮЧЕНИЯ НА ТЕПЛОЗАЩИТНЫЕ СВОЙСТВА ОГРАЖДАЮЩИХ
КОНСТРУКЦИЙ**

М.К. Турдалиева

Ташкентский Международный Университет Киме

(Получена 27.03.2023 г.)

With an increase in the level of thermal protection of buildings, one of the most important tasks is to reduce the influence of heat-conducting inclusions by optimizing the design solution of the cornice node, which allows to exclude condensation on the inner surfaces of enclosing structures. to increase their thermal protection of the building.

Keywords: *thermal conductive inclusion, thermal protection, condensate, heat flow, thermal bridge, thermal conductivity coefficient, temperature field, specific heat loss.*

UMTS (*Universal Mobile Telecommunications System*) — Yevropa telekommunikatsiya standartlari instituti (ETSI) tomonidan Yevropada 3G ni joriy etish uchun ishlab chiqilgan uyali aloqa texnologiyasi. [6]. Sanab o'tilgan uyali aloqa standartlari asosida ishlovchi modemlarning turli hil modellari ko'plab firmalar tomonidan ishlab chiqariladi. Ular bir biridan gabarit jihatdan, energiya sarfi jihatidan, bog'lanish interfeyslari bilan va qabul qilib jo'natgich antenasining quvvati bilan farq qiladi. Yaratilishi ko'zda tutilayotgan peregon signal nuqtalari monitoring ma'lumotlarini simsiz jo'natish qurilmasi uchun modem tanlovida ushbu sanab o'tilgan jihatlar inobatga olinadi. Bundan tashqari tanlovda ushbu modem bilan bo'g'lanish interfeysi orqali ishlovchi sanoat kontrolleri tomonidan o'lchanadigan kattaliklarga ketadigan vaqt parametrlari va shuningdek iqtisodiy omillar ham ishtirok etadi [10-11]. Ishlab chiqilayotgan qurilma uchun sanoat kontrollerini tanlash, qurilma bajarishi lozim bo'lgan vazifalardan kelib chiqib, kontroller tavsiflariga qarab ushbu [ishda batafsil ko'rib chiqilgan [12].

Temiryo'l transportida poyezdlar harakatini boshqarish tizimlarining o'ziga xos xususiyati, bu real vaqt rejimida obyektlar holatini tezkor nazorat qilish zarurati hisoblanadi. Hususan sohaning avtomatika va telemexanika qurilmalari va tizimlariga to'xtalsak, bunday obyektlarga relslar zanjirlari, strelkalar va ularning holatlari, svetoforlar va ikki holatli boshqaruv vositalari kiradi. Peregondagi nazorat qurilmalari orqali temir yo'l avtomatikasi obyektlarini monitoringini amalga oshirishda ularning holatlarini stansiya navbatchisi yoki poezd dispetcheri monitorida tasvirlash uchun ushbu obyektlar holati doimiy so'rovlar amalga oshiriladi. Boshqaruv va nazorat qilish vositalari asosida ma'lumotlar stansiya navbatchisi tablosi, boshqaruv pultlarida va ishchi hodimlarning mobil aloqa qurilmalarida indikatsiya ko'rinishida tasvirlanadi [13-14]. Nazorat qilish obyektlarining ahamiyatini aniqlash nuqtai nazaridan quyidagilarni keltirish mumkin. Signal nuqtasidagi yo'l uchastkalarining bo'shligi yoki bandligi nazorat qiladigan eng muhim datchiklari relslar zanjirlari hisoblanadi. Signal nuqtasidagi obyektlar holatini aniqlashning muhimligi bo'yicha keyingi o'rinlarda svetoforlar, nazorat qilish muhimligi bo'yicha uchinchi o'rinda ikki pozitsiyali nazorat qilish va boshqarish vositalari kirishi mumkin va ularning holatlari haqidagi ma'lumotlar xizmat hodimini habardor qilish uchun jo'natiladi [15-16].

Kompyuter dasturiy ta'minoti yordamida ushbu obyektlarni nazorat qilish usuli avtomatlashtirilganda datchiklarning to'liq so'rovlarini amalga oshirish uchun qancha vaqt talab qilinishini aniqlash kerak. Birinchi navbatda analog qiymatlar o'chanadigan datchiklarning so'rov vaqtlarini hisoblashimiz kerak bo'ladi [17-19]. Bunday analog qiymatlar blok uchastka rels zanjiri yo'l relesi kuchlanishi, ta'minot transformatori kirish va chiqich kuchlanishi, kabellar izolyatsiya qarshiligi va shu kabi obyektlardan olinadi. Masalan, bitta shunday obyektning holatini so'rash uchun T vaqt zarur bo'ladi deb hisoblasak, dasturiy ta'minot orqali ushbu obyekt holatini so'rash vaqtini t_T deb olamiz. Demak, signal nuqtasidagi n ta shunday obyektlarni so'rash uchun umumiy quyidagi T_{ua} vaqt zarur bo'ladi:

$$T_{ua} = t_T \times \sum_{i=1}^m n_i \quad (1)$$

bu yerda m – signal nuqtasidagi analog qiymatlar o‘chanadigan obyektlarning umumiy soni. Xuddi shu tarzda signal nuqtasidagi barcha svetoforlar holatini aniqlovchi datchiklarning umumiy so‘rovlari uchun quyidagi vaqt kerak bo‘ladi:

$$T_{us} = t_T \times \sum_{d=1}^h n_d \quad (2)$$

Ikki pozitsiyali obyektlarning umumiy so‘rov vaqtini (T_{ui}) aniqlash uchun signal nuqtasidagi nazorat qilinadigan relelar ro‘yxati nazarda tutiladi. Ularning umumiy soni peregonada avtobloklash tizimining bir yoki ikki yo‘lli turi qo‘llanilganiga qarab aniqlanadi. Datchik so‘rovlari vaqti quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

$$T_{ui} = t_T \times \sum_{q=1}^f n_q \quad (3)$$

bu yerda f – paneldagi ikki pozitsiyali boshqarish obyektlarining umumiy soniga teng bo‘lgan qiymat.

Signal nuqtasidagi barcha obyektlarning so‘rovlari umumiy vaqti (1), (2) va (3) formulalar natijalari yig‘indisi bo‘lib, u quyidagi formula bo‘yicha aniqlanadi:

$$T_{sn} = T_{ua} + T_{us} + T_{ui} = t_T \times \sum_{i=1}^m n_i + t_T \times \sum_{d=1}^h n_d + t_T \times \sum_{q=1}^f n_q \quad (4)$$

yoki

$$T_{sn} = t_T \times \sum_{i=1}^m \sum_{d=1}^h \sum_{q=1}^f n_i, n_d, n_q \quad (5)$$

(5) formuladan ko‘rinib turibdiki, signal nuqtasidagi barcha obyektlar uchun so‘rovlar vaqtining davomiyligi obyektlar soniga to‘g‘ri proporsional, ya‘ni signal nuqtasida obyektlar qanchalik ko‘p bo‘lsa, qurilmalarining so‘rovlari vaqti shunchalik uzoq davom etadi. Shuning uchun sanoat kontrollerining amallarni bajarish tezligi yuqori bo‘lishi, barcha datchiklardan so‘roqlarni amalga oshirish, shuning bilan birgalikda tarmoq kontrolleri bilan ma‘lumotlar almashishga ulgurish imkoniyatini beradi [20-22]. Monitoring ma‘lumotlarini simsiz jo‘natish qurilmasi uchun tarmoq kontrolleri tanlovida yuqoridagi vaqt mezonlari ham asosiy mezonlari kabi muhim ahamiyat kasb etadi. Quyida turli firmalar tomonidan ishlab chiqarilgan GSM/GPRS modellar tahlil qilinadi.

GSM/GPRS modullarining qiyosiy tahlili

Agar dunyoning modem ishlab chiqarishda yetakchi hisoblangan Siemens, Sony Ericsson, Enfora, Wavecom, Simcom firmalari GSM/GPRS modullarining texnik tavsiflarini tahlil qiladigan bo‘lsak, u holda ushbu firmalar deyarli bir xil asosiy texnik xususiyatlarga ega mahsulotlarni ishlab chiqarishini bilib olamiz [23]. Ushbu modullarning parametrlarining GSM/GPRS standart tavsiflari bir - biriga juda yaqin bo‘lishi mumkin, ammo umumiy o‘lchamlari, vazni va narxlar bo‘yicha sezilarli darajadagi farqlar mavjud. Barcha GSM modullarini quyidagi asosiy guruhlar bo‘lish mumkin:

- faqat GSM-kanal orqali ma‘lumotlarni uzatish bilan har xil arzon uy jihozlari uchun modullar;
- turli mashinalar va jihozlar o‘rtasida GPRS rejimida avtomatlashtirilgan axborot almashish (M2M ilovasi) uchun mo‘ljallangan GSM/GPRS telemetriya modullari.

Har bir guruh ichida turli ishlab chiqaruvchilarning modullari bir-biridan asosan GSM / GPRS modullarining individual o‘ziga xos xususiyatlari va ushbu mahsulotlar uchun eng mos keladigan maxsus vazifalari bilan farqlanadi [24].

Siemens GSM/GPRS modullari. Siemens TC-35i-T *Siemens TC35i* moduliga asoslangan tashqi mustaqil terminaldir (1-rasm, a). TC-35i-T terminali faqat GSM rejimida ma‘lumotlar, SMS va ovozli xabarlarini uzatish uchun mo‘ljallangan. Terminalning korpusi zarbaga chidamli polistiroldan qilingan. Terminal RS-232 (9 kontaktli) aloqa interfeysi, audio interfeysi, quvvat

ulagichi (6 oyoqchali) va antenna chiqishi tashqi ulagichlarga chiqariladi. O'lchamlari 65x74x33 mm. Og'irligi 130 g. Ta'minot kuchlanishi 8 dan 30 V gacha. GPRS standartini qo'llab-quvvatlamaydigan ushbu model bugungi kunda dunyoda taqdim etilgan barcha GSM-terminallarning eng oddiyidir.

Sony Ericsson GSM/GPRS modullari. Ushbu firmaning bu yo'nalishdagi mahsulotlari MDH bozorlarida boshqa kompaniyalarning terminallariga qaraganda kamroq ma'lum. Biroq, o'ziga xos texnik xususiyatlar tufayli Sony Ericsson GSM/GPRS mahsulotlari so'nggi yillarda tobora ommalashib bormoqda. Sony Ericsson mahsulotlari, birinchi navbatda, kengaytirilgan harorat diapazoni, qayta dasturlashtiriladigan foydalanuvchi interfeyslari va M2mPower dasturiy ilovalarini ishlab chiqish muhiti bilan ajralib turadi. Sony Ericsson GT47 GSM 900/1800 tashqi terminali hamda GR47 moduli asosida ishlab chiqilgan GPRS modullariga ega (1-rasm, b) [25]. GT47 terminalining korpusi yuqori ta'sirga ega polistiroidan qilingan. Yon devorlarida ish rejimi ko'rsatkichi, interfeys ulagichlari, quvvat manbai uchun ulagichlar va antenna ulagichi mavjud. Tashqi antenna FME ulagichi orqali ulanadi. Bu modelda tashqi qurilmalar bilan aloqa qilish (terminal) vositasi sifatida 15 kontaktli RS-232 ulagich chiqishlari mavjud. Ta'minot +5 dan +32 Voltgacha bo'lgan alohida ulagich orqali beriladi. Modulning o'lchamlari 77x67x26 mm, og'irligi - 110 gr.

Enfora GSM/GPRS modullari. Enfora Enabler mahsulotlari oilasi murakkab o'rnatilgan ilovalarni ishlab chiqish va integratsiyalashuvini, shuningdek, an'anaviy M2M vazifalarini moslashtirishni soddalashtiradigan keng imkoniyatlarga ega bo'lgan yaxlit platformadir. Enfora Enabler avvalroq dasturiy ta'minot va apparatni ishlab chiqishning murakkab jarayonini talab qiladigan ko'plab vazifalarni bajarish uchun asosiy sozlamalar bilan ishlashga imkon beradi. Hozirgi vaqtda ushbu terminalning uchta modeli ishlab chiqarilmoqda - mos ravishda GSM 900/1800, GSM 1900, GSM 850/900/1800/1900 diapazonlarida ishlashga mo'ljallangan GSM1202, GSM1203, GSM1208 (1-rasm, c). Spider SA seriyasining terminallari qattiq sanoat sharoitida ishlash uchun mo'ljallangan muhrlangan, zarbaga chidamli metall korpusda ishlab chiqariladi. O'lchamlari - 55x87x30 mm [23, 26].




1-rasm. Siemens, Sony Ericsson va Enfora GSM/GPRS modullari.

a) Siemens TC-35i-T GSM moduli; b) Sony Ericsson GT47 GSM/GPRS moduli; c) Enfora GSM1208 GSM/GPRS moduli.

WAVECOM GSM/GPRS modullari. WAVECOM modemlarining asosiy modellari korpussiz bir platali Q23xx/Q24xx (Wismo-2C2) modullari hisoblanadi (2-rasm, a). Modullar to'liq tayyor mahsulotlar hisoblanmaydi va boshqa ishlab chiqaruvchilarning uskunalariga o'rnatish uchun maxsus mo'ljallab ishlab chiqarilgan. Integra M21xxx seriyali GSM/GPRS terminallarining modullari (2-rasm, b) to'liq tayyor mahsulotlar hisoblanadi. INTEGRA M2106B-IP modelidagi modem Wismo Q2406B-IP modullariga asoslangan. Bu GPRSni qo'llab-quvvatlaydigan ikki diapazonli qurilma (EGSM 900/1800 MHz) hisoblanadi. Modem zarbaga chidamli metall korpusda joylashgan bo'lib, unda SIM-karta ushlagichi va MMCX tipidagi antenna ulagichi mavjud. Ushbu modemning umumiy o'lchamlari va og'irligi mos ravishda 46x64x12 mm va 90 gramm va tashqi quvvat manbai kuchlanishi +5V ni tashkil qiladi. Maksimal tok iste'moli 1A gacha yetadi.


INTEGRA seriyali modemlari OpenAT dasturiy va apparat platformasini qo'llab-quvvatlaydi. [27 – 28].

SIMCom GSM/GPRS modullari. SIM868 juda kichik gabarit o'lchamga ega 4 diapazonli kombinatsiyalangan modul bo'lib, u 2G uyali tarmoqlarida ma'lumotlar almashuvi va ishlashini, shuningdek, navigatsiya uchun joylashuv ma'lumotlarini va sun'iy yo'ldoshlardan aniq vaqt signallarini qabul qilishni qo'llab-quvvatlaydi (2-rasm, c). SIM868 GPS, Glonass, Beidou, QZSS, SBAS va A-GPS signallaridan foydalangan holda Bluetooth 3.0 va navigatsiya ilovalarini qo'llab-quvvatlaydi. Modul AT buyruqlari (3GPP va xususiy SIMCom AT buyruqlari) yordamida boshqariladi. Modul o'lchamlari: 15,7x17,6x2,3 mm; ta'minot kuchlanishi 3,4-4,4 V; ish harorati diapazoni –40...+85 °C; modulning og'irligi 1,5 gr. [29].



2-rasm. WAVECOM va SIMCom GSM/GPRS modullari.

a) korpussiz bir platali Q2403A moduli; b) INTEGRA M2106B-IP modeli; c) SIMCom SIM868 moduli.




2-rasm. WAVECOM va SIMCom GSM/GPRS modullari.

a) korpussiz bir platali Q2403A moduli; b) INTEGRA M2106B-IP modeli; c) SIMCom SIM868 moduli.

Yuqorida tavsiflari keltirilgan Siemens, Sony Ericsson hamda Enfora firmalarining GSM/GPRS modullari yakuniy tugallangan mahsulotlar bo'lib, o'zining xususiy gabarit o'lchamlari va shunga mos korpuslariga ega. Bundan tashqari bu firmalarning modullarining narxlari birmuncha qimmat. WAVECOM va SIMCom firmalarining modullari ham korpusli ham boshqa ishlab chiqaruvchilar talablari uchun integral sxema ko'rinishida mavjud. Bu esa bizning holatimiz uchun ayni muddao hisoblanadi, lekin WAVECOM firmasining mahsulotlari SIMCom firmanikiga nisbatan 5-6 barobarga qimmatlik qiladi. Ushbu mahsulotlarning narxlari 01.20.2023 sanasi holatiga [30-34] internet havolalar yordamida aniqlandi va quyidagi 1 - jadvalda keltiriladi. O'tkazilgan qiyosiy tahlillar asosida SIMCom firmasining SIM868 GSM/GPRS moduli tanlab olinadi va yaratilayotgan qurilmaning funksional sxemasi ishlab chiqiladi (3-rasm).

GSM/GPRS modemlarining narxlari


№	Firma nomi	Mahsulot modeli	Narx (chetel valyutada)	Narx (milliy valyuta, so'm)
1	Siemens	TC-35i-T	80 dollar	910 000
2	Sony Ericsson	GT47	2500 rubl	412 000
3	Enfora	GSM1208	600 griven	184 000
4	WAVECOM	Q2406B-IP	45-60 dollar	650 000
5	SIMCom	SIM868	9,9 dollar	111 000




3-rasm. Sanoat va tarmoq kontrollerlaridan foydalangan holda peregon signal nuqtalaridan monitoring ma'lumotlarini yig'ish va simsiz jonatishning funksional sxemasi.

Ishlab chiqilgan funksional sxemaga asoslanib tuzilmaviy sxema loyihasi ishlab chiqiladi (4-rasm, a). Tuzilmaviy sxemaga tayangan holda electron elementlarni bir-biriga nisbatan qulay joylashtirgan holda yaxlit bosma plata loyihasi ishlab chiqiladi. Bu vazifani bajarishda EasyEDA – elektrik sxemalar hamda bosma platalar yaratish online dasturiy vositasi yordamga keladi (4-rasm, b). Yaratilgan bosma plataning haqiqiy hayotdagi ko'rinishini dastur yordamida simulyatsiya qilib, 3d shaklda ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Keyinchalik ushbu loyiha fayllari yordamida bosma plata ishlab chiqaruvchi dastgoh haqiqiy platani ishlab chiqaradi va barcha elektron komponentlar ushbu plataga payvantlanadi.


Xulosa: Ushbu ilmiy tadqiqot ishida loyihalangan va ishlab chiqilgan signal nuqtasi monitoring ma'lumotlarini simsiz jo'natish zamonaviy mikroprotsessorli qurilmasi turli xil chet-el firmalarining huddi shu vazifani bajarishga mo'ljallangan qurilmalaridan bir necha barobarga arzon bo'ldi. Shu bilan birga, yaratilgan qurilma mahalliy sharoitda ishlab chiqilganini inobatga oladigan bo'lsak, ushbu qurilma foydalanishga topshirilgandan so'ng, tizim loyihalarida o'zgarishlar bo'ladigan bo'lsa, chet-eldan mutahassislar kelishini kutmasdan qurilmani qaytadan loyihalab, dasturlash ishlarini o'zimizning milliy kadrlar yordamida amalga oshirish imkoniyati yaratildi. Bu esa o'z navbatida ish samaradorligi oshishiga, ishchi hodimlarga qulayliklar yaratilishiga va asosiysi iqtisodiy sarflarning kamayishiga olib keladi. Qurilmani yasash uchun o'tkazilgan qiyosiy tahlil ma'lumotlari istalgan ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish sohalarida ilmiy izlanish olib borayotgan va ma'lumotlarni simsiz aloqa kanallaridan yuborish masalalariga yechim qidirayotgan ilmiy izlanuvchilar va stajor ilmiy tadqiqotchilar uchun foydali bo'lishi mumkin.



a)



b)



c)

4-rasm. Monitoring ma'lumotlarini simsiz jo'natish qurilmasi.

- a) qurilmaning tuzilmaviy sxemasi; b) qurilmani loyihalash va yaratishda foydalanilgan online dasturiy vosita;
c) qurilmaning dastur yordamida simulyatsiya qilingan 3d shakli.

Adabiyotlar

- [1] Мирославский И.Р., Новые технологии и системы проводной и беспроводной связи // Научно-образовательный журнал для студентов и преподавателей «StudNet», – 2020. – Т. 3, №11. – С. 6-7.
- [2] Арипов Н.М., Шакирова Ф.Ф. Темир йўл автоматика ва елемеханикаси код шаклантиргичнинг ривожланиши ва замонавий ҳолати // Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 750-755. 2021 (05.00.00; №23 Scientific Journal Impact Factor)
- [3] Arifov N., Aliyev R., Baratov D.X., Ametova E.K. Features of construction of systems of railway automatics and telemechanics at the organization of high-speed traffic in the republic of Uzbekistan // Procedia Engineering Volume 134, 2016, Pages 175-180, ISSN 1877-7058, <https://doi.org/10.1016/j.proeng.2016.01.057>
- [4] Nuriddinov Q. K., Analysis of the state of the running facilities of railway automation, telemechanics and methods for improving their monitoring systems // The scientific journal vehicles and roads, 2022 №2. Pages 86-91.
- [5] Ягьяева Л. Т., Молчанов Е. А., Мубаракшин Л. Ф., Сети передачи данных // Вестник Казанского технологического университета, – 2014. – Т. 17, №19. – С. 369-371.
- [6] Колыбельников А.И., Обзор технологий беспроводных сетей / Труды МФТИ, – 2012. Т. 4, №2. С. 3-29.
- [7] Нусупбеков С. И., Исследования технологий GPRS на основе стандарта GSM / С. И. Нусупбеков, А. А. Набиева, Д. Б. Абдыкасым. — Текст: непосредственный // Актуальные вопросы технических наук: материалы III Междунар. науч. конф. (г. Пермь, апрель 2015 г.). — Пермь: Зебра, 2015. — С. 52-54.
- [8] Догадин А. Ф., Программирование GPRS-модемов посредством AT-команд // Решетневские чтения, – 2012. – Т. 2, №16. – С. 604-605.
- [9] Дианов И.В., GPRS-модемы в системах учета энергоносителей // Журнал“ Информатизация и системы управления в промышленности”, 2010. – Т. 26, №2. – С. 23-26.
- [10] Азизов А.Р., Юлдашев Ш.М., Нуриддинов К.К. Автоматизация измерения временных характеристик формирователя кодов автоматки // Республиканская научно-техническая конференция с участием зарубежных ученых «Ресурсосберегающие технологии автоматки, электрической связи и энергообеспечения железнодорожного транспорта.». – Ташкент, ТашИИТ. 2015. - С.187-189.
- [11] Азизов А.Р., Садилов А.Н. Разработка схемы увязки микропроцессорного импульсного реле с существующими системами железнодорожной автоматки и телемеханики // Республиканская научно-техническая конференция с участием зарубежных ученых «Ресурсосберегающие технологии автоматки, электрической связи и энергообеспечения железнодорожного транспорта.». – Ташкент, ТашИИТ. 2017. - С.176-178.
- [12] Nuriddinov Q. K., Azizov A. R., Yuldashev Sh. M., Query time parameters of the measurement of analog signals in the diagnosis and control of autoblock signal point devices / "Resource-saving technologies in transport" international scientific and technical conference. – Tashkent 2023 - P. 112-120.
- [13] Azizov A., Ametova E.K., Yo'ldashev Sh.M. Simulation of the process of monitoring the state of the switch electric drive of the station. AIP Conference Proceedings Volume: 2432 Issue: 1 Publication Year: 2022. <https://doi.org/10.1063/5.0089652>
- [14] Nuriddinov Q. K., Application of Internet of Things technologies in railway automation and remote control systems // I International Scientific and Practical Conference "Young Scientific Researcher" collection of articles. – Tashkent 2022 - P. 364-369.
- [15] Азизов А.Р., Садилов А.Н. Разработка схемы увязки микропроцессорного импульсного реле с существующими системами железнодорожной автоматки и телемеханики // Республиканская научно-техническая конференция с участием зарубежных ученых «Ресурсосберегающие технологии автоматки, электрической связи и энергообеспечения железнодорожного транспорта.». – Ташкент, ТашИИТ. 2017. - С.176-178.

УДК 519.71(575.1)

**ТИББИЙ ЭМЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЭПИДЕМИЯНИНГ МАТЕМАТИК
МОДЕЛИНИ ТУЗИШ ҲАМДА СОНЛИ ҲИСОБЛАШ**

Д.К. Мухамедиева¹, Д.М. Сотволдиев², Ю.Ш. Бахрамова¹, А.А. Акбарова¹

¹*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети,*

²*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти,*

matematichka@inbox.ru, sotvoldiyev@umail.uz

(Қабул қилинди 25.01.2023 й.)

Ушбу мақолада юқумли касалликлар тарқалишининг математик моделларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш, кўриб чиқиладиган модел асосида эпидемия тарқалишининг математик моделини қуриш, тиббий эмлаш олиш ушбу жараёнда юқумли касалликлар тарқалишига қанчалик таъсир қилиши кўриб чиқилади ва ушбу ишда кўриб чиқилган математик моделлар билан таққосланади.

Калит сўзлар: модел, эпидемия, тиббий эмлаш, математик моделлаштириш, рақамли моделлаштириш.

В данной статье описываются и анализируются математические модели распространения инфекционных заболеваний, на основе рассматриваемой модели строится математическая модель распространения эпидемий, исследуется, в какой степени получение медицинской вакцинации влияет на распространение инфекционных заболеваний в этом процессе, а также сравниваются рассматриваемые в данной работе математические модели с другими моделями эпидемии.

Ключевые слова: модель, эпидемия, медицинская вакцинация, математическое моделирование, цифровое моделирование.

This article describes and analyzes mathematical models of the spread of infectious diseases, on the basis of the model under consideration, a mathematical model of the spread of epidemics is built, it is studied to what extent receiving medical vaccination affects the spread of infectious diseases in this process, and the mathematical models considered in this paper are compared with others. epidemic models.

Key words: model, epidemic, medical vaccination, mathematical modeling, digital modeling.

1. Кириш

Касалликларни математик моделлаштириш касалликнинг тарқалиш механизмларини ўрганиш учун кучли воситадир. Эпидемиологик моделлар касалликнинг тарқалиш динамикасини башорат қилиш ва баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Эпидемияни ушлаб туриш ва назорат қилиш учун эпидемиянинг юқори сифатли ва адекват математик моделларини ҳисобга олиш муҳимдир. Ҳозирги вақтда математик моделлаштириш соҳасидаги ютуқлар туфайли бу амалга оширилиши мумкин бўлган вазифа ҳисобланади [1]. Эпидемиянинг турли математик моделлари мавжуд. Ушбу мақолада асосан СИР модели, унинг ўзгартириш ва қўшимчалари кўриб чиқилади.

Кермак-МакКендрик назарияси юқумли касалликнинг популятсияда тарқалиши ҳақидаги гипотезадир. 1927 йилда W. O. Кермак ва A. G. МакКендрик ўз назарияларини [2] мақолада нашр этишди ва у СИР моделининг манбасига айланди. Ушбу моделда популятсия доимий ҳисобланади ва уч гуруҳга бўлинади: соғ'лом ёки сезгир (инглиз тилидан суссептибле), касаллар яъни алоқа қилиш орқали юқиши мумкин бўлган (инглиз тилидан инфестед), шунингдек тузалган ва касаллик тарқатишни тўхтатган шахслар (инглиз тилидан ресоверед). Ушбу модел ҳозиргача ўз аҳамиятини ё'қотмаган ва юқумли касалликларни моделлаштириш учун жуда мос келади.

Биологияда математик моделлар китобида [3, п. 242-254] СИР-модели, шунингдек, унинг модификациялари етарлича батафсил кўриб чиқилади, масалан: СИ-модели, СИС-модели, СИРС-модели. Моделларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тузалиб кетганидан кейин одам яна сезгир шахслар синфига кириши ва қайта инфексияга мойил бўлиши мумкин.

Ҳерберт W. Ҳетхсоте мақоласида популяцияларда юқумли касалликлар тарқалишининг кўплаб математик моделлари таҳлил қилинган ва муайян касалликларга нисбатан қўлланилган. Ушбу мақолада кўриб чиқилган моделлар классик СИР моделига асосланган. Туг'илиш ва ўлимни ҳисобга олган ҳолда МСЕИР моделига катта э'тибор берилди. МСЕИР моделида аҳоли 5 синфга бўлинган: пассив иммунитетга эга, сезгир, яширин, инфексияланган ва сезгир бўлмаган. Агар она инфексияланган бўлса, ба'зи антикорлар платсента орқали ўтади, шунинг учун янги туг'илган чақалоқ инфексияга вақтинчалик пассив иммунитетга эга. Синфда M пассив иммунитетга эга болалар бор. Янги туг'илган чақалоқнинг танасидан онанинг антикорлари ё'қолгандан сўнг, бола сезгир шахслар синфига ўтади [4].

Юқорида кўриб ўтилганидек, эпидемия ривожланишининг турли математик моделлари ишлаб чиқилган ва турли касалликларнинг (тиф, вабо, эбола ва бошқалар) тарқалишини таҳлил қилишда қўлланилган. Кўпгина моделлар эпидемия модели ҳисобланган СИР модели (S – соғломлар, I – касалланганлар, R – тузалганлар) ва унинг модефикатсияларига асосланган [5].

Мақолада кўриб чиқилаётган модел ҳам СИР моделининг модефикатсияси ҳисобланиб, унда тиббий эмлаш ҳолати кўшимча тарзда қаралади.

2. Эпидемиянинг математик модели

СИР моделига асосланган иммунитетли эпидемия моделида (инглиз тилидан “Суссептибле – Инфестед – Ресоверед”) аҳоли уч синфга бўлинади.

$$C(m) + I(m) + P(m) = N = \text{const},$$

$C(m)$ – касалликка мойил соғлом шахслар;

$I(m)$ – инфекция юқтирган, касаллик тарқатувчи шахслар;

$P(m)$ – инфекция юқтиргандан кейин тузалган, иммунитетга эга бўлган ёки вафот этган, касаллик тарқатмайдиган шахслар;

N – жами аҳоли сони, ўзгармас.

$$u_1(t) = \frac{S(t)}{N}, \quad u_2(t) = \frac{I(t)}{N}, \quad u_3(t) = \frac{R(t)}{N}$$

каби белгилаш киритамиз [6].

Тиббий эмлашни ҳисобга олган ҳолда эпидемиянинг математик модели:

$$\begin{cases} \frac{du_1}{dt} = -au_1u_2 \\ \frac{du_2}{dt} = au_1u_2 - bu_2 \\ \frac{du_3}{dt} = bu_2 + cu_2 \end{cases} \quad (1)$$

$t = 0$ да бошланғич шартлар билан:

$$u_1(0) = u_{10} \geq 0, \quad u_2(0) = u_{20} \geq 0, \quad u_3(0) = u_{30} \geq 0. \quad (2)$$

Бу ерда, a , b – мусбат коэффитсиентлар, одатда $1/\text{кун}$ ўлчамга эга;

$a = \frac{1}{T_k}$ – касалланган шахс билан алоқада бўлган сезгир шахснинг касалликни юқтириб олиш эҳтимоли, касалланиш тезлиги коэффисенти, T_k – касалликка чалиниш даври;

$b = \frac{1}{T_{td}}$ – тиббий эмлашни ҳисобга олмаган ҳолда тузалиш тезлиги, T_{td} – касалликдан тузалиш даври;

$c = \frac{1}{T_v}$ – тиббий эмлашдан кейин тузалиш тезлиги, T_v – эмлаш даври.

3. Ҳисоблаш усуллари

Юқорида берилган тенгламалар системасини биз Эйлер усули ёрдамида ечамиз. Эйлер усули оддий дифференциал тенгламалар системасинини ечишнинг энг оддий сонли усули ҳисобланади. Буни биринчи марта Леонҳард Эйлер 1768 йилда "Интеграл ҳисоб" асарида тасвирлаб берган [7]. Эйлер усули аниқ, бир қадамли, биринчи тартибли аниқликка эга усулдир. У интеграл эгри чизикни Эйлер синиқ чизиг'и деб аталадиган бўлакли-чизикли функция орқали яқинлашишга асосланган.

Эйлер усули тарихан Коши масаласини сонли ечишнинг биринчи усули эди. О.Коши бу усулдан Коши масаласининг ечими мавжудлигини исботлаш учун фойдаланган. Аниқлиги пастлиги ва ҳисоблашнинг турғун эмаслиги туфайли Коши масаласининг амалий ечимларини топишда Эйлер усули кам қўлланилади. Бироқ, Эйлер усули соддалиги туфайли дифференциал тенгламаларни назарий тадқиқ қилишда, вариатсияларни ҳисоблаш масалаларида ва бошқа бир қатор математик масалаларда қўлланилади.

Сонли ечим куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$y_i = y_{i-1} + hf(x_{i-1}, y_{i-1}). \quad (3)$$

Аниқ ечимни Тейлор қаторига ёйиш мумкин:

$$y(x_{i-1} + h) = y(x_{i-1}) + hy'(x_{i-1}) + O(h^2). \quad (4)$$

Маҳаллий хатолик L тўртинчи тенгликдан учинчисини айириш орқали олинади:

$$L = y(x_{i-1} + h) - y_i = O(h^2).$$

Бу й функция иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлсагина ўринли бўлади.

Модел (1) сонли ечиш учун Эйлер усулини қўлаймиз:

$$\begin{cases} (u_1)_i = (u_1)_{i-1} - ha(u_1)_{i-1}(u_2)_{i-1} \\ (u_2)_i = (u_2)_{i-1} + ha(u_1)_{i-1}(u_2)_{i-1} - hb(u_2)_{i-1} \\ (u_3)_i = (u_3)_{i-1} + hb(u_2)_{i-1} + hc(u_2)_{i-1} \end{cases} \quad (5)$$

Умумий хатолик, глобал хато бу тенгламани интегратсиялашнинг ихтиёрий якуний кадамнинг охириги нуқтасидаги хатодир. Бу нуқтада ечимни ҳисоблаш S/h кадамларни талаб қилади, бу ерда S - кадам узунлиги. Шунинг учун усулнинг глобал хатоси $G = O(h^2 S/h) = O(h)$.

4. Ҳисоблаш тажрибаси

Кирувчи маълумотлар:

- Вақт $T=365$ кун.
- Вақт бўйича кадамлар $K=700$.
- Касалланиш тезлиги коэффисиенти $a=0.128$.
- Тиббий эмлашни ҳисобга олмаган ҳолда тузалиш тезлиги $b=0.0963$.
- Аҳоли сони $6\,380\,000$ киши..
- Бошланғич шарт: $u_{10} = 0.999N$, $u_{20} = 0.001N$, $u_{30} = 0$.


1-ҳол. Тиббий эмлашдан кейин тузалиш тезлиги $c=0$ га тенг бўлганда ҳисоблаш натижасининг қуйидагича бўлади:

Жадвал 1

№	(u_1) қадамлари	Сони	(u_2) қадамлари	Сони	(u_3) қадамлари	Сони
1	$(u_1)_0$	6.37362e6	$(u_2)_0$	6.38e3	$(u_3)_0$	0
2	$(u_1)_{100}$	6.2697371659e6	$(u_2)_{100}$	3.1392213226e4	$(u_3)_{100}$	7.8870620831e4
3	$(u_1)_{200}$	5.836065666e6	$(u_2)_{200}$	1.2115584978e5	$(u_3)_{200}$	4.2277848423e5
4	$(u_1)_{300}$	4.8305309326e6	$(u_2)_{300}$	2.1989975693e5	$(u_3)_{300}$	1.3295693105e6
5	$(u_1)_{400}$	3.9589611572e6	$(u_2)_{400}$	1.3736713192e5	$(u_3)_{400}$	2.2836717109e6
6	$(u_1)_{500}$	3.6167166447e6	$(u_2)_{500}$	4.5838636768e4	$(u_3)_{500}$	2.7174447185e6
7	$(u_1)_{600}$	3.5198076347e6	$(u_2)_{600}$	1.2399755675e4	$(u_3)_{600}$	2.8477926097e6
8	$(u_1)_{700}$	3.4947586157e6	$(u_2)_{700}$	3.1687677924e3	$(u_3)_{700}$	2.8820726165e6

1-расмдаги графикка қараганда эмлашдан кейин тузалиш тезлиги $c=0$ бўлганда инфекция юқтиргандан кейин тузалган, иммунитетга эга бўлган ёки вафот этган, касаллик тарқатмайдиган шахслар сони тез ортмаяпти.

2-ҳол. Тиббий эмлашдан кейин тузалиш тезлиги $c=0.1$ га тенг бўлганда ҳисоблаш натижаси қуйидагича бўлади:




1-расм. Қизил чизик - $(u_1)_k$, кўк чизик - $(u_2)_k$, яшил чизик - $(u_3)_k$. Бунда k – вақт бўйича кадам.

2-расмдаги графикга қараганда эмлашдан кейин тузалиш тезлиги $s=0.1$ бўлганда инфекция юқтиргандан кейин тузалган, иммунитетга эга бўлган ёки вафот этган, касаллик тарқатмайдиган шахслар сони тез ортаёпти.

Жадвал 2

№	(u_1) қадамлари	Сони	(u_2) қадамлари	Сони	(u_3) қадамлари	Сони
1	$(u_1)_0$	6.37362e6	$(u_2)_0$	6.38e3	$(u_3)_0$	0
2	$(u_1)_{100}$	6.2697371659e6	$(u_2)_{100}$	3.1392213226e4	$(u_3)_{100}$	1.6077157704e5
3	$(u_1)_{200}$	5.836065666e6	$(u_2)_{200}$	1.2115584978e5	$(u_3)_{200}$	8.6180079391e5
4	$(u_1)_{300}$	4.8305309326e6	$(u_2)_{300}$	2.1989975693e5	$(u_3)_{300}$	2.7102228001e6
5	$(u_1)_{400}$	3.9589611572e6	$(u_2)_{400}$	1.3736713192e5	$(u_3)_{400}$	4.655085741e6
6	$(u_1)_{500}$	3.6167166447e6	$(u_2)_{500}$	4.5838636768e4	$(u_3)_{500}$	5.5392980088e6
7	$(u_1)_{600}$	3.5198076347e6	$(u_2)_{600}$	1.2399755675e4	$(u_3)_{600}$	5.8050019655e6
8	$(u_1)_{700}$	3.4947586157e6	$(u_2)_{700}$	3.1687677924e3	$(u_3)_{700}$	5.8748790719e6



2-расм. Қизил чизик - $(u_1)_k$, кўк чизик - $(u_2)_k$, яшил чизик - $(u_3)_k$. Бунда k – вақт бўйича кадам.

5. Хулоса

Тиббий эмлаш - бу одамнинг касаллик тарқатувчи инсонлар билан алоқа қилишдан олдин касалликлардан ҳимоя қилишнинг оддий, хавфсиз ва самарали усули. Эмлаш тананинг табиий ҳимоя механизмларини фаоллаштиради ва турли юқумли касалликларга қаршилик кўрсатади ва иммунитет тизимини мустаҳкамлайди.

Касалликлар сингари, тиббий эмлашлар ҳам иммунитет тизимини ўзига хос антитаналарни ишлаб чиқаришга ўргатади. Бироқ, тиббий эмлашлар фақат ма'лум бир касалликнинг кўзг'атувчиси - вируслар ёки бактерияларнинг ўлдирилган ёки заифлаштирилган шакллари ўз ичига олади, улар касалликка олиб келмайди ва у билан бог'лиқ асоратлар хавфини яратмайди.

Юқоридаги натижаларда тиббий эмлаш коэффициенти $c=0$ бўлгандаги ҳолат билан $c=0.1$ бўлган вақтдаги ҳолат орасидаги фарқ яъни, тузалганлар ва иммунитетга эга шахсларнинг кескин ошиб кетганлиги кўриниб турибди. Бу эса эпидемия вақтида тиббий эмлаш чорасини карантин чекловларга қўшимча тарзда қўллаш, эпидемия узоқ муддат давом этмаслигини таъминлайди.

Адабиётлар

- [1]. Y. Chen, J. Cheng, Y. Jiang and K. Liu. A time delay dynamical model for outbreak of 2019-nCoV and the parameter identification. Journal of Inverse and Ill-posed Problems. 2020. Vol.28, Issue 2. P. 243–250.
- [2]. Kermack, W. O.; McKendrick, A. G. A Contribution to the Mathematical Theory of Epidemics // Proceedings of the Royal Society, 1927. Vol. 115, No. A771, P.700-721.
- [3]. Edelstein-Keshet L. Mathematical Models in Biology. Society for Industrial and Applied Mathematics, 2005.
- [4]. Herbert W. Hethcote. The Mathematics of Infectious Diseases // SIAM Review, 2000. Vol. 42, Iss. 4, P. 599-653.
- [5]. Соколовский В.Л., Фурман Г.Б., Полянская Д.А., Фурман Е.Г. Пространственно-временное моделирование эпидемии COVID-19 / Анализ риска здоровью. – 2021. – №1. –С. 23-37.
- [6]. Kabiljanova F.A., Boltaboyeva N.I. O'zbekistonda COVID-19 koronavirus epidemiyasining tarqalishini matematik modellashtirish // "Innovative developments and research in education" International scientific-online conference, Canada, 2022, P. 132-136.
- [7]. Эйлер Л. Интегральное исчисление, том 1, раздел 2, гл. 7/
- [8]. D K Muhamediyeva, O B Ruzibaev and Yu Vaxromova. Application of data mining methods in solving medical problems // IOP Conf. Series:Journal of Physics: Conference Series, 2182 (2022) 012026.
- [9] Мухамедиева Д.К., Нурумова А.Ю. Качественный анализ популяционной модели с двойной нелинейной диффузией // ФерПИ научно-технический журнал. –Фергана.2022, Т.26, №2, -с.9-16.
- [10] Мухамедиева Д.К. Нелинейные кросс-диффузионные модели биологической популяции // ФерПИ научно-технический журнал. –Фергана.2022, Т.26, №3, -с.158-164.

УДК 519.71(575.1)

TIBBIY EMLASHNI HISOBGA OLGAN HOLDA COVID-19 EPIDEMIYASINING MATEMATIK MODELINI TUZISH

D.K. Muhamediyeva¹, Yu. Sh. Bakhramova¹, A.A. Akbarova²

^{1,2}*Muhammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti,*
²*Qarshi davlat universiteti, matematikchka@inbox.ru*
(Qabul qilindi 16.02.2023 y.)

Ushbu maqolada yuqumli kasalliklar tarqalishining matematik modellarini tavsiflash va tahlil qilish, ko'rib chiqilayotgan model asosida COVID-19 epidemiyasi tarqalishining matematik modelini qurish, tibbiy emlash olish epidemiya vaqtida yuqumli kasalliklar tarqalishiga qanchalik ta'sir qilishi ko'rib chiqiladi. Qaralayotgan model tibbiy emlash epidemiya davomiyligini qisqarishiga katta hissa qo'shishi ko'rsatiladi.

Kalit so'zlar: model, COVID-19, epidemiya, tibbiy emlash, matematik modellashtirish, adekvatlik, raqamli modellashtirish.

В данной статье описываются и анализируются математические модели распространения инфекционных заболеваний, на основе рассматриваемой модели строится математическая модель распространения эпидемии COVID-19, исследуется влияние медицинской вакцинации на распространение инфекционных заболеваний в условиях эпидемии. Показано, что рассматриваемая модель вносит существенный вклад в сокращение продолжительности эпидемии за счет медицинской вакцинации.

Ключевые слова: модель, COVID-19, эпидемия, медицинская вакцинация, математическое моделирование, адекватность, численное моделирование.

This article describes and analyzes mathematical models of the spread of infectious diseases, builds a mathematical model of the spread of the COVID-19 epidemic based on the model in question, and examines the effect of medical vaccination on the spread of infectious diseases during an epidemic. It is shown that the considered model makes a significant contribution to reducing the duration of the epidemic by medical vaccination.

Key words: model, COVID-19, epidemic, medical vaccination, mathematical modeling, adequacy, numerical modeling.

1. Kirish

Kasalliklarni matematik modellashtirish kasallikning tarqalish mexanizmlarini o'rganish uchun kuchli vositadir. Epidemiologik modellar kasallikning tarqalish dinamikasini bashorat qilish va baholash uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Epidemiyani ushlab turish va nazorat qilish uchun epidemiyaning yuqori sifatli va adekvat matematik modellarini hisobga olish muhimdir. Hozirgi vaqtda matematik modellashtirish sohasidagi yutuqlar tufayli bu amalga oshirilishi mumkin bo'lgan vazifa hisoblanadi [1].

Epidemiyaning turli matematik modellari mavjud. Ushbu maqolada asosan SIR modeli, uning o'zgartirish va qo'shimchalari ko'rib chiqiladi. O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan olib borilgan statistik ma'lumotlardan COVID-19 epidemiyasining matematik modelini parametrlash uchun foydalaniladi.

Koronavirus kasalligi (COVID-19) SARS-CoV-2 virusi keltirib chiqaradigan yuqumli kasallikdir. Virus bilan kasallanganlarning aksariyati yengil va o'rtacha darajadagi nafas olish kasalliklarini boshdan kechiradi va maxsus davolanishni talab qilmasdan tuzalib ketadi. Biroq, ba'zilar jiddiy kasal bo'lib, tibbiy yordamga muhtoj bo'ladi. Keksa odamlar va yurak-qon tomir kasalliklari, diabet, surunkali respirator kasalliklar yoki saraton kabi asosiy kasalliklarga chalinganlarda jiddiy kasalliklarni rivojlanish ehtimoli ko'proq. Har bir inson COVID-19 bilan kasal bo'lib, og'ir kasal bo'lib qolishi yoki istalgan yoshda o'lishi mumkin [2].

Virus yuqtirgan odamning og'zidan yoki burnidan yo'talganda, aksirganda, gapirganda, qo'shiq aytganda yoki nafas olayotganda mayda suyuqlik zarrachalarida tarqalishi mumkin. COVID-19 turli odamlarga turli yo'llar bilan ta'sir qiladi. Ko'pgina infeksiyalangan odamlar yengil va o'rtacha darajada kasallikka duchor bo'ladilar va kasalxonaga yotqizmasdan tuzalib ketadilar.

Eng ko'p uchraydigan alomatlar:

- isitma
- yo'tal
- charchoq
- ta'm yoki hidni yo'qotish.

Kamroq uchraydigan alomatlar:


- tomoq og'rigi
- bosh og'rig'i
- og'riqlar va og'riqlar
- diareya
- terida toshma yoki barmoqlar yoki oyoq barmoqlarining rangi o'zgarishi
- qizil yoki tirnash xususiyati beruvchi ko'zlar.

Jiddiy alomatlar:

- nafas olish qiyinlashuvi yoki nafas qisilishi
- nutq yoki harakatchanlikni yo'qotish yoki chalkashlik
- ko'krak og'rig'i.

Biror kishi virusni yuqtirgan paytdan boshlab simptomlar paydo bo'lishi uchun o'rtacha 5-6 kun ketadi, ammo bu 14 kungacha davom etishi mumkin.

JSST COVID-19 vaksinalaridan foydalanish imkoniyatini oshirish sur'atini saqlab qolishga qat'iy qaror qildi va vaksinalarni yetkazib berishni tezlashtirish, hayotni saqlab qolish va odamlarning og'ir kasal bo'lib qolishining oldini olishda mamlakatlarni qo'llab-quvvatlashda davom etadi [2].



1-rasm. O'zbekistonda kasallangan shaxslar sonining o'sishi.

Epidemiya rivojlanishining turli matematik modellari ishlab chiqilgan va turli kasalliklarning (tif, vabo, ebola va boshqalar) tarqalishini tahlil qilishda qo'llanilgan. Shu bilan birgalikda ushbu modellar COVID-19 epidemiyasining rivojlanishini modellashtirish uchun ham ishlatilgan. COVID-19 epidemiyasi boshlangandan beri kasallikning turli jihatlari, jumladan statistik ma'lumotlar va uning tarqalishi tahlili bo'yicha 11000 dan ortiq maqolalar ilmiy jurnallarda va ixtisoslashtirilgan veb-saytlarda nashr etilgan. Ko'pgina modellar epidemiya modeli hisoblangan SIR modeli (S – sog'lomlar, I – kasallanganlar, R – tuzalganlar) va uning modifikatsiyalariga asoslangan [3].

Maqolada ko'rib chiqilayotgan model ham SIR modelining modifikatsiyasi hisoblanib, unda tibbiy emlash holati qo'shimcha tarzda qaraladi. Qaralayotgan davr 2021 yil 1-avgustdan 31-oktabrni o'z ichiga oladi. 1-avgust holatiga ko'ra O'zbekistonda jami aholi 35 mln dan iborat bo'lib, shundan kasallangan shaxslar soni 131079 kishini, tuzalganlar soni 124728 kishini tashkil qiladi. Statistika bo'yicha O'zbekistonda kasallangan shaxslar sonining o'sishini 1-rasmda ko'rishimiz mumkin [4].

2. Epidemiyaning matematik modeli

SIR modeliga asoslangan immunitetli epidemiya modelida (ingliz tilidan “Susceptible – Infected – Recovered”) aholi uch sinfga bo'linadi.

$$S(t)+I(t)+R(t)=N=const,$$

$S(t)$ – kasallikka moyil sog'lom shaxslar;

$I(t)$ – infeksiya yuqtirgan, kasallik tarqatuvchi shaxslar;

$R(t)$ – infeksiya yuqtirgandan keyin tuzalgan, immunitetga ega bo'lgan yoki vafot etgan, kasallik tarqatmaydigan shaxslar;

N – jami aholi soni, o'zgarmas.

$$u_1(t) = \frac{S(t)}{N}, \quad u_2(t) = \frac{I(t)}{N}, \quad u_3(t) = \frac{R(t)}{N}$$

kabi belgilash kiritamiz [5].

Tibbiy emlashni hisobga olgan holda epidemiyani matematik modeli:

$$\begin{cases} \frac{du_1}{dt} = -au_1u_2 \\ \frac{du_2}{dt} = au_1u_2 - bu_2 \\ \frac{du_3}{dt} = bu_2 + cu_2 \end{cases} \quad (1)$$

$t = 0$ da boshlang'ich shartlar bilan:

$$u_1(0) = u_{10} \geq 0, \quad u_2(0) = u_{20} \geq 0, \quad u_3(0) = u_{30} \geq 0. \quad (2)$$

Bu yerda, a, b – musbat koeffitsiyentlar, odatda 1/kun o'lchamga ega;

$a = \frac{1}{T_k}$ – kasallangan shaxs bilan aloqada bo'lgan sezgir shaxsning kasallikni yuqtirib olish ehtimoli, kasallanish tezligi koeffitsiyenti, T_k – kasallikka chalinish davri;

$b = \frac{1}{T_{td}}$ – tibbiy emlashni hisobga olmagan holda tuzalish tezligi, T_{td} – kasallikdan tuzalish davri;

$c = \frac{1}{T_v}$ – tibbiy emlashdan keyin tuzalish tezligi, T_v – emlash davri.

3. Hisoblash tajribasi

Kiruvchi ma'lumotlar:

- $N=35\,000\,000$ kishi
- $t = 0$ da boshlang'ich shartlar bilan:
 $u_1(0) = 33530000, \quad u_2(0) = 131079, \quad u_3(0) = 1336633.$
- kasallangan shaxs bilan aloqada bo'lgan sezgir shaxsning kasallikni yuqtirib olish ehtimoli, kasallanish tezligi koeffitsiyenti $a = 0.128$
- tibbiy emlashni hisobga olmagan holda tuzalish tezligi $b = 0.0963$
- vaqt $T = 365$ kun


I-hol. Dastlab vaksina ishlab chiqilmaganligi sababli tibbiy emlashdan keyin tuzalish tezligi $c = 0$ ga teng. Shu sababli $R(t)$ ning qiymati juda sekin ko'tariladi.

Jadval 1

№	Vaqt T (kun)	S	I	R
0	1	3.3532288e7	1.31079e5	1.336633e6
1	50	3.1881761774e7	4.5288093168e5	2.6653572938e6
2	100	2.7882839407e7	9.2517471963e5	6.1919858738e6
3	150	2.3376216812e7	7.9376422601e5	1.0830018962e7
4	200	2.0993706842e7	3.4727940682e5	1.3659013752e7
5	250	2.0157806319e7	1.1351992725e5	1.4728673754e7
6	300	1.990410615e7	3.3733444063e4	1.5062160406e7
7	350	1.9830377494e7	9.7441085039e3	1.5159878397e7


Tibbiy emlashdan keyin tuzalish tezligi $c = 0$ bo'lganda hisoblash tajribasi grafigi quyidagicha:

2-hol. Tibbiy emlashdan keyin tuzalish tezligi $c = 0.1$ bo'lganda hisoblash tajribalar natijasi quyidagicha bo'lar edi:



1-rasm. Qizil chiziq - $(u_1)_k$, ko'k chiziq - $(u_2)_k$, yashil chiziq - $(u_3)_k$. Bunda k – vaqt bo'yicha qadam.

№	Vaqt T (kun)	S	I	R
0	1	3.3532288e7	1.31079e5	1.336633e6
1	50	3.1881761774e7	4.5288093168e5	4.0451332999e6
2	100	2.7882839407e7	9.2517471963e5	1.1233889169e7
3	150	2.3376216812e7	7.9376422601e5	2.0688155995e7
4	200	2.0993706842e7	3.4727940682e5	2.6454840077e7
5	250	2.0157806319e7	1.1351992725e5	2.863525813e7
6	300	1.990410615e7	3.3733444063e4	2.9315044523e7
7	350	1.9830377494e7	9.7441085039e3	2.9514234988e7



2-rasm. Qizil chiziq - $(u_1)_k$, ko'k chiziq - $(u_2)_k$, yashil chiziq - $(u_3)_k$. Bunda k – vaqt bo'yicha qadam.

Tibbiy emlashdan keyin tuzalish tezligi $c = 0.1$ bo'lganda hisoblash tajribasi grafigi quyidagicha:

Ko'rinib turibdiki, tibbiy emlash juda katta ahamiyatga ega. Emlanganlar soni qancha yuqori bo'lsa, tuzalganlar soni juda katta tezlikda ko'tariladi. Buni biz 2-rasmdan bilishimiz mumkin.

4. Xulosa

Yuqoridagi natijalarda tibbiy emlash koeffitsienti $c=0$ bo'lgandagi holat bilan $c=0.1$ bo'lgan vaqtdagi holat orasidagi

farq ya'ni, tuzalغانlar va immunitetga ega shaxslarning keskin oshib ketganligi ko'rinib turibdi. Bu esa epidemiya vaqtida tibbiy emlash chorasini karantin cheklovlarga qo'shimcha tarzda qo'llash, epidemiya uzoq muddat davom etmasligini ta'minlaydi. Buni O'zbekiston tajribasidan ham yaqqol ko'rishimiz mumkin.

Adabiyotlar

- [1]. Y. Chen, J. Cheng, Y. Jiang and K. Liu. A time delay dynamical model for outbreak of 2019-nCoV and the parameter identification. Journal of Inverse and Ill-posed Problems. 2020. Vol.28, Issue 2. P. 243–250.
- [2]. URL: <https://www.who.int/health-topics/coronavirus/> [Elektron manba]
- [3]. Соколовский В.Л., Фурман Г.Б., Полянская Д.А., Фурман Е.Г. Пространственно-временное моделирование эпидемии COVID-19 / Анализ риска здоровью. – 2021. – №1. –С. 23-37.
- [4]. URL: <http://www.worldometers.info/coronavirus/> [Elektron manba]
- [5]. Kabiljanova F.A., Boltaboyeva N.I. O'zbekistonda COVID-19 koronavirus epidemiyasining tarqalishini matematik modellashtirish // "Innovative developments and research in education" International scientific-online conference, Canada, 2022, P. 132-136.

**ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДАГИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ИСТЕЪМОЛИНИНГ МОДЕЛИ**

О.Х. Ишназаров., Ж.Н. Толипов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти
tolipovjamshidn@gmail.com
(Қабул қилинди 14.02.2023 й.)

Ушбу мақолада пахта тозалаш корхоналарининг энергетик иш режимлари, электр энергия ва газ истеъмоли хом-ашёнинг сифат кўрсаткичлари келтирилган. Электр энергия ва газ истеъмол қилиш режимининг кунлик, ойлик ва йиллик истеъмоли графиги аниқланган. Объектнинг энергетик тавсифи ва пахтанинг қайта ишланган тоннасига электр энергияси ва газ истеъмоли меъёрининг тақсимлаш гистограммаси қурилган. Шунингдек заводнинг ҳар бир кунлик учун олинган эмпирик тадқиқотлар асосида умумлаштирилган тахлилий натижалари кўрсатилган.

Калит сўзлар: *пахта тозалаш корхоналари, энергетик иш режимлари, электр энергия ва газ истеъмоли меъёрини тақсимлаш, энергияни тежаши.*

В данной статье представлены энергетические режимы и потребление электроэнергии и газа, показатели качества хлопка сырья перерабатываемые на хлопкоочистительном предприятии. Определен график суточного, месячного и годового режимов потребления электроэнергии и потребления газа. Построены энергетические характеристики объекта и гистограмма распределения потребления электроэнергии и газа на тонну переработанного хлопка сырья. Также представлены обобщенные аналитические результаты предприятия, основанные на эмпирических исследованиях, полученных за каждый день.

Ключевые слова: *хлопкоочистительные предприятия, энергетические режимы работы, распределение норм расхода электроэнергии и газа, энергосбережение.*


This article presents the energy regimes and the consumption of electricity and gas, the quality indicators of raw cotton processed at the ginnery. A schedule of daily, monthly and annual consumption of electricity and gas consumption modes has been determined. The energy characteristics of the object and a histogram of the distribution of electricity and gas consumption per ton of processed raw cotton have been constructed. Also presented are summarized analytical results of the plant, based on empirical studies obtained for each day.

Key words: *cotton-cleaning enterprises, energy modes of operation, distribution of electricity and gas consumption rates, energy saving.*

Пахта тозалаш корхоналарининг энергетик иш режимлари, электр энергия ва газ истеъмоли хом-ашёнинг (пахта толаси) сифат кўрсаткичларига боғлиқ. Электр энергия ва газ

истеъмол қилиш режими одатда кунлик, ойлик ва йиллик истеъмолли билан тавсифланади. Шунга мувофиқ, “АВС Оққўрғон Агро Класстер” МЧЖга қарашли “Оққўрғон пахта саноат” МЧЖда (2019-2020 йй. давомидида) энергия ресурсларнинг иш режими ва сарфи бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказилди [1-3].

Маълумки, кундалик юкланиш жадвалларининг нотекислигини тавсифловчи асосий кўрсаткич бу минимал ва максимал юкларнинг нисбати тенг бўлган тенгсизлик коэффициенти a . Олинган маълумотларнинг таҳлилига мувофиқ, графикларнинг энг катта тенгсизлиги куз ва қиш ойларида кузатилади. Йилнинг ойлари бўйича электр энергиясини истеъмол қилиш мавсумийлик ва истеъмолчилар таркибига таъсир қилади. АВС Оққўрғон



1-расм. Ойлик энергия ресурслар (электр энергия ва газ) истеъмолли.

Агро Класстер” МЧЖга қарашли “Оққўрғон пахта саноат” МЧЖда бир ойлик (2020 йилнинг май ойи учун) электр энергия ва газ истеъмоллининг тавсифи 1-расмда келтирилган [1].

Натижалар шуни кўрсатадики, энергия ресурслар истеъмоллига қўйидаги омиллар таъсир этади: бунтдан чиқаётган пахта хом-ашёсини намлиги ($a, \text{г}/\text{м}^3$); бунтдан чиқаётган пахта хом-ашёсини ифлосланиши ($b, \text{г}/\text{м}^3$); жиндан чиқаётган пахта хом-ашёсини намлиги ($c, \text{г}/\text{м}^3$); жиндан чиқаётган пахта хом-ашёсини ифлосланиши ($g, \text{г}/\text{м}^3$); чигитнинг намлиги ($p, \text{г}/\text{м}^3$); толанинг намлиги ($f, \text{г}/\text{м}^3$).

1-жадвалда эмпирик тадқиқотлар асосида олинган умумлаштирилган тахлилий натижалар ва 2-расмда матрица чизиғи келтирилган.

3-расмда “Оққўрғон пахта саноат” МЧЖ энергетик (электр энергия ва газ) тавсифи берилган. 4-расмда пахтанинг қайта ишланган тоннасига электр энергияси ($N, \text{кВт}\cdot\text{с}/\text{т}$) истеъмолли меъёрининг тақсимлаш гистограммаси ва 5-расмда табиий газ ($N_g, \text{м}^3/\text{т}$) истеъмолли меъёрларининг тақсимлаш гистограммалари берилган. 6-расмда электр энергия истеъмоллининг ($\text{кВт}\cdot\text{с}$) эмпирик натижаларни кумулятив тақсимлаш функциясини баҳолаш тавсифи келтирилган.


I жадвал

Эмпирик таджикотлар асосида олинган умумлаштирилган тахлилий натижалар


Кун.ой йил	Хар орат $t, ^\circ\text{C}$	Бундан чиқаётган пахта хом- ашёсини намлиги, $a, \text{g}/\text{M}^3$	Бундан чиқаётган пахта хом- ашёсини ифлосланиш $b, \text{g}/\text{M}^3$	Жиндан чиқаётган пахта хом- ашёсини намлиги, $c, \text{g}/\text{M}^3$	Жиндан чиқаётган пахта хом- ашёсини ифлосла ниши, $g, \text{g}/\text{M}^3$	Чигитини намлиги, $p, \text{g}/\text{M}^3$	Толани нг намлиги $f, \text{g}/\text{M}^3$	Кунлик тола, $Q,$ тонна	Электр энергия истеъм оли, $W,$ кВт·с	Солиш тирма энергия сарфи, $N_e,$ кВт·с/т	Газ истеъм оли, G, M^3	Солиш тирма газ сарфи, $N_g, \text{M}^3/\text{т}$
01.05.2020й	86	9.4	8.2	9	2	8	7.5	31	18600	600	465	15
02.05.2020й	76	13.8	31	11.4	4.8	9.9	8.6	25.7	16191	630	411,2	16
03.05.2020й	80	14.7	28.9	11.6	5	9.5	8.3	13.9	9591	690	152,9	11
04.05.2020й	85	15.1	30.9	11.8	4.9	9.7	8.6	21.9	14673	670	262,8	12
05.05.2020й	142	15.7	32.1	12.5	5	8.9	10	24.7	16055	650	321,1	13
06.05.2020й	86	14.1	29.3	9.9	4.5	8.9	8.7	28	17640	630	448	16
07.05.2020й	86	12.5	25	8.9	3	8.4	8	19	12350	650	361	19
08.05.2020й	90	10.4	11.3	9	3.8	8.8	7.9	36.9	22140	600	405,9	11
09.05.2020й	74	9.2	7	8	1	6.7	7.5	18	11340	630	162	9
10.05.2020й	80	9.5	7.3	8.9	1	7.6	7	46.3	26854	580	833,4	18
11.05.2020й	75	11.2	16.5	10.6	2.4	8.7	7.9	39.8	23880	600	636,8	16
12.05.2020й	70	9.1	7.5	8.6	1	7.4	7	41.3	24367	590	619,5	15
13.05.2020й	54	10.5	9.7	9.4	2.8	8.8	9	38.8	22504	580	504,4	13
14.05.2020й	62	11	15.2	9.9	2.4	8.2	8	30.7	18113	590	429,8	14
15.05.2020й	70	9.9	7.5	9.4	1.2	8.8	7.3	51.4	29298	570	719,6	14
16.05.2020й	72	10.7	9.4	8.3	1.4	8.1	7.9	46.3	27317	590	740,8	16

**ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И
ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ**


Кун.ой йил	Хар орат $t, ^\circ\text{C}$	Бундан чикаётган пахта хом- ашёсини намлиги, $a, \text{г}/\text{м}^3$	Бундан чикаётган пахта хом- ашёсини ифлосланиш и, $b, \text{г}/\text{м}^3$	Жиндан чикаётган пахта хом- ашёсини намлиги, $c, \text{г}/\text{м}^3$	Жиндан чикаётган пахта хом- ашёсини ифлосла ниши, $g, \text{г}/\text{м}^3$	Чигитини г намлиги, $p, \text{г}/\text{м}^3$	Толани нг намлиги и, $f, \text{г}/\text{м}^3$	Кунлик тола, Q , тонна	Электр энергия истеъм оли, W , кВт·с	Солиш тирма энергия сарфи, N_e , кВт·с/т	Газ истеъм моли, G , м^3	Солиш тирма газ сарфи, N_g , $\text{м}^3/\text{т}$
17.05.2020й	75	10.8	9.6	8.6	1.5	8.5	8.1	25.9	16058	620	362,6	14
18.05.2020й	85	12	14.6	10.9	2.1	9.6	8.9	41.6	24960	600	416	10
19.05.2020й	65	9.6	7.2	8.5	1	7.6	7	53.1	29736	560	796,5	15
20.05.2020й	87	10.1	7.5	8.6	2.1	8.7	8.4	45.9	26622	580	596,7	13
21.05.2020й	80	10.3	11.8	9	1.8	8.6	7.9	53	29580	558	742	14
22.05.2020й	65	9.5	7.6	8	1.2	7.8	7.6	57.5	31050	540	920	16
23.05.2020й	79	11.3	12.7	8.8	1.3	9	7.1	36.9	23681	642	405,9	11
25.05.2020й	80	11.1	14	9.7	2.6	8	8.1	21.2	14020	661	254,4	12
26.05.2020й	67	13.3	12.2	11.8	2.2	10.3	8.4	19.2	13135	684	268,8	14
27.05.2020й	68	14.2	13.3	13.1	3.3	8.7	10.6	23.8	15750	662	309,4	13
Ҳэмминг масофасини янада чуқурроқ тушуниш учун қуйидаги мисоллар ва расм келтириб ўтилади.

Мисоллар:

- $d(1011101, 1001001)=2$
- $d(1538124, 1523156)=4$
- $d(\text{hill}, \text{holl})=1$



3-битли иккилик куб; барча қирралари билан туташтириладиган масофа 1 га тенг



мисол: масофа 3 $100 \rightarrow 011$,
масофа 2 $010 \rightarrow 111$

Ёнгин пайдо бўлишининг барча сценарийларини тўрт гуруҳга бирлаштириш мумкин, уларга кўра ёнгинга хавfli объектнинг носозликлари таснифлагичини шакллантиришнинг учта асосий стратегияси ажратилади:

- объектнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши билан ривожланадиган ёнгиннинг такрорий сценарийлари. Бунда классификаторни шакллантириш учун ҳолат графиги асосида классификаторни тузиш стратегияси қўлланилади;

- ёнгинга хавfli носозликлар тўпланиши туфайли ривожланадиган такрорий ёнгин сценарийлари. Бундай сценарийлар асосида таснифлагич техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш турларини таҳлил қилиш стратегиясига мувофиқ шакллантирилади, бунда ёнгинга хавfli носозликни бартараф этиш мумкин;

- номаълум сабабларга кўра ривожланадиган такрорий ёнгин сценарийлари, шунингдек, бир марта такрорланадиган ёнгинлар. Ёнгин хавfli вазиятнинг ривожланишининг ҳақиқий сабабларини аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, мутахассислар шкаласи асосида таснифлагични тузиш стратегияси қўлланилади.

Ушбу стратегияларни қўллаш асосида объектларда ёнгинни олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш имконияти янада ошади.

Қуйидаги расмда объектларнинг автоматлаштирилган ёнгин хавфсизлиги тизимини умумий схемаси келтириб ўтилган [6].



1-расм. Объектнинг автоматлаштирилган ёнгин хавфсизлигини тизимини умумлаштирилган структураси

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ёнгиндан олдинги объектларнинг ёнгинга хавfli ҳолатларини ташхислаш масаласи нақадар долзарб вазифа эканлигини ва ёнгин хавфини баҳолашга асосланган фаол ёнгин хавфсизлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқиш нақадар муҳимлигини кўриш мумкин. Аниқланишича, объектларни ёнгиндан олдинги ҳолатлар тўғрисидаги маълумот манбалари носозликларни қайд этиш, хавфларни баҳолаш учун мавжуд автоматлаштирилган тизимлар, шунингдек, режали профильбактик таъмирлаш доирасида объектларнинг ҳақиқий ҳолатини диагностика қилиш натижалари бўлиши мумкин. Бир қатор объектларнинг ёнгин хавфини тизимли бошқариш учун ёнгин хавфини автоматлаштирилган баҳолаш усулини ишлаб чиқиш таклиф этилади. Шунингдек, объектларда ёнгин хавфсизлиги чораларини доимий кўриб бориш зарурлигини ҳисобга олган

холда, шу жумладан, объектларнинг ёнғин хавфсизлигини мониторинг қилиш учун дастурий-аппарат мажмуасини яратиш тавсия этилади.

Адабиётлар

- [1]. Шубинский, И.Б. Методы обеспечения функциональной надежности программ / И.Б. Шубинский // Надежность. – 2014. – № 4. – С. 87-101.
- [2]. Галиакбаров, В.Ф. Построение интеллектуальной системы обнаружения несанкционированных скачков давления в магистральебывьных трубопроводах для поддержания промышленной и пожарной безопасности / В.Ф. Галиакбаров, В.Д. Ковшов, Э.В. Галиакбарова, З.М. Нагаева // Проблемы сбора, подготовки и транспорта нефтепродуктов: науч.– техн. журн. – 2015. – № 2. – С. 188-195.
- [3]. Проневич, О.Б. Графовый метод оценки производственной безопасности на объектах железнодорожного транспорта / И.Б. Шубинский, А.М. Замышляев, О.Б. Проневич // Надежность. – 2017. – Москва. – №17(1). – С. 40-45.
- [4]. Шубинский, И.Б. Графовый метод оценки производственной безопасности на объектах железнодорожного транспорта [Текст] / И.Б. Шубинский, А.М. Замышляев, О.Б. Проневич // Надежность. – 2017. – Т. 17.– № 1(60). – С. 40-45.
- [5]. Швырков С. А., Воробьев В. В., Ибатулин Р. К. Оценка пожарного риска для автомобильной газозаправочной станции от расположенных вблизи автомагистрали очистных сооружений // Технологии техносферной безопасности. - 2015. - № 4(62). - С. 64-73.
- [6]. Проневич, О.Б. Разработка математической модели оценки эффективности систем обеспечения пожарной безопасности стационарных объектов / О.Б. Проневич // Заводская лаборатория. Диагностика материалов. – 2014. – № 7. – С. 67-72.

**АВТОНОМ ФОТОЭЛЕКТР ТИЗИМИНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИОН
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ф.Т. Юсупова

*Фаргона политехника институти
(Қабул қилинди 16.02.2023 й.)*

Ушбу мақолада автоном фотоэлектр тизимнинг эксплуатацион параметрлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида компьютер асосида MATLAB SIMULINK дастуридан фойдаланган ҳолда имитацион модели ишлаб чиқилган. Кейинги босқичида автоном фотоэлектр тизимда 4-6 даража атроф-муҳит ҳароратида эксперимент тадқиқотлар ўтказилган. Автоном қуёш электр станциянинг эксплуатацион параметрлари бўйича олинган тажриба натижалари ва таҳлиллари баён этилган.

Калим сўзлар: қуёш энергияси, электр энергия, фото элемент, фото электр батареялар, контроллер, аккумулятор, инвертор, ток, кучланиш, қувват.

В данной статье было проведено исследование рабочих параметров автономной фотоэлектрической системы. На начальном этапе исследований была разработана компьютерная имитационная модель с использованием программы MATLAB SIMULINK. На следующем этапе проводились экспериментальные исследования в автономной фотоэлектрической системе при температуре окружающей среды 4-6 градусов. Описаны экспериментальные результаты и анализ рабочих параметров автономной солнечной электростанции.

Ключевые слова: солнечная энергия, электрическая энергия, фотоэлемент, фотоэлектрические батареи, контроллер, батарея, инвертор, ток, напряжение, мощность.

In this article, a study was made of the operating parameters of an autonomous photovoltaic system. At the initial stage of research, a computer simulation model was developed using the MATLAB SIMULINK program. At the next stage, experimental studies were carried out in an autonomous photovoltaic system at an ambient temperature of 4-6 degrees. The experimental results and analysis of the operating parameters of an autonomous solar power plant are described.

Key words: solar energy, electrical energy, photocell, photovoltaic batteries, controller, battery, inverter, current, voltage, power.

Кириш

Дунё бўйича аҳоли сони ошиб бориши оқибатида электр энергияга бўлган эҳтиёж ва талаб кун сайин ортиб бормоқда. Анъанавий энергия манбаларига қараганда, қайта

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш анча самаралироқ, чунки у битмас-туганмас манба бўлиб, ер юзининг ҳамма жойларида учрайди, шу сабабли ундан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб ва муҳим масаласига айланди.

Маълумки, куёш энергияси ер юзасининг ҳар бир нуқтасида мавжуд. Ўзбекистонда куёш энергиясидан электр энергияси ишлаб чиқиш энергетика соҳасининг энг ривожланаётган тармоғига айланди. Куёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириш учун куёш фотоэлектр тизим томонидан амалга оширилади. Куёш фотоэлектр тизимнинг асоси куёш модулидан иборат бўлиб, фотоэлементлардан ташкил топган.

Куёш электр станциялари йил давомида ишлайди. Қиш пайтида об-ҳавонинг ўзгариши оқибатида ёғингарчилик юзага келади ва фотоэлектр тизимнинг юза қисми ифлосланиши натижасида куёш нури орқали электр энергияси олиш камаяди [1,2].

Материаллар ва усуллар

Автоном куёш электр станцияни қуриш учун куёш панели, контроллер, аккумулятор ва инверторлардан фойдаланилади. Қурилманинг самарадорлигини баҳолаш учун Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида жойлашган Гулистон маҳалласида синов тажрибалари ўтказилди. Гулистон маҳалласининг географик жойлашуви $40^{\circ}, 38' 42''$ кенглик ва $71^{\circ} 78' 43''$ узунликда жойлашган [3].

Фотоэлектр батареяларидан фойдаланишда асосий эътибор қуввати ва самарадорлигига қаратилди. Уларни ичидан монокристалли кремнийдан тайёрланган қуввати 500 Вт дан иборат бўлган фотоэлектр батареяси танлаб олинди. Унинг физик ва техник характеристикалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.


Қуввати 500 Втга тенг бўлган фото электр батареяларининг физик ва техник характеристикалари

№	Параметрлари	Кўрсаткичлари
1.	Model номи	SOLAR PANEL
2.	Максимал қуввати, (P_{max})	500 W
3.	P_{max} да кучланиш, (V_{mp})	42,80 V
4.	P_{max} да ток, (I_{mp})	11,69 A
5.	Очиқ занжирдаги кучланиш, (V_{oc})	51.7 V
6.	Қисқа туташув токи, (I_{sc})	12,28 A
7.	Ишчи ҳарорати ($^{\circ}C$)	$-40^{\circ}C$ дан $+85^{\circ}C$
8.	Максимал кучланиш (V_{max})	1500 V
9.	Ячейкалар сони (дона)	144 pcs
8.	Размер (mm)	2000*1000*30

Тадқиқотлар икки хил усулда: компьютер асосида MATLAB SIMULINK дастури ёрдамида имитацион модели ишлаб чиқилди ва ўрнатилган қурилмада экспериментлар ўтказилди.

Назарий қисм

Ноанъанавий энергия манбаларнинг ишини таҳлил ва тадқиқ қилишда бир қанча дастурий пакетлар мавжуд бўлиб, шулардан бири MATLAB SIMULINK дастури ҳисобланади. MATLAB SIMULINK дастурининг Simscape Electrical платформасидаги Specialized Power Systems бўлими автоном фотоэлектр тизимнинг моделини ишлаб чиқишда қўл келади. Ушбу бўлимнинг кутубхонасида куёш элементи ва панели, конвертор, инвертор, электр занжирларни йиғиш учун зарур бўлган элементлар ва бошқа компонентларнинг тайёр моделлари мавжуд. Бу кутубхонада мураккаб энергетик тизимнинг моделини йиғиш ва унинг ишлаш жараёнини таҳлил қилишда фойдаланилади.



1-расм. Автоном фотоэлектр тизимнинг MATLAB SIMULINK дастурида тузилган имитацион модели.

Тадқиқотни дастлабки босқичида кутубхонадан қуёш панели учун ишлаб чиқилган PV Array блоги олинди ва уни фотоэлектр тизимда қўлланилган Trina Solar TSM-250PA05.08 русумли модул учун созланди. Trina Solar TSM-250PA05.08 русумли модулда 62 дона фотоэлементдан иборат. Унинг қуввати 250 Вт ва кучланиши 25 В га тенг бўлган модулнинг 8 таси кетма-кет уланган [4, 5]. Бу модулни янада такомиллаштириб, Trina Solar TSM-

250PA05.08 русумли модул ўрнига, PV Array 500 Solar Panel SP-500PA0.08 русумли модул танлаб олинди. Қуёш панелининг қуввати 500 Вт га мўлжалланган бўлиб, модул 72 та фотоэлементдан ташкил топган. Панелнинг қувватини 2 кВт га етказиш учун 4 дона модул кетма-кет уланди.

Автоном фотоэлектр тизимнинг имитацион модели 5 та компонентдан иборат: қуёш панели, RLC филътр, конвертор, инвертор ва RL юклама.

Фотоэлектр батареяларни ўрнатишда оғиш бурчагини аниқлаш муҳимдир. Маълумки [6], қуёш модулининг оғиш бурчаги модулга тушадиган энергия оқимининг зичлигига боғлиқ. Қуёш панелининг юзаси ва қуёш нурланиши бир-бирига перпендикуляр бўлганда, оқим зичлиги радиацияси максимал бўлади. Оғиш бурчаги ўзгарганда, оқим зичлиги радиацияси камаяди. Шундай қилиб, модул юзасига тушадиган нурланишга оғиш бурчаги сезиларли даражада таъсир қилади. Агар оғиш бурчаги модул жойлашган жойнинг кенглигига тенг бўлса, радиация оқими максимал қийматга эга бўлиши мумкин [6].

Бундан ташқари, қуёш панелларини ўрнатишда ҳаво циркуляцияси ҳам ҳисобга олинади. Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида қуёш панелини оғиш бурчаги 30^0 деб олинди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида 2 кВтли автоном қуёш электр станциясини қуриш учун кремнийдан тайёрланган монокристалл туридаги қуёш панелининг 4 донаси кетма-кет уланди. Автоном қуёш электр станциянинг таркиби: қуёш панели, контроллер, аккумулятор ва инвертордан ташкил топган (2-расм). Унинг ишлаши қуйидагича: қуёш энергияси фотовольтик элементлар орқали электр энергияга айлантирилади. Фотоэлементнинг харакати ички фотоэффектга асосланади, натижада р-п ўтишда электрон-ковак жуфтликлари орқали генерацияланган ёруғликда квант бўлиниш жараёнлари содир бўлади, бу эса электр токини пайдо бўлишига олиб келади [4]. Маълумки, қуёш панели ўзгармас кучланиш ишлаб чиқаради. Контроллер панелдан чиқаётган ўзгармас кучланишини мўтадиллаштириб, аккумулятор ва инверторлар учун керакли кучланишни айлантириб бериш учун хизмат қилади. Контроллер аккумуляторга уланган, у ўзгармас кучланишни сақлаб, керак бўлган вақтда кучланишни етказиб беради. Аккумулятордаги паст кучланиш 12, 24, 36 48 В ни,

юкори кучланиш 220 В га ўзгартиришда инвертор орқали амалга оширилади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси


Фарғона вилояти бўйича қуёш радиацияси июль ойида соат 12.30 дан 15.30 оралиғида горизонтал юзасидаги умумий радиацияси $Q = 0.86 \text{ МЖ/м}^2$ ни ташкил қилса, декабрь ойида $Q = 0.41 \text{ МЖ/м}^2$ ни ташкил этади. Бундан кўришиб турибдики, қишда ёзга нисбатан қуёш панелининг горизонтал юзасига радиация икки баробар камроқ тушади [7].



2-расм. Автоном қуёш электр станцияси ва унинг таркибий қисмлари: 500 Втли фото электр батареялар, инвертор 5 кВт, аккумулятор 12 В, тестер, осциллограф.


Тадқиқотлар 2022 йилнинг декабрь ойида 4-6 даража атроф-муҳит ҳароратида ўтказилди. Қишда кун, тунга нисбатан камроқ бўлиши ҳисобга олинди. Автоном манбанинг ишлаш вақти 08:00 дан 17:00 гача белгиланди, яъни 9 соатни ташкил этди.

Имитацион модел бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, иш бошланганда қуёш нурланиши $100 \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2}$ ва ҳаво ҳарорати 15°C тенг бўлди, соат 10 ларга бориб, уларнинг қийматлари $800 \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2}$ ва 20°C га, соат 12 дан 13 гача оралиқда эса $1000 \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2}$ ва 30°C тенг бўлди. Сўнгра иш якунида яна пасайишни бошлаб, $100 \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2}$ ва 15°C ни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. Қуёш нурланиши (I_r) ва ҳаво ҳарорати ($Temp$) нинг автоном манбанинг иши давомида ўзгариш графиклари.

Автоном куёш электр станциянинг 9 соат давомида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 4,7 кВт*соат ни ва бир ой давомида ўртача 141 кВт*соат ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, хонадонни электр энергия билан таъминлашга бўлган эҳтиёж кондирилади.



4-расм. Инверторнинг чиқишидаги кучланиш осциллограммаси.

Инверторнинг чиқишидаги синусоидал кучланишни осциллограммаси осциллограф ёрдамида олинди (4-расм).

Кўриниб турибдики, куннинг қоқ ярмида инверторнинг чиқишидаги кучланишнинг амплитудаси 321 В ни ва токнинг қиймати эса 12,5 А ни ташкил қилмоқда. Кучланишни ўртача квадратик қиймати 228 В га ва частотаси 50 Гц га тенг бўлди.

Хулоса

Автоном куёш электр станциясидан электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланиш, бошқа электр станцияларига нисбатан ишончли ва атроф муҳитга зиён келтирмайдиган битмас-туганмас манба эканлиги тадқиқотлар ўтказишда маълум бўлди. Унинг компьютер асосида ишлаб чиқилган имитацион модели ва тажриба асосида амалда текшириш учун олиб борилган назарий тадқиқотлар, амалий кутилган натижаларга яқин келди. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳаво ҳароратини ўзгаришига боғлиқ ҳолда ток, кучланиш ва қувватнинг қийматлари ўзгариб бориши ҳолати тажриба ўтказишда маълум бўлди. Бу қиймат максимал самарадорликка эришиш имкониятини беради.

Адабиётлар

- [1]. M.Mani, R.Pillai. Impact of dust on solar photovoltaic (PV) performance: Research status, challenges and recommendations //Renewable and Sustainable Energy Reviews. v. 14, P. 3124-3131, 2010.
- [2]. M. Piliouguine, C.Cañete, R.Moreno, J.Carretero, J.Hirose, S.Ogawa, and Sidrach-de-Cardona. Comparative analysis of energy produced by photovoltaic modules with anti-soiling coated surface in arid climates //Applied Energy. Vol. 112, P. 626 – 634, 2013.
- [3]. <https://globalsolaratlas.info>
- [4]. Д.Т.Юсупов, Ф.Т.Юсупова. MATLAB дастури асосида куёш фотоэлектрик модулининг математик моделини ишлаб чиқиш. ФарПИ илмий - техника журнал, 2021. Том 25. №1. 219-223 б.
- [5]. Касимахунова А.М. Юсупова Ф.Т. Development of a model of an autonomous photoelectric system based on MATLAB SIMULINK environment. Scientific and Technical journal of NamIET. Том 7. Issue 4, 2022, pp 358-362.
- [6]. Тошпулатова Д.Х. Моделирование оптимального угла наклона для солнечных панелей. Academic Research in Educational Sciences. Volume 3 | Issue 10 | 2022. ISSN: 2181-1385 С.
- [7]. Научно-прикладной справочник по климату СССР. Выпуск 19, Узбекская ССР, Книга 1. Ленинград Гидрометеиздат 1989 г.С 281.

УДК 621.314.5

**ТАҚСИМЛАНГАН ГЕНЕРАЦИЯ МАНЪБАЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАШ
ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИДАГИ КУЧЛАНИШ ТУШИШИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ
АҲАМИЯТИ**

Х.М. Муратов, А.И. Тураев, А.И. Тураев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти
akrom0228@gmail.com, Tel:937770590
(Қабул қилинди 27.03.2023 й.)

Мақолада ўта юкланиш ҳолатида ишлаб турган паст кучланишли тақсимлаш электр тармоғидаги истеъмолчиларда умумий талабни инобатга олиб, тақсимланган генерация манъбалари хонадонлар бўйича ўрнатилгани ҳолати моделлаштарилди. Тақсимловчи генерация манъбалари сифатида қуёш фотоэлектрик станциялари танлаб олинди. Натижада 450 м узунликдаги кабел тақсимлаш тармоғидаги хонадонларда жами 34 кВт қувватли тақсимлаш генерация манъбаларидан фойдаланиш натижасида актив қувват исрофи ўртача 35%, реактив қувват исрофи эса 35% камайишига, кабел тармоғининг ўта юкланиш даражаси 1-хонадон кесимида бартараф этилишига, охириги хонадонлар кесимида эса 14% дан 6% гача пасайишига эришилган. Кучланиш тушиши хонадонларнинг охириларида белгиланган талаб даражасида эмаслиги, тақсимловчи генерация манъбаларидан фойдаланилгандан сўнг чегаравий қўйматларда бўлишилиги аниқланди.

Таянч сўз ва иборалар: инвертер, тармоқ кучланиши, қуёш панеллари, кучланиш тушуви, ортиқча юкланиш, актив қувват, реактив қувват.

В статье с учетом общей потребности потребителей в низковольтной распределительной сети, работающей в условиях экстремальной нагрузки, были установлены и смоделированы домохозяйствами источников распределенной генерации, в качестве источников распределенной генерации выбраны солнечные фотоэлектрические станции. В результате применения источников распределенной генерации суммарной мощностью 34 кВт в домах в кабельной распределительной сети протяженностью 450 м потери активной мощности снижаются в среднем на 35 %, реактивная потери мощности снижены в среднем на 35%, устранен уровень перегрузки кабельной сети на участке 1-го дома, а на участке последних домов с 14% до 6%. Кроме того, установлено, что падение напряжения на концах квартир не на требуемом уровне, а после использования распределительных генераторов находится на предельных значениях.

Ключевые слова: инвертор, напряжение сети, солнечные панели, пониженное напряжение, перегрузка, активная мощность, реактивная мощность.

In the article, taking into account the general demand of the consumers in the low-voltage distribution network operating under extreme load, distribution generations were installed and modeled by households. Solar photoelectric stations were selected as distribution generation. As a result, as a result of the use of distribution generation with a total power of 34 kW in the houses in the cable distribution network with a length of 450 m, the active power loss is reduced by an average of 35%, the reactive power loss is reduced by an average of 35%, the overload level of the cable network is eliminated in the section of the 1st house, and from 14% in the section of the last houses A decrease of up to 6% was achieved. In addition, it was found that the voltage drop at the ends of the apartments is not at the required level, and after using the distribution generators, it is at the limit values.

Key words: inverter, grid voltage, solar panels, under voltage, overloading, active power, reactive power.


Республикамизда истеъмолчиларни узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириш, қуёш панелларининг фойдали иш коэффициентини ошириш, ҳамда тақсимланган генерация манъбаларидан фойдаланиш юзасидан кенг қамровли чоратadbирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, «... Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини

барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан электр энергетика тармоқларини самарадорлигини комплекс тадқиқ этиш орқали қўшимча энергия тежаш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

Паст кучланишли тақсимлаш электр тармоқлари барқарорлигини таъминлаш ва қувват исрофини камайтириш учун тақсимланган генерация манъбаларидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш учун тақсимлаш электр тармоқларида электр энергияси сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш; куёш фотоэлектрик станцияси (ҚФЭС) ва тақсимлаш электр тармоғи орасидаги қувват оқимлари учун математик модел ишлаб чиқиш; ҚФЭС орқали тақсимлаш электр тармоғидаги носимметрикликни бартараф этиш алгоритминини яратиш; тақсимлаш электр тармоғига уланган тақсимланган генерация манъбаларида қувват назоратини такомиллаштириш; ҚФЭС уланган электр тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини асослаш каби бир қатор ишлар амалга оширилган [2; 3].

Таҳлил натижаларига кўра, электр энергиясига бўлган талабнинг юқори суратларда ортиши ишлаб чиқариш саноати ва турар-жой мажмуаларининг ортиши билан боғлиқ. Мамлакат миқёсида экспорт ҳажмининг ортиб бориши иқтисодийнинг ўсишини таъминласа, бу ўз-ўзидан инсонларнинг иқтисодий даромадларини яхшилаб, техник қурилмаларга бўлган талабини оширади [4].

Электр энергиясига бўлган талаб ошса, максимал нагрузка ҳам ортади. Бу эса ўз-ўзидан кучланиш тушишига сабаб бўлади, 1- расмда электр энергиясига бўлган талаб ортиши билан кучланиш тушишининг охириги 10 йилликдаги ўзгариш графиги келтирилган [5].



1-расм. Кучланиш қийматининг охириги 10 йилликда ўзгариши.

Электр тармоқларида қувват коэффициентини ҳам талаб даражасида эмаслиги, электр энергияси исрофининг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Паст кучланишли тақсимлаш тармоқларининг юкланганлик даражасини ҳисоблаш мақсадида йиллик юклама ўсишини 6% деб қабул қилинган. Энг оғир юкланганлик даражасини ёз ва қиш кунларидаги ҳаво ҳарорати инобатга олиниб, 45⁰ С учун 0,74; ҳамда 10⁰ С ҳаво ҳарорати учун 1,15 коэффициентлар қабул қилинган [6].

Паст кучланишли тақсимлаш электр тармоқлари орасида 6/0,4 кВ кучланишга эга ва 400 кВА қувватли трансформаторлар алоҳида ўринга эга. Шу боис бу трансформаторлардаги юкланганлик даражаси 83% ни ташкил қилмоқда. Асосий трансформатор подстанцияларидаги кучланиш қиймати ҳам белгиланган қийматдан анча паст эканлиги аниқланган.

Тадқиқот давомида кичик қувватли тақсимланган генерация манъбалари, жумладан куёш фотоэлектрик станциялари кўриб чиқилган, умумий қуввати 34 кВт бўлган тақсимлаш электр тармоғи билан параллел ишлаб келаётган станциянинг техник параметрлари 1-жадвалда келтириб ўтилган. Куёш станцияси том қисмининг 400 квадрат метр жойини

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ


эгаллаган. Жами 98 дона қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, ҳар бирининг электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати 350 Вт дан иборат.

1-жадвал

Қуёш станцияси инверторининг техник параметрлари

Қуёш станцияси инвертори	
Тури	SG350HX
Қуввати	350 кВА, 50°C(PF1)
Номинал чиқиш токи	254 А
Номинал чиқиш кучланиши	800 В
Чиқиш кучланиши ўзгариши	640 – 920 В
Номинал частота / частота ўзгариши	50 Гц / 45 – 55 Гц
Қувват коэффициенти / Мослашувчанлиги	> 0.99 / 0.8 олдинда – 0.8 орқада
Фойдали иш коэффициенти	99.01 %
Умумий носинусоидаллик коэффициенти	< 3 % (номинал қувватда)


Инвертор қувватининг ташқи ҳароратга боғлиқлиги 2-расмда кўрсатилган. Унга кўра, инвертор ташқи ҳаво ҳарорати 30⁰ С гача бўлганда максимал қувват билан ишлай олади (қувват коэффициенти бирга тенг).



2-расм. Инвертор қувватининг ҳароратга боғлиқлиги.

Ташқи ҳарорат 30⁰ С дан ошганда инвертор максимал қувватда ишлай олмайди, аммо ташқи ҳароратнинг яна ҳам ортиши инвертор қувватининг кескин камайишига олиб келади. Ташқи ҳарорат 30⁰ С бўлганда инвертор 295 кВт қувват билан ишлай олади. Ҳаво ҳарорати 60⁰ С гача кўтарилганда инверторнинг тўла қувват билан ишлай олишига имкон бермайди ва 100 кВт қувват билан ишлайди.

Тармоқ кучланишини ҳисоблагич кириш сифатида тармоқ кучланишидан фойдаланади ва иккита сигнал ҳосил қилади: бири тармоқ кучланишига мос келадиган параллел компонент ва иккинчиси тармоқ кучланишидан 90⁰ олдинда (ортогонал компонент). Бу ҳисоблагич қуйидаги тесқари алоқа блок-схемаси орқали ишлайди [7]:



3-расм. Электр тармоқ кучланишини баҳолашда тескари алоқа блоки.

$$\begin{pmatrix} q1 \\ q2 \end{pmatrix} = \begin{bmatrix} 0 & \omega_0 \\ -\omega_0 & 0 \end{bmatrix} \begin{pmatrix} q1 \\ q2 \end{pmatrix} + \begin{bmatrix} k_{sinx} \\ 0 \end{bmatrix} (v_g - q1) \quad (1)$$

$$\begin{pmatrix} v_g \\ v_t \end{pmatrix} = \begin{bmatrix} d1 \\ d2 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} 1 & 0 \\ 0 & 1 \end{bmatrix} \begin{pmatrix} q1 \\ q2 \end{pmatrix} \quad (2)$$

Юқоридаги тескари алоқа блок-схемасида кирувчи сигнал $v_g - q_1$ га тенг, бунда q_1 умумий сигналнинг параллел ташкил этувчиси бўлади. 3-расмда кўрсатилгандек, q_1 v_g ни ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Тескари алоқа блокдан таклиф этиладиган сигнал v_g ҳисобланади, бу синусоидал сигнал электр тармоғи частотасига мос равишда тебранади. Келтириб ўтилган матрицада A ω_0 частотадаги электр тармоғи кучланишини ифодалайди [8].

Бунда k_{sinx} электр тармоғидан ω_0 фундаментал частотадаги кучланиш қийматларини белгилаб боради ва $q1$ орқали v_g кучланишни тармоқ параметрларига мослаб боради. $q1$ сигналнинг энг муҳим томони электр тармоғидаги юқори гармоника сигналларини танимаслигидадир, бу дегани тармоқнинг юқори гармоникалардаги кучланиш қийматлари ҳеч қандай таъсир қила олмайди.

Паст кучланишли тақсимлаш электр тармоқларидаги трансформатор пунктидаги номинал қуввати 250 кВА га тенг бўлган трансформатор ва унга уланган истеъмолчилар учун қувват исрофлари кўриб чиқилган. Таҳлил икки босқичда амалга оширилган. Биринчи босқичда реал тақсимлаш тармоғининг қувват исрофлари ҳисобланган бўлса, иккинчи босқичда ҚФЭС тақсимлаш тармоғига улангандан сўнг қувват исрофлари ҳисоблаб чиқилган. Трансформаторнинг техник параметрлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

ТП трансформаторининг техник параметрлари

TRF 10/0.4 кВ 250 кВА Трансформатор	
Номинал кучланиш кВ (ЮК/ПК)	10 / 0.4
Номинал қуввати кВА	250
Қисқа туташув токи (%)	4
Кучланишни автоматик ростлаш	ЮК ±5
КАР поғонаси %	1.25
Уланиш гуруҳи ва схемаси	YNd11

ТП даги трансформатордан кабел линияси орқали 27 та хонадон электр энергияси билан таъминланади.

ТП орқали электр энергиясини истеъмол қилаётган 27 хонадондан учинчи, ўнинчи ва йигирма олтинчи хонадонларда куёш панеллари ўрнатилиб, Power Factory дастурида

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

моделлаштирилган. Куёш панелларининг ишлаб чиқариш қувватлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Хонадонларда ўрнатилган куёш панелларининг умумий қуввати

Хонадон тартиби	Қувват кВт
3-хонадон	8
10-хонадон	10
26-хонадон	16

Трансформаторнинг йил давомидаги энергия исрофини (реактив қувват бўйича) аниқлаш учун қуйидаги ифодадан фойдаланилган [9].

$$\Delta W_{\text{тр}} = \Delta Q_{\text{ўр}} \frac{S_{\text{ю}}}{S_{\text{н}}} \tau + \Delta W_{\text{т}} \quad (3)$$

бунда ΔW йил давомидаги доимий мавжуд бўлган энергия исрофи, $S_{\text{н}}$ трансформатор номинал қуввати, $S_{\text{ю}}$ трансформатор юкламаси, $\tau = 320 * 10\text{соат} = 3200\text{ соат}$ йил давомида куёш панелларининг ўртача ишлаш давомийлиги.

Хонадонларда куёш панелларидан фойдаланилмаган ҳолат учун, трансформаторнинг юкланиши 116,66 %ни ташкил этди, реактив қувват исрофи 1,61 кВАР эканлиги аниқланди. Юқоридаги ифодалар орқали энергия исрофининг йил давомидаги қиймати қуйидагича бўлади.

$$\Delta W_{\text{тр}} = 13,61 * 1,1666^2 * 3200 = 59\ 272\ \text{кВАР} * \text{соат}$$

Хонадонларда куёш панелларидан фойдаланилган ҳолат учун, трансформаторнинг юкланиши 101,63 %ни ташкил этган, реактив қувват исрофи 10,33 кВАР эканлиги аниқланган, натижаларни олишда DigSilent дастуридан фойдаланилган. Юқоридаги ифодалар орқали энергия исрофининг йил давомидаги қиймати қуйидагича бўлади.

$$\Delta W_{\text{тр}} = 10,33 * 1,0163^2 * 3200 = 34\ 142\ \text{кВАР} * \text{соат}$$

Қуввати 250 кВА бўлган трансформаторда энергия исрофи йилига $59272 - 34142 = 25130$ кВАР*соатга камайиши аниқланди, бу қиймат энергия исрофи 42 % га камайишини англатади.

Тақсимлаш электр тармоғидаги трансформаторда ва кабел линиясидаги қувват исрофлари қуйидаги ифодалар орқали аниқланади [10].

$$\Delta P = R(P^2 + Q^2)/U^2 \quad (4)$$

$$\Delta Q = X(P^2 + Q^2)/U^2 \quad (5)$$

бунда P (Вт) ва Q (ВАР) актив ва реактив қувват истеъмоли, U (В) тақсимлаш электр тармоғининг номинал кучланиши, R ва X (Ом) тақсимлаш электр тармоғидаги кабел линиясининг актив ва реактив қаршиликлари.

ҚФЭСдан фойдаланиш орқали эришиладиган самарадорликни аниқлаш учун йиллик энергия исрофини кундузги вақтларучун ҳисоблаб чиқилган, бу қуйидагича ифодаланади [11].

$$\Delta W = \Delta P_{\text{ўр}} \tau = (\Delta P_1 + \Delta P_2 + \Delta P_3 + \dots + \Delta P_{27}) \tau \quad (6)$$

бунда $\Delta P_{\text{ўр}}$ қувват исрофининг ўртача қиймати (кВт), $\tau = 320 * 10\text{соат} = 3200\text{ соат}$ йил давомида куёш панелларининг ўртача ишлаш давомийлиги.

Умумий узунлиги 0.4 км ни ташкил этган кабел тармоғидаги энергия исрофини хонадонлар кесимидаги қувват исрофлари (4-расм) орқали аниқланган.

Хонадонларда қуёш панеллари ўрнатилмасдан олдинги ҳолат бўйича:


$$\Delta W_{\text{актив}} = \Delta P_{\text{ўр}} \tau = 17,93 \text{ кВт} * 3200 \text{ соат} = 57\,376 \text{ кВт} * \text{соат}$$

$$\Delta W_{\text{реактив}} = \Delta Q_{\text{ўр}} \tau = 6,21 \text{ кВАР} * 3200 \text{ соат} = 19\,872 \text{ кВт} * \text{соат}$$

Хонадонларда қуёш панеллари ўрнатилгандан сўнг:

$$\Delta W_{\text{актив}} = \Delta P_{\text{ўр}} \tau = 11,248 \text{ кВт} * 3200 \text{ соат} = 35\,994 \text{ кВт} * \text{соат}$$

$$\Delta W_{\text{реактив}} = \Delta Q_{\text{ўр}} \tau = 3,926 \text{ кВАР} * 3200 \text{ соат} = 12\,563 \text{ кВт} * \text{соат}$$




4-расм. Хонадонлар кесимида кучланиш тушуви.

0,444 км узунликдаги кабел тақсимлаш тармоғидаги хонадонларда жами 34 кВт қувватли ҚФЭСдан фойдаланиш натижасида актив қувват исрофи 57376-35994=21382 кВт*соат (37%), реактив қувват исрофи 19872-12563=7309кВАР*соат (37%) камайишига эришилган.

Хонадонлар кесимида кучланиш тушиши тақсимловчи генерация манъбаларидан

фойдаланилмаган ҳолда хонадонларнинг охиригида белгиланган талаб



5-расм. Хонадонлар кесимида қувват исрофи.

даражасида эмаслиги, тақсимловчи генерация манъбалари уланганда чегаравий қийматларда бўлишиги 5-расмда кўрсатилган. DigSilent дастуридан фойдаланиб олинган.

Шундай қилиб, электр тармоғи истеъмолчиларининг қувватини инобатга олиб, баъзи бир хонадонларда тақсимловчи генерация манъбалари ўрнатилиб моделлаштирилган ва натижалар олинган. 0,444 км узунликдаги кабел тақсимлаш

тармоғидаги хонадонларда жами 34 кВт қувватли қуёш панелларидан фойдаланиш натижасида актив қувват исрофи 21382 кВт*соат, реактив қувват исрофи 7309кВАР*соат га камайишига эришилган. Кабел тармоғининг ўта юкланиш даражаси 1-хонадон кесимида 105 % дан 85 % гача, охириги хонадонлар кесимида эса 14% дан 6% гача камайиши кўрсатилди. Хонадонлар кесимида кучланиш тушиши тақсимловчи генерация манъбаларидан фойдаланилмаган ҳолда хонадонларнинг охиригида белгиланган талаб даражасида эмаслиги, тақсимловчи генераци манъбалари уланганда чегаравий қийматларда бўлишиги аниқланган. Электр тармоқларида тақсимловчи генерация манъбалааридан фойдаланиш энергия самарадорлиги нуқтаи- назаридан жуда муҳим эканлиги ўз исботини топган.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Призидентининг 04.10.2019 йилдаги ПҚ-4477-сонли “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори

- [2]. Муратов Х.М. “Энергетиканинг ривожланиш истиқболлари” Халқ сўзи газетаси. 2014 й. 12 июл, №135.Б.3.
- [3]. Расулов А.Н., Меликузиев М.В, Умбетов Н.С, “Определение технических потерь в сетях 10/0,4 кв” электронный научный журнал «APRIORI. серия: естественные и технические науки», 2016 г.
- [4]. БМТ Тараққиёт дастури “Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истиқболлари”, 2007 йил..
- [5]. СТРАТЕГИЯ развития распределительных электрических сетей в Республике Узбекистан до 2025 года, 2019 г.
- [6]. Абдурахмонов А.М., “Электр энергияни назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимлари (ЭНХАТ)”, Innovative development in the global science June , 2022, Boston, USA.
- [7]. IEEE 519-2014 “IEEE Recommended Practice and Requirements for Harmonic Control in Electric Power Systems” P.4-10.
- [8]. S. Kjaer, J. Pedersen, and F. Blaabjerg, “A review of single-phase grid-connected inverters for photovoltaic modules,” Industry Applications, IEEE Transactions on, vol. 41, no. 5, pp. 1292 – 1306, sept.-oct. 2005.
- [9]. Moreira Rodrigues, C.E.; de Lima Tostes, M.E.; Holanda Bezerra, U.; Mota Soares, T.; Ortiz de Matos, E.; Serra Soares Filho, L.; dos Santos Silva, E.C.; Ferreira Rendeiro, M.; Jeferson da Silva Moura, C. Technical Loss Calculation in Distribution Grids Using Equivalent Minimum Order Networks and an Iterative Power Factor Correction Procedure. Energies 2021, 14, 646. <https://doi.org/10.3390/en14030646>..
- [10]. V. Vita, T. Alimardan and L. Ekonomou, "The Impact of Distributed Generation in the Distribution Networks' Voltage Profile and Energy Losses," 2015 IEEE European Modelling Symposium (EMS), 2015, pp. 260-265, doi: 10.1109/EMS.2015.46.
- [11]. Муратов Х.М., Тураев А.И., Уч фазали таксимлаш электр тармоғига уланган фотоэлектрик станцияда қувват назоратининг имкониятлари, //Энергетика ва информатика муаммолари, 2020 й, № 1, 60-66-бетлар.

УДК 697.329

ПАРАБОЛОЦИЛИНДРИК КОНЦЕНТРАТОРДА ОПТИК, ГЕОМЕТРИК ВА ИССИҚЛИК ЙЎҚОТИШЛАР

С.Ф. Эргашев, М.Д. Тожибоева

Фаргона политехника институти, E-mail: mumtoz1012@mail.ru

(Қабул қилинди 30.03.2023 й.)

This article discusses optical, geometric and thermal losses in parabolic trough concentrators for steam generation. These data will be useful in the operation of parabolic trough concentrators for the generation of steam and hot water..

Key words: *heliocentrator, wavelength, surface, temperature, radiation..*

В данной статье рассмотрены оптические, геометрические и тепловые потери в параболоцилиндрических концентраторах для выработки пара. Эти данные будут полезны при эксплуатации параболоцилиндрических концентраторов для выработки пара и горячей воды.

Ключевые слова: *parabolic-cylindrical concentrator, optics, geometrics, heat, losses.*

Ушбу мақолада буг ҳосил қилиш учун параболоцилиндрик концентраторларда оптик, геометрик ва иссиқлик йўқотишлар кўриб чиқилган. Ушбу маълумотлар буг ва қайноқ сув ишлаб чиқариш учун параболоцилиндрик концентраторлардан фойдаланишда фойдали бўлади.

Калим сўзлар: *параболоцилиндрик концентратор, оптик, геометрик, иссиқлик, йўқотишлар.*


Параболоцилиндрик концентраторнинг самарадорлиги уч хил ўзгарувчи билан аниқланади:

- оптик самарадорлик, у ўз ичига нол бурчак остида тушишида параболоцилиндрик концентраторидаги барча оптик йўқотишларни ўз ичига олади;

- иссиқлик самарадорлиги, параболоцилиндрик концентраторда вужудга келувчи барча иссиқлик йўқотишларни ўз ичига олади;

- тушиш бурчаги $K(\theta)$ сабабли модификатор, $(\theta > 0^\circ)$ дан катта бўлган шартда, Параболоцилиндрик концентраторида юзага келадиган барча геометрик ва оптик йўқотишларни ўз ичига олади.

Оптик йўқотишлар, идеал акс эттиргич бўлган параболоцилиндрик концентраторининг акс эттирувчи юзаси йўқлиги, металл трубкани ўраб турган мутлақо шаффоф ойнанинг йўқлиги, идеал ютувчи ҳисобланган металл трубанинг селектив қопламасининг йўқлиги ва параболоцилиндрик концентраторининг идеал геометрияси йўқлиги натижасида юзага келади. Ушбу камчиликлар параболоцилиндрик концентраторининг қабул қилиш майдонида тушадиган тўғридан-тўғри куёш



1-расм. Параболоцилиндрик концентраторининг оптик параметрлари.

нурланишининг фақат бир қисми абсорбер трубкани ичида айланиб юривчи суюқликка этиб боришига олиб келади. Нур параболоцилиндрик концентраторининг қабул қилиш майдонида тушган пайтдан бошлаб суюқликка етгунча (1-расм) оптик йўқотишлар билан боғлиқ тўртта асосий параметрни аниқлаш мумкин.

Параболоцилиндрик рефлекторининг акс эттириш хусусияти (δ).

Параболоцилиндрик концентраторининг акс эттирувчи юзаси идеал эмаслиги сабабли, тушаётган нурланишнинг фақат бир қисми акс этади. Акс эттириш хусусиятини одатий қиймати тахминан 90% ни ташкил қилади, сирт ифлосланиш даражаси ошгани сайин, у аста-секин камаяди. Ифлосланиш даражаси атроф-муҳит омилларига боғлиқ. Ҳар куни параболоцилиндрик рефлекторининг (ПЦР) акс эттиришнинг ўртача қиймати тахминан 0,2% га камаяди. Шунинг учун уни мунтазам тозалаш керак.

Ушлаб қолиш коэффиценти (γ). Параболик чуқурлик рефлектори томонидан акс эттирилган тўғридан-тўғри куёш нурланишининг бир қисми турли сабабларга кўра ютувчи шиша найчасига етиб бормайди, масалан, микроскопик ёки макроскопик параболоцилиндрик рефлекторнинг камчиликлари, йиғишдаги хатолар ёки таянч структурасини йиғишдаги хатолар. Бу баъзи нурлар акс этгандан кейин бутун траектория бўйлаб абсорбер трубканидан ўтмаслигига олиб келади. Ушбу йўқотиш 0,96 қийматга эга бўлган ушлаб қолиш омили (γ) ҳисобланади.

Шиша қопламанинг ўтказувчанлиги (τ). Металл трубка конвекция туфайли иссиқлик йўқотилишини камайтириш ва селектив сиртни ҳимоя қилиш учун шиша трубанинг ичида жойлашган. Параболоцилиндрик рефлектор томонидан акс эттирилган куёш нурланишининг бир қисми шиша трубка орқали ўтганда йўқолади. Одатда йўқолишлар нисбий бирликларда 0,09 ни ташкил этади, аммо шишани икки томонлама шаффофланишида 0,04 гача камайтирилиши мумкин.

Селектив юзанинг ютиш хусусияти (α). Ушбу параметр металл трубкани қоплайдиган селектив қоплама томонидан ютилган тўғридан-тўғри куёш нурланишининг миқдорини, ушбу юзага келадиган тўғридан-тўғри куёш радиацияси миқдорига нисбатан аниқланади. Одатда ютилиш хусусияти қиймати 90-96% оралиғида бўлади.

Юқорида тавсифланган тўртта параметрлар оптик самарадорлик деб аталади [1]:

$$\eta_{opt} = \delta \cdot \tau \cdot \alpha \cdot \gamma, \quad (1)$$


(1) тенгламага киритилган тўртта параметрнинг қийматлари қуёш нурланишининг (θ) тушиш бурчагига боғлиқ. Улар номинал қийматига $\theta = 0^\circ$ да эришадилар ва тушиш бурчаги ортиши билан тескари камаяди. Максимал оптик самарадорликни тўртта параметрнинг номинал қийматларини қўпайтириш орқали олиш мумкин:

$$\eta_{opt,0^\circ} = \partial. \tau. \alpha. \gamma / \theta = 0^\circ, \quad (2)$$

Одатда максимал оптик самарадорлик 100% тозаликда 0,75 ни ташкил этади.


Геометрик йўқотиш параболоцилиндрик концентраторининг фаол юзасининг самарали майдонининг қисқаришини миқдорий жиҳатдан аниқлайди. Геометрик йўқотишларнинг икки гуруҳи мавжуд:

- параболоцилиндрик концентраторлари қаторларининг бир-бирига нисбатан жойлашувидан келиб чиқадиган йўқотишлар (сояли йўқотишлар);
- ҳар бир параболоцилиндрик концентраторига хос бўлган йўқотишлар, доимий параболоцилиндрик концентраторининг охиридаги йўқотишлар.



2-расм. Параллел қаторлар орасидаги соя туфайли геометрик йўқотиш.

ҳосил бўлишига олиб келади. Ушбу бурчак параболоцилиндрик концентратори етказиб берадиган фойдали энергияни ҳисоблашда катта аҳамиятга эга, чунки у нафақат тўғридан-



3-расм. Параболоцилиндрик концентраторининг охирида тушиш бурчаги ва геометрик йўқотишлари.

Биринчиси, ҳар бир олдинги қаторнинг кейинги параллел қаторга проекцияланиши натижасида юзага келади сояланишдан келиб чиқади, бунинг натижасида унинг сиртининг бир қисми тўғридан-тўғри қуёш нурланишига таъсир қилмайди (2-расм). Ушбу йўқотишларни Параболоцилиндрик концентраторлари қаторлари орасидаги масофани ошириш орқали камайтириш ёки ҳатто олдини олиш мумкин.

Ҳар бир параболоцилиндрик концентраторига хос бўлган геометрик йўқотишнинг яна бир тури, параболоцилиндрик концентраторни бир ўқ бўйлаб қуёшни кузатиш тизими билан жиҳозланганлиги бўлиб, у фақат кузатув ўқи атрофида айланиши мумкинлиги билан боғлиқ, бу ўз навбатида қуёш вектори томонидан ҳосил бўлган тушиш бурчаги (θ)

тўғри қуёш нурланишининг параболоцилиндрик концентратори учун қанчалик мос келишини, балки параболоцилиндрик концентраторининг фойдали очилиш ҳудудини ҳам аниқлайди.

Шундай қилиб, агар параболоцилиндрик концентраторининг термал ҳаракатини билиш керак бўлса, тушиш бурчагини ҳисоблаш жуда муҳимдир. Тушиш

бурчаги параболоцилиндрик концентраторлари жойлашган жойнинг географик координаталарига (кенглик ва узунлик), йил куни ва кун вақтига боғлиқ.

3-расмда параболоцилиндрик концентраторнинг охирида тушиш бурчаги ва геометрик йўқотишлар кўрсатилган.

Бунда, тушиш бурчагининг маълум қийматларида, параболоцилиндрик концентраторнинг охирида соҳа ҳосил бўлади, у куёш нурланишини олишига қарамай, уни абсорбер трубкасида ташқарида акс эттиради ва шунинг учун нурланиш ҳеч қачон жамланган бўлмайди. Геометрик ва оптик йўқотишлар тушиш бурчагига боғлиқ: бурчак 0° бўлганда минимал, бурчак 90° бўлганда эса максимал бўлади.

Модификатор деб аталадиган $K(\theta)$ параметри мавжуд бўлиб, у параболоцилиндрик концентраторнинг самарадорлигига тушиш бурчагининг таъсирини аниқлайди ва шунга мос равишда тушиш бурчаги нолдан катта ($\theta > 0^\circ$) шартда параболоцилиндрик концентраторида содир бўладиган барча геометрик ва оптик йўқотишларнинг ўлчови ҳисобланади, EuroTrough-150 параболоцилиндрик концентраторнинг учун қуйидаги эмпирик боғлиқлик қўлланилади:

$$K(\theta) = 1 - \left[\frac{(2,859621 * 10^{-5} * \theta^2 + 5,25097 * 10^{-4} + \theta)}{\cos \theta} \right]$$

Иссиқлик йўқотишлари. Параболоцилиндрик концентраторида геометрик ва оптик йўқотишлардан ташқари, термал йўқотишлар ҳам мавжуд. Иссиқлик йўқотишлари асосан икки жойда содир бўлади - ютиш трубкасида ва параболоцилиндрик концентраторларининг куёш майдонининг қувурларида, ютувчи қувурлардаги йўқотишлар муҳим ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- абсорбер трубкаси таянчлари орқали иссиқлик ўтказувчанлиги туфайли иссиқлик йўқотилиши;

- металл трубадан шишага радиация, конвекция ва иссиқлик ўтказувчанлиги туфайли иссиқлик йўқотилиши;

- шиша трубадан атроф-муҳитга конвекция ва нурланиш туфайли иссиқлик йўқотилиши.


Абсорбер трубкаси таянчлари орқали иссиқлик ўтказувчанлиги туфайли иссиқлик йўқотишлари бошқа

иссиқлик йўқотишларига нисбатан эътиборсиз қолиши мумкин. Бундан ташқари, шиша ва металл қувурлар ўртасида абсорбер трубкасида вакуум мавжуд бўлса, у ҳолда конвекция туфайли иссиқлик йўқотилиши бўлмайди. Абсорбер трубкасида содир бўладиган иссиқлик йўқотишлари қуйидаги 4-расмда кўрсатилган.

Параболоцилиндрик концентратордаги умумий иссиқлик йўқотишлар ΔN_Q конц-атроф муҳит қуйидагича аниқланади:

$$\Delta N_Q \text{ конц-атроф муҳит} = \Delta N_Q \text{ метал трубка-атроф муҳит} + \Delta N_Q \text{ метал трубка-шиша трубка} + \Delta N_Q \text{ шиша трубка-атроф муҳит}$$

Шуни ёдда тутиш керакки, аслида иссиқлик йўқотишлари абсорбер трубага боғлиқ ва Параболоцилиндрик концентраторнинг ўзига боғлиқ эмас. Ҳар хил турдаги ютиш қувурлари бир хил Параболоцилиндрик концентратор моделига ўрнатилиши мумкин ва иссиқлик йўқотилиши ишлатиладиган қувур турига қараб ўзгаради. Баъзи ҳолларда эмпирик



4-расм. ПЦ концентратор ютиш трубкасидаги иссиқлик йўқотишлари.

боғлиқликлар энг замонавий абсорбер қувурларнинг иссиқлик йўқотишларини аниқлаш учун ишлатилади. Масалан, Schott абсорбер трубкаси учун қуйидаги ифода ишлатилади:

$$\Delta q_l = \left[(0,00036 \cdot \Delta T^2 + 0,2029 \cdot \Delta T + 24,899) \cdot \left(\frac{R_{\text{пр}}^{\text{уд}}}{900} \right) \cdot \cos(\theta) \right] + 0,00154 \cdot \Delta T^2 + 0,2021 \cdot \Delta T - 24,899,$$
$$Q_l = \Delta q_l \cdot L_k$$

бу ерда Q_l - параболоцилиндрик концентратордаги умумий иссиқлик йўқотишлар, Вт; L_k – параболоцилиндрик концентратор узунлиги, м; Δq_l – параболоцилиндрик концентратор солиштирма чизиqli иссиқлик йўқотишлар, Вт/м; ΔT – атроф мухит ҳарорати ва ютувчи трубка (абсорбер) ичидаги ишчи суюқлик (мой) томнидан эришилган ўртача ҳарорат фарқи, °С; $R_{\text{пр}}^{\text{уд}}$ – тўғри қуёш радиация оқимининг солиштирма интенсивлиги, Вт/м²; $\cos(\theta)$ – тушиш бурчагининг косинуси.

бу ерда: ΔN_Q конц-атроф мухит – ПЦ конценртатор умумий иссиқлик йўқотишлар, Вт; ΔN_Q метал трубка-атроф мухит – метал трубкадаги нурланиш ҳисобига иссиқлик йўқотишлар, Вт; ΔN_Q метал трубка-шиша трубка – метал ва шиша трубкалар орасидаги конвекция ва иссиқлик ўтказувчанлиги ҳисобига иссиқлик йўқотишлар, Вт; ΔN_Q шиша трубка-атроф мухит – шиша трубкадан атроф мухитга нурланиш ва конвекция ҳисобига иссиқлик йўқотишлар, Вт; N_Q қуёш-шиша трубка – абсорбер шиша трубкаси томонидан ютилувчи тўғри қуёш нарланиш оқимининг интенсивлиги, Вт.

Иссиқлик самарадорлиги тўғридан-тўғри абсорбер металл трубагининг иш ҳароратига боғлиқ. Ушбу самарадорликнинг қиймати одатда тўғридан-тўғри қуёш нурланишининг маълум бир қиймати учун атроф-мухит ҳарорати ва абсорбернинг ҳарорати функцияси сифатида ўрнатилади.

$K(\theta)$ қиймати (тушиш бурчаги туфайли ўзгартирувчи) тушиш бурчагига боғлиқ бўлиб, бу эрда $\theta = 0^\circ$ учун $K = 1$ ва $\theta = 90^\circ$ учун $K = 0$ ва коэффициентлари бўлган полином сифатида берилган, унинг коэффициентлари экспериментал тарзда аниқланади.

Параболоцилиндрик концентраторга тушадиган қуёш нурланиши кучининг бир қисми оптик самарадорлик туфайли қандай йўқолганлигини, бошқа қисми эса $\theta \neq 0^\circ$ тушиш бурчагида йўқолишини кўрсатади. Параболоцилиндрик концентраторидаги йўқотишлар ютувчи трубкасидаги (абсорбер) унинг ҳарорати туфайли иссиқлик йўқотишлари билан тўлдирилади.

Адабиётлар

- [1]. Zarza, E. Aplicaciones Industriales de los Captadores Cilindroparabólicos. Informe interno R09/01EZ. Almería, España, Plataforma Solar de Almería, 2001.
- [2]. DeWinter, Francis. Solar Collectors, Energy Storage, and Materials. Cambridge, MA: MIT Press, 1991.
- [3]. Montes, M. J., Abánades, A., Martinez-Val, J. M., Valdés, M., “Solar multiple optimization for a solar-only thermal power plant, using oil as heat transfer fluid in the parabolic trough collectors”, Solar Energy, Vol. 83, Iss. 12 (2009).

ELEKTR ENERGIYASI SIFATINI OSHIRISHDA ZAMONAVIY TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

A.N. Tovboyev, I.B. Tog'ayev

Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti,
Tel.: +998913097172 (c), E-mail: tovboyev70@mail.ru
Tel.: +998977966636 (c), E-mail: togayev.islom@mail.ru
(Qabul qilindi 1.04.2023 y.)

Ushbu maqola elektr energiyasining sifatini oshirish chora-tadbirlari, reaktiv quvvat manbalari va

shuningdek elektr energiyasiga ta'sir qiluvchi turli xil omillar va holatlarni o'z ichiga oladi. Har qanday ishlab chiqarishning texnologik jarayonlari ko'p jihatdan elektr energiyasi sifatida bog'liq. Umuman olganda, elektr energiyasining sifatining pastligi elektr ta'minotidagi har qanday o'zgarishlar sifatida tavsiflanishi mumkin. Natijada ishlab chiqarish jarayonining normal yo'nalishlari buziladi, uskunalar, transformatorlar, elektr motorlariga zarar yetkaziladi. Elektr energiyasini uzatish va tarqatishda uning sifatini ko'paytirishning zamonaviy usullari juda ko'p va ahamiyatlidir. Shu bilan bir qatorda maqolada aholining turmush sharoitlarini yaxshilash va ishlab chiqarish samaradorligini oshirish maqsadida yuqori sifatli elektr energiyasiga erishish uchun elektr ta'minoti tizimining tarkibiy qismlari o'rganilib tadqiq etildi.

Kalit so'zlar: *Elektr energiyasi sifati, elektr energiyasini ishonchli va uzluksiz yetkazish, elektr energiyasini boshqarish, reaktiv quvvat manbalari, statik kondensator, reaktor, rezonans, ferrozonans, aktiv quvvat, reaktiv quvvat.*

В этой статье рассматриваются меры по улучшению качества электроэнергии, реактивные источники энергии и различные факторы и ситуации, влияющие на электроэнергию. Технологические процессы любого производства во многом связаны с электричеством. В целом низкое качество электроэнергии можно охарактеризовать как любые изменения в электроснабжении. В результате нарушается нормальное течение производственного процесса, происходит повреждение оборудования, трансформаторов, электродвигателей. В качестве альтернативы в статье рассматриваются компоненты системы электроснабжения для достижения высокого качества электроэнергии с целью улучшения условий жизни населения и повышения эффективности производства.

Ключевые слова: *качество электроэнергии, надежная и бесперебойная передача электроэнергии, управление электроэнергией, источники реактивной мощности, статический конденсатор, реактор, резонанс, феррозонанс, активная мощность, реактивная мощность.*

This article discusses measures to improve the quality of electricity, reactive energy sources and various factors and situations affecting electricity. Technological processes of any production are largely connected with electricity. In general, poor quality of electricity can be characterized as any changes in the power supply. As a result, the normal flow of the production process is disrupted, equipment, transformers, and electric motors are damaged. As an alternative, the article discusses the components of the power supply system to achieve high quality electricity in order to improve the living conditions of the population and increase production efficiency.

Key words: *electricity quality, reliable and uninterrupted transmission of electricity, electricity management, reactive power sources, static capacitor, reactor, resonance, ferrozonance, active power, reactive power.*

Kirish. Elektr energiyasi iste'molchilar elektr stansiyalaridan uzoq masofada joylashganligi tufayli havo elektr uzatish liniyalariga tashqi ta'sirlar birmuncha ko'p ta'sir etmoqda. Tashqi ta'sirlar sabab havo elektr uzatish liniyalarda har xil turdagi buzilishlar va shikastlanishlar tarmoq kuchlanishning tushib ketishiga yoki elektr ta'minoti tizimining butunlay uzilib qolishiga sabab bo'lmoqda. Buzilishlar va shikastlanishlarning davomiyligi va xavflilik darajasi tarmoq tuzilishiga va uni qayta ta'mirlash uchun zarur bo'lgan vaqtda bog'liq [1].

Картошка туганакларини горизонтга нисбатан қия қилиб жойлашган ишчи юзага қўйиб унга таъсир қилаётган кучлар сабабли пастга томон думалаётганини кўрамиз. Бу борада бизгача бир нечта олимлар экспериментал тадқиқотлар ўтказишган. Биз тадқиқотлар ўтказмасдан олинган бор тадқиқотлар ва назариялар асосида думалаб ишқаланиш коэффициентини танлаб олишимиз етарли.

Картошка туганакларига қиялик бўйлаб пастга томон тортувчи P_x куч таъсир қилади. Уни қияликда ушлаб турувчи $F_{d.ishq}$ думалаб ишқаланиш кучи таъсир қилади ва думалаб ишқаланиш коэффициенти μ ҳарфи билан белгиланади, унинг қийматини бир қанча олимлар экспериментлар натижасида топилган ва сирпаниб ишқаланиш коэффициенти думаланиб ишқаланиш коэффициентидан бир неча ўн мартагача кичик бўлишини аниқлашган [3,6,8,9].

Хулоса. Юқорида биз статик усулда ишчи юза қиялигининг назарияларга таянган ҳолда тахминий қийматини аниқладик. Картошка саралаш машинасидаги ишчи юзасини пластик материалдан тайёрланиши мақсадга мувофиқ бўлади, чунки, ишчи юза самарали ишлаши учун картошка туганаклари думаламасдан сирпаниб тушиши керак. Агар думалаб кетадиган бўлса туганаклар ўз инерсияси ҳисобига ўз ўлчамига мос бўлмаган тешиқларга тушиб, саралаш аниқлиги пасайиши мумкин.

Аниқланган қийматдан машинанинг дастлабки тажриба нушасини ясашда фойдаланамиз. Назарий жиҳатдан аниқланган бурчак машинанинг саралаш юзасининг бошидан охирига томон қиялиги учун ўринли. Лекин машина ишлаши давомида пластик қопламали прутоклар ҳам тебранма ҳаракат қилади. Шунинг учун саралаш юзаси қиялик бурчакларининг оптимал қийматларини тебранма ҳаракат кучларини эътиборга олган ҳолда келгусидаги назарий ва экспериментал тадқиқотларимизда янада аниқлаштириб оламиз.

Адабиётлар

- [1]. Патент РФ 2073406 Устройство для очистки и сортировки корнеклубнеплодов и фруктов. Максимов Л. М. Оpubл. в 20.02.1997.
- [2]. В.Н. Еднач, ст. преподаватель, И.И. Бондаренко, ст. преподаватель, С.Р. Белый, ст. преподаватель, В.А. Сокол, студент. Исследование сил трения клубней картофеля о рабочие органы картофелеуборочных и сортировальных машин.
- [3]. https://www.elibrary.ru/download/elibrary_25002090_87314584.pdf
- [4]. Долбаненко В. М. Аналитические исследования по определению физико-механических свойств клубнеплодов // Красноярский государственный аграрный университет конференция 2014 г.
- [5]. Оқйўлов К.Р., Умурзақов А.Х., Умаров Б.Т. Картошка туганаклари учун янгича конструкциядаги вибрацион саралаш машинаси // “Ссиентифис - технисал жоурнал” 2022 й.
- [6]. Умурзақов А.Х., Умаров Б.Т., Оқйўлов К.Р.. “Картошка саралаш машиналарининг киёсий таҳлили” // “Ссиентифис - технисал жоурнал” 2022 й.
- [7]. Плахов С. А. Обоснование технологического процесса и основных параметров виброротационной сортировки картофеля. Дис. ...канд. тех. наук. – Калуга, 2014. –136 с.
- [8]. Мирсаидов М.М., Баймурадова Л.И., Гиясова Н.Т. “Назарий механика” Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Тошкент, «Ўзбекистон», 2008, 230 бет.
- [9]. Пайзиев. Г. К. Совершенствование и обоснование параметров рабочего органа для отделения ботвы в картофелеуборочных машинах. Дисс. ... канд.тех.наук. – Наманган: 2007. – 119 с.
- [10]. Голиков А.А. Совершенствование технологического процесса и рабочего органа сепарация картофелеуборочных машин. Дис. канд. тех. наук. –Рязань, 2014. – 131 с.

YER OSTI QOBIQLARNI HISOBLASHDA SONLI USULLARNI QO'LLASH XUSUSIYATLARI

N.R. Kulmurotov

Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti
nurillo.kulmurotov.64@mail.ru, (+99891)-336-37-23
(Qabul qilindi 16.03.2023 y.)

Maqolada yer osti bosim quvurlarini hisoblash tartibini belgilovchi me'yoriy hujjatlar qurilish me'rlari va qoidalarining haqida ma'lumotlar keltirilgan. Quvur o'kazgich uchun grunt nafaqat tashqi yuk,

balki chiziqli inshootning deformatsiyalari hosil qiladigan muhit hisoblanadi. Sonli tahlil chekli element kompleksining mavjudligini talab qiladi, unda deformatsiyalanuvchi grunt modeli bilan amalga oshiriladi, bu esa gruntning barqarorli o'lash va siqish sinovlarini modellashtirishga imkon beradi.

Kalit so'zlar: quvur, chiziqli bo'lmagan tizimlar, grunt massasi, bosim, sonli usul, aylanish burchaklari, deformatsiya.

Статья содержит информацию о строительных нормах и правилах нормативных документов, определяющих порядок расчета подземных напорных труб. Для трубопровода грунт является не только внешней нагрузкой, но и средой, создающей деформации линейной конструкции. Численный анализ требует наличия конечно-элементного комплекса, в котором он проводится с моделью деформируемого грунта, что позволяет моделировать стабильные измерения и испытания грунта на сжатие.

Ключевые слова: труба, нелинейные системы, грунтовая масса, давление, численный метод, углы поворота, деформация.

The article contains information about building codes and rules of regulatory documents that determine the procedure for calculating underground pressure pipes. For a pipeline, soil is not only an external load, but also a medium that creates deformations of a linear structure. Numerical analysis requires a finite element complex, in which it is carried out with a deformable soil model, which allows modeling stable measurements and soil compression tests.

Key words: pipe, nonlinear systems, soil mass, pressure, numerical method, rotation angles, deformation.

Kirish.


Yer osti bosim quvurlarini hisoblash tartibini belgilovchi me'yoriy hujjatlar qurilish me'yorlari va qoidalarining SHNQ (Shaharsozlik normalari (meyorlari) va qoidalari) 2.04.08-13 "magistral quvurlar", QMQ 2.09-19-97 "kon neft va gaz quvurlarini lohiyalash, qurish va rekonstruktsiya qilish bo'yicha ko'rsatmalar" bo'limlarida keltiriladi. Ushbu talab qonuniydir, chunki quvur o'tkazgich uchun grunt nafaqat tashqi yuk, balki chiziqli inshootning deformatsiyalari hosil qiladigan muhit hisoblanadi. Shu bilan birga, normativ (meyoriy) hujjatlarda qo'shimcha kerakli hisoblashni qanday bajarish bo'yicha ko'rsatmalar etarli emas. Normativ (meyoriy) -huquqiy bazadagi noaniqlik chiziqli bo'lmagan tizimlarni tahlil zarurati bilan murakkablashadi. Quvur yo'nalishidagi ichki kuchlar chiziqli bo'lmagan holda atrofdagi grunt massasining qarshiligiga bog'liq bo'ladi. Chiziqli haroratning pasayishi va quvurning ichki bosimi bo'ylama-ko'ndalang egilishning paydo bo'lishiga olib keladi. Ushbu sabablar hisoblash modellarida quvur o'tkazgichning geometrik chiziqsizligini va gruntning fizik chiziqsizligini hisobga olishni talab qiladi.

Asosiy qism.

Yer osti quvurlarining kuchlanish-deformatsiya holatini chekli - elementlar orqali tahlil qilish.

Serjenli cheklangan element modellari orqali yer osti quvurlarini hisoblash ishlari eng keng tarqalgan usullardan biridir (1-rasm). Yuqlarni belgilashda quvurning ichki bosimi va harorat farqi hisobga olinadi.


Grunt massivi yadro elementining uzunligi bo'ylab taqsimlangan chiziqli bo'lmagan ulanishlar bilan belgilanadi. Har bir havola gruntni quvurning tegishli yo'nalishdagi harakatiga chidamliligini anglatadi. Qiyin muhandislik va geologik sharoitlarda yer ostiga yotqizilgan quvurlarning KDH (kuchlanish deformatsiya holati)ni o'rganayotganda, odatda, grunt massasining fizik chiziqsizligini va quvur liniyasining (chiziqining) geometrik chiziqsizligini hisobga olish qabul qilinadi.




1- rasm. Yer osti quvur o'tkazgichning serjenli chekli element modeli.

Standart yondashuv gruntning quvur o'tkazgichning siljishiga reaksiyasini yarim empirik muhandislik usullari yordamida baholashdir. Sonli tahlil chekli element kompleksining mavjudligini talab qiladi, unda deformatsiyalanuvchi grunt modeli bilan amalga oshiriladi, bu esa gruntning barqarorli o'lchash va siqish sinovlarini modellashtirishga imkon beradi. Inshootni qurish ketma-ketligini hisobga olgan holda chekli element panjarani qurish amalga oshiriladi (2-rasm). Amalyotda modelni qurishda grunt massivining pastki va yon qirralari yigirma beshta quvur diametriga teng masofada o'rnatiladi.

Birinchi bosqichda grunt massasining tabiiy kuchlanish holati tiklanadi (2-rasm a). K_0 - grunt yon tomoni bosimi koeffitsienti o'rnatiladi. Modellashtirish dastlabki vaqt deformatsiyalar modeli bilan amalga oshiriladi (2-rasm b).




2-rasm. yer osti quvurlarini qurish bosqichlari: a) grunt massasining tabiiy kuchlanish holati, b) gruntni qazish, v) xandaqni to'ldirish, g) quvurni yotqizish, d-e) xandaqni to'ldirish.



3-rasm. a) grunt massasining quvur o'tkazgichning bo'ylama siljishlariga chidamliligini aniqlash modeli, b) quvur-grunt (kontaktini) aloqasini modellashtirish.

Keyingi, qurilish ishlari quvurni yotqizish va xandaqni to'ldirishni o'z ichiga oladi (2-rasm b-e). Tekis deformatsiya holati uchun misol ko'rib chiqamiz. Xisoblash uchun qobiq radiusi $R = 1$ m, uzunligi $l = 2$ m, qalinligi $\delta = 0,02$ m, elastiklik moduli $E = 3 \cdot 10^{10}$ n/m², Puassona ko'effitsienti $\mu = 0,2$, tashqi radial taqsimlangan yuklanish $q = 700$ n/m². Hisoblash uchun ANSYS dasturiy ta'minotidan foydalanamiz.



4-rasm. Er osti quvur o'tkazgichning kuchlanish deformatsiya holatini qobiqli modeli.

Grunt massasining quvur o'tgazgichning bo'ylama siljishlariga chidamliligini aniqlash modeli (3-rasm).

Agar yer osti quvuri uzun bo'lsa o'rganiladigan masala tekis deformatsiya holati masalasiga olib kelinadi (4-rasm).

Sonli natijalar va ularning tahlili

Qobiqning ko'chishi chekli elementlarning turli xil qiymatlari uchun olingan radial ko'chishi 1- jadvalga keltirilgan.

1-jadval

Ko'chish va kuchlanishni elementlar soniga bog'liq o'zgarishi (tekis sxema bo'yeicha)

Chekli elementlar	n=12	n=20	n=40	n=80	n=160	Aniq echim
N,H	-980,124	-987,342	-996,918	-999,229	-999,807	-1000
Xatolik,%	1,921	1,231	0,308	0,077	0,019	
Radial kuchish,10 ⁻⁶	-1,637	-1,648	-1,662	-1,666	-1,667	-1,667
Xatolik,%	1,8	1,14	0,3	0,06	0	

Jadvaldan ko'rinib turibdiki elementlarni soni oshib borishi bilan sonli natijalar analitik olingan natijalarga yaqinlashib borar ekan. Shuni ta'kidlash kerakki, hozirgi vaqtda aylanish burchaklari yoki deformatsiyalarining kichik miqdorini aniqlanadigan ilmiy va texnik ishlar mavjud emas. Taqdim etilgan ishda yer osti quvurlarini qurish va ishlatishning turli shartlarini hisobga olish uchun quvur o'tkazgichning chekli elementi sifatida ko'chishlar, burilishlar va deformatsiyalar qiymatlari bo'yicha cheklovlarni hisobga olmagan holda ko'riladi. Mustahkamlikni hisoblashda quvur o'tkazgichni geometrik chizikli va chizikli bo'lmagan sterjen elementlari yordamida modellashtiriladi [1,2]. Yuqorida keltirilgan ishlarda ikkala holatda ham grunt kovushqoqligi hisobga olingan.

Muammoni hal qilish natijalariga ko'ra, muhit qovushqoqligini hisobga olish qobiqning KDH (kuchlanish deformatsiya holatiga) sezilarli ta'sir etar ekan (2-jadval).

2-jadval.

Qalinligi 5 mm devor uchun hisoblash natijalari

Devor qalinligi, mm	Bo'ylama kuch qiymatining o'zgarish diapazoni N, kN		Eguvchi moment qiymatining o'zgarish diapazoni M _y , kNm		Eguvchi moment qiymatining o'zgarish diapazoni M _z , kNm	
	Elastik muhit	Qovushqoq muhit	Elastik muhit	Qovushqoq muhit	Elastik muhit	Qovushqoq muhit
5	-599.1	-269.6	-8.9	-8.9	-3.0	-1.5
	-537.3	-238.7	7.1	6.7	14.3	6.7

Qovushqoqlikni hisobga olish ichki zo'riqishlar kuchlari uchun miqdorining pasayishi samarali, bu bo'ylama kuchlanishlar tasirining pasayishiga olib kelishi aniqlandi.

Olib borilgan hisoblash natijalariga ko'ra, neft quvurining tavsiya etilgan devor qalinligi ham hisobga olingan.

Mavjud bo'ylama kuchlanish qiymatlari

Devor qalinligi, mm	Ta'sir etuvchi bo'ylama kuchlanishning eng katta qiymati, MPa	
	Elastik muhit	Qovushqoq muhit
5	-246.9	-122.7

Shunday qilib, quvur o'tkazgichning KDH hisoblashda muhit qovushqoqligini hisobga olish qurilishning iqtisodiy xarajatlarini kamaytirishga imkon beradi.

Xulosa.

1. Variatsion usul (CHЭМ) asosida silindrik qatlamning garmonik to'lqinlar ta'sirida kuchlanish-deformatsiya holati aniqlandi. Uzun to'lqinlar sohasida maksimal kuchlanish kontsentratsiyasidan foydalanish mumkinligi aniqlandi. To'lqin uzunligi qisqarishi bilan tarqalish effektiga ega bo'lishi topildi.

2. Garmonik to'lqinlar ta'sirida aylana va to'rti burchak shakldagi to'siqlarni o'z ichiga olgan elastik yarim fazoning tebranishi o'rganildi. Ko'rib chiqilayotgan hududning dissipatsiyasi (to'lqin tarqalishi) uchburchak elementlari yordamida amalga oshirildi. Yotqizish chuqurligi jismning kuchlanish-deformatsiya holatiga ta'sir qilishi aniqlandi. Kuchlanish kontsentratsiyasi va to'lqin uzunligining ortib borishi kuchlanishning statik qiymatga yaqinlashadi.

3. Elastik muhitda bo'lakli - bir jinsli deformatsiyalanuvchi sistemalarning xususiy tebranishlarini ichki va to'lqin energiyasining tarqalishini hisobga olgan holda o'rganish uchun hisoblash metodikasi ishlab chiqildi.

Adabiyotlar

- [1]. Normi rascheta na prochnost oborudovaniya i truboprovodov atomnix energeticheskix ustanovok. PIN AЭ G-7-002-86.
- [2]. Bate K., Vilson E., "Chislennie metodi analiza i metod konechnix elementov", Perevod s angliyeskogo, M., Stroyeizdat, 1982.

YUPQA EPITAKSIAL PARDALI OPTRONLAR

O.S. Rayimjonova, Sh. Toshpulatov

*Muxammad al-Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Farg'ona filiali
(Qabul qilindi 9.09.2022y.)*

Yarimo'tkazgich yupqa pardalarining elektrofizik xususiyatlarining tashqi ta'sirlar vositasida o'zgarishi o'rganilgan. Ulardan rezistiv fotoo'zgartirgichlar va generator tipidagi foto qabul qilgichlar tayyorlash fizikasi, texnikasi va texnologiyasi haqida ma'lumotlar berilgan. Yupqa pardali rezistiv va generator tipidagi foto qabul qilgichlar yordamida yupqa pardali ixcham, energiya tejamkor optronlar sinfini yaratish mumkinligi ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: *injeksion yorug'lik manbalari, rezistiv foto qabul qilgich, generator tipidagi oddiy va g'ayrioddiy foto qabul qilgichlar, gibridd optoelektron tizimlar, avtonom optronlar.*

Исследовано изменение электрофизических свойств тонких полупроводниковых пленок под действием внешних воздействий. В них представлена информация по физике, технике и технологии изготовления резистивных фотопреобразователей и фотоприемников генераторного типа. Показано, что на основе тонкопленочных резистивных и генераторных фотоприемников может быть создан класс компактных энергоэффективных тонкопленочных оптронов.

Ключевые слова: *инжекционные источники света, резистивный фотоприемник, простые и необычные генераторные фотоприемники, гибридные оптоэлектронные системы, автономные оптроны.*

Changes in the electrophysical properties of semiconductor thin films due to external influences have been studied. They provide information on the physics, techniques and technology of manufacturing resistive

photoconverters and generator-type photoreceivers. It is shown that a class of compact, energy-efficient thin-film optocouplers can be created using thin-film resistive and generator-type photoreceivers.


Key words: *injection light sources, resistive photoreceiver, simple and unusual generator-type photoreceivers, hybrid optoelectronic systems, autonomous optocouplers.*

Kirish.

Mikroelektronika sohasining funksional imkoniyatlari kengayishi bilan bir qatorda, uning tez sur'atlar bilan rivojlanishini ta'minlash maqsadida mikroelektronikaning optoelektronika va shu kabi sohalariga ixcham, energiya tejankor va avtonom rejimda faoliyat ko'rsatadigan mikrosxemalar bilan integratsiyalashaoladigan mutlaqo yangi asbob va uskunalarni yaratish va ularni sohaga olib kirish kerak bo'ladi. Bunday asboblar yaratish uchun yarimo'tkazgichli yupqa epitaksial pardalar olish va ularning xususiyatlarini kompleks o'rganish muhim ahamiyat va ulkan samara manbaidir. Chunki, yupqa pardalar, ular negizida tayyorlanadigan asboblardan, uskunalarining o'lchamlarini metrnin mingdan, milliondan va hatto milliarddan bir darajasigacha (10^{-3} , 10^{-6} , 10^{-9} m) ixchamlashtirish imkoniyatini beradi. Bu mikroelektronikada yangi yupqa pardali optoelektronika sohasini yaratilishiga asos bo'ladi [1]. Yarimo'tkazgichlarning yupqa pardalaridan tayyorlangan namunalarda tashqi (ichki) har xil ta'sirlar natijasida shunday hodisalar (effektlar) kuzatiladiki, ular vositasida mikroelektronika muammolarini hal qilishning yangi imkoniyatlari tug'iladi. Ohirgi yillarda yarimo'tkazgich yupqa pardalaridan foydalanib, har xil foto qabul qilgichlar tayyorlash yo'lga qo'yildi. Foto qabul qilgichlarning rezistiv, generator rusumidagi oddiy va g'ayrioddiy turlari yaratilib, mikroelektron optoelektronikaning turli sohalarida samarador optronlarning foto qabul qilgich elementi sifatida foydalanilmoqda [2,3]. Ayniqsa, yarimo'tkazgichlarning maxsus texnologiya bilan tayyorlangan yupqa pardalarida kuzatilgan anomal fotoelektrik, fotoelektromagnit va boshqa effektarga ilmiy jamoatchilik bilan bir qatorda injener texnik xodimlar hamda loyihachi asbobsozlar ham qiziqish bildirishmoqda [4]. Yupqa pardalar fizikasi, texnikasi va texnologiyasiga doir tadqiqotlar bevosita mikroelektronikaning optoelektronika sohasidagi yechimini kutayotgan muammolarni hal qilishda muhim rol o'ynaydi va soha uchun o'ta dolzarb masalalar qatoriga kiradi [5].

Elementar optron. Optron asosan uch qismdan iborat bo'lib, yorug'lik manbasi, optik kanal va foto qabul qilgich. Yorug'lik manbai sifatida yorug'lik diodi, lazerlar va elektrolyuminescent elementlardan foydalanildi. Yorug'lik manbasida elektr signaliga optik signalga aylantiriladi. Optoelektronikada yorug'lik manbalarining diskret shakldagi turlaridan foydalaniladi. Mikroelektron optoelektronikada yorug'lik manbalarining ixcham, yupqa pardali loyihadagi namunalardan foydalaniladi. Bunday loyihalarning mikrosxemalarga integratsiyasi qulay bo'ladi. Elementar optronning optik kanali mikrosxemalar uchun optik to'lqin uzatkichlari yupqa pardali loyihalab yarimo'tkazgich kristalining katta (n_2) sindirish koefitsientiga ega bo'lgan yupqa pardasidan tayyorlanadi. Optik to'lqin uzatkich materialining sindirish ko'rsatkichi (n_2) uning boshqa qismlari ko'rsatkichlaridan katta bo'lishi kerak: $n_2 > n_1 > n_h$, n_2 - to'lqin o'tkazgich yarimo'tkazgich materialning sindirish ko'rsatkichi (LiNbO_3), n_h - havoning sindirish ko'rsatkichi. Bunday shartga muvofiq loyihalangan to'lqin uzatuvchida yorug'lik to'lqinlarining to'la ichki qaytarilish sodir bo'lib, yorug'likning sochilishi bilan boshqa yo'qotishlarning minimallashtirishiga erishiladi. Natijada manbadan qabul qilib olingan yorug'lik signali taxminan yo'qotishsiz elementar optronning qabul qilgich elementiga yetib keladi. Foto qabul qilgich elementar optron vazifasidan kelib chiqib tanlanadi. Elementar optron ishchi mexanizmga elektr signalini tok ko'rinishida yuborish talab etilgan hollarda, fotorezistiv elementlardan biri tanlanadi. Optronning foto qabul qilgich elektr konturi chiqish zanjiri bo'lib, ishchi blok bilan bog'lanadi. Bu elektr chiqish konturida yorug'lik signallari to'lqin uzatuvchi immersiyon muhit vositasida foto qabul qilgichga keladi. Unda yorug'lik signallari yana elektr signallarga aylanadi. Foto qabul qilgich rezistiv tipda bo'lsa, chiqish konturida elektr signali shakllanishi uchun maxsus elektr manbasi ulanadi. Chiqish konturidagi tok maxsus elektr manbasining fotorezistor fotoo'tkazuvchanligining o'zgarishi hisobiga qayta taqsimlanishi natijasida vujudga keladi. Demak, chiqish elektr signali hosil bo'lishi uchun, chiqish konturida elektr potensialining tashqi manbasi ulanishi kerak. Bunday

optoelektron datchiklar avtonom rejimda ishlashi uchun optron elektr konturlarining foto qabul qilgichlarga elementlari sifatida generator rusumidagi oddiy (quyosh elementi, tenzoelektrik, pezoelektrik va boshqa o'zgartirgichlar) va g'ayrioddiy (AFN-element) turlaridan foydalaniladi. Ma'lumki, tashqi ta'sirlarni (yorug'lik, magnit, mexanik va boshqalar) maxsus datchiklar vositasida, amplitudasi uncha katta bo'lmagan elektr signalga aylantirishi mumkin. Bunday o'zgartirgich datchiklarda shakllangan elektr signallarida uni hosil qilgan tashqi ta'sirlarning tabiati bilan bog'liq xususiyatlarni o'zida jamlab, qayd qiluvchi o'lchov – nazorat (boshqaruv) optoelektron blok (tizim)ga uzatadi. Lekin, bu noelektrik kattaliklarning ta'sirida vujudga kelgan elektr signallarning amplitudaviy qiymatlari kichik bo'lganligi uchun qonuniyatni buzmaganda kuchaytirish zarur bo'ladi [6]. Tashqi noelektrik ta'sirlarni (masalan, mexanik) elektr signalga aylantirib, uning yordamida noelektrik kattalik haqida ma'lumot bera oladigan optoelektron metrologik qurilmaning namunaviy blok sxemasi 1-rasmda ko'rsatilgan.



1-rasm. Optoelektron metrologik qurilmaning namunaviy blok sxemasi.

NEK – noelektrik ta'sir (1);

PE – pezoelektrik va uning elektr signali (2);


YoD – injeksion diod va uning yorug'lik signali (3);

IM – immersion muhit chiqishidagi yorug'lik (3¹);

AE – anomal yuqori fotokuchlanish hosil qiluvchi element va uning yuqori potentsialli kuchlanishi (4);

DI – maxsus dielektrik indikator o'lchov qurilmasi, uning kirish qarshiligi 10^{14} Om dan yuqori.

Mazkur qurilma qismlari yupqa parda shaklida loyihalaniib, uning o'lchamlari to'liq mikrosxemalar bilan integratsiyasi ta'minlanadi. Yupqa yassi konfiguratsiyali optron loyihasining namunaviy sxemasi 2-rasmda keltirilgan.



2-rasm. Yupqa yassi konfiguratsiyali optron loyihasining namunaviy sxemasi.

Noelektrik kattalik hosil qilgan elektr signali (I_k) injeksion diod (YoD) kirishiga berilib, unda mos yorug'lik oqimini hosil qiladi. Immersion muhit sifatida selenli shisha yupqa pardasidan foydalaniladi. Uning sindirish koeffitsenti yetarli katta bo'lib ($n=2,4-2,6$) to'la ichki qaytishni ta'minlaydi. Buning hisobiga yorug'lik bilan kontaktlardagi hamda sochilish bilan bog'liq yo'qotishlar kamaytiriladi. Immersion muhit (IM) sifatida foydalanilgan selenli shisha pardasi optron elementlar uchun tayanch taglik vazifasini ham bajaradi. Optron o'ziga hos maxsus kuchaytirgich bo'lib, uning chiqishida kuchlanish (I_{ch}) yetarli katta bo'lib, loyiha to'g'ri tanlash bilan kuchaytirish koeffitsienti bir necha millionga yetishi mumkin.

Adabiyotlar

- [1]. Фотоэлектрические явления в полупроводниках и оптоэлектроника, сборник ст. под. ред. Э.И. Адировича. Ташкент, изд-во «ФАН» УзССР, 1972.

- [2]. Найманбаев Р., Хомидов А.К., и др. Оптоэлектронный преобразователь, Международный сертификат на авторское произведение №ЕС-01-002993, INTEROCO, EUROPEAN Depositor I, Germany Berlin, The Berne Convention for the Protection of Library and Artistic Works, 19-Oktober, 2020.
- [3]. Муминов Р.А., Найманбаев Р., и др. Оптоэлектронный первичный преобразователь информации на АФН-элементах. Научно-технический журнал ФерПИ. - Фергана, 2017. -№3 с. 180-183. Б(05.00.00, №6).
- [4]. Найманбаев Р., и др. Research of ANV-effect in films and crystals with the effect of the double lux unification, Computational nanotechnology, Издательский дом «Юр-ВАК», г.Москва, №3, 2018 г., PP 44-48 (01.00.00, №60).
- [5]. Адирович Э.И., Исследования по оптоэлектронике в АН Узбекистана, Вестник АН СССР №12, Москва 1972, с.32.
- [6]. Касимохунова А.М., Найманбаев Р., Тохиров М.К., Хомидов А. Универсальный цветоуправляемый микроминиатюрный оптоэлектронный усилитель постоянного тока. Международный сертификат на авторское произведение №ЕС-01-002505, Германия, Берлин. Октябрь 2019.
- [7]. Найманбаев Р., Онаркулов К.Э., Юлдашев А.А., Юлдашева Ш.А. Оптотранзистор. International online copyright off Certificate of copyright №ЕС-01-003369. September 24, 2021.

УДК: 632.911.2; 632.911.4.

ТЎРАҚЎРҒОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИДА Фойдаланиладиган СУВНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ ЎЗГАРИШИГА ТУРЛИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Э. Абдукодиров¹, О. Маллабоев¹, Б. Хайитов²

¹Наманган муҳандислик-технология институти

²Наманган муҳандислик-қурилиш институти

(Қабул қилинди 4.04.2023 й.)

Мақолада Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси электр энергияси ишлаб чиқариши учун оладиган Катта Наманган канали сувнинг асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: иссиқлик электр станцияси, сувнинг кимёвий таркиби, катионлар, анионлар, кальций, магний, хлоридлар, сульфатлар, умумий қаттиқлик, қуруқ қолдиқ, силикатлар.

В статье представлены результаты исследования основных физико-химических параметров воды канала Катта Наманган, которую принимает Торакурганская ТЭЦ для производства электроэнергии, и факторов, влияющих на это.

Ключевые слова: тепловая электростанция, химический состав воды, катионы, анионы, кальций, магний, хлориды, сульфаты, общая жесткость, сухой остаток, силикаты.

The article presents the results of a study of the main physical and chemical parameters of the water of the Katta Namangan canal, which is taken by the Torakurgan CHP for the production of electricity, and the factors influencing it.

Keywords: thermal power plant, chemical composition of water, cations, anions, calcium, magnesium, chlorides, sulfates, total hardness, dry residue, silicates.

Дунёда ҳозирги экологик вазият инсонларнинг кундалик ҳаётида - ҳам маиший мақсадларда, ҳам саноат мақсадларида, хусусан иссиқлик электр энергетикасида зарур бўлган сувнинг сифатига ҳам сўзсиз равишда таъсир кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, иссиқлик электр станцияларида бир гигаватт электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ҳар сонияда 32-42 куб метр сувдан фойдаланилади. Фақатгина иссиқлик электр станцияси энергия блокларидан бирининг турбинаси конденсаторини совутиш учун бир соатда 6000 - 10000 куб метргача сув сарфланади.

Иссиқлик электр станцияларида сув асосий манба бўлиб, сув тайёрлаш энергетиканинг мазкур соҳаси технологиясида энг муҳим жараён ҳисобланади. Сувнинг талаб даражасида тайёрланиши ҳамда сув режимида қатий риоя этилиши ҳар бир иссиқлик электр

станциясининг ишончли, узоқ муддат ҳамда тежамкор равишда эксплуатация қилинишининг кафолати эканлигини жаҳон амалиёти яққол кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам иссиқлик электр станцияларида фойдаланиладиган сувнинг сифатига қўйиладиган талаблар жуда юқоридир. Ушбу талаблар электр станциясининг сув сув-кимёвий таркиби юзасидан мунтазам ва босқичма-босқич равишда назорат олиб боровчи кимё цехида сувга физик-кимёвий усулда ишлов беришда ўз ифодасини топади. Иссиқлик электр станцияларида фойдаланиладиган сув сифатига қўйиладиган талабларнинг бажарилишига эътибор бермаслик ва бепарволик оғир оқибатларга – қимматбаҳо қурилмалар ва жиҳозларнинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.

Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси электр энергияси ишлаб чиқариш учун зарур бўлган сувнинг асосий қисмини Катта Наманган каналдан олинади. Шунинг учун фойдаланиладиган сув таркибида жуда катта миқдорда тузлар, минерал ва органик моддалар, шунингдек кум, тупроқ ва сув ўсимликлари парчалари каби йирик дисперс моддалар мавжуд бўлади. Бундан ташқари табиий (қор, ёмғир, шамол) ва антропоген (заводлар ва қишлоқ хўжалиги оқавалари) омиллар сабабли ҳам канал суви таркибидаги қўшимча моддалар миқдори доимий ўзгариб туради.

Шунинг учун биз ўрганишларимизни Катта Наманган канали сувининг таркиби йил фасллари бўйича қандай ўзгариб боришига қаратдик. 2022 йил давомида турли вақтларда (январ, март, июн ва сентябр ойларида) Катта Наманган канали суви таркибидаги катионлар ва анионлар, силикатлар, умумий қаттиқлик, қуруқ қолдиқ ҳамда нефт маҳсулотлари миқдорларини ўзгаришини ўргандик.

Катта Наманган каналдан 11.01.2022 йил куни олинган намуна таркибида калций-218,28 мг/дм³, магний-218,28 мг/дм³, натрий-218,28 мг/дм³ ва темир-0,184 мг/дм³ ни ташкил этди. 24.03.2022 йил куни олинган намуна таркибида калций-58,03 мг/дм³, магний-47,4 мг/дм³, натрий-89,7 мг/дм³ ва темир-0,06 мг/дм³ ни ташкил этди. 21.06.2022 йил куни олинган намуна таркибида калций-140,28 мг/дм³, магний-54,72 мг/дм³, натрий-45,7 мг/дм³ ва темир-0,046 мг/дм³ ни ташкил этган бўлса 16.09.2022 йил куни олинган намуна таркибида эса калций-59,2 мг/дм³, магний-20 мг/дм³, натрий-21 мг/дм³ ва темир-1,8 мг/дм³ ни ташкил этди.

1-жадвал

Катта Наманган канали суви таркибидаги катионлар миқдори

Сув намунаси олинган вақт	Катионлар, мг/дм ³				Умумий катионлар миқдори, мг-экв/дм ³
	Калций	Магний	Натрий	Темир	
11.01.2022	218,28	192,12	161,94	0,184	33,54
24.03.2022	58,03	47,4	89,7	0,06	10,7
21.06.2022	140,28	54,72	45,7	0,046	13,55
16.09.2022	59,2	20	21	1,8	5,59

Натижалар Катта Наманган канали суви таркибидаги катионлар миқдори баҳор ва куз ойларида бирмунча кам, қиш ва ёз ойларида эса кескин ортишини кўрсатди.

Катта Наманган каналдан 11.01.2022 йил куни олинган намуна таркибида хлорид-98,8 мг/дм³, сульфат-1020 мг/дм³, нитрат-32,5 мг/дм³, нитрит-0,98 мг/дм³, бикарбонат-317 мг/дм³ ва карбонат-24,4 мг/дм³ ни ташкил этди. 24.03.2022 йил куни олинган намуна таркибида хлорид-57,6 мг/дм³, сульфат-303 мг/дм³, нитрат-4 мг/дм³, нитрит-0,007 мг/дм³, бикарбонат-170,8 мг/дм³ ни ташкил этди. 21.06.2022 йил куни олинган намуна таркибида хлорид-39,9 мг/дм³, сульфат-80,5 мг/дм³, нитрат-11 мг/дм³, нитрит-0,0006 мг/дм³, бикарбонат-317,2 мг/дм³ ни ташкил этган бўлса 16.09.2022 йил куни олинган намуна таркибида хлорид-42

КРАТКИЕ СООБЩЕНИЯ

мг/дм³, сульфат-143 мг/дм³, нитрат-7 мг/дм³, нитрит-0,1 мг/дм³, бикарбонат-158,6 мг/дм³ни ташкил этди.

2-жадвал

Катта Наманган канали суви таркибидаги анионлар миқдори

Сув намунаси олинган вақт	Анионлар, мг/дм ³						Умумий анионлар миқдори, мг-экв/дм ³
	Хлорид	Сульфат	Нитрат	Нитрит	Бикарбонат	Карбонат	
11.01.2022	98,8	1020	32,5	0,98	317	24,4	33,54
24.03.2022	57,6	303	4	0,007	170,8	-	10,7
21.06.2022	39,9	80,5	11	0,0006	317,2	-	13,55
16.09.2022	42	143	7	0,1	158,6	-	5,59

Натижалар Катта Наманган канали суви таркибидаги анионлар миқдорининг энг паст миқдори сентябр ойига, энг юқори миқдори эса январ ойига тўғри келди.

Катта Наманган канали сувининг умумий қаттиқлиги, куруқ қолдиқ миқдори силикатлар ва нефт маҳсулотлари миқдори ҳам таҳлил қилинганда 11.01.2022 йил куни олинган сув намунасининг умумий қаттиқлиги 24 мг-экв/дм³, куруқ қолдиқ 2269 мг/дм³, силикатлар 12,7 мг/дм³ ва нефт маҳсулотлари 0,24 мг/дм³ ни ташкил этди. 24.03.2022 йил куни олинган сув намунасининг умумий қаттиқлиги 6,8 мг-экв/дм³, куруқ қолдиқ 638 мг/дм³, силикатлар 8,2 мг/дм³ ва нефт маҳсулотлари 0,055 мг/дм³ ни ташкил этди. 21.06.2022 йил куни олинган сув намунасининг умумий қаттиқлиги 11,5 мг-экв/дм³, куруқ қолдиқ 680 мг/дм³, силикатлар 7,7 мг/дм³ ва нефт маҳсулотлари 0,05 мг/дм³ ни ташкил этди. 16.09.2022 йил куни олинган сув намунасининг умумий қаттиқлиги 12,5 мг-экв/дм³, куруқ қолдиқ 360 мг/дм³, силикатлар 1,8 мг/дм³ ташкил этди нефт маҳсулотлари эса аниқланмади.

3-жадвал

Катта Наманган канали сувининг умумий сифат кўрсаткичлари

Сув намунаси олинган вақт	Умумий қаттиқлик, мг-экв/дм ³	Куруқ қолдиқ, мг/дм ³	Силикатлар, мг/дм ³	Нефт маҳсулотлари, мг/дм ³
11.01.2022	24	2269	12,7	0,24
24.03.2022	6,8	638	8,2	0,055
21.06.2022	11,5	680	7,7	0,05
16.09.2022	12,5	360	1,8	-

Натижалардан Катта Наманган канали сувининг умумий сифат кўрсаткичлари ҳам январ ойида энг юқори, сентябр ойида эса энг паст қийматга эга бўлишини кўриш мумкин.

Хулоса. Катта Наманган канали сувининг кимёвий таркибини йилнинг тўрт мавсумида ўрганилганда канал сувининг энг ёмон сифат кўрсаткичлари қиш ойларига тўғри келиши аниқланди. Бунинг асосий сабабини қиш мавсумида канал суви сатхининг камаяиши ва каналга сизот сувларнинг қўшилиши билан изохлаш мумкин. Тажридалардан канал сувининг кимёвий таркибидаги қўшимча моддалар миқдори ёз ойларида ҳам нисбатан юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг сабабини ёз ойларида канал сувига қишлоқ хўжалиги оқаваланини қўшилиши билан тушунтирилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, саноат ишлаб чиқариши мақсадларида юқори сифатли сувдан фойдаланиш кўламининг ўсиб бориши сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқинди сувларнинг атроф-муҳитга ташланишини камайтириш масалаларини долзарб қилиб қўймоқда. Ер қуррасидаги мавжуд экологик вазият, иқлим ўзгаришлари ҳамда табиий сув заҳираларининг етишмаслиги – дунё миқёсида саноат

чиқинди сувларини тозалаш ҳамда улардан такроран фойдаланиш муаммосини ҳал қилишни тақозо этмоқда.

Адабиётлар

- [1]. Абдуллаев М.Т., Мамаджонов З.Н., Собиров М.М., Хайитов Б.А. Сув кимёси / Дарслик. – Тошкент: Наврўз, 2020. – 183 б.
- [2]. Абдуллаев, М., Хайитов, Б., Пулатов, А., Рахмонов, Ш., & Усмонжонов, К. (2017). Применение электрохимически активированной воды в производстве биологических материалов для отраслей сельского хозяйства. *Московский экономический журнал*, (3), 18-18.
- [3]. Веселовская Елена Вадимовна, & Шишло Анна Геннадьевна (2016). Опыт применения перспективных технологий водоподготовки на отечественных тепловых электростанциях. *Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Технические науки*, (2 (190)), 62-66.
- [4]. Громов С. Л., Пантелеев А. А. Опыт применения интегрированных мембранных технологий для водоподготовки на тепловых электростанциях //Новое в российской электроэнергетике. – 2011. – №. 11. – С. 46-54.

УДК 625.7.08.

ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БУЛЬДОЗЕР ОТВАЛИ ЁРДАМИДА ТЕКИСЛАШ ВА КЎМИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧИНИ АСОСЛАШ

Н.Р. Аслонов¹, М.С. Кудайбергенов²

¹Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети

E-mail: naslonov1986@mail.ru

²Тошкент давлат транспорт университети, E-mail: кудайбергенов.м.с.77@mail.ru

(Қабул қилинди 2.02.2023 й.)

Disposal of solid waste is a very important and widespread problem in both urban and rural areas of many developed and developing countries. Collection and utilization of solid waste is today one of the main problems of the urban environment in many countries of the world. Solid waste management solutions must be financially sustainable, technically feasible, socially, legally sound and environmentally sound. The problem of solid waste management is a very big problem for governments, both small and large cities.

Key words: *bulldozer, side expander, vertical fence, solid waste, physical model, stand.*

Утилизация твердых отходов является очень важной и широко распространенной проблемой как в городских, так и в сельских районах многих развитых и развивающихся стран. Сбор и утилизация твердых бытовых отходов на сегодняшний день является одной из основных проблем городской среды во многих странах мира. Решения по обращению с твердыми отходами должны быть финансово устойчивыми, технически осуществимыми, социально, юридически обоснованными и экологически безопасными. Проблема обращения с твердыми отходами является очень большой проблемой для правительств как малых, так и крупных городов.

Ключевые слова: *бульдозер, самосвал, расширитель боковой, вертикальный забор, твердые отходы, физическая модель, стенд.*

Qattiq maishiy chiqindilarni utilizatsiya qilish ko'plab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlarning shahar va qishloq joylarida juda muhim va keng tarqalgan muammo hisoblanadi. Qattiq maishiy chiqindilarni yig'ish va utilizatsiya qilish bugungi kunda dunyoning ko'plab mamlakatlarida shahar atrof-muhitining asosiy muammolaridan biridir. Qattiq maishiy chiqindilarni boshqarish bo'yicha yechimlar moliyaviy barqaror, texnik jihatdan mumkin, ijtimoiy, qonuniy va ekologik jihatdan sog'lom bo'lishi kerak. Qattiq maishiy chiqindilarni boshqarish muammosi hukumatlar, ham kichik, ham yirik shaharlar uchun juda katta muammodir.

Калим сўзлар: Бульдозер, отвал, ёнлама кенгайтиргич, вертикал панжара, қаттиқ машиный чиқинди, физик моделл, стенд.

Кириш: Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтгача ҚМЧларнинг аксарият ҳажмини чиқиндихоналарга (полигонларга) чиқаришда давом этиб келинмоқда; МДХ давлатларида тахминан 90%, АҚШ да – 50-55 % атрофида, Европада – 40-50% ҚМЧлар кўмиб юборилади. ҚМЧларни кўмиш ва кўмиш жойига етказиб боришга харажатларнинг ўсиши, катта ҳажмдаги чиқиндиларни кўмиш билан боғлиқ доимий экологик хавфнинг мавжудлиги, шунингдек, янги чиқинди ташлаш жойларини ажратиш ва жиҳозлашнинг мураккаблиги, барча давлатларда иқтисодиёт, экология ва ресурсларни тежаш талабини юқори даражада ҳисобга олувчи ва чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва бартараф этиш масалаларини биргаликда ҳал этувчи усул сифатида ҚМЧларни қайта ишлаш саноатига ўтишни жадаллаштиради.

ҚМЧларни қайта ишлаш ер ресурсларини тежаш имкониятини беради, ҚМЧларнинг бир қатор компонентларини иккиламчи хом ашё сифатида ишлатиш, чиқиндилардан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш экологик муаммоларни ҳал қилади, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш харажатларини қисқартиришга имкон беради.

Асосий қисм: Машиналарни лойиҳалаш жараёнининг энг муҳим босқичи мақсадли оптималлаштириш функциясини танлашдир. Бу ўз ўрнида эҳтимолий иш шароитида қўйилган технологик вазифаларни бажариш учун ишлайдиган асбоб-ускуналарнинг ўзига хос дизайннинг мослашувчанлик даражасини баҳолаш ва уни ҳисоб йўли билан аниқлашга имкон яратади.

Лойиҳалаш босқичида машинанинг самарадорлигини аниқлаш унинг алоҳида узеллари ва қуйи тизимлари самарадорлигини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизими, уларнинг ишлаш кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликларни ўрнатиш билан боғлиқ. Кўрсаткичларнинг биринчи гуруҳига қуйидагилар кириши мумкин: умуман машинанинг ишлашини таъминлаш учун жорий операция харажатлар, капитал харажатлар, маҳсулдорлик ва бошқалар.

Бульдозер отвалини ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозлаш уни кўп мақсадли иш қуролига айлантиради. Бундай ускуналарнинг самарадорлигини қўшимча иш турларида ишлатиш даврида индивидуал операциялар самарадорлигини тавсифловчи иккала параметр ва ушбу операцияларни бажариш эҳтимоли ҳамда иш сифатини тавсифловчи параметрларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш зарурияти мавжуд.

Шу сабабли иш жараёнининг алоҳида олинган операцияларини бажараётган ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозернинг самарадорлиги қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$K_{\phi_i} = \Pi_i K_i \alpha_i \quad (1)$$

Π_i - бу ерда i - операциясини бажариш пайтидаги самарадорликнинг нисбий кўрсаткичи;

K_i - i -операциясини бажариш сифатини инобатга олиш кўрсаткичи;

α_i - i - операциясини бажариш сифати заруриятининг коэффицент кўрсаткичи.

Самарадорликни ташкил этувчиларнинг нисбий кўрсаткичлари маълум боғлиқликлар ёрдамида аниқланади [1,2,3]:

$$\Pi_i = \frac{\partial_{TP}}{\partial_H} \quad \partial_H \langle \partial_{TP} \text{ бўлганда};$$

$$\Pi_i = \frac{\partial_H}{\partial_{TP}} \quad \partial_H \rangle \partial_{TP} \text{ бўлганда.}$$

бу ерда: ∂_H - янги техник ечим учун i - самарадорлик кўрсаткичи;

∂_{TP} - эталон сифатида қабул қилинган амалдаги техник ечим самарадорлик

кўрсатгичи.

Иш сифатини баҳоловчи кўрсаткичлар йўл қурилиш техникаларини ишлатадиган ташкилотлар томонидан аниқ ечилиши керак бўлган вазифаларни инобатга олиб, бажарилиш даврийлиги аниқланиши зарур. Ишни бажариш сифат кўрсаткичларининг талаб қилинадиган қийматларини белгилаш, ишлайдиган машиналарнинг жаҳон тажрибасини ва келажакда етишиш мақсад қилиб қўйилган қийматларининг зарурий ўсишини ҳисобга олган ҳолда, технологик тадқиқотлар натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга асосланган бўлиши керак.

Бульдозернинг кенгайтиргичлар билан ишлаш жараёнининг индивидуал операциялари сифатини баҳолаш зарурати "Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш станцияси" давлат унитар корхонаси бўлинмаларининг йўл қурилиш техникаларини эксплуатация қилиш талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Мутахассисларнинг сўрови асосида биз ҚМЧларни текислаш, кўмиш ва зичлаш пайтида ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозернинг иш жараёнининг индивидуал операциялари сифатини баҳолайдиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқдик:

- ҚМЧларни текислаш бўйича операциялар сифати йиғилган ҚМЧлар ҳажмининг ишлов берилган ҚМЧлар умумий ҳажмига нисбатан кўрсатгичи сифатида аниқланади;
- ҚМЧларни ташиш операциялари сифатини ҳисобга оладиган кўрсаткич транспорт (бульдозер)нинг бошида ва охиридаги суриш призма ҳажмининг нисбати сифатида аниқланади;
- режалаштирилган ва ишлов берилган сирт текисликларининг нисбати режалаштирилган сиртларни текислаш бўйича операциялар сифатини инобатга олувчи кўрсатгич;
- ҚМЧларни зичлаш бўйича олиб борилган операциялар лойиҳаланган зичликка нисбати сифатини инобатга олувчи кўрсатгич[4,5]:

Олиб борилаётган иш жараёнининг операциялари сифатини баҳолайдиган тегишли кўрсаткичларнинг коэффициентларининг қиймати экспертларнинг баҳолаш йўли билан аниқланди. "Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш станцияси" давлат унитар корхонаси бўлинмаларида ишлайдиган бульдозерлар учун қуйидаги қийматлар қабул қилинган α_i (1-жадвал).

1-жадвал

Иш жараёнининг индивидуал операцияларини бажариш сифат кўрсаткичларини асосий коэффициентлари

№	Кўрсатгич номи	Белгиланиши	Коэффициент қиймати
1	ҚМЧлар қоплаган майдон сиртини планировка қилиш (текислаш) бўйича қилинган ишларни баҳоловчи кўрсатгич	$K_{пл}$	0.45
2	ҚМЧларни ташиш бўйича қилинган ишни баҳоловчи кўрсатгич	$K_{тр}$	0.30
3	ҚМЧларни қазиш бўйича қилинган ишни баҳоловчи кўрсатгич	K_k	0.15
4	ҚМЧларни зичлаш бўйича қилинган ишни баҳоловчи кўрсатгич	$K_{уп}$	0.10

1-жадвал қийматларини қўллашда ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозер ишчи ускуналаринг асосий параметрларини асослаш ва танлаш мақсадга мувофиқдир, бундан ташқари самарадорликнинг нисбий кўрсаткичлари сифатида энергиядан, материаллардан унумли фойдаланиб, унумдорлик ва бошқалар ишлатилиши мумкин.

Ёнлама кенгайтиргич ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозерларни рационал ишлатиш соҳасини қуйидаги кўрсаткич асосида белгилаш мумкин:

$$K_{\text{эф}} = \sum_{i=1}^n K_{\text{эф}i} P_i, \quad (2)$$

бу ерда P_i - i - иш процессидаги операцияни бажариш эҳтимоли;

n - машина томонидан бажариладиган операциялар умумий сони.

Асосий двигателнинг қуввати ўзгариши унинг оғирлиги ортиши ёки операторнинг иш шароитининг ёмонлашиши билан боғлиқ бўлмаган модернизация пайтида машинанинг самарадорлигига унинг унумдорлиги асосий таъсир кўрсатади[6,7]:

Бульдозернинг физик моделлаштириш стендидаги тажрибавий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжараларни ўрнатишда машинанинг ишончилилик даражаси ўзгармаган, шу муносабат билан ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозланган бульдозердан самарали фойдаланиш соҳалари (2) формуласи асосида, машинанинг назарий унумдорлиги инобатга олинган ҳолда аниқланди. Шунинг учун самарадорлик кўрсаткичи қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$K_{\text{эф}} = \sum_{i=1}^n \frac{\Pi_{iH} K_{iH} \alpha_{iH}}{\Pi_{iTP} K_{iTP} \alpha_{iTP}} \times P_i, \quad (3)$$

Бу ерда “ H ” индекси янги техник ечимга ва “ TP ”- индекси эса мавжуд ечимга тегишли.

ХУЛОСА: Олинган ифодани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, машинанинг самарадорлигини оширишга қуйидагича эришиш мумкин: иш сифатини доимий ушлаб туриш ва иш унумдорлигини ошириш йўли билан; иш унумдорлигини доимий ушлаб, иш сифатини ошириш билан; иш унумдорлигини ва иш сифатини ошириш орқали. Бульдозер отвалини ёнлама кенгайтиргичлар ва вертикал панжара билан жиҳозлаш машинанинг ишлашига ўзгача хусусиятларни киритмайди, аммо элтиш призмасининг боғлиқлик структурасига таъсир этади, шу сабабли машинанинг унумдорлигини аниқлаш учун ушбу боғлиқликни ривожлантириш зарурати туғилади.

ҚМЧларни ташиш жараёнининг энергия сарфи машинанинг унумдорлигига таъсир қилади, бу ўз навбатида, кесишга қаршилиқнинг горизонтал компонентининг қиймати, ҚМЧларни ташкил қилувчи майда қисмларининг қарши ҳаракатига ва элтиш призмасининг ҳаракатига қаршилиқ билан белгиланади. Шунинг учун ҚМЧлар қазиш жараёнини назарий таҳлил қилишнинг асосий вазифаси қазиш қаршилиқининг горизонтал компоненти чиқиндининг асосий параметрларига, ҚМЧларнинг физик-механик хоссаларига, қазиш текислаш жараёнларининг режимларига боғлиқлигини акс эттирадиган математик моделларини ишлаб чиқишдир.

Адабиётлар

- [1]. Лихачев В.И. Исследование эффективности бульдозера с управляемыми уширителями. Автореферат дис. канд. техн. наук. - М. 1975. – 23 с.
- [2]. Мирсадыков М.А. Определение параметров и области применения бульдозерного оборудования с челюстным захватом и выступающей ножевой системой. Автореферат дис. канд. техн. наук.-М.: МАДИ, 1982. - 20 с.
- [3]. Соколовский В.В. Статика сыпучей среды. М.: Физматгиз.1960. – 214 с
- [4]. Баловнев В.И. Многоцелевые дорожно-строительные машины/ В.И. Баловнев.-Омск; М.: Омский дом печати,2006.-320с.
- [5]. Баловнев В.И. Определение параметров и выбор землеройной машины/В.И. Баловнев.-М.-Омск: ЗАО «Полиграф», 2010. – 224 с.
- [6]. Баловнев В.И. Оценка инновационных предложений в дорожной и строительной технике. М.: МАДИ. 2008. – 99 с.
- [7]. Баловнев В.И. Моделирование процессов взаимодействия со средой рабочих органов дорожно-строительных машин/В.И. Баловнев. -2-е изд.-М.: Машиностроение, 1994. – 432 с.

SUT ZARDOBINI SAMARALI UTILIZATSIYA QILISH YO'LLARI

D.I. G'anijonov¹, O.Y. Ismailov²

¹Guliston Davlat universiteti, doniyorofficial1996@gmail.com

²O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Umumiy va noorganik kimyo instituti
(Qabul qilindi 11.04.2023 y.)

Inson rasionida vitamin va oqsilga boy mahsulotlar iste'molining kamligi qayta ishlash jarayonida yo'qotishlarni oldini olgan holda xom ashyoni kompleks tarzda qo'llab, biologik to'laqonli oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishni taqozo qiladi. Shundan kelib chiqib, sutni qayta ishlash jarayonida chiqitsiz texnologiyani yaratish orqali inson ratsioniga qo'shimcha tarzda oqsillar, vitaminlar, mikro va makro elementlar ulushini ortish imkoni yaratiladi.

Kalit so'zlar: oqsil, kazein, quruq modda, terner, pasterizatsiya, bakteriya, tvorog, zardob, sterilizatsiya, nuklein va sut kislotalari.


Низкое потребление витаминных и белковых продуктов в рационе человека требует комплексного использования сырья и получения биологически полноценных пищевых продуктов с предотвращением потерь при переработке. Исходя из этого, путем создания безотходной технологии при переработке молока можно увеличить долю белков, витаминов, микро- и макроэлементов в рационе человека.

Ключевые слова: белок, казеин, сухое вещество, тернер, пастеризация, бактерии, творог, сыворотка, стерилизация, нуклеиновая и молочная кислоты.

Low consumption of vitamin and protein products in the human diet requires the integrated use of raw materials and the production of biologically complete food products with the prevention of losses during processing. Based on this, by creating a waste-free technology in the processing of milk, it is possible to increase the proportion of proteins, vitamins, micro- and macroelements in the human diet.

Key words: protein, casein, dry matter, turner, pasteurization, bacteria, cottage cheese, whey, sterilization, nucleic and lactic acids.

Sut tarkibiga kiruvchi asosiy moddalar va ularning o'rtacha miqdori quyidagicha taqsimlanadi: umumiy oqsil 3-3,3%; asosiy oqsil (kazein) 2-2,8%; zardob oqsillari miqdori 0,4-0,5%; i oqsil azotli moddalar 0,17-0,38%; laktoza 4,4-5,0%; sutdagi barcha quruq moddalar miqdori 11,5-13%; moyliligi 3-6% bo'lishi mumkin.



1-rasm Sutda tayyorlanadigan oziq-ovqat maxsulotlari.

Korxonaning turidan qat'iy nazar sutli mahsulotlar qabul qilinishidan oldin, laboratoriyada mazasi, rangi, xidi, kislotaliligi, yog' va oqsil moddasi kabi asosiy ko'rsatkichlari hamda bakteriyalar bilan ifloslanganlik darajasi aniqlanadi. Bunda sutning moyliligi 3,2% dan kam bo'lmasligi va kislotaliligi 20°T (Terner) dan yuqori bo'lmasligi shart. Ana shu ko'rsatkichlar asosida xulosa qilinib, agar belgilangan GOST talabiga sut egasiga qaytariladi. Laboratoriya xodimlari korxonadagi barcha sexlarning ishini va

oxirgi mahsulot sifatini nazorat qilib turadi. Laboratoriyaning maxsus bo'limida sut bakteriyalarini qo'shish yo'li bilan ishlab chiqariladigan mahsulotlar uchun sof kulturalar tanlab olinadi. Shuning uchun sutni qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish laboratoriya muhim ro'l o'ynaydi [1].

